

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАХПИРАТ НОМИДАГИ ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ  
ТАРИХИ ИНСТИТУТИ  
ЭРОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЎЗБЕКИСТОНДАГИ  
ЭЛЧИХОНАСИ МАДАНИЯТ ВАКОЛАТХОНАСИ

МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

# МАСНАВИЙИ МАЪНАВИЙ

ТЎРТИНЧИ КИТОБ

Фарсийдан  
Ўзбекистон халқ шоири  
ЖАМОЛ КАМОЛ  
таржимаси

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти



Эрон Ислом Республикаси «Ал-Худо» халқаро нашриёти

Тошкент–2003–Теҳрон

Жаҳон мумтоз адабиётининг энг буюк сиймоларидан, башарият шоири деб шуҳрат қозонган забардаст аллома Мавлоно Жалолиддин Румийнинг энг ёрқин дурдонаси бўлмиш «Маснавийи маънавий» асари ўзбек тилида биринчи марта нашр этилмоқда.

Қарийб саккиз асрдан бери Жалолиддин Румийнинг номи тиллардан тушмайди, румиёна сатрлар эллардан элларга ўтиб, жаҳон кезади.

Китоб кенг оммага мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: Жаъфар Муҳаммад (Ўзбекистон)

М 4702620102-з-732 Рез. 2003

М 355(04)-2003

ISBN 5-648-02958-6

© Ўзбекистон Республикаси  
ФА «Фан» нашриёти,  
«Ал-Ҳудо» халқаро нашриёти,  
Эрон Ислом Республикаси-  
нинг Ўзбекистондаги элчихо-  
наси Маданият ваколатхонаси,  
Махпират номидаги Ўрта  
Осиё халқлари тарихи инсти-  
тути, 2003 йил.

## МАСЪУЛ МУҲАРРИР ИЗОҲИ

Ушбу таржима «Маснавий»нинг энг мукамал нусхаларидан бири - эронлик машҳур мавлавийшунос олим, филология фанлари доктори Муҳаммад Истеълومий томонидан 7 жилда тайёрланиб, 2000 йили Теҳронда нашр этилган нусхаси асосида амалга оширилди.

«Маснавий»нинг Муҳаммад Истеълумий томонидан тайёрланган матн асарнинг тўрт қадимги қўлёзма нусхалари - Қуниёнинг 668 ва 677 рақамли қўлёзма нусхалари, Қуниёнинг иккинчи нусхаси, Эрон Миллий Кутубхонасида 715 рақами остида сақланаётган қўлёзма нусха ва машҳур инглиз мавлавийшунос олими Р.Никелсон ҳозирлаган нашрга асосланади.

Мазкур нашрда «Маснавий» нинг 6 китоби, ҳар бир китобда мукамал изоҳлар, 7-жилда эса «Кашф-ул-абёт», яъни асардаги барча байтларнинг мундарижаси берилган. Ушбу таржима ана шундай бир мўътабар нашр асосида амалга оширилганлиги билан ҳам эътиборга моликдир.

## БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМ

Бу - манзилларнинг энг гўзали, суду самарларнинг энг буюги томон тўртинчи сафардир. Боғу бўстонлар кўк гулдиросини тинглаб, қанчалар қувонса, кўзлар ором уйқулар ила қовушиб, қанчалар роҳатланса, буни ўқиган орифлар ҳам шунчалар ҳузур-ҳаловатларга тўлгай. Жонларга фароғот бу, баданларга шифо... Солих бандаларнинг саёю ҳаракатларига, соликларнинг хоҳиш-истакларига бензар. Кўзларга ором ва таскин, жонларга қувонч бағишлар. Тера оладиган кишига пишиб етилган меваларнинг энг сархили, тилакларнинг энг суюги бу. Хастанни табибга йўллар, ошиқни севгилиси висолига етиштирар. Оллоҳга ҳамду санолар бўлсинким, эҳсонларнинг энг муаззами, кўнгил орзу қилган нарсаларнинг энг мукаррамидир бу тўртинчи китоб. Муҳаббат аҳду паймонини янгиловчи, машаққатда қолганларнинг мушкулини осон этгувчидир. Ҳақ йўлидан узоқлашганлар бунга боқиб, ғам-ҳасратда қолурлар, Ҳақ йўлида саодатга етишганларнинг севинчу шукроналари зиёда бўлгай.

Бу китоб ичида хушовоз аёлларнинг кўксида топилмайдиган дурру марваридлар яширинган. У илоҳий маърифат соҳиби бўлган ва Аллоҳ хизматида юрган кишиларга ажру мукофат, кўк узра тўлин ой, инъом этилган (қайтиб келган) бахту саодатдир. Ҳаққа талпинган кишиларнинг умидини оширар, Ҳақ йўлида камарбаста кишиларга ғайрат ва матонат бағишлаб, сўнган умидларга жон бергувчи, булутлар ортидан боққан қуёшдир бу китоб. Бизга боққан, биз билан дийдорлашганларга - нур, келажак авлодларимиз, фарзандларимизга - хазина.

Аллоҳга шукр этмоқ учун ундан марҳамат сўраймиз. Чунки, шукрона - қўлга киритилган неъматларни қўлдан

чиқармаслик чораси, янги неъматларга эришмоқ тадоригидир. Ҳамма нарса Парвардигорнинг хоҳиш-иродаси била бўлмай.

*Мени маъюсу маҳзун айламишди бўйла бир ҳолат,  
Кўзим уйқуда эрди, ел эсарди елпиниб, роҳат.\**

*Эман шохига қўнган бир кабутар бошлади нола,  
Таралди ногаҳон ҳув-ҳув, ёйилди боғ аро ҳасрат.*

*Кабутардан бурунроқ йиғласайдим, нола чексайдим,  
Севар ёр ҳажрида таскин топардим балки бир муддат.*

*Кабутар йиғлади аввал, мени ҳам айлади гирён,  
Ким олдин бошласа, бас, ундадир устунлигу нусрат.\*\**

Аллоҳ лутфу карами, мўл-кўл марҳамати ила келиб-кетганларни раҳмат айласин, келажак мўминларни ҳам.

Аллоҳдир тилакларнинг энг хайрлиси, эътимодларнинг энг азамати. Аллоҳдир энг улуг соябон, марҳаматлиларнинг энг марҳаматлиси. Комилларнинг энг комили, ворисларнинг энг юксаги, саховатпешаларнинг энг мукаррами Аллоҳдир. Бандалик даласини шудгорлаб, уруғ қадаганларга ризқ берувчи унинг ўзидир ёлғиз.\*\*

Сарваримиз ҳазрат Муҳаммадга, унинг муборак хонадонига, барча пайғамбарлар, юборилган элчиларга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин.

Омин, ё Раббул олаимий!\*\*\*

---

\* Сўнги байт машҳур араб шоири Жамолиддин Абдул Ҳасанул Кифтий қаламига мансуб.

\*\* Қуръони карим, Марям сураси, 40-оятга ишорат.

\*\*\* Китобга ушбу сўзбошидан ташқари яна бир ихчамроқ сўзбоши ҳам ёзилган. Биринчи сўзбошидаги фикрлар такрор этилганини ҳисобга олиб, биз уни таржима қилишни лозим топмадик.

## ДЕБОЧА

Эй Зиёвулҳақ Ҳусомиддин, қавий,  
Ошди нурунг бирла ойдан Маснавий.

Улки, олий ҳимматинг, эй меҳрибон,  
Бошлагай бизни, Худо билгай, қаён.

Маснавий бўйнига арқон бойладинг,  
Билганинг ёққа азимат айладинг.

Маснавий юргай, кўринмас йўлчиси,  
Кўзки ботил эрса, қандоқ кўргуси?

5 Маснавийни бошлабон, битгувчи сен,  
Гар узанса ул, узун этгувчи сен.

Неки истарсен, Худо хоҳлар чунин,  
Ҳақ берур ҳар неки истар муттақин.

Борлигингни бердинг Оллоҳга, рафиқ,  
Этди Оллоҳ ҳам карамни шул тарийқ.

Маснавийким муқтадо айлар сени,  
Қўл очиб шукру дуо айлар сени.

Маснавийда кўрди ҳаққингга дуо,  
Лутфини сенга зиёд этди Худо.

10 Чунки шокирга зиёрат ваъдадир,  
Ҳаққа еткизгувчи аъмол - саждадир.

Деди, васжуд вақтариб, Яздонимиз,  
Қурби жондир саждаи абдонимиз.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Тангримиз: сажда қил ва яқинлаш, деди. Танимиз сажда этаркан,  
бу жон яқинлиги аломатидир...

Маснавий сўнги узайса, ул сабаб,  
Демаким, лофу ҳаво, ҳой-ҳуй сабаб.

Ёз узумни ортгуродур, ортамиз,  
Юрғиз ҳукминг, торт дегилким, тортамиз.

Торт бу карвонни дамо-дам, токи ҳаж,  
Эй амири сабру мифтоҳул - фараж.

- 15 Ҳаж деган асли тавофи хонадир,  
Рабби байт ҳаж айлаган - мардонадир.

Мен зиё дедим Ҳусомиддин сени,  
Бир зиёдирким, қуёш, дерлар ани.

Ул Ҳусому бул зиё бирдир, жигар,  
Тиғи хуршид ҳам зиёдир, жилвагар.

Нур ёғур ойдан, қуёшдандир - зиё,  
Сен ўқи бул нуқтани Мусҳаф аро.

Шамсни Қуръон зиё деб номлади,  
Ойни эрса, нурга нисбат айлади.

- 20 Офтоб ойдан баланддир, ўйласанг,  
Баски, нурдан ҳам зиё эрмиш баланд.

Ой нурида йўл юрилмас ҳеч қачон,  
Офтоб юз очса, бўлгай йўл аён.

Ҳар не борким, ул намоён қилгуси,  
Ложарам бозор-да кундуз бўлгуси.

Асли сохта бўлгай охир ошкор,  
Топмагай ҳеч ҳийлаву алдов қарор.

Офтобдин нурга чулғанди замин,  
Буйла раҳмат ичра қолди оламин.

- 25 Қалбаки пул офтобни истамас,  
Пучлиги бўлгай аён офтобда, бас.
- Улки сарроф жонига душман тамом,  
Душмани дарвеш эрур куппак мудом.
- Анбиё ёвлар-ла этгайдир саваш,  
Рабби саллам, дер малойиклар туташ.<sup>2</sup>
- Бул чироқни, нур таратгай ул чунон,  
«Пуф» дегувчи ўғрилардин тут омон.
- Ўғри, қаллоб нурга душмандир, гараз,  
Тут омон, фарёдрас, фарёдрас!
- 30 Соч ўзинг тўртинчи дафтар узра нур,  
Офтоб тўртинчи осмондин келур.
- Соч нурун тўртинчига хуршидвор,  
Порласин шаҳри чаманлар, бу диёр.
- Ким буни афсун деса, афсона ул,  
Ким ҳақиқатдир, деса, мардона ул.
- Мавжи Нил қибтийга сувмас, хун эди,  
Лек Мусо қавмига ул тўлқин эди.
- Бу суханга ким ёмон солгай назар,  
Маскан ўлгайдир анга қаъри сақар.
- 35 Эй Зиёвулҳақ, чу кўрдинг ҳолини,  
Ҳақ аён этди анинг аҳволини.
- Гайбни кўрган кўзларинг нам бўлмасин,  
Бу жаҳонда толеинг кам бўлмасин.

---

<sup>2</sup> Рабби саллам - Худойим, ўзинг асра.



Ул ҳикоятким, дедик суҳбат аро,  
Гар тамом этсак уни, бўлғай раво.

Мардга юзлан, айла нокасларни тарк,  
Қиссининг поёнига етмоқ керак.

Ул ҳикоят унда этмишди давом,  
Айлагил тўртинчи дафтарда тамом.

**ҚОРОВУЛДАН ҚЎРҚИБ, БОҚҚА ҚОЧГАН ВА У  
ЕРДА СЕВГИЛИСИНИ УЧРАТИБ ҚУВОНЧИНИ  
ИЧИГА СИҒДИРОЛМАЙ, ҚОРОВУЛНИ ДУО  
ҚИЛГАН ОШИҚ ҲИКОЯСИНИНГ ОХИРИ.  
«ШУНДОҚ НАРСАЛАР БОРКИМ, УЛАРНИНГ ЮЗ  
БЕРИШНИ ИСТАМАЙСИЗ, ҲОЛБУКИ СИЗ  
УЧУН УЛАР ХАЙРЛИДИР»<sup>3</sup>**

40      Хуллас ул ошиқ эшикбонни кўриб,  
Боғ сари қочди магарким от суриб.

Боғ аро эрди ўшал соҳибжамол,  
Эрди саккиз йил унинг ишқида дол.

Соясин кўрмак-да беимкон эди,  
Мисли анқо эрди ул, пинҳон эди.

Кўрмиш эрди, боқмиш эрди бир қиё,  
Бўлмиш эрди чун асиру мубтало.

Сўнгра нелар этди, нелар этмади,  
Ул санам ошиққа юз кўрсатмади.

45      Этмади таъсир тавалло, ганжу мол,  
Бетамаҳ, беҳожат эрди ул ниҳол.

Ақли ошиқнинг не эрмиш матлаби,  
Ҳақ агар амр этса, тотгайдир лаби.

<sup>3</sup> Қуръони карим. Бақара сураси, 216-оятга ишорат.

Улки андоқ ахтариб, излаб қолур,  
Ҳақ унинг пойига ҳар кун банд солур.

Улки изларкан, суниб атрофга кўз,  
Ҳақ ёпиб эшикни, дейди: ҳақни чўз.

Ул келиб кетгай эшикка неча бор,  
Гоҳ умидга, гоҳ умидсизликка ёр.

50 Ҳар киши бўлса умид, қайғусида,  
Очилур бир кун эшик ўтрусида.

Очилур, лекин ёпилгайдир яна,  
Ул гариб ўт ичра қолгайдир яна.

Боқки ошиқ кирди боққа ул замон,  
Ботди бойликка оёғи ногаҳон.

Тангри этмишди эшикбонни сабаб,  
Ул сабаб қочмишди ошиқ бул тараф.

Бог аро ул нозанин, дилдор эди,  
Илкида шамъи чароғи бор эди.

Эрди ул жон офати кўзлар сузук,  
Кўз сузиб, ирмоқда изларди узук.

55 Ошиқ ул завқ ичра қолди шул нафас,  
Ул эшикбонни дуо айларди, бас.

Мен қочиш бирлан магар этдим зиён,  
Бошига тўк олтининг, эй меҳрибон.

Ҳар ёмонликдин уни озод, қил,  
Этди шод кўнглимни, сен ҳам шод қил.

Бул жаҳону ул жаҳонда бил асос,  
Айлагил яқбора итликдин халос.

Феъли - хўйи бўйладирким, эй Худо,  
Ҳар нафас мардумга истайдир бало.

60 Шоҳ мусулмонларни қийноққа солур,  
Деб хабар етганда хурсанд эрди ул.

Десаларким, шоҳ мурувват айлади,  
Аҳли мўминларга шафқат айлади,

Жони мотам ичра қолгайдир тамом,  
Бўйла юз идборга<sup>1</sup> соҳибдир авон.<sup>4a</sup>

Ул касофатни дуо айлар эди  
Ул сабаб ошиқда карру фар эди.

Ўзгаларга захр, анга тарёқ эди,  
Чунки ёри васлига муштоқ эди.

65 Даҳр аро мутлақ ёмонлик йўқ, инон,  
Не ёмонлик борки, нисбийдир ҳамон.

Борму захреким шакар, қанд бўлмагай,  
Ё оёқ борму магар, банд бўлмагай.

Ул бировга пой, бировга пойбанд,  
Оғу гар Тошматга ул, Эшматга қанд.

Заҳри мор гарчи илонларга ҳаёт,  
Одамий жонига офатдир, мамот.

Махлуқи обийга дарё мисли боғ,  
Махлуқи хокийга лекин маргу доғ.

70 Эй рафиқ, боққил жаҳонга бор-бор,  
Буйла нисбатларни кўргайсен ҳазор.

---

<sup>1</sup> Идбор - бадбахтлик, иқболнинг тескариси.

<sup>4a</sup>Авон - соқчи, посбон.

Зайд бировлар наздида шайтон эмиш,  
Лек бировлар наздида султон эмиш.

Ул дегайким, мўмин ичра мўмини,  
Бул дегайким, кофир ул, ўлдир уни.

Битта кимса чун бировларга жинон,  
Лек бировларга нуқул ранжу зиён.

Истасанг гар сенга бўлсин ул шакар,  
Сен анга ошиқ бўлиб солгин назар.

75 Ўз қароғинг бирла кўрма хубни сен,  
Кўр фақат толиб бўлиб, матлубни сен.

Сен кўзингни юм унинг олдида, бас,  
Кўргали ошиқ кўзин олгил эваз.

Кўзни сен андин эваз ол, эй жигар,  
Сўнгра ул сиймо сари солгил назар.

Термулиб сен, олма кўнглинга малол,  
Деди: коналлоҳу лаҳбул, Зулжалол.<sup>5</sup>

Кўзу кўнгил, қўл бўлай унга мудом,  
Давлатим мудбарни тарк этсин тамом.

80 Қанча макри бор эса, улдир далил,  
Маҳбуб олдида ҳабиб эрмиш халил.<sup>6</sup>

---

<sup>5</sup> Ким Оллоҳники бўлса, Оллоҳ уникидир.

<sup>6</sup> Мудбар - бадбахтлик. Халил - дўст.

**ҲАР ГАЛ ВАЪЗ АЙТАРКАН, БОШДАНОҶ  
ЗОЛИМЛАРНИ, БАҒРИ ТОШЛАРНИ,  
ЎБТИҚОДСИЗЛАРНИ ДУО ЭТГУВЧИ ВОИЗ  
ҲИКОЯСИ**

Бор эди воизки, ваъз сўйлар эди,  
Йўлтўсарларни дуо айлар эди.

Қўл очиб, дердики, ё Раббий Жалил,  
Телба, муфсидларга шафқат айлагил.

Сен ая кофир кўнгил, дайр аҳлини,  
Улки хор этгай мудом хайр аҳлини.

Айламасди ҳеч тамизларни дуо,  
Айлар эрди ул ҳабисларни дуо.

85 Дедилар унга: ярашмас бул ишинг,  
Аҳли нокасларни эъзоз этмишинг.

Деди: кўрдим мен улардин яхшилиқ,  
Ўрнидир этсам дуосин унчалиқ.

Унчаким жабру жафолар қилдилар,  
Ки, ёмонлиқдин мени бездирдилар.

Юз бурар бўлсам магар дунё тараф,  
Ҳар сафар етди алардин заҳму зарб.

Ул тараф бурса магар озор мени,  
Йўлга солди бўрилар такрор мени.

90 Чун улар боис бўлиб, бўлдим салоҳ,  
Бас, бугун жоиз эрур этсам дуо.

Банда ранжу гам чекиб, дод айлагай,  
Юз шикоят бирла фарёд айлагай.

Ҳақ дегайким, сенга етган ранжу дард,  
Ҳаққа юзлангирди, сен бўлдинг жумард.

Боқма ул неъматга, рад этгил ани,  
Ки азиз остонадин сўргай сени.

Дарҳақиқат ҳар адув дармон сенга,  
Кимиёву фойдаву эҳсон сенга.

95 Чунки душмандин қочарсен доимо,  
Сўнгра истарсен баса лутфи Худо.

Дўстларингдир асли жонинг душмани,  
Ҳазратингдин айру тутгайлар сени.

Барча билгайдир магар бурсиқ деса,  
Ул семиргайдир магар калтак еса.

Кўрмаму зебо бўлур калтак била,  
Зийрагу доно бўлур калтак била.

Нафси мўмин ҳам магар бурсиқдир ул,  
Меҳнату заҳмат ила комил бўлур.

100 Ул сабабдин эл аро ранжу шикаст,  
Ҳаммадан ҳам авлиёга етди, бас.

Жонлари жонлардин авлодир магар,  
Чунки кўп жабру жафолар кўрдилар.

Дору чун терига сайқал бергуси,  
Кўп латифдир, ўйла, Тойиф териси.

Силлиқ этгайлар неча дору суриб,  
Йўқса қолгай нохушу нопок бўлиб.

Одамий ҳам бўйла бир терисимон,  
Нам, рутубатлар чекиб, бўлмиш гарон.

- 105 Унга аччиқ дору - дармонлар зарур,  
Токи пок бўлсин, латифу равшан ул.  
Йўқ дема сен, рози бўлгил, эй фалон,  
Гар Худойим берса кулфат ногаҳон.»  
Дўст балоси поклагай жонингни бот,  
Илму тадбирингдин ул устун, зиёд.  
Гар сафо кўрса, бало ширин бўлур,  
Хуш келур дору чу сиҳбатдин бўлур,  
Бўлгуси суду самарни кўрса эр,  
«Эй азизлар, ўлдириглар бизни»<sup>7</sup>, дер.

- 110 Бул авомким, ўзгага суд айлади,  
Қувди ўзни, балки мардуд айлади.  
Кесди ўзни раҳми иймондин авом,  
Кийни шайтон унга чирмашди тамом.  
Кийнадин қаҳру ғазабдир дам-бадам,  
Ул залолатдир магар, кофирлик ҳам.

### **БИРОВНИНГ ИСО АЛАЙХИССАЛОМДАН, ДУНЁДА ЭНГ БУЮК ҚУДРАТ НИМА, ДЕБ СЎРАГАНИ**

- Бир куни сурди Исодин кимсадир:  
Бу жаҳонда энг буюк қудрат надир?  
Деди: эй жон, энг буюк - қаҳри Худо,  
Титрагай андин жаханнам ўт аро.  
115 Сўрдиким, қаҳри Худога не илож?  
Дедиким, кўп берма қадрингга ривож.

---

<sup>7</sup> Хусайн бин Мансурил Ҳаллож сўзи.

Чун авом - қаҳру газаблар маъдани,  
Эрк бериб, ҳайвондин ўтказгай ани.

Бир умид айларму раҳматдин магар,  
Бул сифатдин кечмаса ул беҳунар?

Бўлмагай олам уларсиз, чора йўқ,  
Бул сухан ҳам беҳуда, бечора йўқ.

Даҳр аро гар сув эса, сийдик-да бор,  
Сийдик ҳеч бўлгайму поку бегубор?

### **ОШИҚ ҚАЛТИС ҲАРАКАТ ЭТАРКАН, МАЪШУҚА УНИ СИЛТАБ БЕРГАНИ**

120 Ёрни ёлғиз кўрди, ўзни қистади,  
Бўлди қучмоқ, бўса олмоқ истади.

Учди шунда гул дудоқдин қичқириқ:  
Беадаблик қилма, ҳой, эсингни йиғ.

Деди: хилват, бунда йўқ бир кимса ҳам,  
Сув оқар, мен ташнадирмен, эй санам.

Кимса йўқ гириллаган елдан бўлак,  
Бир нафас васлинг тилармен, эй малак.

Қиз дедиким, мунчалар нодон ўзинг,  
Оқил эрмассен, аён айлар сўзинг.

125 Ел эсаркан, елни эсдиргувчи бор,  
Амр этиб, ҳар ёнга кездиргувчи бор.

Елни эсдиргувчидир Ҳақ қудрати,  
Қудрати измида бўлгай суръати.

Теграмизда ел, ҳаволарда нафас  
Елпуғич ўйнатмагунча ўйнамас.



Сен кераксен, елпугич лозим бўлар,  
Йўқса ел тегранда бўлмас жилвагар.

Лабдин учган ҳар нафаским бардавом,  
Жону тан ҳукмида тургайдир тамом.

130 Гоҳи бир дам мадҳу пайгом этгасен,  
Гоҳи бир дам ҳажву дашном этгасен.

Ўзга еллар не эмишлар, эмди кўр,  
Жузвдин Кулл ҳолати маълум бўлур.

Елни гоҳ ҳусни баҳор айлайди Ҳақ,  
Қишда лутф этмайди, хор айлайди Ҳақ.

Қавми Од устига сарсар айлағай,  
Қавми Ҳуд узра муаттар айлағай.

Айлағай гоҳ елни ул захри самум,  
Тонг сабосин айлағай ҳуррам қудум.<sup>8</sup>

135 Дам - нафасни этди умрингга, асос,  
Бошқаларни унга этгайсен қиёс.

Сўз бўлурму бенафас, белутфу қаҳр,  
Кимга ул - шаҳду шакар, кимларга - захр.

Елпугич ул жонга ором айлағай,  
Елпиниб, пашша, чивинни ҳайдағай.

Ўйнатур қисмат бошингда елпурич,  
Келмағайму бир бало бошиигга ҳеч?

Ул нафас ҳам елпугичдин бир асар,  
Ёки бузмоқ, ёки тузмоққа эсар.

---

<sup>8</sup> Ҳуррам қудум - қадами қутлуғ.

140 Бул шимолу, бул сабову, бул дубур<sup>9</sup>,  
Лутфу эҳсондин қачон соқит эрур?

Бир ҳовуч дон ол, уни кафтингда кўр,  
Билки, омбор ичра бугдой бўйладир.

Бизга ел йўлларму эрди осмон,  
Елпуғич елпитмасайди бодрон.<sup>10</sup>

Жумла деҳқон ҳам экинзор қошида,  
Бир шамол сўрмасми хирмон бошида?

Токи айрилгай баче дондин самон,  
Сўнгра омборларда дон тутсин макон.

145 Ел кечикса, илтижолар айлагай,  
Ел юборгил, деб нидолар айлагай.

Гар кечикса, эсмаса туғруқ ели,  
Ёлвориб, фарёд чекар туғруқ эли.

Эс, дея елларга амр этгувчи Ул,  
Йўқса, бундоқ илтижо айларму қул?

Кема аҳли ҳам солиб дод узра дод,  
Ел юбор, дер, бизга, эй Раббул - ибод.

Тишларинг оғрир эса, наф айла деб,  
Дод этарсен, елни кес, даф айла деб.

150 Жангда лашкар ҳам тавалло айлабон,  
Дер: зафар елин юбор, эй меҳрибон.

Етса туғруққа машаққат, қочса дард,  
Бор азизлардин сўрайдирлар мадад.

---

<sup>9</sup> Шимол - бу ерда: шимол ели. Сабо - тонг ели. Дубур - гарб ели.

<sup>10</sup> Бодрон - шамол ҳайдовчи, яъни. Худо.

Ҳар ақлким бор эса, билгай яқин,  
Елни еддиргувчи Раббул оламин.

Ҳар ақлга шул ҳақиқат ошкор,  
Ҳар неки қўзғолса, қўзғотгувчи бор.

Ул кўринмайдир магар этсанг назар,  
Англагайсен, чунки ундан бор асар.

155 Танни қўзғотгувчи жондир бегумон,  
Жон вале кўзга кўринмайдир, ниҳон.

Деди: нодонмен адабда эҳтимол,  
Лек вафо бирлан талабда бемисол.

Қиз дедиким, баски бундоқдир адаб,  
Бошқаси буткул аёндир, йўқ ажаб.

### **ХОТИНИНИ БЕГОНА ЭРКАК БИЛАН ТУТГАН СЎФИ ҲИКОЯСИ**

Сўфи қайтди уйига кундуз куни,  
Бир ковушдўз бирла эрди хотини.

Бир эшикли хужра эрди хужраси,  
Хотини бўлмишди шаҳват бандаси.

160 Сўфи ул қоқди эшикни туш маҳал,  
Ичкари аҳли баса танг қолдилар.

Одати йўқ эрди бўйла, бул замон  
Уйига қайтмасди тарк айлаб дўкон.

Шубҳалар уйғонди унда бир талай,  
Ул сабабдин тушда келмишди атай.

Эътимод эрди хотинда бир тугал:  
Эри қайтмас ҳеч дўкондин туш маҳал.

- Лек юритгай ҳукмини қодир қазо,  
Айбни беркитгай, ўзи бергай жазо.
- 165 Чун ёмонлик айладинг, омода бўл,  
Амри Ҳақ бирлан ўсиб унгайдир ул.
- Айбни ёпгайдир Худойим бир даме,  
То ўзи чексин пушаймон одаме.
- Ул Умар айёми эрди, кечди сир,  
Ўгрини жаллодга топширди амир.
- Ўгри қичқирди Умарга: додхоҳ,  
Раҳм қил, илк бора этмишмен гуноҳ.
- Хошааллох, деди ўтрига Умар,  
Илк гуноҳни Тангри ҳам маъзур тутар.
- 170 Дафъа-дафъа кўрсатур ул меҳрини,  
Сўнг баса бошинга солгай қаҳрини.
- Бул сифатлар Ҳақда бўлгайдир аён:  
Бошда шафқат, сўнгра қаҳри беомон.
- Хотин андоқ ишни кўп қилмиш эди,  
Бўйла қилмишни қулай билмиш эди.
- Ноқис ақли англамас эрди магар,  
Кўза бир кун синмаса, бир кун синар.
- Тутди ўйнашларни ул қаҳри қазо,  
Ки мунофиқларни чун маргу фано.
- 175 На тарийқу на рафиқу на омон,  
Жон сўраб тургай фаришта ҳар замон.
- Иккиси бўлди балога мубталд,  
Иккисин ҳам чирмади, олди бало.

Деди сўфи кўнглида: эй икки габр,  
Сизга кийнам бор, вале этгум сабр.

Ўзни мен гўлликка солгум бу нафас,  
Чиқмасин токи маҳаллот ичра сас.

Кийнасин асрайди пинҳон эр киши,  
Аста-аста, дақ<sup>11</sup> каби бўлгай иши.

- 180 Муз каби бўлгай эриб, ҳар лаҳза нам,  
Лек баса дейди: тузукмен, яхшимен.

Алдашур сиртлонни, сиртлон қайда деб,  
Қочмас ул, тушгай тузоққа алданиб.

Уйда беркинмоққа овлоқ йўқ эди,  
Ертўла, даҳлизу қазноқ йўқ эди.

Йўқ эди тандирки, пинҳон бўлса ул,  
Йўқ эди кандирки, чачвон бўлса ул.

Худди маҳшаргоҳ эди ул, ҳойнаҳой,  
На паноҳ бор эрди, на қочмоққа жой...

- 185 Айтди Яздон, не эмиш жойи ҳараж,<sup>12</sup>  
Баҳри маҳшар ло таро фиҳо иваж.<sup>13</sup>

### **ХОТИНИНИНГ МАКР ЭТИБ, ЎЙНАШИ БОШИГА ЧОДРА ЁПГАНИ, ТУРЛИ БАҲОНАЛАР ТЎҚИГАНИ, ЗЕРО, ДЕЙИЛМИШКИМ, ЭЙ ХОТИНЛАР МАКРИНГИЗ БУЮКДИР<sup>14</sup>**

Ўйнаши бошига чодра ёпди ул,  
Сўфига сўнгра эшикни очди ул.

<sup>11</sup> Дақ - сувсоқлик касали.

<sup>12</sup> Ҳараж - танглик, торлик.

<sup>13</sup> Унда на чуқурни, на дўнгликни кўрасиз... Қуръони карим. Тоҳа сураси, 107 - оятга ишорат.

<sup>14</sup> Қуръони карим. Юсуф сураси, 28 - оятга ишорат.

Ўйнаши ошкор эди бешубҳа-шак,  
Ўйлаким, нарвонга чиққан тевадак.

Сўфи кўз ташлаб, баса ҳайрон эди,  
Кўрмаганмен илгари, бу ким, деди.

Деди: бу хотун - шаҳар аёнидин,  
Молу давлатли, улус комронидин.

Кирмасин бегона ногоҳ, нохалаб,  
Деб эшикни қўйган эрдим тамбалаб.

Сўфи сўрдиким, не эрмиш нияти?  
Сўйласин, жон узра бўлгай миннати.

Дедиким, истар қариндош бўлса ул,  
Яхши хотиндир, яна Аллоҳ билур.

Келди ногоҳ бизга қиз кўрмоқ учун,  
Қиз эса мактабга кетмишдир бугун.

Дерки ул ундир, кепакдир, йўқ гила,  
Қизни мен келин қилурмен жон ила.

195 Ўғли бор эрмиш мисилсиз шаҳр аро,  
Ўктаму ишчан, топарман ҳам шужоъ.

Сўфи деди: биз фақирмиз, зору кам,  
Қавми хотун - молдору муҳташам.

Тенглик истайдир никоҳу издивож,<sup>15</sup>  
Бир эшик олтин, бири бўлмас ёғоч.

Бўлмаса тенглик, кўнгиллар тўлмагай,  
Уйда ғам бўлгай, фароғат бўлмагай. \

---

<sup>15</sup> Издивож - уйланиш, турмушга чиқиш.

**ХОТИН, УЛАРГА МОЛ-ЖИҲОЗ ЭМАС,  
ИФФАТЛИ, НОМУСЛИ ҚИЗ КЕРАКМИШ,  
ДЕГАНИ ВА СЎФИНИНГ БУНГА МУЖМАЛ  
ЖАВОБ БЕРГАНИ**

Деди хотин: сўйладим узримни бот,  
Дедиким ул: истамам молу бисот.

200 Мол - бисот, тиллога тўйганмиз баче,  
Мол йиғиш ҳирсини қўйганмиз баче.

Биз тилармиз пардаву поклик, салоҳ<sup>16</sup>,  
Поклик эрмиш икки оламда фалоҳ.<sup>16а</sup>

Сўфи боз йўқсиллигини сўйлади,  
Неки айтмиш эрди, такрор айлади.

Хотини дедик, айтдим неча бор,  
Биз фақирмиз, йўқсилу бечораҳол.

Лекин қарори айнимас айтган билан,  
Юз фақирлик эрса, унга йўқ писанд.

205 Дер: муродим номусу иффат эрур,  
Бизга сиздан сидқ ила ҳиммат эрур.

Сўфи дедик, жиҳозу молимиз,  
Не эмиш, кўрди, аёндир ҳолимиз.

Тангу тор хона, униққан бир макон,  
Бунда бир нина магар бўлмас ниҳон.

Биздаги бул поклигу зуҳду салоҳ,  
Биздан ортиқ унга маълумдир, аё.

Бизда не номус эрур, билгай ани,  
Ўнгу сўлу ҳамда олди, ортини.

---

<sup>16</sup> Салоҳ - яхшилик. <sup>16а</sup> Фалоҳ - нажот.

- 210 Қиз нечук молсизлигини билгай ул,  
Лек ҳалол, номуслигини билгай ул.
- Ота айтмоғи бу сўзни шарт эмас,  
Кун каби равшан эрур бу кўзга, бас.
- Бул ҳикоятни баён этдимки, то,  
Урма лоф, шарманда этгай бул хато.
- Эй, билимдонмен, дея юргувчи зот,  
Бўйла эрмиш сенда азму эътиқод.
- Сен-да хоинсен у хотиндек магар,  
Макр тузоғини қўярсен ҳар маҳал.
- 215 Ки ювуқсизларни алқаб дам-бадам,  
Сен уялмайсен Худодин зарра ҳам.

### **ОЛЛОҲ ҲАММА НАРСАНИ КЎРИБ, ЭШИТИБ ТУРГУВЧИДИР, ДЕЙИШДАН МУРОД..**

- Ўз-ўзини Тангри «Кўргувчи» атар,  
Сенга ул ҳар лаҳза солгайдир назар.
- Ўз-ўзини «тинглаувчи» дейди ул,  
Ки ёмон сўзни оғизга олмагил.
- Ўз-ўзини Тангри «билгувчи» демиш,  
Ки ёмон ишдин йироқлик фарз эмиш.
- Бу сифатлардирки, йўқ исми алам,  
Гоҳи «кофур»<sup>17</sup> деб аталгай занги ҳам.
- 220 Исми муштақдирқи, авсофи қадим,  
На мисоли иллоти увло<sup>18</sup> сақим.

<sup>17</sup> Кофур - оқ.

<sup>18</sup> Тангрининг исми унинг сифатидан майдонга келади. Унинг сифатлари - чексиздир, иллоти увло каби эмасдир.



Йўқса, маъносиэ бўлурди мутлақо,  
Карга «соеъ», кўрга от қўйса «зиё».

Улки кемтикдир, тугал дерму киши?  
Ул хунук эрса, гўзал дерму киши?

Ё гўдакка ҳожи деб берсанг лақаб,  
Ғози, деб айтсанг магар баҳри насаб?

Бул лақаблар бирла мадҳ этсанг ани,  
Ул сифатлар йўқса, булгайму саҳиҳ?

225 Масхара бўлмасму бул ёки жунун?  
Ҳаққа не эрмиш у қавли золимун?

Мен билар эрдим сени, кўрмай ҳамон,  
Юзларинг барно, вале феълинг ёмон.

Мен билар эрдим сениким, бот-бот,  
Қилмишинг эрди шақоват ҳам инод.

Кўзларим тўлдирса ғамларнинг хуни,  
Кўрмасам-да дардидан билгум уни.

Сен мени бир қўзи билдинг, бечўпон,  
Ўйладингким, менга йўқдир посбон.

230 Хайли ишқ боқмас тарафга боқсалар,  
Не ажаб, сўнг ўтда ўзни ёқсалар.

Беҳимоят эрмиш ул жайлон, дединг,  
Теп-текин тутқун, магар ройгон, дединг.

Ғамзадин бир ўқ юракка санчилар,  
Дерки, мен бормен, ёмон солма назар.

Қўзичоқ бирлан улоқдин камми мен?  
Шунчалар бекимса, беодамми мен?

Бор магар бошимда андоқ соябон,  
Меҳрини менга уфургай ҳар замен.

235 Ел магар иссиқ, совуқми, ул билур,  
Гофил эрмас, ҳар не қилса, ул қилур.

Нафси шаҳвоний чу кўрмас Ҳақни ул,  
Пайқаганмен, сенда кўр эрмиш кўнгил.

Сўрмадим ҳолингни саккиз йилда ҳеч,  
Ки жаҳолат ичра юрдинг печ-печ.

Мен кўриб, ҳолингни сўргаймен нечун,  
Баски, сен оташдадирсен, сарнигун.

### ДУНЁ ГУЛХАНГА ЎХШАР, ТАҚВО ЭСА ҲАММОМГА

Шаҳвати дунё магар гулхан эрур,  
Ул сабаб ҳаммоми зуҳд равшан эрур.

240 Муттақийларга ўшал ўтдин сафо,  
Баски, ҳаммом ичрадирлар доимо.

Ағниё<sup>19</sup> гулханга ташлайдир тезак,  
Мақсади ўтни баландроқ айламак.

Тангри бермишдир уларга ҳирси дун,  
Ҳар замон ҳаммомни қиздирмоқ учун.

Сен ўшал гулханни қўй, ҳаммомга бор,  
Ўтни тарк этсанг, бўлур ҳаммом нисор.

Ким гўлахдир, ул магар меҳнатчидир,  
Оқилу собирга бир хизматчидир.

---

<sup>19</sup> Ағниё - бойлар, давлатмандлар.

- 245 Кимки ҳаммом кўрди, ул сиймосидин,  
Маълум ўлгайдир юзи зебосидин.
- Гўлахий бўлгай муқаррар ошкор,  
Юзларин босгай ҳамиша кул-ғубор
- Кўрмасанг ҳам ҳидидан билгунг басо,  
Кўр кишига ҳид магар эрмиш асо.
- Гар ҳидин дам билмасанг сен, гапга сол,  
Янги сўздин янги сирни англаб ол.
- Дер у соҳиб зар гўлах бешубха-шак:  
Кечгача йигдим йигирма қоп тезак.
- 250 Ҳирсингиз ўтдир жаҳонда, эй фалон,  
Ҳар ўти очгай жаҳонга, юз даҳон.
- Тилла ҳам тезак каби оташ эрур,  
Ақлу идрок аҳлига нохуш эрур.
- Офтоб оташ оловлар пуркагай,  
Ҳар не ахлатни оловга буркагай.
- Офтоб тошларни ўртаб, зар қилур,  
Ёндириб ҳирс гулханин, баттар қилур.
- Улки дер, мен молу давлат тўпладим,  
Деса бўлгай, мунча ахлат тўпладим.
- 255 Бул сухан зимнида расволик эрур,  
Гўлахийларга вале фахру гурур.
- Йиққанинг, дер, олти қоп тезак аранг,  
Мен йигирма қоп йиғибдирмен, қаранг.
- Улки тунзоддир, тамизлик кўрмамиш,  
Мушку анбар бўйидин бемор эмиш.

**ТЕРИЧНИНГ АТТОРЛАР РАСТАСИДАН  
ЎТАЎТИБ, МУШКУ АНБАР ҲИДИДАН БЕҲУШ  
БЎЛИБ ЙИҶИЛГАНИ**

Бир киши аттор бозорига етиб,  
Тарки ҳуш айлаб, йиқилди гурс этиб.

Мушку анбар бурнига урган замон,  
Боши айланди, йиқилди ул ҳамон.

260 Тушгача ётди шу янглиғ кўру кар,  
Йўл уза худди ўликдек беҳабар.

Тўпланиб келди халойиқ бошига,  
Ҳар замон ло ҳавла айтиб, қошига.

Қай бири кўксига қўл урди шитоб,  
Юзларига қай бири сепди гулоб.

Билмас эрдиким, ётаркан шул кўйи,  
Боис эрди атру анбар, гул суйи.

Битгаси бошин силаб, селпир эди,  
Гулни намлаб, бошқаси елпир эди.

265 Уд ила шаккарни ёқмиш қай бири,  
Устига яктакни ёпмиш қай бири.

Қай бириси томирин тинглаб эди,  
Қай бириси оғзини ҳидлар эди.

Ул шароб ичганму, дер, бангу ҳашиш,  
Не сабабдин ногаҳон тарк этди ҳуш?

Хонадонига хабар етди шитоб,  
Ки фалон ерда ётур масту хароб.

Бир сабабсиз кимса бундоқ бўлмагай,  
Не синоат кечди, кимса билмагай.

- 270 Бор эди қардоши бир, соҳиб субут,  
Ул дадил эрдию доно, келди зуд.
- Озгина ит ахлати енг остида,  
Бўлди ҳозир хаста боши устида.
- Мен билармен, деди, недан бўлди бул,  
Чун сабаб маълумса, даво дам бўлур.
- Гар сабаб маълум эмас, мушкул ишинг,  
Кўп қийиндир дору-дармон этмишинг.
- Боисин билмоқ сенга наф айлагай,  
Билгисизликни магар даф айлагай.
- 275 Дедиким, шул жисму жонинг қат-қати,  
Бўйладирким, бурқирар ит ахлати.
- Ризқу рўзи кўйида сен яксанақ,  
Кеча-кундуз бўйла бадбўй ичра гарқ.<sup>20</sup>
- Бошқалармас, Жолинус айтмиш буни:  
Хастага не одатийдир, бер уни.
- Одатин тарк этса, қолгай ранж аро,  
Одатий иш қилки, топгайдир даво.
- Юрмиш ахлат ичра, ахлат қурти ул,  
Ул сабаб гул атридин беҳуш эрур.
- 280 Буйлаким, ит ахлати дармон анга,  
Одатийдирким, аниси жон анга.
- “Алхабисотул-хабисин”<sup>21</sup>ни ўқи,  
Не эмишдир маъниси, англаб, уқи.

<sup>20</sup> Тери ошловчилар ўшанда терини силлиқлаш, сайқаллаш учун ит ахлатидан фойдаланишган.

<sup>21</sup> Ёмон хотинлар ёмон эрларнинг насибидир..

Яхшилар қўллайди анбар ё гулоб,  
То тузалгай деб ўшал ҳоли хароб.

Лек палидларга ярашмас таййибот,<sup>22</sup>  
Бу уларга лойиқ эрмас, эй сақот.

Атри Ҳай бирлан уларнинг ақли гум,  
Дод солурлар чун татайюр но бакум.<sup>23</sup>

285 Бизни беморликка солди бу мақол,  
Ваъзингиздин яхшилик кутмоқ маҳол.

Этсангиз панду насиҳат ошкор,  
Сизни тошбўрон қилурмиз, сангсор.

Бизга басдир айшу ишрат, нобимиз,  
Панду ҳикматларга борму тобимиз?

Ошу нондир бизга алдов, лофу лоғ,  
Ўзга неъматларга йўқдир иштиёқ.

Дардимизни чунки афзун айлагай,  
Ақлимизни бори афюн айлагай.

### **БИРОДАРИ БЕМОР ТЕРИЧЕНИ АХЛАТ ҲИДИ БИЛАН ЯШИРИНЧА МУОЛАЖА ЭТГАНИ**

290 Ул йигит сурди халойиқни атай,  
Токи не айлар у, кимса кўрмагай.

Боши узра бошин эгди бир дама,  
Хастанинг бурнига сурди бир нима.

Кафтига ит ахлатин олмиш эди,  
Дору дармон деб уни билмиш эди.

---

<sup>22</sup> Таййибот - тозалик, тамизлик.

<sup>23</sup> Сиз боис балога учрадик...

Хаста оҳиста қимирлай бошлади,  
Барча ҳайрон қолди, бармоқ тишлади.

Дедиларким, сеҳру афсун айлади,  
Ки узуқ жон риштасини бойлади.

295 Чунки фосидларга одат шул эрур,  
Ғамза бирлан кўз сузиб, қош ўйнатур.

Панд-насиҳат атри кимга етмагай,  
Ул палиддир, сўйлама, кор этмагай.

Аҳли мушрикни нажас деб билди Ҳақ,  
Чунки олмишлар нажосатдин сабақ.

Қуртки тушмиш бўйла ахлат кўйига,  
Ўрганолмас мушку анбар бўйига.

Ул тарафга тушмамишдир зарра нур,  
Қалби йўқ тандек баса маҳрум эрур.

300 Ғар насиби бўлса нурдан, ростидан,  
Жўжадек чиққай у ахлат остидан.

Уй товуқдек бўлмагай ҳайрона ул,  
Қуш бўлур, бир оқилу фарзона ул.

Сенда нур йўқ, йўқ яна нурдин умид,  
Бурнинг остига суриб бундоқ палид.

Айрилиқдин заъфарон бир шева сен,  
Чун хазон япроғу думбул мева сен.

Ис босиб буткул қораймишдир қозон,  
Пишмамишдир унда эт, хомдир ҳамон.

305 Бўлди саккиз йил сенга жўши фироқ,  
Йўқ, сени тарк этмади кийну нифоқ.

Гўрадирсен, тошу бепайгом ҳануз,  
Гўралар пишди, сен эрсанг хом ҳануз.

## ОШИҚ ЎЗ ГУНОҲИ УЧУН ЁРИДАН УЗР СЎРАГАНИ

Имтиҳон этдим, деди ошиқ, кечир,  
Истадим билмоқни сабринг қанчадир.

Гар сифотингни эшитганмен неча,  
Лек эшитмоқ ўзга, кўрмоқ ўзгача.

Сен қуёшдирсенки, номинг тоза нур,  
Имтиҳон этса қуёшни, не қилур?

310 Сен-ўзимсен, мен ўзимни имтиҳон,  
Айлағум кўрганда ҳар суду зиён.

Анбиёни ҳам синашди бот-бот,  
Зоҳир айланг, деб, ҳамиша мўъжизот.

Имтиҳон этдим кўзимни мен атай,  
Эй ёмон кўздин кўзингни асрагай.

Бул жаҳон - вайронадир, сен - унда ганж,  
Изласам ганжина, мендин чекма ранж.

Ул сабабдин беҳуда этдим хитоб,  
То урай деб жумла душманларга лоф.

315 То тилим исмингни ҳар гал сўйлағай,  
Кўзларим андин гувоҳлик айлағай.

Йўл тўсиб, бўлдим агарчи роҳзан,<sup>24</sup>  
Келдим, ой, илкимда шамширу кафан.

---

<sup>24</sup> Роҳзан - қароқчи.



Кес оёгимни, яна бошимни ҳам,  
Сендин ўзга бошкесарни истамам.

Сен жудоликдин сўз очдинг, сўйлама,  
Ҳар не этсанг, эт, жудолик айлама.

Бул суханга сўнгу поён борму ҳеч,  
Сўйламоқ имкони бўлмас, бўлди кеч.

- 320 Пўсти келди тилга, марзин сўйламай,  
Сўйлагаймиз бори, шундоқ қолмагай.

### **МАЪШУҚА ОШИҚНИНГ УЗРИНИ РАД ЭТИБ, УНИНГ ҲИЙЛАСИНИ ЮЗИГА СОЛГАНИ**

Воҳки, дилдори жавобга очди лаб:  
Сенда тундир, бизда кундуз, берма чап.

Ҳийлалар туздинг, чу билмаслар, дема,  
Кўзи равшанларни кўрмаслар, дема.

Дилда ҳар не ҳийлаву макрингки бор,  
Ёширинмас, бизга кундек ошкор.

Биз бекитсак айбни мунислик била,  
Сен ошарсен ҳадни юзсизлик била.

- 325 Боқки, бобонг ҳам гуноҳу журм этиб,<sup>25</sup>  
Борди-да пойтакда турди бош эгиб.

Кўрди андоқ олами асрорни ул,  
Бошлади юз тавба, истиғфорни ул.

Ботди гам-андуҳга, юзни бурмади,  
Айбни оқлаб, ўзни ҳар ён ўрмади.

---

<sup>25</sup> Одам алайҳиссаломга ишорат

«Раббано, инно заламно» деди, бас,  
Чунки жондорларни<sup>26</sup> кўрди ул нафас.

Кўрди жондорларни Одам мисли жон,  
Илкида эрди асои беомон.

330 Эг бошингни, дерди, Раҳмон олдида,  
Бўл чумоли, дер, Сулаймон олдида.

Тут фақат ростлик мақомин эрта-кеч.  
Кўз каби инсонга лоло<sup>27</sup> борму ҳеч?

Кўр киши гар панд ила полудадир,  
Ҳар қадамда ул яна олудадир.

Одамо, сен кўр эмассен, сол назар,  
Лек изо жоъал қазо аммил басар<sup>28</sup>.

Кўзлари равшанга лозимдир умр,  
Ки қазо бирлан йиқилган чоҳга ул.

335 Кўрни кўргилким қазо ҳамроҳидир,  
Чун йиқилмоқлик анинг дилхоҳидир.

Ахлат узра ул йиқилгайдир магар,  
Дерки, бул бадбўй қаёқлардин келар?

Мушку анбар этсалар унга нисор,  
Дер: ўзимдандир, эмас эҳсони ёр.

Баски икки равшанинг, соҳибназар,  
Сенга ҳардам юз анодир, юз падар.

Дил кўзи бундан-да етмиш карра хуб,  
Кўзларинг тургай ўшанга қул бўлиб.

<sup>26</sup> Жондорлар - бу ерда, азоб фаришталари.

<sup>27</sup> Лоло - хизматкор.

<sup>28</sup> Қаза келса, кўзлар кўр бўлур.

- 340 Эй дарифоким, йўлимни тўсдилар,  
Тилларим бойлаб, сўзимни кесдилар.
- Пойи боғлиқ кимса юргайму равон,  
Пойибанддирменки, маъзур тут ҳамон.
- Бул сухан келгай шикаста, кўнгило,  
Чунки сўз дур эрса, гайрат - осие.<sup>29</sup>
- Дур агар янчился, бўлгай ўзга ул,  
Тўтиё бўлгай толиққан кўзга ул.
- Эйки дур, офат эмас янчилмоғинг,  
Янчилиб, бордир мунаввар бўлмоғинг.
- 345 Гар шикаста сўйлар эрсам, бил ани,  
Ҳақ сўзи айлайди ажрим, ул гани.
- Ажралиб бугдой бошоқдин, дон бўлиб,  
Янчилиб, келгай дўконга нон бўлиб.
- Ошиқо, айбу гуноҳингдир аниқ,  
Сув ила ёгингни тарк эт, бўл синиқ.
- Улки ул фарзанди Одам эрдилар,  
Оҳ уриб, инно заламно, дердилар.
- Ҳожатинг арз айла, ҳужжат сўйлама,  
Бўлма иблис, беадаблик айлама.
- 350 Беадаблик бўлмиш унга айбпўш,  
Беадаб бўл сен-да, бунга ҳисса қўш.
- Бу - Жаҳлни кўр, Набийдин неча бор,  
Мўъжиза сўрди ўғиздек кийнавор.

---

<sup>29</sup> Осие - тегирмон.

Лекин ул Сиддиқ бунингдек этмамиш,  
Не деса Пайгамбар, ори, рост демиш.

Имтиҳон этмоқчидирсен, айтамен,  
Ўйла, боқ, сен қайдаю мен ^қайдамен.

**БИР ЖУҲУДНИНГ АЛИ КАРРАМУЛЛОҲУ  
ВАЖҲАҲУГА, АГАР АЛЛОҲНИНГ МАДАДИГА  
ИШОНСАНГ, ШУ КЎШКНИНГ ТОМИДАН  
ЎЗИНГНИ ЕРГА ТАШЛА, ДЕГАНИ,  
АМИРАЛМЎМИННИНГ УНГА ЖАБОВ БЕРГАНИ**

Муртазога бир жуҳуд бундоқ деди,  
Ки Худого эътиқоди йўқ эди.

355 Шу баланд кўшк узрадирсен, айт менга,  
Эътиқодинг улки, Хақ ҳофиз сенга?

Муртазо дедики, шундоқ, муҳтарам,  
Ҳақ паноҳдир менга, авлодимга ҳам.

Унда шул томдин ўзингни от, деди,  
Ҳақ мададкор эрканин кўрсат, деди.

Бул далили дину иймонинг бўлур,  
Сўзлаган сўзингга бурҳонинг бўлур.

Муртазо деди: йўлингдин қолмагил,  
Бўйла густоҳликка ўзни солмагил.

360 Улки қул эрмиш, Худого банда, қул,  
Ҳақни бундоқ имтиҳон айларми ул?

Ҳадди борму, ўйла сен, нодону гов,  
Банда ҳеч Аллоҳни этгайму синов?

Ул ярашгайдир Худого, эй фалон,  
Бандаларни этса ҳар дам имтиҳон.

Ҳар не қилдик, ҳар неким кўнгилда бор,  
Унга равшандир, қуёшдек ошкор.

Бандаси дерму сира, айлаб хато,  
Имтиҳон этдим сени, эй Раббано? .

365 Дерму, кўрсат, ҳимматинг қайга етар?  
Кимса борму бунга андоқ жазм этар?

Ақлу ҳуш бошингни тарк этмиш тамом,  
Буйлаким, узринг гуноҳингдин ёмон.

Улки ёлғиз тиклади кўк тоқини,  
Имтиҳон этмоқчидирсенму уни?

Хайру шаррни билмаган, эй бедаво,  
Сен ўзингни имтиҳон эт аввало.

Сен ўзингни имтиҳон этсанг, фалон,  
Ўзгаларни этмагайсен имтиҳон.

370 Не эмишдир бил чу шаккар донани,  
Сўнгра билгайсен у шаккархонани.

Бесабабдин бесабаб, эй ошно,  
Шаккарин сенга насиб этмас Илоҳ.

Имтиҳон этмоқни қўйгил, бил ани,  
Бош эсанг, пойгакда қўймайдир сени.

Қайси оқил, дур тушаркан дастига,  
Боқмайин, ташлар оёғи остига?

Донни ҳеч оғилга жойларму киши?  
Буйла бўлгайму сира доно иши?

375 Шайхки пешво, раҳбари бешак эрур,  
Имтиҳон этса мурид, эшшак эрур.

Имтиҳон этсанг мабодо, оч кўзинг,  
Имтиҳон бергучидирсен сен ўзинг.

Журъату жаҳлинг бўлур урёну фош,  
Ул қачон урён бўлур, эй орқадош?

Зарра ул ҳар қанча ҳар ён чопмагай,  
Тоғни тортмоққа тарозу топмагай.

Ўз қиёсидин тарозу шайлар ул,  
Марди Ҳақни сўнгра унга жойлар ул.

380 Ул ақл мезонига қандоқ сигар?  
Оқибат улким, тарозуси синар.

Имтиҳон этмоқ - тасарруфдир ҳама,  
Бўйла бир шоҳни тасарруф айлама.

Имтиҳон айларму рассомни расм,  
Нақш нетиб наққошига ҳукм айласин? .

Бул жаҳонда неки кўрди, билди у,  
Нақш ила дарж этди наққош, чизди-ку.

Нақш ул не бўлса бўлсин, аслида,  
Не эмишдир илми наққош олдида?

385 Васваса топмиш магарким сенга йўл,  
Баски, бадбахтлик-да сунмиш сенга қўл.

Буйла васвосга тушибсен, зуд-зуд,  
Тангрига юзлан, ҳамоно қил сужуд.

Саждагоҳингга оқиз ашки равон,  
Эй Худо, де, ол гумоним, бер имон.

Ул замонким имтиҳон матлуб эрур,  
Масжиди дининг тўло харруб<sup>30</sup> эрур.

**МАСЖИДИ АҚСО ВА ХАРРУБ ҚИССАСИ. ДОВУД  
АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ СУЛАЙМОН  
АЛАЙҲИССАЛОМДАН ОЛДИН БУ MASЖИДНИ  
ҚУРМОҚҶА КИРИШГАНИ**

Довуд ул қилди ният, жазм айлади,  
Тош йўниб, масжид қуришни ўйлади.

390 Етди Оллоҳдин ваҳийким, қўй ҳамон,  
Чун сенинг илжингда бўлмас бул макон.

Қисмат эрмас бунда турмоқлик сенга,  
Масжиди Ақсони қурмоқлик сенга.

Урди оҳ Довуд, магар чекди нидо:  
Қайси бир журмим учун бул, эй Худо?

Бегуноҳсен, деди Ҳақ, мазлум хуни  
Тўкилиб, бўйнингга олмишсен уни.

Ки овозингга халойиқ бешумор,  
Жон бериб, созингга бўлмишлар шикор.

395 Қон тўкибдир баски овозинг сенинг,  
Турфа созинг, нағмапардозинг сенинг.

Дедиким, мен мағлуб эрдим, маст эдим,  
Жон ила ишқингга чун пайваст эдим.

Мағлуб ўлган маҳрум эрмасму магар?  
Маҳрум ўлган маъдум<sup>31</sup> эрмасму магар?

<sup>30</sup> Харруб - вайроналарда ўсадиган ўсимлик.

<sup>31</sup> Маъдум - адам этилган, йўқ қилинган, «мавжуд»нинг тескариси.

Ҳақ деди: мағлуб у маъдум оқибат,  
Бор ила нисбат этилганда фақат.

Бўйла йўқлик гар кишига бахшидир,  
Энг гўзал борлиқда тенгдир, яхшидир.

400 Ҳақ сифотига қиёс этса, фано,  
Унчадирким, ул фано ичра бақо.

Жумла арвоқ гар унинг тадбирида,  
Жумлайи ашбоқ-да амри тийрида.

Лутфимизга улки мағлуб бўлди то,  
Музтар эрмас, балки мухтори вало.<sup>32</sup>

Билки, майлу ихтиёрга сўнгги ҳад,  
Улки, майлу ихтиёринг муфтақад.<sup>33</sup>

Ихтиёрдин кимса тотмас эрди тот,  
Оқибатда келмаса мавҳу мамот.

405 Гар жаҳонда луқмаву шарбат эрур,  
Ул бари мавҳ мулкидин лаззат эрур.

Гарчи лаззат кечди бетаъсир бўлиб,  
Ўзи лаззат бўлди лаззатгир бўлиб.

---

<sup>32</sup> Мухтори вало - кўнгли истаган нарсани меҳр ила этгувчи.

<sup>33</sup> Муфтақад - йўқолиш.



**«МЎМИНЛАР БИРОДАР, ОЛИМЛАР - БИР  
КИШИДИРЛАР» ҲУКМИНИНГ ИЗОҲИ. ДОВУД  
ВА СУЛАЙМОН ВА ЎЗГА ПАЙҒАМБАР  
АЛАЙҲИССАЛОМЛАР БИР КИМСАДИРЛАР.  
УЛАРДАН БИРИНИ ИНКОР ЭТИШ -  
БАРЧАСИНИ ИНКОР ЭТИШГА БАРОБАР. БИР  
УЙНИ БУЗСАНГ, МИНГТА УЙ ВАЙРОН БЎЛИБ,  
БИТТА ҲАМ ДЕВОР ҚОЛМАГАЙ. ЧУНКИ  
«УЛАРДАН ҲЕЧ БИРИНИ АЖРАТИБ  
ҚЎЙМАГАЙМИЗ»<sup>34</sup> ДЕГАН ҲУКМ БОР. ДОНОГА  
ИШОРАТ, ДЕЙДИЛАР, БУ ЭСА ИШОРАТДАН  
ҲАМ ОШИБ ТУШДИ.**

Тиклай олмас жаҳд ила зўринг сенинг,  
Тиклагай масжидни ул ўғлинг сенинг.

Тиклаши ул тиклашингдир, эй ҳаким,  
Аҳли мўмин иттисолдирлар<sup>35</sup> қадим.

Аҳли мўмин айру, иймон биттадир,  
Жисму танлар мухталиф, жон биттадир.

410 Фаҳму жон ҳайвонда ҳам бордир неча,  
Одамийнинг ақлу жони ўзгача.

Одамийлар жониким бундоқ эрур,  
Ўзгадир соҳиб нафаслар жони ул.

Жони ҳайвонийда бўлмас иттиҳод,  
Излама ел руҳидин сабру сабот.

Ул тановул айласа, бул тўймагай,  
Унга юк орт, бунга оғир келмагай.

Балки шод бўлгай, севингай ўлса ул,  
Лек ҳасад этгай, музаффар бўлса ул.

<sup>34</sup> Қуръони карим. Бақара сураси, 285 - оятга ишорат.

<sup>35</sup> Иттисол - бир-бирига боғлиқ.

- 415 Қашқиру итларда жонлардир жудо,  
Муттаҳиддир жони ул шери Худо.
- Жонларин жамлаб десам чун бир исм,  
Бир исм остида лекин юз жисм.
- Буйлаким, бир нури хуршиди само,  
Сочилив юз уйга, бўлгай юз зиё.
- Ўртадан олсанг мабодо пардани,  
Юз эмас, бир ҳолда кўргайсен ани.
- Хоналар тошу тамалдин айрилур,  
Аҳли мўмин бирлашиб, воҳид бўлур.
- 420 Тугдирар балки муаммо бу мақол,  
Бул қиёс балки қусурли бир мисол.
- Бор тафовут, ўйлаким, шер қайдадир,  
Ул баҳодир, шерюрак эр қайдадир?
- Лек қиёс этсанг уларни ҳар маҳал,  
Куч ила қудратга қилгайсен назар.
- Ул жасорат ичра андоқ шер киши,  
Аслида насли башардир, эр киши.
- Айни монандлик магар йўқ даҳр аро,  
Ки мисол этсам-да, кўрсатсам санго.
- 425 Келтириб ноқис мисоллар мен фақат,  
Ҳайрат ичра лолу ҳайрондир хирад.
- Кечалар ҳар уйда осгайлар чироқ,  
Порласин, тун зулмати кетсин йироқ.
- Ул чироқ - тан эрса, порлоқ нури - жон,  
Мой, пилик, ул-булга муҳтож ҳар қачон.

Олти шамлик бул чироқда ҳосила,  
Уйқу бирла, ҳам емак-ичмак била.

Бўлмагай уйқу, таомсиз дам анга,  
Лекин ул уйқу, таом ҳам кам анга.

- 430 Бўлмаса мойу пилик, етмас бақо,  
Етмагай мойу пиликка ҳам вафо.

Ул сабабли нурни кутгайдир завол,  
Тонг отаркан, унга етгайдир завол.

Жумла ҳислар ҳам анингдек бебаҳо,  
Нури маҳшар олдида бўлгай адо.

Оталарнинг ҳисси, жони шуъласи,  
Ўчмагай, келмас бўлиб кетмас баса.

Лекин ул кўк узра юлдуз, моҳитоб,  
Мавҳ ўлурлар барча, чиқса офтоб.

- 435 Бурга чақса зирқираб тан ҳар нафас,  
Ул илон чаққанда бўлгайдир абас.

Сувга отгайдир яланғоч ўзни чун,  
Ариларнинг заҳмидин қочмоқ учун.

Сув уза сўнг чарҳ урарлар арилар,  
Бош чиқарса, бас, омон бермас улар.

Сув ўшал - зикри Худо, ари - замон,  
Ғийбатингдир: ул фалону бул фалон.

Сувга отма ўзни дарҳол, сабр қил,  
Васваса солғувчи ўйлардин қутил.

- 440 Сўнгра хуш келгай сенга оби зилол,  
Сўнгра ул мавжларда сузмоғинг ҳалол.

Ул зилол сувдин ўшал замбури шар,  
Четланиб, сендан-да қочгайдир бадар.

Истасанг сўнг тур ўшал сувдин йироқ,  
Сув сифоти сенга ҳамроҳдир бироқ.

Улки дунё мулкини тарк этдилар,  
Йўқ эмас, бошқа сифатга ўтдилар.

Ҳақ сифотида юрурлар бенишон,  
Офтоб олдида юлдузларсимон.

445 Гар далил Қуръондин изларсен, ўқи,  
«Қаршимизда барча ҳозирдир»<sup>36</sup>, ўқи.

Муҳзарун маъдум эмаслар, англаб ол,  
Руҳлар боқий эрурлар, безавол.

Руҳи маҳжубга бақо эрмиш азоб,  
Руҳи аслий эрса боқий, беҳижоб.

Не эмишдир ҳисси ҳайвондин мурод,  
Сўйладим, ортиқ қидирма иттиҳод.

Ўзни соликларга ҳамроҳ айлагил,  
Руҳи қудсийларга руҳни бойлагил.

450 Юз чироғинг ёнса, сўнса, сир эмас,  
Айрудирларким, ягона, бир эмас.

Ул сабабдин жанг қилурмиз доимо,  
Ўзаро жанг айламишму анбиё?

Анбиё нури - қуёшдир, эсда тут,  
Ҳиссимиз нури - чароғу шаъму дуд.

---

<sup>36</sup> Қуръони карим. Есин сураси, 54-оятга ишорат.

Бул магар сўнганда, ул яшноқ ҳануз,  
Бул магар пажмурда, ул порлоқ ҳануз.

Жони ҳайвоний емак бирлан тирик,  
Бўлгай ул яхши - ёмонлардин ўлик.

455 Бул чироқ сўнганда, ёғду бўлмагай,  
Қўшни уйда лек қоронгу бўлмагай.

Қўшни уй саҳнида бўлгай шуъла, нур,  
Чун унинг шаъми, чароғи ўзгадур.

Жони ҳайвонийга ушбу бир мисол,  
Жони раббонийга эрмасдир мисол.

Боз ул тун ҳиндусидин тугди ой,  
Дарча, деворларга ёғдирди чирой.

Юзга хона ичра битта шуъла шай,  
Унда, нур йўқ эрса бунда бўлмагай.

460 То қуёшга маскан эрмишдир уфқ,  
Шуъласи ҳар уйга меҳмондир, қўниқ.

Гар ўшал хуршиди жон офил бўлур,  
Хоналарда шцуъла, нур зойил бўлур.

Бул сухан нурга мисолдир, нурсифат,  
Сенга йўлбошчи, адув йўлига сад.

Мисли ўргимчакка ўхшайдир адув,  
Боқ, тупиклардин тўқийдир парда у.

Парда бирлан нур йўлини бойлагай,  
Дийдаи идрокини кўр айлагай.

465 Ёпишиб от бўйнига ул жон дер,  
От туёғига илашса, шатта ер.

Минма саркаш отни, ўрмасдан лижом,  
Ақлу динни пешво қил, вассалом.

Саъй эт бу йўлда, асло бўлма сует,  
Сабр этиб, заҳмат-ла ўтмоғинг дуруст.

## **МАСЖИДИ АҚСО ҚУРУЛИШИ ҚИССАСИНИНГ ДАВОМИ**

Шоҳ Сулаймон бошлади андоқ бино,  
Пок чун Каъба, ҳумоюн чун Мино.

Кўз боқиб, ҳайратда қолгай эрди, бас,  
Бошқа биноларга асло ўхшамас.

470 Тоғдаги тошлар чекар эрди фиғон,  
Бизни ҳам элтинг иморатга, дебон.

Мисли Одам лойи эрди лойи ул,  
Сочилиб тош поралардин шуъла, нур.

Йўл босиб келгай эди тошлар, йирик,  
Эшигу деворлари эрди тирик.

Ҳақ демиш: жаннатда девор борки, бас,  
Бошқа деворлар каби жонсиз эмас.

Тан бинойинг эрса огоҳ хонаси,  
Бўлгай ул хонанг - шаҳаншоҳ хонаси.

475 Ул оғочу меваю оби зилол,  
Жаннат ичра сўз қотиб, сўйлар мақол.

Демаким, асбобу олат тикламиш,  
Равзани аъмолу ният тикламиш.

Бул бино гар обу гилдан, мурдадир,  
Ул бино тоатдин эрмиш, зиндадир.

Бул бинонинг асли - қинғирлик, халал,  
Ул бинонинг аслида - илму амал.

Унда кўшқу тахт ила тожу саёб,  
Чун ўзи сўргай савол, бергай жавоб.

480 Гул тўшакларким тўшалгайлар майин,  
Хона топ-тоза, супурги тегмайин.

Дил уйида ғам чу беандозадир,  
Тавбадин лекин ҳамиша тозадир.

Тожу тахтнинг ўзи сайр этгай базе,  
Куйлагай эшик-да, эшик ҳалқаси.

Кўнгил ичра равзадир, дорил-хулуд,  
Гар сўзимга сигмаса андин не суд?

Ул Сулаймон ҳар сабоҳ масжид аро,  
Ваъз ўқиб, мардумга айларди нидо.

485 Панд берарди гоҳи куйлаб, қўлда соз,  
Гоҳ амал бирлан, гоҳи айлаб намоз.

Иш-амалда бер ўгитни, муҳтарам,  
Жонига сингийди ул, кар бўлса ҳам.

Бўйла панд этганда амринг кам бўлур,  
Лекин элга таъсири маҳкам бўлур.

**УСМОН РАЗИАЛЛОҲУ АНҲУНИНГ  
ҲАЛИФАЛИККА ЎТИРГАНИ ВА «АМАЛ ИЛА  
НАСИҲАТ ЭТМОҚ СЎЗ ИЛА ЎГИТ БЕРМОҚДИН  
АФЗАЛДИР» БАЁНИДА ХУТБА ЎҚИГАНИ  
ҚИССАСИ**

Чун халифа бўлди Усмон, шул заҳот  
Борди-да, чиқди баланд минбарга бот.

Учта зина бор эди минбарда, ҳой,  
Бу - Бакр иккинчидин олмишди жой.

490 Чун Умар босди учинчи зинани,  
Эҳтироми дин учун тутди ани.

Келди гал Усмонга, чиқди устига,  
Бир йўла минбарни олди остига.

Сўрди андин шунда шахси билфузул:  
Эй фалон, ул жойда ўлтирмиш Расул.

Унда ўлтирди на Сиддиқ, на Умар,  
Сен улардин мунча ортиқсен магар?

Деди ул: учда тутар бўлсам мақом,  
Халқ дегай, мисли Умардир, вассалом.

495 Гар учинчи зина пойгоҳим эрур,  
Халқ дегайким, Бу - Бакрдир, мисли ул,

Минбар устидир Муҳаммад маскани,  
Мустафога кимса ўхшатмас мани.

Хутба ўрнида демай бир лом-мим,  
То аср етгунча Усмон турди жим.

Ҳой, ўқи, деб унга кимса айтмади,  
Ёки масжидни биров тарк этмади.



Ҳайбат ичра эрди барча, хосу ом,  
Ёришиб нури Худодин саҳну том.

500 Кўзи равшанлар кўрарди шуъла, нур,  
Кўзи кўрмаслар сезар эрди ҳовур.

Ул ҳароратдин билар эрди тайин.  
Тонг отиб, порлоқ қуёшнинг чиққанин.

Ул ҳарорат ичра бир ҳолат эди,  
Ҳам кўнгилларга ажиб фусҳат эди.

Кўрга чун етганда ул нури қадам,  
Завқи ортиб, дердиким кўрмоқдаман.

505 Гарчи хушмастсен. вале, эй Булҳасан,  
Йўл босарсен, дийда равшан бўлгасен.

Кўзи кўрга бул насиби офтоб,  
Не насиб, валлоҳу аълам биссавоб.

Нур нетиб чун айлагай бийно уни,  
Шарҳ этолгайму Ибн Сино буни?

Майли, устундир магар юз карра, бас,  
Шарҳини этмоққа журъат айламас.

Қўл чўзиб, очмоқ бўларкан пардани,  
Тиғи Ҳақ қўлдин жудо айлар ани.

510 Қўл эмас, ул бошидин бўлгай жудо,  
Бошкесар жоҳилни мавҳ айлар Худо.

Омади гап бул, эшитсанг фойдадир,  
Аслида қўл қайдаю ул қайдадир?

Атри бўлса, сабза гул бўлгай эди,  
Ул магар бўлганда бул бўлгай эди.

Бир тарафда кўз эса, бир ёнда тил,  
Ўртада йўл бор вале мингларча йил.

Бўлма маънос, чун сахийдир осмон,  
Истаса, Ҳақдин етишгай шул замон.

515 Қудрати бирлан етишгай сарбасар,  
Кони маъданларга анжумдин асар.

Тунни излаб, беқарор кўк юлдузи,  
Лек ҳамиша устувор Ҳақ юлдузи.

Ерга кўкдин нур ёғар ҳар лаҳзада;  
Беш асрлик йўл агарчи ўртада.

Уч мингу беш юз баланддир ул Зуҳал,<sup>37</sup>  
Лек дамо-дам ерга, кўрсатгай амал.

Ҳақ тиларса, соя емрилгай шу тоб,  
Соя не эрмиш, чиқаркан офтоб?

520 Пок нафасли авлиёлардин фақат,  
Кўкда юлдузларга ҳам етгай мадад.

Зоҳиран гар бизга юлдузлар суянч,  
Ботинан арзу самога биз таянч.

---

<sup>37</sup> Ер билан Зуҳал оралиги уч мингу беш юз йиллик масофадир, дейилмоқда.

**БАЪЗИ ҲУКАМО ОЛАМНИ КИЧИК ОЛАМ, ЯЪНИ  
ОЛАМИ СУҒРО, ДЕРЛАР, ИЛОҲИЙ ҲУКАМО ЭСА  
ОДАМНИ БУЮК ОЛАМ, ЯЪНИ, ОЛАМИ КУБРО,  
ДЕРЛАР. УЛ ҲУКАМО ИЛМИ ОДАМНИНГ  
СУВРАТИГА ИШОРАТ АЙЛАР, БУЛ ҲУКАМО  
ИЛМИ ЭСА УНИНГ СИЙРАТИГА, ЯЪНИ  
ҲАҚИҚАТИГА**

Суврат ичра олами асгар ўзинг,  
Аслида лек олами акбар ўзинг.

Гар оғочдин мева топгайдир ривож,  
Мева топмоғи учун бордир оғоч.

Гар умиди бўлмасайди мева, бол,  
Богбон бог ичра экмасди ниҳол.

525 Мева эрмиш гарчи сувратда валод,<sup>38</sup>  
Аслида буткул оғочдир - мевазод.

Ҳазрати Одам ва жумла анбиё  
Байроғим остидадир, дер Мустафо.

Ул сабабдин ҳам буюрмиш зуфунун:  
Рамзи наҳнул охирун ас-собиқун.<sup>39</sup>

Суврат ичра гарчи одамзодамен,  
Ҳазрати Одамга лекин отамен.

Мен туфайли сажда этмишдир малак,  
Юз очиб Одамга осмону фалак.

530 Баски, авлоддин туғилмишдир падар,  
Мевадин майдонга келмишдир шажар.<sup>40</sup>

---

<sup>38</sup> Валад - фарзанд.

<sup>39</sup> Кейин келганлар илгари боргувчилардир.

<sup>40</sup> Шажар - дарахт.

Фикри аввал топди охирда амал,  
Хоса фикр эрди магар васфи азал.

Лутф этиб, амрин юритгай осмон,  
Ҳар замон келгай-да, кетгай корвон.

Лекин ул карвонга йўллар беписанд,  
Йўлчига дашту биёбон не писанд?

Каъбага бир зумда боргайдир кўнгил,  
Таъби дилдан танда ҳолинг айрудур.

535 Бул узунлик, қисқалик жисмингга хос,  
Лек Худо олдида ҳечдир, беасос.

Чун Худо жисмингни табдил айлагай,  
Кетмогингни сенга енгил айлагай.

Юз умидинг бор, юришда эт давом,  
Лофни қўй, беҳуда сарф этма калом.

Кўзни юмсанг чун кўрарсен уйқуда,  
Йўл босарсен кема ичра, осуда.

**“УММАТИМ НУҲ КЕМАСИГА ЎХШАР, УЛ  
КЕМАГА КИРГАНДЛАР НАЖОТ ТОПАР,  
КИРМАГАНЛАР ҒАРҚ БЎЛУР” ҲАДИСИНИНГ  
ТАФСИРИ**

Деди Пайгамбар: замона ичра мен,  
Мисли тўфон ичра сузган кема мен.

540 Мен ва асҳобим чу Нуҳнинг кемаси,  
Кимки қўл чўзса, нажотин олгуси.

Шайхга ҳамроҳсен, ёмонликдин йироқ,  
Кема ичра, беомонликдин йироқ.

Шайхи жонбахшинг қаноти остида  
Кемада сузмоқдадирсен, осуда.

Ҳар дам эргаш, пири айёмингга сен,  
Тақя кам қил худписанд комингга сен.

Гарчи шердирсен, борарсен бедалил,  
Қисматинг охирда бўлгайдир залил.

545 Қўрмоқ истарсен кучу лашкарларин,  
Эт қанот шайхнинг қаноту парларин.

Меҳри бирла гоҳ учиргайдир сени,  
Қаҳри бирла гоҳ кўчиргайдир сени.

Қаҳрини меҳрига зид деб ўйлама,  
Иккиси бир нарса, айру айлама.

Бир замон боғингни бўстон айлагай,  
Бир замон дашту биёбон айлагай.

Жисми орифга бериб васфи жамод,  
Ўстирар сўнг унда гул, насрини шод.

550 Улки кўрди, ўзга кимса кўрмади,  
Кўнгли покларга келур жаннат ҳиди.

Холи тут кўнглингни ёр инкоридин,  
Сўнгра райҳон уз унинг гулзоридин.

Сенга ёрингдин етишгай атри гул,  
Мустафога чун Ямандин етди ул.

Аҳли меърожларга ҳамдам бўл-да, боқ,  
Йўқлигинг элтгай сени мисли Буроқ.

Бўйла меърожмас, заминдан то қамар,  
Бўйла меърожким, қамишдин то шакар.

555 Бўйла меърожмаски, бугдин то само,  
Бўйла меърожким, жаниндан<sup>41</sup> то фано.

Хуш буроқдир, отини йўқлик десанг,  
Сўйи борлиқ сори элтгай йўқ эсанг.

Тоғу дарёлар қолурлар остида,  
Бул қиёс дунёси қолгай ортида.

Маъшуқи ёрингни истаб, излабон,  
Кемага ўлтир-да, йўлга туш равон.

Борди жонлар, тарк этиб мулки адам,  
Сен-да бор, қўлсиз, оёқсиз ур қадам.

560 Етса гофилларга бул маъно саси,  
Йиртилуру сўз ичра ташбиҳ пардаси.

Эй фалак, соч гавҳаринг анвосидин,  
Эй жаҳон, тортин унинг дунёсидин.

Гавҳаринг сочсанг, яна анво бўлуру,  
Кўзларинг равшан, тилинг гўё бўлуру.

Ўзни деб этган нисоринг қолгуси,  
Битта сармоянг униб, юз бўлгуси.

## **БИЛҚИСНИНГ САВО ШАҲРИДАН СУЛАЙМОН АЛАЙҲИССАЛОМГА СОВҒА ЮБОРГАНИ**

Ҳадяйи Билқиски, қирқ астар<sup>42</sup> эди,  
Қуйма олтин эрди, гишти зар эди.

565 Токи манзилга яқинлаб юрдилар,  
Ҳамма ёқ олтиндан эрди, кўрдилар.

---

<sup>41</sup> Жанин - она қорнидаги ҳомила.

<sup>42</sup> Астар - хачир.

Йўл босиб, қирқ бир довондин ошдилар.  
Зар кўриб ҳар ёнда, гангиб, шошдилар.

Дедиларким, гул этиб гулшанга биз,  
Олтин элтгаймиз нечун махзанга биз?

Ҳар қарич тупроқда олтин тобиши,  
Бўйла ерга олтин элтгайму киши?

Эй, Илоҳга ҳадя этмишсен ақл,  
Унда ақлингга раво йўқ, беқадр.

570 Ҳадяким бундоқ қадрсиз бўлди, боқ,  
Дедиларким, ортга қайтган яхшироқ.

Дедилар боз: ҳадяни этмоғ раво,  
Амри подшодир, чу этгаймиз бажо.

Зарми, тупроқми, уни элтмоқ керак,  
Ҳадя, деб даргоҳига тутмоқ керак.

Ортга қайтурмиз, агар амр этсалар,  
Ҳадяни қумга баробар этсалар.

Чун Сулаймон кўрди, кулди, деди зуд:  
Мен талаб этдимми сиздан ем-тарид?

575 Мен дедимми: менга ҳадя келтиринг,  
Мен дегаймен: ҳадяга лойиқ бўлинг.

Менга чун гайбдин етишгай ҳадялар,  
Ки башарнинг ақлига сизмас улар...

Бош эгибдирсиз қуёшга, зар қилур,  
Юз буринг сиз унгаким, ахтар<sup>13</sup> қилур.

---

<sup>13</sup> Ахтар - юлдуз, бу ерда, қуёш, маъносида.

Бўйла мақтаб офтоби чархни сиз,  
Хор этарсиз жони олий нархни сиз.

Амри Ҳақ-ла бизга ошпаз бўлди то,  
Кулли нодонлик бўлур, десак Худо.

580 Тангри гар тутса қуёшни, не бўлур?  
Насли одам зулмат ичра не қилур?

Тангрига оҳлар чекарсен дам-бадам,  
Зулматинг ол, бизга нур бер деб Эгам.

Этсалар тун чоғи сенга қасди жон,  
Сен қуёшданму сўрайдирсен омон?

Ҳодисот ул тун маҳал воқе бўлур,  
Офтобинг ул замон гойиб эрур.

Ҳаққа, бас, бошингни индир хам бўлиб,  
Юлдуз эрмас, Тангрига маҳрам бўлиб.

585 Маҳрам ўлсанг гар илоҳий сирга сен,  
Тунда ҳам порлоқ қуёшинг кўргасен.

Пок руҳдир бори, ўзга шарҳ йўқ,  
Кечаю кундузда унга фарқ йўқ.

Кун бўлур, гар кўкда, ул сайрон бўлур,  
Тун тугангай, кўкда гар тобон бўлур.

Зарра не эрмиш, не эрмиш офтоб?  
Офтобинг аҳли ирфон ичра топ.

Офтобким, кўк аро рахшонадир,  
Унга боққанлар фақат ҳайронадир.



- 590 Заррадир ул Арш нури олдида,  
Арш нури, мавфури<sup>44</sup> олдида.
- Кўзларинга берса нур Парвардигор,  
Кўкда офтоб ҳам сенга мискину хор.
- Чунки Ҳақ кимёсидин етди асар,  
Буг, туманлар кўкда юлдуз бўлдилар.
- Бир ажиб иксирни урди ул шу тоб,  
Чиқди зулматдин ярақлаб офтоб.

Буйла санъаткорки айлаб бир амал,  
Чақнатиб қўйди само ичра Зуҳал.

- 595 Ўзга юлдузларки, жон гавҳарларин,  
Бўйла миқёс ичра кўргин, анлагин.

Тиндирар ҳиссий кўзингни офтоб,  
Дийдаи Раббоний ўзга, изла, топ.

Унда Ҳақ деб кўк сари солсанг назар,  
Паст тушар офтоб - маҳобатлик шарар.

Офтоб - бир парча ўтдир аслида,  
Ул қоронғудир нигоҳинг олдида.

### **АБДУЛЛОҲ МАҒРИБИЙ ҚАДДАССАЛЛОҲУ СИРРАҲУНИНГ КАРОМАТЛАРИ ВА НУРИ**

Шайх Мағрибий демишдир бўйлаким,  
Кечди олтмиш, тунда тунни кўрмадим.

- 600 Етдим олтмиш ёшгаким, ҳайрат менга,  
Бир замон юз очмади зулмат менга.

---

<sup>44</sup> Мавфур - чексиз, ҳаддан зиёд

Сўфилар сўйлаб бу сидқи қолини,  
Тунда кўрдик, дедилар, аҳволини.

Дашт аро ҳар не тиканлар гов эди,  
Ой каби олдинда ул пешров эди.

Бошини ортига бурмай, дерди ул:  
Ўнг тарафга юрма, қаршингда чуқур.

Лаҳза ўтмай деди: ўтгил ўнг томон,  
Чунки йўл узра тикан бор беомон.

605 Кундузи ўпдик оёгин, не ажиб,  
Эрди қизларнинг оёгидек латиф.

Не чақа бор эрди унда, не губор,  
Эрди атласдек ҳафифу бегубор.

Магрибийни машриқий этмиш Худой,  
Бахш этиб магрибга машрикдек чирой.

Нури ул шамсу шамус андоқ эрур,  
Хосу омлар бошида порлоқ эрур.

Посбон эрмасму ул нури мажид,  
Аксидин минглаб қуёш эрмиш паид.<sup>45</sup>

610 Сен ўшал нур бирла юргайсен ҳамон,  
Аждаҳо, каждумлар ичра соғ-омон.

Юргай олдингда <sup>Ҷо</sup>Ҷамиша нури пок,  
Йўлни тўсанларни айлаб чок-чок.

“Явма ло юхзи-н-Набий” ни англагил,  
“Нуру ясъи байна айдиҳим”ни бил.<sup>46</sup>

<sup>45</sup> Паид - пайдо.

<sup>46</sup> У кун Оллоҳ Пайгамбарини хўрламас, уялтирмас, нур уларнинг олдида юрар, буни яхши англаб ол.

Гарчи бўлгайдир қиёматда фузун,  
Сўр Худодин, англаб олмоғинг учун.

Ул берар тунга, булутга беадоғ,  
Нури жон, валлоҳу аълам бил-балдоғ.

**СУЛАЙМОН АЛАЙҲИССАЛОМ БИЛҚИСНИНГ  
ЭЛЧИЛАРИ ВА ҲАДЯЛАРИНИ ОРТИГА  
ҚАЙТАРГАНИ, БИЛҚИСНИ ИЙМОНГА ЧОРЛАБ,  
ҚУЁШГА ТОПИНМАСЛИККА ДАЪВАТ ЭТГАНИ**

615 Ортга қайтинг, элчилар, бўлманг хижил,  
Тилла эрмас, мен сўрайдирмен кўнгил.

Мен берай олтинни, сиз қоп тўлдириг  
Кўрлигингиз эшшак ортига уринг.

Эшшак ортига ярашгай тилла қулф,  
Саргайиб ошиқ юзи, тургай сўлиб.

Ки назаргоҳи Худованддир ўшал,  
Кони зар офтобга маҳтал ҳар маҳал.

Ўйла бир, ул кони маъдан қайдадир?  
Ул назаргоҳи Худованд қайдадир?

620 Гар асирдирсиз бу элга ҳаммангиз,  
Менга боз асру гирифтор бўлмангиз.

Донни кўрган қуш баланд том узрадир,  
Ул қанот ёзгай, вале дом узрадир.

Донга бермишдир магар дил бирла жон,  
Донга етмай, домга тушгайдир ҳамон.

Кўз солиб, чун донниким кўргай қушинг,  
Ўз оёғига бўғов ургай қушинг.

Дона дер: ўгринча кўз солсанг магар,  
Мен сенинг сабрингни олгаймен тугал.

- 625 Жазб этармен кўзларингни ҳар замон,  
Гофил эрмасмен, менга ҳолинг аён.

**БИР АТТОР ТАРОЗУСИНИНГ ТОШИ КЕСАК  
ЭДИ. КЕСАКХЎР БИР ХАРИДОР ҚАНД  
ОЛМОҚЧИ БЎЛИБ, У КЕСАКНИ ЎФИРЛАБ, ЕБ  
ҚЎЙГАНИ ҲИКОЯСИ**

Бир кесакхўр тушди бозорга кеча,  
Каллақанд олмоқчи бўлди ул пича.

Бўйла аттор эрдиким, эшшак эди,  
Чун тарозу тошлари кесак эди.

Деди: кесакдир тарозу тутқини,  
Каллақанд олмоқчи бўлсанг, бил буни.

Дедиким, менга ҳамоно қанд керак,  
Майли, мезонинг сополми ё кесак.

- 630 Ул кесакхўр ўз-ўзига дер бу дам:  
Яхши кесак яхшидир тиллоданам.

Деди бир далола хотин: ей ўғил,  
Сенга қиз топдим, мисоли тоза гул.

Бўйла қиздирким парилар совчидир,  
Отаси лекин унинг ҳалвочидир.

Дедиким ўғлон, насибам чин бўлур,  
Бўйла, қизлар дўндиғу ширин бўлур.

Майли, тош ўрнида кесак бўлсин ул,  
Чунки ҳар дам кесак истайдир кўнгил.

- 635 Шунда аттор ул тарозу шайлабон,  
Паллага терди кесакларни ҳамон.  
  
Боз харидорнинг дилини хушлади,  
Каллақандни майдалашга бошлади..  
  
Тешаси йўқ эрди, банд бўлди неча,  
Интизор этди харидорни пича.  
  
Ўртаниб, амр этди ўрганган кўнгил,  
Сабри битди, чўзди қўл кесакка ул.  
  
Қалтираб, ўгринча кесак ер эди,  
Кўрмасин аттор баногоҳ, дер эди.
- 640 Кўрди аттор, кўрмаган бўлди атай,  
Дер эдиким, майлига, кўпроқ егай.  
  
Сен менинг молимни ерсан, эсда тут,  
Аслида молингга солмишсен човут.  
  
Кўрмагай, деб сенку қўрқарсен, бали,  
Кам егай, деб мен-да қўрқармен вале.  
  
Майдалармен қандни, то берсам сенга,  
Ахмоқ эрмасмен, тўло берсам сенга.  
  
Каллақандни токи ўлчаб олгасен,  
Ғофилу нодон ким эрмиш, билгасен..
- 645 Қуш кўриб донни, дилин хуш айлагай,  
Дон йироқдин қушни сархуш айлагай.  
  
Кўз зиноси бирла мастдирсен шу тоб,  
Лек кесиб олдингни, ейдирсен кабоб.  
  
Бул назар ўқдир, заҳардир ғолибо,  
Ишқинг ортар дам-бадам, сабринг адо.

Молу дунё ул заифлар домидир,  
Мулки уқбо лек шарифлар домидир.

Мулки уқбо домин айтсам, унча бор,  
Беназир қушлар анга бўлгай шикор.

650 Мен, Сулаймон мулкингизни истамам,  
Лек нажот топмогингизни истарам.

Сизку шу айёмда молу мулкка қул,  
Соҳиб улдирким, нажотин топса ул.

Эйки, сен, борлиқ жаҳонга қул, асир,  
Тобакай дерсан: жаҳонга мен амир?

Тобакай, эй сен, жаҳоннинг ўлжаси,  
Ўзни билгайсен жаҳоннинг хўжаси?

**СУЛАЙМОН АЛАЙҲИССАЛЛОМ  
ЭЛЧИЛАРНИНГ КЎНГЛИНИ КЎТАРГАНИ,  
ҲАДЯЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛМАГАНИ УЧУН УЗР  
СЎРАГАНИ ВА БУНИНГ САБАБИНИ БАЁН  
ЭТГАНИ**

Элчилар, сиз элчидирсиз менга ҳам,  
Ҳадяларни яхшидир рад айласам.

655 Ҳозироқ Билқис қошига қайтингиз,  
Кўрдингиз олтин далони, айтингиз.

Зарга зарра эҳтиёжим йўқ маним,  
Чун яратгандин олибмен олтиним.

Истаса ул, шул ҳама хоки замин,  
Бошдин-охир зар бўлур, дурри самин.

Тангриким маҳшарга, бўл, деб ундагай,  
Жумла дунёни кумушга чулгагай.

Унча моҳирмизки, майл этсак агар,  
Зарга кўмгаймиз жаҳонни сарбасар.

660 Ҳады кутгаймизму сиздин ҳеч, аё,  
Баски, этгаймиз башарни кимиё?

Ҳой, суринг мулки Сабони сиз нари,  
Неча мулклар бор жаҳондин ташқари.

Тоҷу тахтингга намуча бандасен,  
Турда деб ўрним, вале пойгакдасен.

Ўз соқолингга чу етмайдир кучинг,  
Шоҳсен яхши-ёмонга сен нечун?

Сенга бўйсунмас, оқаргайдир ўшал,  
Ҳой, такаббур, ўз соқолингдин уял.

665 Моликул мулк улки, бош индир анга,  
Икки олам мулкани бергай сенга.

Ҳаққа сажда айлагил, завқи салоҳ,  
Икки юз давлатдин ортиқдир санго.

Шунда дерсан: давлат эрмас, эй Худо,  
Сажда мулкани мусаллам қил манго.

Неча шоҳларким жаҳондин ўтдилар,  
Бандалик завқини тотмай кетдилар.

Тотсалар Иброҳим Адҳам сингари,  
Тоҷу тахтдин воз кечар эрди бари.

670 Ҳақ шу дунёни авайлаб, бир куни,  
Кўзлару лабларга босди муҳрини.

Шул сабабдин ҳам шириндир тахту тож,  
Аҳли дунёдин йиғарлар бож-хирож.

Бож-хирож деб тилла тўпларсен нуқул,  
Сен ўларсен лек, қолур ортингда ул.

Бўлмагай жонингга йўлдош мулку мол,  
Зарни қўйгил, кўзларингга сурма ол.

Шул жаҳон чоҳдирки, маҳбуссен ҳали,  
Сен Юсуфдек ипга чирмаш чиққали.

675 Жон чиқиб чоҳдин, етишса сўйи том,  
Муждадир бул, Ҳаққа бўлгайсен гулом.

Инъикос этгай назарлар чоҳда кўп,  
Тош, сополлар ҳам кўрингай зар бўлиб.

Болакайлар кўчада тош ўйнашар,  
Тилла деб тошларни, қаттиқ сўйлашар.

Лекин орифлар кўзи-кимёйи нур,  
Олтину гавҳарларингга боқмас ул.

**БИР ДАРВЕШ ТУШИДА МАШОЙИХЛАРНИ  
КЎРИБ, УЛАРДАН ҲАЛОЛ ВА БЕМАШАҚҚАТ  
РИЗҚ СЎРАГАНИ, МАШОЙИХЛАР УНИ ТОҶҚА  
БОШЛАБ БОРИШГАНИ, УЛАРНИНГ ҲИММАТИ  
ИЛА ТОҶДАГИ АЧЧИҚ ВА НОРДОН МЕВАЛАР  
ДАРВЕШГА ТОТЛИ ТУЮЛГАНИ**

Деди бир дарвешки, туш кўрдим кеча,  
Учратиб шайхул машойихни неча.

680 Сўрдим, эйким, не эмиш ризқи ҳалол,  
Қайдадир ул, бемашаққат, бевубол?

Мен фақирни тоғу тошга элтдилар,  
Тоғу тош ичра оғоч силкитдилар.



Дедиларким, ҳиммат этдик сенга то,  
Меваларни ширин этгайдир Худо.

Ол, егил, поку ҳалолу беҳисоб,  
Бемашаққат, на юқори, на нишоб.

Бўйла ризқдин келди сўз ошуфтаҳол,  
Сўзласам, ақлу хирадлар бўлди лол.

685 Ҳаққа ёлбордимки, эй, Рабби жаҳон,  
Ол буни, бер менга эҳсони ниҳон.

Кетди сўз мендин, чу топдим хуш кўнгил,  
Хушлигим сизмас эди жонимга ул.

Унча шодлик эрди шул жонимда, ҳай,  
Жаннат ичра бундан ортиқ бўлмагай.

Ўзга неъмат орзу этмасмен магар,  
Ўрнини босмас наботу найшакар.

Неча тилло тангаким йиққан эдим,  
Жуббам ичра битталаб тиккан эдим.

**ДАРВЕШ, МЕН ШАЙХЛАР КАРОМАТИ БОИС  
РИЗҚИМНИ ТОПДИМ, ЭНДИ АҚЧАМНИ  
ЎТИНЧИГА БЕРАЙ, ДЕБ НИЯТ ҚИЛГАНИ,  
ЎТИНЧИ ДАРВЕШНИНГ НИЯТИНИ ПАЙҚАБ,  
УНДАН РАНЖИГАНИ**

690 Бор эди дарвеш ўтинчиким, гариб,  
Олис ўрмондин келар эрди ҳориб.

Мен дедим: ризқим тайиндир эрта-кеч,  
Ризқ учун чекмам машаққат энди ҳеч.

Аччиқ ул ширин бўлиб етмиш менга,  
Ризқи хос Ҳақдин насиб этмиш менга.

Энди форигмен томоқнинг дардидан,  
Олтиним дарвешга бергаймен бу дам.

Олтиним берсам магар, этгай қабул,  
Икки-уч кун шоду хуррам бўлгай ул.

695 Лекин ул дарвеш ўйимни пайқади,  
Нури Ҳақдин раҳнамоси бор эди.

Ул кўрар эрди ниҳон андишани,  
Худди кўргандек чароғу шишани.

Ёширин эрмас эди андин замир,  
Ўйлаким дилларга шоҳ эрди, амир.

Мен эмас, аввал у очди сўзга лаб,  
Берди фикримга жавобин бир ажаб.

Дедиким, жонимга қўйма мунча юк,  
Кайфа талқа-р-разқа ин лам ярзуқук?<sup>47</sup>

700 Сўзлари гар буткул эрмасди аён,  
Лек итоби урди жонимга ҳамон.

Келди қошимга яқинлаб мисли шер,  
Елкадин ўтинни ерга қўйди эр.

Етди ул ўтинга андоқ замзама,  
Етти аъзойимга тушди титрама.

Деди: ё Раб, бандайи хосинг учун,  
Маҳраминга меҳру эъюзинг учун.

Менга ҳам лутфинг баробар айлагил,  
Шул ўтинни бир уюм зар айлагил.

---

<sup>47</sup> Подшолар ҳақида нечук шундоқ хаёлга бординг? Улар ризқ бермаганда ҳолинг не кечар эди?

- 705 Қўрдим, ўтин бир уюм олтин бўлиб,  
Яшнади, қаршимда ял-ял товланиб.
- Довдираб қолдим, бошимдин учди ҳуш,  
Кечди фурсат, ошиёнга қайтди қуш.
- Деди дарвеш: аҳли хосинг, эй Худо,  
Шону шуҳрат истамаслар мутлақо.
- Улки эрди менга лутфинг олтини,  
Бир уюм янтоққа айлантир уни.
- Бас, ҳамоно дўнди ул янтоққа зар,  
Маст бўлиб андин тамом ақлу назар.
- 710 Орқалаб янтоқни, юзни бурди ул,  
Сўнг шаҳар сори жадаллаб юрди ул.
- Истадимки, ортидан мен ҳам борай,  
Мушкулотим айтиб.унга ёлборай.
- Бўлмади, чун ҳайбати босди мени,  
Аҳли хослар сори бизга йўл қани?
- Кимса йўл топса этиб бошин фидо,  
Марҳамат этмишлар унга муқтадо.
- Бас, ганимат бил ўшал тавфиқни сен,  
Гар топарсен суҳбати сиддиқни сен.
- 715 Бўлма ул нодонки, шоҳга эш бўлур,  
Сўнгра йўлдин айниган дарвеш бўлур.
- Унга қўй сонини берсанг, дейди бер,  
Қўй эмас, бурдоқи ҳўкиз сони, дер.
- Қўйни ҳўкиз ўрнида кўргай кўзинг,  
Чунки одаммас, эшакдирсан ўзинг.

Бул карам шоҳонадир, йўқ ришвати,  
Шоҳи оламнинг атову раҳмати.

### **СУЛАЙМОН АЛАЙҲИССАЛОМ БИЛҚИСНИ ИЙМОНГА УНДАВ, ЭЛЧИЛАРНИ ҚИСТАГАНИ**

Шоҳ Сулаймон жанг ҳавосин чалмади,  
Билқис аҳлини қошига чорлади.

720 Эй биродарлар, келинлар зуд-зуд,  
Ки бугун тўлқинга тўлди баҳри жуд.

Тўлқини тўлқинга сапчиб бехатар,  
Ҳар замон соҳилга сочгай юз гуҳар.

Ас-сало, дерманки, эй аҳли рашод,  
Жаннат ўз дарвозасин очмиш кушод.

Мен дегаймен, элчилар, сизга боринг,  
Келтиринг иймон ва Билқисга боринг.

Хайли бирлан ул етиб келсин тамом,  
Зудки, иналлоҳу ядну бис-салом.<sup>48</sup>

725 Эй келингиз, толиби давлат, шитоб,  
Берк эшиклар ҳам очилмишдир шу тоб,

Толиб эрмассен агарчи, кел, аё,  
Бунда топгайсен азиз ёрдин вафо.

### **ИБРОҲИМ АДҲАМ ҚАДДАСАЛЛОҲУ СИРРАҲУНИНГ ҲИЖРАТИ ВА ХУРОСОН МУЛКИНИ ТАРК ЭТГАНИ САБАБИ**

Айла тарк мулкингни Адҳамвор зуд,  
Сен-да топгайсен магар мулки хулуд.

<sup>48</sup> Оллоҳ чиндан ҳам омонликка чорламоқда.

Кечалар тахт узра ухлар эрди шоҳ,  
Посбонлар томда эрди доимо.

Гарчи томда тургай эрди соқчилар,  
Ўғрилар дафъига эрмасди улар. \*

730 Шоҳ билар эдики, ул одил эди,  
Ул сабаб роҳатда жону дил эди.

Эл учун адлу адолат бўлса, бас,  
Ундан ўзга посбонинг шарт эмас.

Гоҳи тинглар эрди оҳанги рубоб,  
Дерди: шоядки етишса ул хитоб.

Нолайи най бирла таҳдиди довул,  
Сури Исрофилни эслатмасми ул?

Дедилар: савту наволар барчаси,  
Осмон оҳангинин келмиш басе.<sup>49</sup>

735 Куйки ул, танбур чалиб, куйлайди халқ,  
Бизга энмишдир самолардин фақат.

Дейдиларким, етса биҳиштдин асар,  
Ҳар хунук овозни ҳам барно этар.

Бизки Одам узвимиз, жаннат аро,  
Тинглаганмиз ул наволарни басо.

Гарчи унга обу гил этмиш ситам,  
Ҳар нечук хотирдадир оз бўлса ҳам.

---

<sup>49</sup> Қадим юнов файласуфи Пифагорнинг фикрича, муסיқанинг бунёди - осмонларнинг айланишидандир. Осмонлар айланиб, оҳанг таратар, ул оҳанглар мусиқа, наво яратар. Ўн икки бурждан - Ўн икки мақом, етти юлдуздан «етти парда, кечаю кундуздан - йигирма тўрт шувба, йилдаги қирқ саккиз ҳафтадан - қирқ саккиз таркиб майдонга келмиш.

Меҳнату заҳматда эрса гар иши,  
Зеру бам завқини тотгайму киши?

740 Ҷйлаким, сийдик қўшилса сувга гар,  
Сув мижозини бузиб, вайрон этар.

Танда сув бўлгай, магарким сийдик ул,  
Сув каби ул ҳам оловни сундирур.

Гарчи булганмиш, вале сувдир ўшал,  
Оташи ғамни ўчиргайдир ўшал.

Баски, ишқ аҳли ғизосидир самоъ,  
Ундадир меҳру хаёли ижтимоъ.

Кучланур андин хаёлоти замир,  
Куй, наволар бирла ул сувратланир.

745 Оҳ уриб, ошиқ наволар тинглагай,  
Сувга ёнғоқ ташлаган лабташнадай...

**ЧАНҚАГАН БИР КИМСАНИНГ ДАРАХТГА  
ЧИҚИБ, ЁНҒОҚ ҚОҶҚАНИ ВА ЁНҒОҚЛАРНИНГ  
ЖАРЛИКДАГИ СУВГА “ЧЎЛП-ЧЎЛП”  
ТУШГАНИНИ ЭШИТИБ, МАЗЗА ҚИЛГАНИ**

Чанқаган бир кимса ёнғоқ устида,  
Сув аса жарликда, жилга остида.

Баски ул ёнғоқ қоқарди силкитиб,  
Сувга ёнғоқлар тушарди «чўлп» этиб.

Деди оқил: бу ишингни қўй, жигар,  
Емагил ёнғоқни, баттар сувсатар.

Сен қоқарсен, барча ёнғоғинг бироқ,  
Сувга тушгай, сув эса сендин йироқ.

- 750 Сен баланддин пастга тушмасдан туриб,  
Сув ўшал ёноқларинг кетгай суриб.
- Мақсадим ёнгоқ йигишмас, деди ул,  
Боқма зоҳирга, вале ниятни кўр.
- Менга басдир сув садосин тингласам,  
Ҳамда кўрсам сув уза тўлқинни ҳам.
- Ташнага недир ҳаёти жовидон,  
Айланаркан ул ҳовуздин ҳар замон?
- Айланур сувдин ўшал бесабру тоб,  
Каъбани заввора этгандек тавоб.
- 755 Маснавийдин мақсадимдир - юлдузинг,  
Эй Зиёвулҳақ Ҳусомиддин ўзинг.
- Маснавийким, унда не савту усул,  
Ҳар неким бор эрса, этмишсен қабул.
- Подшо яхши-ёмонни танламас,  
Гар қабул этса, кейин рад айламас.
- Бас, ниҳол экдингми бергил сувни ҳам,  
Бас, тугун ечдингми, очгил, муҳтарам.
- Бул суҳандин мақсадим - розинг сенинг,  
Тингласам ҳар лаҳза овозинг сенинг.
- 760 Менга овозинг чу овози Худо,  
Ошиғу маъшуқ қачон бўлгай жудо?
- Рабби нос<sup>50</sup> бордир ва бордир жони нос,  
Боғланиш бордир арода беқиёс.

---

<sup>50</sup> Рабби нос - инсонлар рабби.

Нос дедим, инсонни, ул наснос эмас,  
Жонга жонни билмас эрса, нос эмас.<sup>51</sup>

Носки мардумдир, нечук мардум ўзинг?  
Бошни кўрмайсен, демакким, дум ўзинг.

«Мо рамайта из рамайт»ни билгасен,  
Нотавонсанким, аросат ичра сен.

765 Мулки жисминг айла тарк Билқис каби,  
Рози бўлсин то Сулаймони набий.

Тавба деб айтсам, дема дил розига,  
Айтамен бир телбанинг васвосига.

Чунки ул айтар сўзимни тинглагай,  
Кунглида лекин гумонлар айлагай.

Гар десам ло ҳавла, ўзга чора йўқ,  
Неча бир сўз бор дилингда, менга ўқ.

Сўзларим тутмиш, томоғинг бойламиш,  
Мен сукут этгум, ўзинг айт, не эмиш.

770 Найчи бор эрди, чаларди дам-бадам,  
Ногаҳон ел чиқди бир гал ортидан.

Ортига тутди-да найни, деди ул:  
Майлига, мен пуфламай, сен пуфлагил.

Эй мусулмон, сенки истарсен адаб.  
Сабр қил, гар берса озор беадаб.

Кимни кўрса ул шикоят айлагай,  
Ул ёмону бул ёмон, деб сўйлагай.

---

<sup>51</sup> Жони нос - инсонлар жони. Наснос - одамсимон маймун.  
«Отдинг,аммо сен отмадинг».



Ўзига бир кун вале қайтар сўзи,  
Чун ёмонлиқдир нуқул айтар сўзи.

775 Яхшидир ул соҳиби сабру ҳавас,  
Ки ёмонлардин гапирмас, сўйламас.

Шайх сўйлар бўлса, бул - амри Худо,  
На маломатдир ва на майлу ҳаво.

Йўқ шикоят эрмас ул, ислоҳи жон,  
Жумла Пайгамбар-да этмишлар чунон.

Анбиё гар забтига олса сени,  
Кам эмас, забти Худо деб бил буни.

Ул ёмонликларга бардош айламиш,  
Таъбига. сабру таҳаммул бойламиш.

780 Эй Сулаймон, қузғуну лочин аро,  
Ҳилми Ҳақ бўл, жумла қушларга саҳо.

Ҳикматингга неча юз Билқис забун,  
Иҳди қавми иннаҳум лояъламун.<sup>52</sup>

**СУЛАЙМОН АЛЛАЙҲИССАЛОМ БИЛҚИСГА,  
ШИРККА БЕРИЛМА, ПАЙСАЛГА СОЛМА, ДЕБ  
ХАБАР ЙЎЛЛАБ ТАҲДИД ЭТГАНИ**

Кел, аё Билқиски, йўқса бад бўлур,  
Лашкаринг душман чиқиб, муртад бўлур.

Пардадоринг эшигинг синдиргуси,  
Ёв бўлиб жонинг, сени ёндургуси.

Жумла зарроту замини осмон,  
Лашкари Ҳақдирки, айлар имтиҳон.

---

<sup>52</sup> Ё Раббий, қавмингга тўғри йўлни кўрсат, чиндан ҳам улар билмаслар.

- 785 Елни кўрдинг, Одни сарсон айлади,  
Сувни кўрдинг, қанча тўфон айлади.
- Улки, Фиръавнга этди баҳри кийн,  
Улки, Қорунга дучор этди замин.
- Улки, қушлар тортди филнинг лощини,  
Улки, пашша узди Намруд бошини.
- Улки, Довуд илкига тош берди,бас,  
Сўнгра ул лашкарга етказди шикаст.
- Тош ила янчилди Лут ёғийлари,  
Қоп-қора сувларга гарқ бўлди бари.
- 790 Сўйласам бир-бир: жамодоту жиҳат,  
Анбиёга не тарийқ этмиш мадад.
- Маснавий чун каттайиб, андоқ бўлур,  
Қирқта тева тортгали ожиз қолур.
- Ўз қўли кофирга бўлгайдир гувоҳ,  
Сўйлабон, Ҳақ амрини айлар адо.
- Эйки, сен, Ҳақ, шаънига ургувчи дўқ,  
Лашкари Ҳақ ичрадирсен, ўйла, қўрқ.
- Жузви жузвинг лашкари Ҳақдир, бироқ,  
Бош эгарлар сенга, этмасдан нифоқ.
- 795 Кўзларингга етса гар Ҳақ буйруғи,  
Шул замон жонингни олгай оғриғи.
- Тишларингга берса Оллоҳ амрини,  
Не уқубатларга солгайдир сени.
- Тиб китобидин ўқи бобул-илал,  
Ки нечук тан лашкари айлар амал.

Чунки жонлар жони ўлдирким, аён,  
Жонга жон бўлганга душманлик қаён?

Лашкари деу парини қўй нари,  
Бос, деса, жонларни босгай лашкари.

800 Билқисо, қўйгил у тожу давлатинг,  
Чун мени топдинг, туганмас шавкатинг.

Менга етгач, бори топгайсен хабар,  
Менсиз ул ҳаммомда сувратсен магар.

Суврати султондир ул ёки гани,  
Жони йўқ эрмишки, суврат бил ани.

Ўзгаларга манзур ўлмоқ - зийнати,  
Аграйиб бормоқ-да расму одати.

Эйки, жанг айлаб ўзинг бирлан ўзинг,  
Ўзгалардин фарқ этолмассан ўзинг.

805 Неча сувратларга кирдинг сен магар,  
Мен, дединг, валлоҳки, сенмассан ўшал.

Ногаҳон қолсанг ўзинг бирлан пича,  
Гамларинг кўмгай сени бўғзинггача.

Ўз-ўзингга маҳлиёсен, бас, ўзинг,  
Ўз-ўзинг бирлан хушу сармаст ўзинг.

Қуш ўзингсен, ов ўзингсен, дом ўзинг,  
Тўр ўзингсен, ем ўзингсен, том ўзинг.

Гавҳар ўлдирки, агарда яхлит ул,  
Бўлмаса яхлит, ўшал ноқис бўлур.

810 Сенки одамзодасен, гавҳарча бўл,  
Жумла зурёдингни ўз жисмингда кўр.

Хумда ул неким, топилмас наҳр аро,  
Уйда не улким, топилмас шаҳр аро.

Бул жаҳон - хумдир, кўнгил - наҳри ажаб,  
Бул жаҳон - уйдир, кўнгил - шаҳри ажаб.

**СУЛАЙМОН АЛАЙҲИССАЛОМ БИЛҚИСГА, НА  
ЎЗИНГ, НА ҲУСНИНГ, НА МУЛКИНГ БОБИДА  
БИРОР НИЯТИМ ЙЎҚ, ТИЛАГИМ - ҲАҚҚА  
ИЙМОН КЕЛТИРСАНГ, БАС, ЖОН КЎЗИНГ  
ОЧИЛИБ, АЛЛОҲ НУРИ ИЛА КЎРИБ, БУНГА  
ЎЗИНГ АМИН БЎЛАСАН, ДЕГАНИ**

Мен - Расулдирмен, сўзим - Ҳақ даъвати,  
Шаҳват ўлдиргум, эмасмен шаҳватий.<sup>53</sup>

Шаҳватим бор эрса, унга мен амир,  
Бутни деб шаҳватга эрмасмен асир.

815 Бутшикандирмиз<sup>54</sup> азалдин биз, аё,  
Чун Халили Ҳаққу жумла анбиё.

Кирсак ул бутхонага, эй булҳавас,  
Визга бутлар бош эгар, биз бутгамас,

Кирди Аҳмад, кирди сўнгра Бу-Жаҳл,  
Ўртада бордир тафовут, анлагил.

Ул кирар, бутлар унинг олдида лош,  
Бул кирар, лекин эгар бутларга бош.

Бул жаҳон-шаҳват уйи, бутхонадир,  
Анбиё, кофирга бирдек хонадир.

820 Поклар шаҳват сўзига боқмагай,  
Кондаги олтинни оташ ёқмагай.

<sup>53</sup> Шаҳватий - шаҳватга банда, маъносида.

<sup>54</sup> Бутшикан - бутни синдирувчи.

Аҳли кофир - сохта, пок - расмона зар,  
Товага ул ҳам тушар, бул ҳам тушар.

Ул тушаркан юз қаро бўлгай ҳамон,  
Бул тушаркан, зарлиги бўлгай аён.

Товада олтин жимирлаб, хуш эрур,  
Ўт-олов ичра яна дилкаш эрур.

Жисмимиз бир пардадирким ончунон,  
Хас-хашак остида дарёдир ниҳон.

825 Шоҳи динга сен баланддин боқмагин,  
Бўйла боқмиш эрди иблиси лаин.

Кўкда порлайдир қуёшким ярқираб,  
Бир ҳовуч балчиқ-ла бўлгайму суваб?

Гарчи нодонлар қуёшга қум сочар,  
Лек қуёш тўзонда қолмас, юз очар.

Хас-хашак дарёни босгайму сира?  
Чанг-ғубор офтобни тўсгайму сира?

Билқисо, силкит этакни шаҳвор,  
Тожу тахтинг ул тўкилсин чун ғубор.

### **ИБРОҲИМ АДҲАМ ҚАДДАСАЛЛОҲУ СИРРАҲУ ҚИССАСИНИНГ ДАВОМИ**

830 Тахтда эрди тун аро шоҳи замон,  
Томда ногоҳ қўпди бир шовқин-сурон.

Тунд қадамлар боши узра, ўйлаким,  
Бул адабсизликка журъат этди ким?

Дарчадин боқди, бақирди: кимдир ул?  
Инс эмас, деу паридир балки бул.

Бош эгиб томдин ажиб қавме шу кез,  
Деди: излармиз йўқотган нарсамиз.

Не эмиш ул? - сўрди Адҳам. - Тевалар,  
Кулди Адҳам: томда не қилсин улар?

835 Деди:унда сен нечук, эй подшоҳ,  
Ўлтириб тахт узра, изларсен Илоҳ?

Бўлди ғойиб, чун пари, рўё эди,  
Кўрди Адҳам, ўзга кимса кўрмади.

Не эмиш бўл, маънисин билмайди халқ,  
Чунки ёлғиз кўргани - соқолу далқ.<sup>55</sup>

Кечди кўздин, элдин айро бўлди шоҳ,  
Даҳр аро машҳури анқо бўлди шоҳ.

Жумла қушлар жони боргай Кўҳи Қоф,  
Эл ҳама андин дегайлар лофу лоф.

840 Бўйлаким, етди Сабога нури шарқ,  
Тушди туғёнларга Билқис, тушди халқ.

Мурда жонлар талпиниб, чарх урдилар,  
Мурдалар гўрдин чиқиб ўлтирдилар.

Қутлашарди, мужда, деб бир-бирини то,  
Тингла, ҳай, келгай самолардин садо.

Ул нидони барча динлар хушлади,  
Барг ёзиб, диллар кўкарди, яшнади.

Ул Сулаймондин нафас эрдик, сўр,  
Тинглабон, қўзғолди бор аҳли қубур.

---

<sup>55</sup> Далқ - қаландарлар кийими. ҳирқа.

845 Бахт-саодат бўйла бўлмишди тайин,  
Кечди ул, аллоҳу аълам бил - яқин.

**САБО АҲЛИ ҚИССАСИНИНГ ДАВОМИ.  
СУЛАЙМОН АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ БИЛҚИСГА  
НАСИҲАТУ ИРШОД ЭТГАНИ. ҲАР КИМСА ЎЗ  
ХОЛИ, ҲАДДИГА КЎРА МУШКУЛИНИ ОСОН  
АЙЛАР. ҲАР БИР ҚУШ ЎЗ ОВОЗИ, ЎЗ ОЗИФИ  
БИЛАН ОВЛАНУР**

Мен Сабодин сўйлайин муштоқвор,  
Чун сабо эсди, очилди лозазор.

Лоқатил-ашбоҳу явма васлиҳо,  
Одатил-авлоду савба аслиҳо.

Умматул-ишқ ил хафия фил-умам,  
Мислу жудин ҳовлаҳу луъус сақам.

Зиллатул-арвоҳи мин ашбаҳиҳо,  
Иззатул ашбоҳимин арвоҳиҳо.

850 Айюҳас-ушшоқи ас-суқё лакум,  
Ан тумул-боқавну вал-буқё лакум,

Айюҳас солуну қувму ваъшуқу  
Зока риҳу Юсуфан фистаншиқу.<sup>56</sup>

Мантиқут-тайри Сулаймон, кел, аё,  
Қайси қуш бонг урса, сен ҳам туз наво.

---

<sup>56</sup> Бадавлар жонларга етишмоқ кунига етди, фарзандлар ота-она-лари ҳузурига қайтди. Умматлар ичра яширин бўлган ишқ уммати машаққатлар қуршовидаги жумардга ўхшар.. Жонларнинг тубанлашувига сабаб - бадавлардир, бадавларнинг юксалишига боис - ақлу идрок. Эй ошиқлар, сизга мусаффо шароб тутишди, боқийлик сизга насиб этди. Эй кўнгилларида ишқи бўлмаганлар, ошиқ бўлинг, бу ерда Юсуфнинг атри таралмоқда, тўйиб – тўйиб ҳидланг.

Чунки қушларни юборди сенга Ҳақ,  
Ҳар нечук сайроғидин берди сабақ.

Сўйла жабрий қушга сен жабрий бўлиб,  
Паршикаста бўлса ул, сабрий бўлиб.

855 Улки собирдир, уни эт файзиёб,  
Улки анқодир, ўқи авсофи Қоф.

Гар кабутар эрса, ҳушёр бўлсин ул,  
Лочин эрса, раҳм ила шафқат буюр.

Улки хуффошдир, гарибу бенаво,  
Марҳамат қил, эт қуёшга ошно.

Жангари какликка ўргат сулҳу соз,  
Тонгда қичқирмоқни урф этсин хўроз.

Ҳар нечук қуш борки, ҳудҳуддир, уқоб,  
Йўлга сол, валлоҳу аълам бис-савоб.

**БИЛҚИСНИНГ ПОДШОҲЛИКДАН ОЗОД  
БЎЛГАНИ, ИЙМОН ШАВҚИДАН МАСТ БЎЛИБ,  
ТАХТДАН ЎЗГА ҲАММА НАРСАДАН БИР ЙЎЛА  
ВОЗ КЕЧГАНИ**

860 Жумла қушниким Сулаймон чорлади,  
Келдилар мулки Сабодин, бойлади.

Қолди ёлғиз эрса ул бежону пар,  
Ё балиқдек эрса ул унсизу кар.

Йўқ, галат, ҳаттоки кар ул бедаво,  
Бас, эшитгайдир чақирса кибриё.

Жону дилдан Билқис азм этмиш эди,  
Кечган умрига пушаймонлар еди.



Мол ила мулкини тарк этди ҳамон,  
Ному нангни Лайли тарк этгансимон.

865 Қўллари, гулгун канизлар, ноз-ноз,  
Эрди кўз ўнгида чун сассиқ пиёз.

Боглару сувлар, қасрлар, чилсутун,  
Кўзлари ўнгида гулхан эрди чун.

Оташи ишқдин кўнгилга тушса юк  
Не латофатлар кўрингайдир хунук.

Дуру гавҳар ҳам кўрингай гандано,<sup>57</sup>  
Шул эмишдир ишқ аро маънийи ло.

Ло илоҳа иллаҳу, дедингми, ул,  
Ойни ис босган қозондек кўрсатур.

870 Ҳеч молу ҳеч маҳзан, ҳеч рахт,  
Дилкаш эрмас, танлагони эрди тахт.

Шоҳ Сулаймонким бача огоҳ эди,  
Кўнглидин кўнгли тарафга роҳ эди.

Улки оҳ чекса чумоли, тинглагай,  
Ўзгалар оҳу фиғонин англагай.

Улки тинглар жумла эл овозини,  
Англагай кўҳна фалакнинг розини.

Кўрди, қиз воз кечди мулку рахтидин,  
Лекин айрилмоқ қийиндир тахтидин.

875 Тахтга кўнгил берди Билқис не учун,  
Боисин айтсам, сўзим бўлгай узун.

---

<sup>57</sup> Гандано - саримсоқнинг бир тури

Гарчи шул килки қалам беҳис эрур,  
Йўқ ажаб, котибга ул мунис эрур.

Ҳар кишига иш қуроли хуб эмиш,  
Гарчи жонсиздир, бaсе маҳбуб эмиш.

Ул сабабни сенга сўйлардим тугал,  
Бўлмаса фаҳминг кўзида ёш агар.

Тахт улуғворликда чун ҳадсиз эди.  
Кўчириш бир ерга имконсиз эди.

880 Жуфтламишлар эрди жузви-жузвини,  
Ажратиш чун мумкин эрмасди уни.

Шоҳ Сулаймон деди: охир-оқибат,  
Арзимас ашё кўрингай унга тахт.

Жонки ваҳдатдин кўтаргай бошини,  
Тан анга қайдин олур бардошини?

Баски гавҳар бўлди денгиздин нисор,  
Хас-хашак, кўпик бўлур наздингда хор.

Чун уфқданким қуёш сочгай шарар,  
Ким чаённинг қуйруғин маскан этар?<sup>58</sup>

885 Майлига, не бўлса бўлсин беҳалак,  
Тахтни зудлик била келтирмоқ керак.

Етмасин жиндак шикаст ҳам унга то,  
Гўдакона ҳожати бўлсин раво.

Гарчи хордир бизга, лек унга азиз,  
Ҳурлар ичра дев эса, биз чорасиз.

---

<sup>58</sup> Бу ерда коинотдаги Чаён буржи кўзда тугилмоқда.

Майли, ибрат бўлсин унга тахти ноз,  
Ибрат этмиш эрди чориқни Аёз.

Эслагай, неларга эрди мубтало,  
Қайда эрди ул, етишди қайга то.

890 Хоки тупроқ бирла нутфа, этни ҳам,  
Кўзларинг ўнгида тутгайдир Эгам.

Боқки, қайлардин келур бу борлигинг,  
Эмди не эрмиш баса безорлигинг?

Бу фазилатларни инкор айлабон,  
Сен уларга ошиқ эрдинг ул замон.

Даъфи инкорингга келди бу карам,  
Аввало тупроқда тутмишдинг ватан.

Хужжати инкор бўлиб иншорлигинг,  
Бўлди даводин ёмон беморлигинг.

895 Хок нетиб тасвири инкор айлагай?  
Нутфа душманликми ошкор айлагай?

Унда на кўнглинг, на бошинг бор эди,  
Мункир эрдинг, борлигинг инкор эди.

Кирди жон, жисминг-ла секин сирлашиб,  
Ўвзи аъзойинг бирикди, бирлашиб.

Сен эшик қоққанга ўхшайсен аниқ,  
Ичкаридин хўжа дерким, хўжа йўқ.

Ул эшик қоққан биларки, хўжа бор,  
Силкитур эшикни бесабру қарор.

900 Баски, инкоринг мубайян отдиким,  
Неча жонсизларга жон берди Карим.

Неча санъатлар бaсе сарф бўлди то,  
Обу гил тутгунча маскан Ҳал Ато.

Обу гил дерким, менга инкор йўқ,  
Бонг урар ул беҳабар, ахбор йўқ.

Гарчи шарҳим айлагаймен юз тарийқ,  
Нуқта нозикдир, этолмасмен дақиқ.

### **СУЛАЙМОН АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ БИЛҚИС ТАХТИНИ САБОДАН КЕЛТИРИШ ЧОРАСИНИ КЎРГАНИ**

Деди бир ифрит<sup>59</sup>: қўярмен келтириб,  
Сен шу жойингдин чу қўзғолмай туриб.

905 Деди Осаф исми Аъзам бирла бас,  
Тахтни келтиргум қошингга шул нафас.

Гарчи ифрит сеҳр аро устод эди,  
Осаф амр этганда тахт, лаббай, деди.

Бўлди Билқис тахти ҳозир шул замон,  
Ифрит эрмас, Осаф амрига равон.

Шоҳ деди: алҳамдулиллоҳ, инчунун,  
Менга сиррин очди Раббул оламин.

Сўнг назар солди Сулаймон сўйи тахт,  
Деди: ахмоқларни алдарсен, дарахт.<sup>60</sup>

910 Бир мунаққаш чўбу тошсен, хулласи,  
Бош эгур қаршингда нодонлар бaсе.

---

<sup>59</sup> Ифрит - дев.

<sup>60</sup> Дарахт - бу ерда ёғоч маъносида.

Сожиду масжуд<sup>61</sup>-да жондин беҳабар,  
Бир қимирлашдир магар жондин асар.

Лолу ҳайронлик аро кўрмишдир ул,  
Тахта сўйлаб, тош ишоратлар қилур.

Белни бойлаб, унга хизмат айлагай,  
Тош арслонни арслон ўйлагай.

Чин арслон эрса шафқат айлабон,  
Иргитар кўппакка гоҳи устихон.

- 915 Дерки, билгаймиз баче итларни биз,  
Устухон отмоқ уларга - урфимиз.

**ҲАЛИМА МУСТАФО АЛАЙҲИССАЛОМНИ  
СУТДАН АЙИРГАЧ, УНИ ЙЎҚОТИБ ҚЎЙГАНИ,  
БУТЛАРДАН МАДАД СЎРАГАНИ, БУТЛАРНИНГ  
МУСТАФО САЛЛАЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАССАЛЛАМ  
ИШИ АЗАМАТИГА ШАҲОДАТ БЕРИШГАНИ**

Қиссаи рози Ҳалима сўйлайин,  
Хаста кўнглинг бир нафас шод айлайин.

Мустафониким айирди сутдин ул,  
Қўлга олди сўнгра чун райҳону гул.

Асрабон яхши-ёмондин ҳар куни,  
Отасига, деди, топширгум уни.

Ул омонат деб дилида ваҳму сўз,  
Қаъбага келди, Ҳатимга<sup>62</sup> бурди юз.

- 920 Келди кўклардин нидоким, эй Ҳатим,  
Сен сари юзланди офтоби Азим.

<sup>61</sup> Сожид - сажда этгувчи, масжуд - сажда этилгувчи.

<sup>62</sup> Ҳатим - Қаъбага туташ бир ер.

Эй Ҳатим, сочди, таратди сенга зуд,  
Неча юз минг шуълани хуршиди жуд.<sup>63</sup>

Эй Ҳатим, пойинга иқбол тўқди рахт,  
Муҳташам шоҳ келди, ул тимсоли бахт.

Яшнагайсен, эй Ҳатим, гулшан бўлиб,  
Не азиз жонларга чин маскан бўлиб.

Жони поклар сенга келгайлар базе,  
Завқу шавқинг бирла тўлгайлар базе.

925 Чун Ҳалима лолу ҳайрон қолди-да,  
Кўрмади бир кимса олди, ортида.

Олти ёқ холи эди, лек ул нидо,  
Янграр эрди, ул нидога жон фидо.

Мустафони ерга қўйди шул равиш,  
То билай деб соҳиби сас ким эмиш,

Термулиб атрофга, ахтарди ани,  
Қайдадир ул, шоҳи асроргў қани?

Ўнгу сўлдин сас келур эрди кушод,  
Лек кўринмасди овоз бергувчи зот.

930 Неча бор кўз солди, кимса йўқ эди,  
Жисму жони новда янглиг титради.

Қайтди ул ерга чу ҳайрону малул,  
Мустафони кўрмади ўрнида ул.

Ҳангу манг қолди-да, ўртанди дили,  
Ғам-алам босди, қорайди манзили.

---

<sup>63</sup> Хуршиди жуд - саховат қуёши.

Ҳар тараф елди, югурди дод солиб,  
Гавҳари жонимни кимлар олди, деб.

Маккаликлар дедиларки, билмадик,  
Бир бола бор эрса бунда, кўрмадик.

935 Тўқди ашқин, эл паришон бўлдилар,  
Бошқалар ҳам зору гирён бўлдилар.

Унчаким кўзёши тўқди, беадош,  
Кўқда юлдузлар-да йиғлаб, тўқди ёш.

### **БИР КЕКСА АРАБНИНГ МАДАД ИСТАБ, ҲАЛИМАНИ БУТЛАР ҲУЗУРИГА БОШЛАГАНИ**

Кекса бир чол келди, илкида асо,  
Эй Ҳалима, деди, не бўлди санго?

Дилни оташларга ёқдинг гам била,  
Ўзгаларни ўртадинг мотам била.

Деди: Аҳмад сутчисимен, бул куни  
Отасига келтириб эрдим уни.

940 Чун қадим қўйдама Ҳатимга, бир нидо,  
Учди бошим узра, тебранди ҳаво.

Ул овозларким учаркан дам-бадам,  
Мустафони ерга қўйдим дафъатан.

Истадим кўрмоқни чун, ким бўлди бул?  
Не ажаб, дилбар овозлар эрди ул.

На бировлардин кўролдим бир нишон,  
На овоз тинди, кесилди бир замон.

Ҳайрат ичра қай тарафга чопмадим?  
Чарчадим, қайтдим, боламни топмадим.

945 Чол деди: гам чекма, куйдирма мени,  
Бир ҳукмдор олдига элтай сени.

Сўйлагай ул, қўзичоғинг қайдадир,  
Сўйлагай, шамъи чирогинг қайдадир.

Бас, Ҳалима деди: эй жоним фидо,  
Чун келур сендин бу янглиг бир нидо.

Менга кўрсат, қайда ул соҳиб назар,  
Мустафодин токи берсин бир хабар.

Элтди Уззо қошига, деди: санам,  
Бўйлаким, ахбори ғайба муртанам.

950 Арз этиб унга, йўқотсак нарса биз,  
Ҳар сафар топдик йўқотган нарсамиз.

Сўнгра чол бут олдида бош эгди зуд,  
Эй худованди араб, эй баҳри жуд,

Деди, эй Уззо, баса икромлар  
Айладинг бизга, ечилди домлар.

Чун арабким кўрди икроминг сенинг,  
Берди кўнгил, бўлди ул роминг сенинг.

Бул Ҳалима келди арз айлаб сенга,  
Ҳожатин бергил, раво этгил анга.

955 Ул йўқолган кимса чун авлодидир,  
Бир гўдақдирким, Муҳаммад отидир.

Ул Муҳаммад отини айтган замон,  
Саждага бош қўйдилар бутлар ҳамон.



Дедиларким, бул нечук сирри савол?  
Ки Муҳаммад бизга бергайдир завол.

Биз нигуну хор бўлурмиз ул сабаб,  
Эл аро сангсор бўлурмиз ул сабаб. -

Вақти фатрат<sup>64</sup> ичра биздин гоҳ-гоҳ,  
Бир хаёлот кўрдилар аҳли ҳаво.

960 Ул келар бўлса, хаёллар қолмагай,  
Сув келар бўлса, таяммум бўлмагай.

Боргил, эй чол, фитна тошин чақмагил,  
Рашки Аҳмад бирла бизни ёқмагил.

Борки, йўқса, қўймагаймиз, пир, сени  
Ёқмагай то оташи тақдир сени.

Аждаҳонинг думини силгаймисен?  
Не хабар келтирганинг билгаймисен?

Бул хабардин жўш уриб дарёву кон,  
Титрагай ҳаттоки етти осмон.

965 Тинглади тошдин бу сўзни кекса то,  
Тош қотиб, ул илкидин тушди асо.

Жисму жони ваҳм аро титрар эди,  
Тишлари қўрқув-ла такиллар эди.

Қиш-қировда ўйлаким урэн эди,  
Биз адо бўлдик, дея гирён эди.

Чун Ҳалима кўрди ушбу ҳолни,  
Бир замон тарк этди қилу қолни.

---

<sup>64</sup> Вақти фатрат - икки пайгамбар оралиғида кечган давр.

Сўнг деди: пийро, агар меҳнатдамен,  
Ҳайрат улким, ҳар замон ҳайратда мен.

- 970      Бир замон еллар хатиб бўлгай менга,  
          Бир замон тошлар адиб бўлгай менга.

Ел менга сўз бирла маъно англатур,  
Тош менга ҳар турли ашё англатур.

Гоҳи ғайбийлар келурлар бир куни,  
Қўллашиб осмонга элтурлар уни.

Кимга сўйлаб, кимга этгаймен фиғон,  
Бир ажиб савдойидирмен бул замон.

Шарҳини айтсам, тилимда юз тугун,  
Бор сўзим шулки, йўқотдим мен бугун.

- 975      Сўйласам жиндак Муҳаммад сирини,  
          Эл менга ургаи жунун занжирини.

Чол дедиким, эй Ҳалима, гам ема,  
Саждаи шукр айла, фарёд айлама.

Ул йўқолганмас, йўқолмас ҳеч қачон,  
Гар йўқолса ул, йўқолгайдир жаҳон.

Эҳтиётлаб, ўнгию ортида, бас,  
Неча юз минг соқчи юргаи ҳар нафас.

Кўрмадингму, не санамлар, зуфунун,  
Номини айтганда, бўлди сарнигун.

- 980      Бир ажиб давронга юз бурди замон,  
          Кўрмаганмен кекса умримда чунон.

Кўкка учди не санамлар нолиши,  
Не бўлур осий гуноҳкорлар иши?

Тошки маъбуд эрса, унда не гувоҳ,  
Тошга бош эг, деб биров қистарму ё?

Бегувоҳларким бу янглиғ йиглагай,  
Ўзгалар ўзни не тахлит тиглагай.

**ҲАЛИМА МУҲАММАД АЛАЙҲИССАЛОМНИ  
ЙЎҚОТИБ ҚЎЙГАНИДАН БОЛАНИНГ БОБОСИ  
АБДУЛМУТАЛЛИБ ҲАВАР ТОПГАНИ, УНИ  
ШАҲАР АТРОФИДАН ИЗЛАГАНИ, КАЪБАГА  
БОРИБ МУҲАММАД АЛАЙҲИССАЛОМНИ  
ТИЛАБ, ҲАҚҚА ЁЛБОРГАНИ**

Чун Ҳалима чекди андоқ оҳу воҳ,  
Ки хабардор бўлди жадди Мустафо.<sup>65</sup>

985 Оҳ уриб, ҳар лаҳза йигларди аёл,  
Йиглабон, кўксини тигларди аёл.

Кўрдию не эрканин англаб шу дам,  
Йигламоққа бошлади бобоси ҳам.

Каъбага борди ва эгди бошини,  
Бош эгиб, кўздин оқизди ёшини.

Деди: эй Ҳақ, сенга ҳамроз бўлгали  
Менда ул қурбу балоғат йўқ ҳали.

Йўқ яна илкимда андоқ бир ҳунар,  
Ки сенга маъқул бўлай, эй додгар.

990 Файзи тоат топмадим бошим била,  
Мулки давлат очмадим ёшим била.

Лек кўрарканмен у сиймойи ятим,  
Кўрдим эҳсонинг нишонин, эй карим.

---

<sup>65</sup> Жадди Мустафо - Мустафонинг бобоси.

Гарчи биздандир, бўлакдир ул, аё,  
Виз ҳама мис эрсак, Аҳмад - кимиё.

Не ажойибларни кўрдим унда, бас,  
Дўстда йўқ, душманда ҳам зоҳир эмас,

Сен берибсан унга чун фазлу карам,  
Етмагайдир ўзгалар юз йилда ҳам.

995 Унда кўрдим лутфу эҳсонинг тугал,  
Баҳру дарёинг аро гавҳар ўшал.

Ул шафоатчим бўлур, додим сенга,  
Сен билурсен, ҳолини билдир менга.

Каъба ёқдин бир садое келди зуд:  
Сен кўрарсен ул азиз дийдорни, кут.

Неча юзлаб салтанат эҳсон анга,  
Неча юзлабдир малак посбон анга.

Зоҳири гар шуҳрайи кайҳон ўлур,  
Ботини эл назидин пинҳон ўлур.

1000 Визки заргармиз, чу зар айлаб тузук,  
Гоҳида халхол<sup>66</sup> ясармиз, гоҳ узук.

Гоҳи шамшир қинига зарҳал бериб,  
Гоҳида шер тасмасига ҳал бериб.

Гоҳи тахтга зебу зийнат айлабон,  
Гоҳи тожга қадр қиймат айлабон.

Ишқимиз бордир шу тупроққа ажиб,  
Чунки тургай қаршимизда тиз чўкиб.

---

<sup>66</sup> Халхол – оёққа тақиладиган узук.

- Гоҳи андин шоҳ пайдо айлағум,  
Гоҳи шоҳ олдида шайдо айлағум.
- 1005 Ошиқу маъшуқ бари андин келур,  
Даҳр аро сўнг васли дийдор изланур.
- Коримиз бундоқки, кўр бўлсин ҳамон,  
Улки этмас коримизга майли жон.
- Қорни очларга берайлик деб ҳаёт,  
Биз қаро тупроққа бердик бул сифот.
- Гарчи тупроқ зоҳиран тупроқ эрур,  
Ич-ичин боқсанг, фақат нур ичра нур.
- Зоҳири ботин-ла айлайдир талош,  
Ботини гавҳар магар, зоҳирда тош.
- 1010 Зоҳири, биз бўйладирмиз, дер, қора,  
Ботини дер: орқа-олдинга қара.
- Зоҳир айтур: ҳеч вақосен, тошмагил,  
Ботин айтур: кўрсатурмен, шошмагил.
- Зоҳири ботин-ла айлаб бўйла баҳс,  
Сабр этиб, нусрат топар майдонда, бас.
- Суврату чизгулари пайдо бўлур,  
Ёширин кулгулари пайдо бўлур.
- Зоҳиран тупроқ аламга бандадир,  
Ботини - юз минг табассум, хандадир.
- 1015 Кошифул асрор эрурмиз ҳар замон,  
Ёширин сирларни этгаймиз аён.
- Гарчи ўғри айбин инкор айлағай,  
Миршаб ул айбига иқрор айлағай.

Не фазилатлар ўмармиш бул қаро,  
Оқибат иқроп этармиз баҳс аро.

Не ажиб фарзандлари бордир уни,  
Лекин Аҳмаддир алардин устуни.

Бўлди осмону замин хандону шод,  
Ки туғилди деб бунингдек шоҳи зот.

1020 Қоқ ёрилди осмон шодлик била,  
Ер чаманзор бўлди озодлик била.

Зоҳиринг ул ботининг-ла, хоки хуш,  
Тортишиб, ҳар лаҳза этмасму уруш?

Ўз-ўзи бирлан талаш айлар киши,  
Бўю ранг бирлан унинг бўлмас иши.

Сен бориб, зулматни ёндир нур била,  
Жон қуёшинг сўнгра сўнмайдир сира.

Бизни деб ҳар кимки бергай имтиҳон,  
Ястанур пойига мовий осмон.

1025 Зоҳиринг гарчи қоронғудир, башар,  
Ботининг ичра гулистонинг яшар.

Хушламас бу гапни баъзи сўфилар,  
Лаб буриб, юзларни бужмайтар улар.

Кирпидек ялло яшарлар аслида,  
Айш этиб ўткир тиканлар остида.

Бас, тикан-ла борни тўсмишлар бари,  
Ўғрига дерларки гуё: кет нари.

Кирпиё, этдинг тиканни посбон,  
Сўфидек бошингни ичга тортибон.

1030 Истмайсен, неча бор гулчеҳра ул,  
Сурсалар шу боғ аро айшу сурур.

Гарчи фарзандинг ҳали мурғак сифат,  
Икки олам шу туфайлидир фақат.

Биз жаҳонни зинда айлармиз анга,  
Осмонни банда айлармиз анга.

Сўрдиким Абдулмуталлиб: қайда ул?  
Эй алимус-сирр, кўрсат менга йўл.

**АБДУЛМУТАЛЛИБНИНГ, МУҲАММАД  
АЛАЙҲИССАЛОМНИ ҚАЙДАН ТОПАЙ, ДЕБ  
СЎРАГАНИ, КАЪБАДАН САДО КЕЛИБ,  
АБДУЛМУТАЛЛИБ УНДАН ДАРАК ТОПГАНИ**

Каъбадин етди овоз янграб, учиб,  
Деди: эй фарзандини ахтаргучи!

1035 Ул фалон ерда, дарахтнинг остида,  
Мўйсафид от сурди топмоқ қасдида.

Унга ҳамроҳ бўлди аркони қурайш,  
Чунки бобо эрди аъёни қурайш.

Насли то Одамга етгунча ҳама,  
Соҳиб эрди базму разму малҳама.<sup>67</sup>

Ул насаб бобида андоқ зўр эди,  
Неча подшоларга меросхўр эди.

Ботини кибри насабдин эрди пок,  
Тенги йўқ эрди самакдин то Самок.

---

<sup>67</sup> Мазмуни: боболари Одам Атодин то ҳозирга қадар не-не  
йиғинлар, жангу жадалларнинг бошида туришган.

1040 Нури Ҳақ аслини сўргайму киши,  
Берса тўн, арқоғи бирлан не иши?

Хилъати Ҳақ етса сенга, не савоб,  
Тенг келолмас унга нури офтоб.

### **БИЛҚИСНИНГ РАҲМАТГА ДАЪВАТ ЭТИЛГАНИ ҚИССАСИНИНГ ДАВОМИ**

Билқисо, кел энди, подшоликни кўр;  
Йиғ ўзинг бағри карамдин инжу, дур.

Ўзгалар подшо бўлиб, бош устида,  
Сенга подшолик нечун лош устида?

Айламиш не турли эҳсону ато  
Ул опа-сингилларингга подшо.

1045 Сен эсанг оташлар узра ўлтириб,  
Ўзни подшо деб атарсен, бонг уриб.

### **ИНСОННИНГ ДУНЁ ҲИРСИГА ТУШМАГИ, ЎЗ ЖИНСИДАН БЎЛМИШ РУҲОНИЙЛАР ДАВЪАТИДАН БЕҲАБАРЛИГИ ВА “ҚАНИ ЭНДИ ҚАВМИМ БИЛСА ЭДИ.”<sup>68</sup> ХИТОБИНИ ЭШИТМАСЛИГИГА МИСОЛ**

Чун тиланчи бошлаб эрди ноласин,  
Ҳамла қилди ит ва йиртди ҳирқасин.

Бул жиҳатни сўйламиш эрдик магар,  
Лек зарурат бўлди таъкиди хабар.

Кўр дедиким, дўсту аҳбобинг бу дам,  
Дашту саҳролар аро ов бирла банд.

---

<sup>68</sup> Қуръони карим. Ёсин сураси, 26, 27-оятларга ишорат.



Дўстларингга дашт аро гўр<sup>69</sup> ўлжадир,  
Сенга шу шўрлик гадо, кўр ўлжадир.

1050 Буйла этма сен-да, эй шайхи нуфур,  
Битта кўлмаксен, бошингда неча кўр.

Кўлмак ичра айниган сув шўр бўлур,  
Ким ичар бўлса ҳамоно кўр бўлур.

Ширин эт баҳри ладундин сен уни,  
Неча дарвешлар тузоғинг тутқуни.

Бас, қулон овлайди ул шери Худо,  
Сен эсанг кўр овламоққа мубтало.

Йўқ, қулонмас, дўсту ёр овлайди, бас,  
Жумла, шер овлаб, ҳидоят бирла маст.

1055 Шер не эрмишким, улар овлайди шоҳ,  
Жон бериб ҳар лаҳза, ҳайрону валоҳ.

Бир ўлик қушдек олиб илкига ёр,  
Ўзга қушларни тутиб, айлар шикор.

Ул ўлик қуш васлу ҳижрон ичраким,  
Бор ҳадис: ал-қалбу байна исбаъайн.<sup>70</sup>

Ким ўлик қушга магар эрса шикор,  
Овлагувчи қуш эмасдир, шаҳриёр.

Кимки ул қушмас, бўлакни хушлагай,  
Бошқа бир сайёд қўлига тушмагай.

1060 Боқма, дер қуш, пасту мурдор деб менга,  
Чунки подшоҳим ниғаҳдордир менга.

---

<sup>69</sup> Гўр - ёввойи эшак, қулон.

<sup>70</sup> Қалблар Аллоҳнинг икки бармоғи орасидадир.

Мен ҳароммас, подшо сўймиш мени,  
Мурда эрсам, шаклу суврат бил ани.

Аввал учгайдим ёзаркан болу пар,  
Энди учганда учиргай додгар.

Фоний учмогим кетиб мутлақ ўзи,  
Боқий учмогимни берди Ҳақ ўзи.

Кимки парвозим тўсаркан, отини -  
Гарчи Семурғ дер, берармен додини.

1065 Бизни мурда билмагил то зиндасен,  
Кўр, магар шоҳ кафтида, гар бандасен.

Мурдага жон солди Исо шаҳд ила,  
Мен эсам Парвардигорим кафтида.

Тангри кафтида қоларманми ўлик?  
Сен уни билма Исонинг кафтидек.

Мен Исодирмен, дамимдин кимки жон  
Топса ул оламда қолгай жовидон.

Улки жон топди Исодин, ўлди бот,  
Кимки жон бергай Исога, ул ҳаёт.

1070 Мен Мусога бир асодирмен бу дам,  
Ул ниҳону мен эса майдондаман.

Аҳли муслимга пули дарё<sup>71</sup> ўзим,  
Фиръавн дуч келса, аждарҳо ўзим.

Сен Исони якка-ёлғиз билмагин,  
Тутмаса Ҳақ илкида, бўлгайму чун.

---

<sup>71</sup> Пули дарё - дарё кўприги

Мавжи тўфон ул асо эрди яна,  
Жодугарларга туганди тантана.

Ҳақда не нодир асолар, сўйласам,  
Фиръавнлар макри топгайдир адам.

1075 Майли, қўй, ўтлаб ейишсин неча кун,  
Тотли, заролуд алафларни бутун.

Бўлмасайди Фиръавн, ул тахту тож,  
Бўлмас эрди ул жаҳаннамга ривож.

Боқ уларни, ҳайда сўнг қассоб сари,  
Чунки очдирлар жаҳаннам итлари.

Бўлмаса эрди ганимлик даҳр аро,  
Қаҳру кин эл ичра бўлгайди адо.

Дўзах ул-қаҳру ғазабдир ҳар куни,  
Ёв керакдир, шафқат ўлдиргай уни.

1080 Кимсага кимса ёмонлик этмагай,  
Унда подшоликка равнақ етмагай.

Сўйлагувчиким буни сўйлар экан,  
Неча бир гаддор куларлар белисанд.

Майлига, кул телба кўнглинг майлича,  
Шул ёруғ дунёда тургайсен неча?

Эй муҳиблар шодланинг, мамнуну шод,  
Чун эшик сизга очилгайдир кушод.

Ул пиёздир, ё саримсоқдир, равоч,  
Ҳар кўкатга боғ аро бир эҳтиёж.

1085 Ҳар бири ўз пуштасида бехатар,  
Гуркираб ўсмоқни истар, нам эмар.

Сенки заъфарсен, азалдин заъфарон,  
Бўйла бўлгил, бошқаларни қўй ҳамон.

Сув симиргил, заъфаронлик айла жам,  
Сўнгра сингарсен ширин ҳалвога ҳам.

Йўл босиб, бўлма яна шолғомга эш,  
Ўзгадир улким, бўлолмас сенга хеш.

Сенга айру, унга ҳам айро ери,  
Ҳақ демишким, кенг эрур Оллоҳ ери.<sup>72</sup>

1090 Унча чексиздирки, йўқ сарҳадлари,  
Йўлга тушса, йўқ бўлур деуу пари.

Унча дарё, тоғу саҳро унда бор,  
Йўлчини йўлдан урар ваҳму хаёл.

Дашту денгизларки, бесоҳил эрур,  
Унга нисбат кўрганинг бир қил эрур.

Бўйла сувлар борки, кўзлардин ниҳон,  
Шул оқар сувларданам хуштам, равон.

Сен боқиб дейсанки, сувмас жон анга,  
Ҳам кўринмас тўхтаму поён анга.

1095 Тинглагувчиким толиқди, чўзмагил,  
Эй хатиб, нақшингни сувга ёзмагил.

Билқисо, тур, етди бозорга ривож,  
Қўй хасислар хайлини, тарк айла қоч.

Сен ўзинг майл айла, этгил ихтиёр,  
То ўлим ул айламасдин кирдикор.

---

<sup>72</sup> Қуръони карим. Нисо сураси, 47 - оятга ишорат.

Чун ўлим келгай магар, тутгай сени,  
Ўғри деб ҳайдаб-суриб, элтгай сени.

Олганинг уч-тўрт эшақдин наъл магар,  
Ўғрилиқ этмоқчи бўлсанг, лаъл ўмар.

1100 Ўзгалар одмиш баса мулки хулуд,  
Олганинг мулкинда йўқдир қўру қут.

Бахтлидир ул кечса бўйла мулкидин,  
Қолмагай мулки ажалнинг илкидин.

Билқисо, кўр энди, етди навбати,  
Не эмиш султони диннинг мулкати.

Зоҳиран гар дўсту ёрон ичра ул,  
Ботинан боғу гулистон ичра ул.

1105 Қайга борса, ҳамдами бўстон эмиш,  
Лекин ул эл наздидин пинҳон эмиш.

Сен-да кел, кўкларда уч бепарру бол,  
Худди хуршид, чун тўлин ой, чун ҳилол.

Кел, оёқсиз юр, ўзингни қийнамай,  
Позу неъмат эт тановул, чайнамай.

Не келур бошингга бир гамдин асар,  
Не келур қошингга ўлмоқдин хатар.

Шоҳ ўзинг, лашкар ўзингсен, тахт ўзинг,  
Бахтиёр, комрон ўзингсен, бахт ўзинг.

1110 Гарчи шоҳсен, айрудир лек омадинг,  
Бир куни кетса, эгилгай қоматинг.

Унда бир мумсик гадосен, бенаво,  
Баски, давлат бул ўзингга, мужтабо.<sup>73</sup>

Бахт ўзинг эрсанг агарда, маънавий,  
Айру тушмас ул, бўлур жонинг каби.

Айру тушмассен ўзингдин, эй камол,  
Чун ўзингдирсен ўзингга мулку мол.

**СУЛАЙМОН АЛАЙҲИССАЛОМ ТАНГРИДАН  
ЕТГАН ТАЪЛИМ, ВАҲИЙ ВА ҲИКМАТЛАР ИЛА  
МАСЖИДИ АҚСО ҚЎРГАНИ, МАЛОИКА, ДЕВУ  
ПАРИ ВА ИНСОНЛАРНИНГ БУ ИШДА УНГА  
КЎМАКЛАШГАНИ**

Эй Сулаймон, Масжиди Ақсони қур,  
Лашкари Билқис намоз қилмоқчидир.

- 1115 Чун Сулаймон қўйди масжидга тамал,  
Инсу жинс барча кўмакка келдилар.

Бир гуруҳ ишқ бирла келди ишга, лек,  
Бошқаси тоат этувчи кимсадек.

Халқ агар дев эрса, шаҳват-силсила,<sup>74</sup>  
Судрагай ерга, дўконга жаҳд ила.

Хавфсираб, занжирдадирлар эрта-кеч,  
Халқни занжирсиз магар кўрдингму ҳеч?

Судрагай мардумни ов, отизга ул,  
Гоҳ тор, маъданга, гоҳ денгизга ул.

- 1120 Судрагай яхши-ёмонларга абад,  
Ҳақ демиш: фи-жайдиҳа-ҳаблул-масад.<sup>75</sup>

<sup>73</sup> Мужтабо - танланган, эътиборли.

<sup>74</sup> Силсила - занжир

<sup>75</sup> Келишган буйинларида хурмо пўчоқларидан эшилган арқон бор

Қад жаъалнал ҳабла фи аъноқиҳим,  
Баттаҳазна-л-ҳабл мин ахлақиҳим.

Лайса мин мутақзирин мустанқиҳи,  
Қатту илла тойируҳ фи унқиҳи.<sup>76</sup>

Даҳр аро ҳирсинг ёниқ оташ эрур,  
Ўтга тушганда кўмир ҳам хуш эрур.

Юз қаролик оташ ичра гар ниҳон,  
Ўт ёниб битганда бўлгайдир аён.

1125 Солди ҳирсинг ул кўмирни ўт аро,  
Кечди ҳирсинг, қолди лекин ул қаро.

Ул кўмирким ёнди лов-лов, яшнади,  
Ҳусн эмас, оташга монанд ҳирс эди.

Ҳирс чизар қарашингда алвон манзара,  
Ҳирс магар битганда, ҳолинг-масхара,

Гўра, думбуллар тизар шайтону гўл,  
Хом эмас, пишган санар нодону гўл.

Шул тарийқ қийнайди нодон жонини,  
Гўралар ўтмас этар дандонини.

1130 Дона деб ул танлагони дом эди  
Луқмаким оғзига солди, хом эди.

Яхшидир ҳирс, яхшиликдир дин аро,  
Ҳирс кечаркан кимса бўлмас юз қаро.

Яхшиликлар ичрадир офтоби хайр,  
Тоби ҳирс кетгай-да, қолгай тоби хайр.<sup>77</sup>

<sup>76</sup> Бўйинларига андоқ бир арқон солдиким, у исонларнинг феълу хўйидан яралмиш... Ҳар яхши-ёмоннинг иши-аъмоли дафтарга ёзилиб, унинг бўйнига осилур.

<sup>77</sup> Ҳирс олови сўнади, лек яхшилик нури қолади.

Тоби ҳирс кетса, ишингдин не қолур?  
Кул қолур, кул бирла қолгайдир кўмир.

Болакай ҳам ҳис-ҳавас бирлан тўлиб,  
Ўйнагай ҳар дам хивични от қилиб.

1135    Лек ҳавас битганда тарк айлар ўйин,  
Ўзгаларнинг ҳолига қулгай кейин.

Дерки, не этдим, хаёл эрмиш менга,  
Ҳирс сабабли сирка бол эрмиш менга.

Анбиёлар - неча томлар ёпдилар,  
Ҳирсдин айру эрди, равнақ топдилар.

Ул киромлар не иморат солмади,  
Ҳеч бири Ақсо мақомин олмади.

Каъбаким бўй чўздн нур дунёсидин,  
Эрди Иброҳим Халил ихлосидин.

1140    Демаким, тупроқлари олий эди,  
Балки мемор ҳирсдин холий эди.

Ҳар бирин қутлуғ китоби ўзгача,  
Масжиди, ваъзи, хитоби ўзгача.

Ҳам адабда, ҳам ғазабда айру ҳол,  
Ўхшагай на уйқу-ором, на мақол.

Ҳар бирин нури, сифоти бир ажаб,  
Жон қушин ёзган қаноти бир ажаб.

Титратур дилларни зикри ҳоллари,  
Қиблаи аъмолимиз-аъмоллари.

1145    Қушлари тилло тугаркан, ку-кулар,  
Тун яримда субҳидам кўргай улар.



Бас, улардан сўйламоқ - нур узра нур,  
Қанча айтмай, айтганим ноқис эрур.

Масжиди Ақсо қурингиз, эй киром,  
Қи Сулаймон келди қайтиб, вассалом.

Этса саркашлик магар деуу пари,  
Зуд малаклардин етишгай таъзири.

Гар бирор дев қўйса бир қингир қадам,  
Қамчилар бошига тушгай дам-бадам.

1150 Сенда кўрсатгил Сулаймонлик кучин,  
Девларинг тош кессин айвонинг учун.

Бул Сулаймон сен-да, бевасвосу рев,  
Хизматинг этсин ҳамиша жинсу дев.

Сенга шу кўнглинг-узукдир, англагил,  
Бермагил девларга асло, асрагил.

Бас, сулаймонлик насибингдур мудом,  
Гар узук-ла девни қўрқитсанг тамом.

Эй кўнгил, кетмас сулаймонлик сира,  
Сендадур ул, қору борингдин сўра.

1155 Дев-да бир муддат сулаймонлик қилур,  
Бўзчидир, атлас тўқишни не билур?

Ҳайнатур илки Сулаймондай, валеқ,  
Фарқи кўзларга кўрингай ойнадек.

**БИР ШОИР ҚИССАСИ, ШОИРГА ПОДШОҲНИНГ  
ИНЪОМ-ЭҲСОН БЕРГАНИ, АБУЛ ҲАСАН ДЕГАН  
ВАЗИР У ҲАДЯНИ ОШИРГАНИ**

Келди шоир шер ёзиб, шоҳ олдига,  
Туну зар, тулпорга бўлсам деб эга.

Шоҳ анга лутфу карам айлаб нисор,  
дедиким, эҳсон этингиз минг динор.

Вазир айтди: минг динорни нетсин ул,  
Сиз беринг ўн минг динорким, кетсин ул.

1160 Бўйла шоҳдирсизки, шоҳи баҳру бар,  
Берсангиз ўн минг динор ҳам оз магар.

Бож-хирожнинг кам эмас, ўндан бирин,  
Берса бўлгай, деб у очди дафтарин.

Берди шоҳ ўн минг динор хилъат ила,  
Ғарқ этиб шукру санога бир йўла.

Шоир ўйловларга ботди: ким эмиш,  
Шоҳга шоирлик камолим ким демиш?

Дедиларким, ул фалон вазири хос,  
Исми жисмига тамом монанду мос.

1165 Бир қасида ёзди вазирга узун,  
Топшириб, сўнг уйга қайтда бесукун.

Уйда ҳозир эрди шоҳ неъматлари,  
Мадҳини сўйлар эди хилъатлари.

**ОРАДАН НЕЧА ЙИЛЛАР КЕЧИБ, ШОИРНИНГ  
ЯНА ШОҲ ЭШИГИГА КЕЛГАНИ, ШОҲ УНГА  
ОДАТДАГИДЕК ЯНА МИНГ ДИНОР ҲАДЯ  
ЭТГАНИ, ҲАСАН ОТЛИҒ ЯНГИ ВАЗИР ШОҲГА,  
ХАРАЖАТЛАРИМИЗ КЎП, МЕН ШУ ҲАДЯНИНГ  
ЎНДАН БИРИ ИЛА УНИ ХУРСАНД ҚИЛАМАН,  
ДЕГАНИ**

Кечдилар роҳатда бундоқ не сана,  
Тушди муҳтожликка шоир ул яна.

Келса танглик, дедиким, чопмоқ керак,  
Ахтариб бир чорасин топмоқ керак.

Айламишди менга эҳсону карам,  
Боз ўшал даргоҳга қўйгумдир қадам.

1170 Сўйлади Оллоҳ каломин Себувайҳ:  
Юълаҳуна фил-ҳавоижҳум ладайҳ.

Деб алиҳна фи-ҳавойижна илайк,  
Вал-тамаснаҳа важаднаҳа ладайк.<sup>78</sup>

Юз туман оқилга етса ранжу дард,  
Унга йиғлаб, унга ёлборгай фақат.

Борму шул девона шул очун аро -  
Ки фақир, бечорадин сўргай вақо?

Топмаса дардига дармон илгари,  
Кимса боз келгайму эрди ул сари?

1175 Не балиқлар баҳру дарё мавжида,  
Турфа қўшларким, самовот авжида.

---

<sup>78</sup> Бандалар муҳтожлик юз берганда унга сагинурлар.. Муҳтожли гимизни сенга айтамыз, ҳожатимизни ўзинг раво қил, дерлар.

Филу қашқир, шеру йўлбарс барчаси,  
Мўру мору аждаҳо ҳар қанчаси.

Сув, ҳаво, тупроқ ва оташ, ул шарор,  
Ҳар нафас андин кутарлар ихтиёр.

Ёлборур ҳар лаҳза унга осмон,  
Сен мени паст этма, Оллоҳим, дебон.

Неъмату файзинг суянчиқдир менга,  
Жумла осмонлар суянгайдир сенга.

- 1180 Ер дегай: сув узра этдинг барқарор,  
Бас, қарорим бузма, эй Парвардигор.

Барчаси қўлни ўшанга сундилар,  
Меҳру шафқат расмини ўргандилар.

Ҳар набий илқида андин бир барот;  
Истаъину минҳу сабран ав салот.<sup>79</sup>

Бошқалармас, дедилар, бергайдир у,  
Даштда эрмас, излагил дарёда сув.

Бошқалар берганда, билким, ул берар,  
Бошқаларга, бер, дебон кўнгил берар.

- 1185 Улки бир мўъризни<sup>80</sup> Қорун этди, бас,  
Унга юз бурганни нелар айламас.

Шоир эҳсону ато айлаб тамаҳ,  
Ул шаҳи муҳсинга юз бурди яна.

Не эмиш шоир бисоти? Шеър магар,  
Шеър битиб, подшога ул тортиқ этар.

<sup>79</sup> Ҳар бир пайгамбар намоз ўқишда сабрли, саботли бўлишда ундан ёрдам сўранг, деб фармон келтирди.

<sup>80</sup> Мўъриз - юз ўгирган.

Аҳли эҳсонким, саховат ичрадир,  
Зар йигиб, шоирга бўлгай мунтазир.

Могу мулк не, шеър азиздир баридин,  
Чун олингайдир у денгиз қаъридин.

1190 Одамий аввал ҳариси нон эрур,  
Нон суянчиқдир танинга, қон эрур.

Айлагай юз касбу гасбу юз ҳиял,  
Нонга етгунча неча ҳирсу амал.

Нонга етгач, бошқаси даркор бўлур,  
Энди шоир мақтовига зор бўлур.

Асли-наслин мадҳига азбар керак,  
Мақтовин айтмоққа юз минбар керак.

Шухрати манзилма-манзил, кўйма-кўй,  
Худди амбардек таратсин атру бўй.

1195 Хулқимизни хулқига ўхшатди Ҳақ,  
Васфимиз ҳам васфидин олгай сабақ.

Биру бор мадҳу сано истар нуқул,  
Одамийни ҳам яратмиш бўйла ул.

Марди Ҳақ ҳам гарчи юксакдир, улуг,  
Мешга ўхшайдир, ҳаво бирла тўлиқ.

Лойиқ эрмас эрса мақтовга иши,  
Меш каби бир кун ёрилгайдир киши.

Мен буни бекорга айтмасмен, рафиқ,  
Сарсари бўлма, ҳушингни бошга йиғ.

1200 Мен эмас, пайгамбар айтмишдир буни,  
Дедилар, мақтовни хушлар деб уни.

Шоҳга элтди шеърини шоир атай,  
Мазмуни шул: шукру эҳсон ўлмагай.

Ўлди муҳсин<sup>81</sup>, қолди лек эҳсон ҳама,  
Ул саховатларга эл ҳайрон ҳама.

Ўлди золимлар, зулмлар қолдилар,  
Ўзни оташларга андоқ солдилар.

Деди Пайгамбар: бу ҳикмат бахшилик,  
Қолса гар сендин жаҳонда яхшилик.

1205 Ўлди муҳсин, ўлмади эҳсони лек,  
Дин буюк Ҳақ наздида, эҳсон буюк.

Улки ўлди, қолди исъёни анинг,  
Қолди қийноқлар аро жони анинг.

Баски шоир шоҳ сари айлар гузор,  
Бир ҳовуч тиллога чун муҳтожу зор.

Хуллас ул подшога элтди шеърини,  
Кутди подшодин атову меҳрини.

Нозанин шеър эрди, мисли дур эди,  
Дур эди, чун манзуми манзур эди.

1210 Одатин тарж этмаишди шаҳриёр,  
Ул ўқиб, деди: берингиз минг динор.

Эски вазир кўз юмиб кетган эди,  
Кўз юмиб, дунёни тарк этган эди.

Янги вазир эрди ўрнида раис,  
Бемурувват эрди, гаддору хасис.

---

<sup>81</sup> Муҳсин - саховат эгаси.

Деди: Шоҳим, бизга даркор ақча-пул,  
Битта шоирга бу эҳсон каттадир.

Минг динор эрмас, бериб ўндан бирин,  
Мен уни мамнун ва рози айлайин.

1215 Шунда ҳозир неча аъёнлар деди:  
Аввали ўн минг динор олмиш эди.

Ул шакар еб, бенаволикму этар?  
Шоҳлик айлаб ул, гадоликму этар?

Деди вазир: чораву тадбири бор,  
Мен уни этгум эшикда интизор.

Хас олиб берсам сомондин, пул дегай,  
Қум олиб берсам йўлимдин, гул дегай.

Устамен бу ишга, кўндиргим уни,  
Ул агар ўт эрса, сўндиргим уни.

1220 Балки ул авжи Сурайёдин келур,  
Бизни кўрганда мулойим тортадир.

Деди султон: майли сенда ихтиёр,  
Хурсанд айла, шаънимизга мадҳи бор.

Менга қўйгил, деди, эй шоҳи карам,  
Унга ўхшаш неча инсонларни ҳам.

Сўнгра ул шоирни этди интизор,  
Куз ўтиб, қиш ҳам кетиб, келди баҳор.

Интизорлик чекдию пир бўлди ул,  
Жонни мавҳ этгувчи тадбир бўлди бул.

1225 Дедиким, зар йўқса, дашном айлагил,  
Ур мени, сургил эшикдин, ҳайдагил.

Етди шул ўлмоққа жоним гам ила,  
Қув мени, жоним қутулсин бир йўла.

Бердилар ўндан бирининг чорагин,  
Қолди шоир неча ўйлар ичра жим.

Сўнг деди: ул дафъа бермишди ҳамон,  
Қанча тилла, энди бул хору тикон.

Дедилар: ҳаққингни берган мард эди,  
Кетди ул, дунёдин ўтди, қолмади.

1230 Ул туфайли эрди эҳсону ато,  
Йўқ эди эҳсонда янглишу хато.

Қолмади бир нарса, ул эҳсон тугул,  
Ул эмас аслида эҳсон ўлди ул.

Кетди биздин соҳиби доду рашид,  
Ўрнига келди гадо юлгувчи ит.

Қоч бу ердин тунда шабохун уриб,  
Йўқса, шул ҳадянгни олгайдир юлиб.

Зўрға ундирдик уни, эй аржуманд,  
Неча ҳийла, не машаққатлар билан.

1235 Сўрдиким шоир биродарлар, аё,  
Айтингиз, қайдин етишди бу бало?

Номи не эрмиш, ўзидир худписанд?  
Дедиларким, эй рафиқ, бул ҳам Ҳасан

Деди: ё Раб, бирмидир ёлғону чин?  
Бўйла бўлгайму сира, эй. Рабби дин?

Ул Ҳасанким, илқида гар хат эди,  
Юзга вазир соҳиби ҳиммат эди.



Чун сақолин ўстирибдир бул Ҳасан,  
Ўз қулоч арқон эшилгай, ўйласам.

- 1240 Шоҳки бир нокасни чун доно билур,  
Ўзни ҳам, давлатни ҳам расво қилур.

**ПОДШОНИ ЁМОН ЙЎЛЛАРГА БОШЛАГАН БУ  
ОЛЧОҚ ВАЗИРНИНГ ФИРЪАВНИИ  
ИНСОНЛИҚДАН ЧИҚАРГАН ҲОМОНГА  
ЎХШАШЛИГИ**

Баски тингларкан Мусодин хушкалом,  
Неча бор бўлди Фиръавн унга ром.

Бир каломлар эрди андоқ беназир,  
Сўйласа, ҳаттоки тошни тиргизур.

Лек Фиръавн вазири Ҳомон эди,  
Телба, олчоқ эрди ул, шундоқ деди:

Илгари шод эрдингу арзандасен,  
Энди бир дарвешга бўлдинг банда сен.

- 1245 Чун отилган тошга дуч келди кўнгил,  
Ойнавон уй эрди, чил-чил синди ул.

Қурди юз кунда калими хушхитоб,  
Ул келиб бир зумда этмишди хароб.

Ақл ул жисмингда вазирдир магар,  
Ки Худонинг йўлини тўсгай ўшал.

Авлиё сўйлайди, етмайди сенга,  
Бу насиҳат таъсир этмайдн сенга.

Сен дегайсен: жоиз эрмас, жойимас,  
Телба бўлма, йиғ ҳушингни бир нафас.

- 1250 Бўйла шоҳу бўйла вазир бўлса гар,  
Иккисин ҳам маскани дўзах бўлар,  
  
Бахтлидир ул шоҳки, келгай матлаби,  
Вазирга бўлса унинг Осаф каби  
  
Шоҳи одилга суянчдир, кам дема,  
Нур уза нур, деб атарлар эл ҳама.  
  
Гар Сулаймон шоҳ эса, Осаф вазир,  
Нурга нур, анбарга мушк пайвастадир.  
  
Гар Фиръавн шоҳу вазирдир Ҳомон,  
Ул-да бадбахт, бул-да бадбахтдир ҳамон.
- 1255 Фарқ бўлурлар бори зулматларга, бас,  
На хирад ёру на давлат рўзи арз.<sup>82</sup>  
  
Ул ёмонларда ёмонликдир тамом,  
Яхшилик кўрсанг, анга айтгил салом.  
  
Жон-шоҳ эрса, ақл, вазир ҳисоб,  
Ақли фосид жонни этгайдир хароб.  
  
Чун малак эрди ақл, Ҳорут бўлиб,  
Чиқди ул, шогирдлари тоғут бўлиб.  
  
Ақли жузвий бўлса, вазир этмагил,  
Ақли Куллни айла, эй султон, вазир.
- 1260 Ҳар ҳавонн вазир этма, илтимос,  
Тарк этур шул жони покингни намоз.  
  
Ул нуқул ҳозирни билгайдир ҳузур,  
Ақли комил явми динни кўзлаюр.

---

<sup>82</sup> Рўзи арз - Қиёмат куни.

Ул бугунмас, оқибатга кўз тикар,  
Гулни деб озору дарду ғам чекар.

Бўлмасин ҳаргиз хазон, дер, сўлмасин,  
Ҳар думоғ атру уфорин оламасиң.

**ДЕВНИНГ СУЛАЙМОН АЛАЙҲИССАЛОМ  
МАҚОМИГА ЎЛТИРГАНИ, СУЛАЙМОН ҚИЛГАН  
ИШЛАРГА УННАГАНИ, ҲАР ИККИСИ  
ОРАСИДАГИ ТАФОВУТЛАР, ДЕВ ЎЗИНИ  
СУЛАЙМОН ИБН ДОВУД ДЕБ АТАГАНИ**

Оқил эрсанг, йиғ ҳушингни бошга сен,  
Маслаҳат сол ўзга ақлу ҳушга сен.

1265 Қўш ақл бўлса, бало бўлгай йироқ,  
Авжи осмонларга қўйгунгдир оёқ.

Девки чиқмишди Сулаймон ном этиб,  
Ўлкани олмоқчи бўлди ром этиб.

Кўрмиш эрди ул Сулаймон корини,  
Бўйла тузмоқ бўлди иш рафторини.

Эл деди: этма қиёс, бешойдадир,  
Ул Сулаймон қайдаю бул қайдадир.

Улки уйгоқ эрди, бул уйқуда хор,  
Ул Ҳасаннинг бул Ҳасандин фарқи бор.

1270 Дев дегайким, Ҳақ менинг шаклим билан,  
Дев бино этмиш, яратмиш Аҳриман.

Сувратимни девга бермиш, дейди, ҳай,  
Бовар этманг унга асло, алдагай.

Баҳс этиб, даъвога тушса нобакор,  
Сувратига зарра этманг эътибор.

Макру ҳийла бирла сўзлар ҳар куни,  
Яхши диллар тескари англари уни.

Хос мўмайиз<sup>83</sup> бирла этмаслар ўйин,  
Ғайбгўларни ишонтирмоқ қийин.

1275 Неча сеҳру неча талбису амал,  
Аҳли давлатга чеколмас пардалар.

Бас, улар дейдики, ёлгондир сўзинг,  
Чунки қингир йўлни тутмишсен ўзинг.

Майлига борсанг-да бундан нарига,  
Қайга боргайсен-жаҳаннам қаърига.

Подшо эрмас агарчи ул фақир,  
Манглайи нури адолат ичрадир.

Сен узукни юлқиб олмишсен, даюс,  
Дўзахийдирсен, жаҳаннам ичра муз.

1280 Бизга не эрмиш ўшал кўшқу ҳаво,  
Бош надир, тирноқни кўрмасмиз раво.

Босса гафлат, бош қўяр бўлсак магар,  
Тўхта, деб тупроқ, заминдин қўл чиқар.

Этмасин бош бўйла хору хасга, дер,  
Сажда этманг бўйла бир нокасга, дер.

Бўлмасайди ғайрати, рашки Худо  
Шарҳини айлардим, айлаб жон фидо.

Сен қаноат қилки, айтдим бул қадар,  
Қолганин айтгум батафсил бошқа гал.

---

<sup>83</sup> Мумайиз - фаросатли

1285 Мен Сулаймону набиймен, деб ўзин,  
Баъзилар мардумга кўрсатмас юзин.

Эркак эрмасдир, аёлдир ул, бироқ,  
Сенга не ному насаб, маънига боқ.

Ҳоли, аъмолини кўргил, кўзлагил,  
Ҳоли, аъмолида маъно излагил.

**МАСЖИДИ АҚСО ҚУРИЛИШИ БИТГАЧ,  
СУЛАЙМОН АЛАЙҲИССАЛОМ ҲАР КУНИ БУ  
ЕРГА КЕЛИБ, ИБОДАТ ҚИЛГАНИ, БАНДАЛАРГА  
ТЎҒРИ ЙЎЛ КЎРСАТГАНИ, МАСЖИД САҲНИДА  
ЎТ-ЎЛАНЛАР КЎКАРГАНИ**

Бас, Сулаймонким тамиз эрди, таҳур,<sup>81</sup>  
Ҳар сабоҳ Ақсога келгай эрди ул.

Учраса масжидда янги бир кўкат,  
Эркалаб дердики, ҳой, исмингни айт.

1290 Сўйлагил сирри ниҳонинг не эмиш,  
Бизга нафинг не, зиёнинг не эмиш.

Сўйлар эрди ҳар гиёҳ ул феълу ном,  
Унга жонман, дерди, бунга мен ҳумом.<sup>85</sup>

Унга шаккармен, ановларга заҳар,  
Ёзмиш исмимни чунин лавҳи қадар.

Сўйлар эрди чун Сулаймонга гиёҳ,  
Ўрганиб, бўлди табиблар муқтадо.

Сўнг табобатдин китоблар ёздилар,  
Хаста жонларга шифо кўргаздилар.

<sup>81</sup> Таҳур - пок.

<sup>85</sup> Ҳумом - оғу.

- 1295 Илми тиб бўлди набийларга ваҳий,  
Йўқса, жон бўлгайму эрди огаҳий.  
Ақли жузвий ақли истихрож эмас,<sup>86</sup>  
Илму фандин ўзгага муҳтож эмас.  
Таълиму таҳсинга қобилдир хирад,  
Лек ваҳий бирлан мададкорлик керак.  
Касбу санъат айламоқликдир қийин,  
Касб аро устози комил кўрмайин.
- 1300 Қилни қирқ ёргай ақл ҳар ишда то,  
Лек анга устоз керакдир мутлақо.  
Ёлғиз ақлу ҳуш ила бўлсайди гар,  
Касб этарди ҳар киши касбу ҳунар.

**ДУНЁДА ҲАЛИ ГҮРКОВЛИК КАСБИ ЙЎҚ ЭКАН,  
ҚОБИЛ ҚАРҒАДАН ГҮРКОВЛИК ҲУНАРИНИ  
ЎРҒАНГАНИ**

- Гар чу гўрковлик чу оддий пеша ул,  
Қайда эрди бўйла бир андиша ул?  
Йўқса, Қобил шунча куйгайму эди?  
Бошига Ҳобилни қўйгайму эди?  
Танг эди ул, не қилай деб мурдани,  
Энди мен қайларга элтай деб уни.
- 1305 Кўрди, бир қарға келар эрди шитоб,  
Ўлган ўзга қарғани тишлаб шу тоб.  
Келди-да қуш, ерга қўнди бир маҳал,  
Унга гўрковликни ўргатди ўшал.

---

<sup>86</sup> Истихрож - ҳукм қилувчи.

Чангали бирлан заминни ўйди қуш,  
Мурдани тупроққа сўнгра қўйди қуш.

Тортди сўнг устига ул тупроғу хок,  
Унга Ҳақ илҳоми келмиш эрди пок.

Туф, деди, ақлимга, Қобил кўрди чун,  
Қаргадир фарқу фаросатда фузун.

1310 Ақли Кулл армиш ўшал зоғул басар,  
Ақли жузв ҳар ёнга солгайдир назар.

Ақли ростдир ақли хослар шуъласи,  
Ақли зоғдир гўр қазишнинг устаси.

Жонки бўлгай қарга-зоғлар тутқуни,  
Қарга қабрстонга элтгайдир уни.

Юрма нафсинг ортидин, эй тумтароқ,  
Бор эмас, бошлар мазорга қарга-зоғ.

Гар борарсен, бор кўнгил анқойига,  
Кўҳи Қофу масжиди Ақсойига.

1315 Ҳар нафас ўсмоқда савдойингда гул,  
Гуркирар масжиди Ақсойингда ул.

Чун Сулаймон сўр унинг аҳволини,  
Босма ногоҳ, тафтиш айла ҳолини.

Эътибор бирлан назар солсанг анга,  
Шул замин асрорин айтгайдир сенга.

Ул қамишдирму ва ё шаккармикан?  
Ҳар заминга таржимондир ўт-ўлан.

Бас, кўнгил саҳнида фикринг гуркирар,  
Ҳам кўнгил розини очгайдир улар.

- 1320 Анжуманда эрса сўз севгувчи ул,  
Анжуман ичра сочармен неча гул.  
  
Ҳозир эрса сўзни сўндиргувчи зот,  
Сўзларим дилдан учарлар шул заҳот.  
  
Кимса боргай, қайга тортгайдир дили,  
Жазби содиқ, жазби козиб бор вале.  
  
Гоҳ хато, гоҳ тўғри ташларсен қадам,  
Ип кўринмайдир, уни тортгувчи ҳам.  
  
Тевадирсанким, бурундиқ тортадир,  
Сен бурундиқни эмас, тортганни кўр.
- 1325 Гар сенга тортгувчи бўлсайди аён,  
Очилур эрди шу савдойи жаҳон.  
  
Габри кофир ул юрар ит ортидин,  
Деву шайтонлар куларлар устидин.  
  
Унга ошкор бўлса эрди манзара,  
Бўлмас эрди ул умумга масхара.  
  
Мол деган қассобни ҳеч билгаймиди?  
Билса гар, кушхонага юргаймиди?  
  
Ермиди, олдига қассоб солса ўт?  
Ё магар бергаймиди қассобга сут?
- 1330 Егани сингармиди жисмига, гар,  
Муддаодин бўлса воқиф, бохабар.  
  
Баски, дунё устунни гафлат эрур,  
Не эмиш давлат? У «дав»у «лат» эрур.



Бошда чоп-чоп, сўнгра калтакдир емиш,  
Хор бўлиб ўлмоқдин ўзга не эмиш?

Сен туриб жиддий, урарсен ишга даст,  
Ёпилур дунёнинг айби шул нафас.

Ишга тушгайсен, баче ғайратки бор,  
Айбни бўйла беркитар Парвардигор.

1335 Бўйлаким, ҳар бир тушунча бегумон,  
Иссиқ эрканда бўлур айби ниҳон.

Шарқда эрсанг, айбини билсанг пича,  
Тонг эмас, қочгай эдинг Мағрибгача.

Баски охирда пушаймонлик келар,  
Шунчалар елдинг, югурдинг шунчалар.

Жонимизни тутгай ул ғафлат аро,  
Бизни деб ҳукми қазо келгунча то.

Бас, қазоким ҳукмини ошкор этар,  
Қўз очилгай ҳам пушаймонлик етар.

1340 Ул пушаймонлик бўлакдир, ўзга хўй,  
Ҳаққа ёлбор, бул пушаймонликни қўй.

Гар пушаймонликни одат этсанг ул,  
Ундан ҳам ортиқ пушаймонлик келур.

Ярми умринг чун паришонлик ила,  
Қолгани кечгай пушаймонлик била.

Қўй бу андишу пушаймонликни сен,  
Изла хуш аъмолу шодонликни сен.

Йўқ эса бир яхши аъмолинг магар,  
Не йўқотдинг, оҳ чекарсен шунчалар?

1345 Яхши бир йўлни магарким билмасанг,  
Ул ёмони не бўлур, билгаймисен?

Яхшини топ, сен уни тут аввало,  
Зидни зид бирлан кесурлар, эй фато.<sup>87</sup>

Кечмасанг, фосид хаёл қўйнингдадир,  
Баски ожизсен, гуноҳ бўйнингдадир.

Ожиз эрсанг гар, пушаймонлик нечун?  
Ожизинг текшир: қаёқдин, не учун?

Бўлмаса дунёда гар қодир киши,  
Қайданам пайдо бўлур ожиз киши?

1350 Бир қусур бор дилдаги ҳар орзуда,  
Сен ўшал айбу қусурнинг ортида.

Ошкор бўлсайди орзу иллоти,  
Бўлмас эрди жонда орзу рағбати.

Бўлса эрди орзунинг айби аён,  
Бормас эрдинг, судраса гар ул томон.

Бошқа иш ҳам келмас эрди хуш сенга,  
Иллоти чунки зуҳур этмиш сенга.

Эй Худойим, розбилгич, хушкўнгил,  
Нораво иш айбини беркитмагил.

1355 Яхши ишлар айбин этма ошкор,  
Сўнмасин дилларда то азму қарор.

Одати эрди, Сулаймон турди ул,  
Тонг-саҳар масжид томонга юрди ул.

---

<sup>87</sup> Эй фато - эй йигит.

Тушди масжид саҳнига, кўз солди шоҳ,  
Балки юз очмиш, кўкармиш бир гиёҳ.

Неча сир-асрорни айтиб ўт-алаф,  
Тоза кўнгилга кўринса, не ажаб.

**БОҚҚА КИРИБ, БОШИНИ ТИЗАСИГА ҚЎЙИБ,  
ХАЁЛ, МУРОҚАБАГА<sup>88</sup> БЕРИЛГАН СЎФИ  
ҚИССАСИ. ДЎСТЛАРИНИНГ, БОШИНИ  
КЎТАР, ГУЛШАНГА БОҚ, ҚУШЛАРНИ,  
ЧЕЧАКЛАРНИ, ТАНГРИ ТАОЛО  
МУЪЖИЗАЛАРИНИ ТОМОША ҚИЛ,  
ДЕГАНЛАРИ**

Суфиким ул боғда ўлтирмиш эди,  
Тиззасига бошини қўймиш эди.

1360 Бўйла гар, этмишди кўнгил тўлқини,  
Ухламиш, деб биттаси туртди уни.

Нега ухлайсен, деди, атрофга боқ,  
Не оғочлардир, не анво боғу роғ.

Ҳақ ўзи амр айламишдир: анзару,  
Боқ, демиш асрори раҳматларга у.

Деди: Ҳақ осори - дилдир, булҳавас,  
Бошқа осорлар унинг осори, бас.

Жондадир боғу чаманларнинг бари,  
Кўрганинг бул - сувда акс этганлари.

1365 Кўрганинг бул - сувда акс этган хаёл,  
Титрагай, мавж урса ул оби зилол.

Мевалар, боғлар бари кўнгилдадир,  
Суврати дунёда - обу гилдадир.

---

<sup>88</sup> Муроқабга - кўнгилни Худога бойлаб, ўй-хаёлга чўмиш.

Бўлмасайди суврати сарву сурур,  
Номини айтгаймиди: дорулгурур.<sup>89</sup>

Бу хаёл кўнгил элининг аксидир,  
Авлиё жону дилининг аксидир.

Жумла келганлар кўраркан, алданар,  
Дейдиларким, бунда жаннатдир магар.

1370 Ҳам асл боғдин қочарлар юз буриб,  
Хор этарлар гоҳ мазаммат ҳам қилиб.

Баски гафлат уйқуси топгай басар,  
Чинни кўргайлар, ва лекин не самар?

Ул сабабдандирки, қабристон аро,  
То қиёмат янграгай: во ҳасрато!

Бахтиёр улдирки, ўлмай ўлди ул,  
Бул асл боғдин насиба олди ул.

**МАСЖИДИ АҚСОНИНГ БИР БУРЧАГИДА  
ХАРРУБ<sup>90</sup> ЎСГАНИ, СУЛАЙМОН  
АЛАЙҲИССАЛОМ У БИЛАН СЎЗЛАШИБ, ИСМИ  
ВА ХОСИЯТИНИ БИЛИБ, ҚАЙҒУГА БОТГАНИ**

Бас, Сулаймон кўрдиким, бир гўшада,  
Бир гиёҳ ўсмишди, кўркамди жуда.

1375 Тоза эрди ул, турарди турланиб,  
Кўзни тортарди яшилранг нурланиб.

Ул салом берди гиёҳга, ул-да бот,  
Олди Пайгамбар саломин, бўлди шод.

---

<sup>89</sup> Дорулгурур - алдоқчи дунё.

<sup>90</sup> Харруб - вайроналарда ўсадиган ўсимлик.

Дедиким, номингни айтгил бедаҳон,  
Деди: харрубмен, аё шоҳи жаҳон.

Сўрди: сенда не эмиш хосият ул?  
Деди: мен ўсган макон вайрон бўлур.

Менки харрубмен, харобот манзилим,  
Хору бузғунликда битгай ҳосилим.

1380 Чун Сулаймон тинглади, билди магар,  
Ки ажал келмиш, яқинлашмиш сафар.

Деди: то бормен, шу масжиди замон,  
Қўрмагай офат ва тургайдир омон.

То тирикмен, муддаоинг ўтмагай,  
Масжиди Ақсога офат етмагай.

Тутса юз йўқликка бору будимиз,  
Сўнг йиқилгайдир магар масжидимиз.

Масжидинг-кўнгил, танинг - сожид анга,  
Ул ёмон дўст харруби собит анга.

1385 Дўстки нодўст бўлди, кўнгил бойлама,  
Қоч нари, сўзлашма, суҳбат айлама.

Юл томирдин ҳам улоқтиргил шитоб,  
Йўқса масжидингни этгайдир хароб.

Ошиқо, харрубинг ўсмишдир бу дам,  
Ёш гўдакдек эгри ташлайсен қадам.

Ўзни мужрим бил, гуноҳкор ўйла, бас,  
Йўқса, юз бургай ўшал устози дарс.

Айтки, жоҳилмен, менга бергил сабоқ,  
Бўйла инсоф номусингдин яхшироқ.

- 1390 Энг буюк бобонгдин ўргангил, тамом,  
Раббано, деди, заламно, вассалом.
- Сўзни чайнаб, бир баҳона этмади,  
Макру ҳийла турини юксалтмади.
- Бошлади баҳсини Иблис, во дариг,  
Деди: ол чехрамни этмишсен сариг.
- Ранг бериб, рангимни олган ҳам ўзинг,  
Бул гуноҳни бошга солган ҳам ўзинг.
- Сен ўзинг солдинг бу кўйларга ҳама,  
Энди бу сўзларни менга сўйлама.
- 1395 Жабр оғочига чиқибсен сакрабон,  
Ихтиёрингдин кўринмас бир нишон.
- Сен-да Иблис ҳам унинг зурёдидак,  
Тангри бирлан тортишиб, жонинг ҳалак.
- Ўйлаким, исён сенга кўнгил хуши,  
Ким сени зўрлайди, бул кимнинг иши?
- Ярабон, ким бўйла расволик қилур?  
Ўйлабон, ким бўйла савдолик қилур?
- Гар йигирма кимса берса панд сенга,  
Панд эмас, хушдир йигирма жанг сенга.
- 1400 Бул - савоб, бул - тўғри йўл, дерсанки, ҳай,  
Кимса борму менга таъна айлагай?
- Бўйла сўзлар сўйламоқ кимнинг иши?  
Бўйла сўйларму сира йўлсиз киши?
- Нафс агар амр этса, сенда ихтиёр,  
Ақлу хуш амрига лекин изтирор.<sup>91</sup>

<sup>91</sup> Изтирор - чорасизлик.

Бахти кулган жумла инсонлар билур,  
Кибр - Иблис, ишқ - Одамдин келур.

Ҳар нафас денгизда сузмоқлик-хатар,  
Бетиним денгизда сузган гарқ бўлар.

1405 Қўй бу сузмогингни, тарк эт кибру кийн,  
Денгиз ул дарё эмасдир, ўйлагин.

Бўйла денгиздирки, чексиз, бесинир,  
Етти денгиз тушса унга, томчидир.

Ишқ чун кема, муҳит - баҳри ҳавас,  
Унда сузган кимса топгайдир халос.

Қўй бу доноликни, ҳайронлик гўзал,  
Ул бири - шубҳа, гумондир, бул - назар.

Мустафога ақлу ҳушни эт фидо,  
Ҳасби Оллоҳим, дегил, Оллоҳ кафо.<sup>92</sup>

1410 Мисли Каънон кемадин юз бурмагил,  
Нафсу ақли унга бермишди гурур.

Деди: олгаймен баланд тоғ узра тин,  
Бас, нечун олгум яна Нуҳ миннатин?

Не қочарсен, улки андоқ бор эса,  
Хизматидин Тангри миннатдор эса?

Миннати эрмасму шул жонларга жо,  
Баски, шукру миннатин айлар Худо?

Сен уни қайдин билурсен, бекарам,  
Миннатин айларку ҳатто Тангри ҳам.

---

<sup>92</sup> Аллоҳим менга етарлидир.

- 1415 Кошки эрди сузмаса эрди ўгил,  
Кошки эрди кемага юз бурса ул.  
Еш гўдакдек эрса гофил, беҳабар,  
Онасига талпиниб келса магар.  
Беҳуда гапларга учмай ул дағи,  
Отадин олсайди ирфони ваҳий.  
Бўйла нур олдида гар очсанг китоб,  
Жони нур осо сенга айлар итоб.  
Сув эмас, балки таяммум бил ани,  
Дафъатаи кўнгилга келган нарсани.
- 1420 Ўзни нодон бил жаҳонда бир йўла,  
Боргасен манзилга нодонлик била.  
Тингла Пайгамбар сўзини, не демиш,  
Аҳли жаннат аксари<sup>93</sup> нодон эмиш.  
Беқарор елдирма сен донолигинг,  
Содда, нодон бўл, ўшал авлолигинг.  
Лек у нодонликни расволик дема,  
Бўйла нодонлики, мафтундир ҳама.  
Чун хотинлар эрди нодонким, улар,  
Термулиб Юсуфга, қўлни кесдилар.
- 1425 Дўстга ақлингни фидо эт ҳар қачон,  
Қайга дўст борса, у ҳам бўлсин равон.  
Баски, дўст кўйига кетмишдир ақл,  
Бунда қолганлар бари нодону гўл.

---

<sup>93</sup> Аксар - аҳлил-жанна ал-балоҳ (Ҳадис).



Ҳайрат ичра учса қинг мисли қуш,  
Бош бўлур ҳар тола мўйинг, ақлу ҳуш.

Ранжи фикрат чекмагай бунда думог,  
Ақлу ҳушни ўстирар ул дашту боғ.

Нукталар етгай қулоққа дашт аро,  
Боққа кирсанг, сарвинозингдир расо.

1430 Йўлда лофи ору номус урмагил,  
Раҳномойинг юрмагунча юрмагил.

Кимки бошсиз йўлга тушгай, дум бўлур,  
Феълу атвори унинг каядум бўлур.

Турмуши-қингиру қийшиқ йўл юриш,  
Мақсади-пок кимсаларга ниш уриш.

Бошини эзгилки, ўйи бул эди,  
Ҳар нафасда хулқу хўйи бул эди.

Бошини эзсанг, савоб бўлмоғи рост,  
Шум бадандин жонини этгил халос.

1435 Ол юлиб девона илкидин силоҳ,<sup>94</sup>  
Рози бўлсин сендин ул адлу салоҳ.

Телбанинг қўлини боғла, йўқса ул,  
Тинчимас, юз бир фалокат келтирур.

---

<sup>94</sup> Силоҳ - қурол, яроғ.

**НАСЛУ НАСАБИ ПАСТ, ТУБАН КИШИЛАРНИНГ  
ИЛМУ ИРФОН, МОЛУ ДАВЛАТ ЭГАСИ БЎЛИШИ  
- ХАТАРЛИДИР, БУ ҚАРОҚЧИНИНГ ҚЎЛИГА  
ҚИЛИЧ ТУТҚАЗИШ ИЛА БАРОБАР**

Бадгуҳарга<sup>95</sup> илму фан ўргатганинг,  
Йўлтўсар илкига ханжар берганинг.

Маст-аласт занжийга шамшир бер, бали,  
Илму ирфон берма нокасга вале.

Илму молу мансабу жоҳу қирон,<sup>96</sup>  
Бадгуҳарлар илкига тушса, ёмон.

1440 Телбага тиг-ақлу инсофдин эмас,  
Тигни олмоқлик эрур мўминга фарз.

Жони мажнундир, тани шамшир бўлиб,  
Телбадин шамширини олгин юлиб.

Маст этар жоҳилни мансаб, симу зар,  
Юз арслон ҳам қутирмас мунчалар.

Вақту фурсатни қулай топган замон,  
Судралиб чиққай инидин ҳар илон.

Жумла саҳро мору каждумга тўлур,  
Битта жоҳил кимса гар подшо бўлур.

1445 Молу мансаб тегса нокасга, ёмон,  
Ҳар нафас расволик айлар бегумон.

Ё карам, эҳсон йўлини бойлагай,  
Ё сочиб олтинни, исроф айлагай.

---

<sup>95</sup> Бадгуҳар - наслу насаби паст.

<sup>96</sup> Қирон - кумуш танга.

Шоҳни вазир хонасига қўндирар,<sup>97</sup>  
Улки жоҳил, ишни бундоқ дўндирар.

Тахтки гумроҳ илкига тушса, тамом,  
Симу зар чоҳ қаърига тушгай ҳамон.

Йўлни билмас йўлни кўрсатгайму ҳеч?  
Ёндирар борлиқ-жаҳонни эрта-кеч.

1450 Ёш бола пирлик эгарму, ўйлаким,  
Эргашиб борган бўлур шайтонга ем.

Кел бери, дер, ойни кўрсатгум сенга,  
Ойни кўрмоқму насиб этгай анга?

Кўрмагансен сувда бир бор аксини,  
Бас, нетиб кўкларда кўрсатгунг ани?

Улки ахмоқ, шоҳ бўлиб солгай ваҳим,  
Оқилу доно турар бир четда жим.

### **“Ё АЙЮҲАЛ - МУЗЗАММИЛ!”<sup>98</sup> ОЯТИНИНГ ТАФСИРИ**

“Ё муззаммил!” - деди Аҳмадга нетиб,  
Ётмагил бошу танингни беркитиб.

1455 Оч юзингни, чиқ гиламнинг остидан,  
Музлаган мулки жаҳоннинг ақлисан.

Турма бир четда улардан орланиб,  
Шамчироғдирсен, ёнарсен нурланиб.

Кечалар тургил оёққа, муҳтарам,  
Кечалар тургай оёқ устида шам.

<sup>97</sup> Бу ерда шахмат ўйинига ишорат бор.

<sup>98</sup> “Эй кийимларига ўраниб олган зот!” Қуръони карим. Муззам-мил сураси, 1-6-оятлар.

Чиқмасанг сен, битмагай ялдо туни,  
Шеру йўлбарс ҳам қуённинг тутқуни.

Дарға бўлгил шу буюк уммон аро,  
Нуҳи сонийсен ўзинг, эй Мустафо!

1460 Раҳнамо лозим ақл-идрокка чун,  
Ерда юрмоқ, сувда сузмоқлик учун.

Боқки, йўлларда адашмиш карвон,  
Деву шайтонлар эмишлар сорбон.

Баҳр аро сенсан нажоткор ул, Хизр,  
Лек Хизрдек якка-ёлғиз юрмагил.

Сен халойиққа чароғи осмон,  
Йўлга тушгил, хилватингни қўй ҳамон.

Фурсати хилват эмас дунёда, ҳой,  
Манзилинг ул Кўҳ Қофдир, сен Ҳумой.

1465 Ул тўлин ой ҳам кезар осмонда, бас,  
Ҳурса итлар, зарра парво айламас.

Сен магар ойсанки, кўппаклар ҳурар,  
Хушламас юксак мақомингни улар.

Гарчи Ҳақ амр айламишдир: "Ансату!"<sup>99</sup>  
Карқулоқдирлар, эшитмаслар адув.

Эй эсонлик, хастага ғам солмагил,  
Карни деб кўрдин асони олмагил.

Сен демишдинг: кўрга қўл чўзгил, аё,  
Юз савоб, ажрини бергайдир Худо.

---

<sup>99</sup>Ансату - жим бўлинг. Қуръони карим. Аъроф сураси, 204-оятга ишорат.

1470 Сен демишдинг: кўрни бошла қирқ қадам,  
Ҳақ эгам жаннатни бергай сенга ҳам.

Баски, қаршингда жаҳони беқарор,  
Бошла ожизларни айлаб саф-қатор.

Ҳодилик бундоқ бўлурким, ҳодисен,<sup>100</sup>  
Мотами охир замонда шодисен.

Йўлга бошла, эй имомул-муттақин,  
Беимонларни имонга йўллагин.

Ҳийла-найранг этса макр ичра ёниб,  
Мен урай бўйнига, сен юр руҳланиб.

1475 Кўзларин мен кўр этармен ул қадар,  
Гар заҳар берсам анга бўлгай шакар.

Ақлини ақлимдин ўрганмиш ҳама,  
Макрини макримдин ўрганмиш ҳама.

Қўзғалиб, йўл юрса дунёнинг шери,  
Не эмиш олдида туркман чодир?

Ул чароғи не эмишдир, сарсарим,<sup>101</sup>  
Ногаҳон қўзғалса, эй Пайгамбарим?

Ол қўлингга сурни, унга дам уфур,  
Мурдалар борлиқ жаҳонда қўзғалур.

1480 Сен чу Исрофил эрусан, келди кун,  
Қил қиёматни қиёматдин бурун.

Сўрсалар: қайда қиёмат, юлдузим?  
Сен дегил: машҳар-қиёмат мен ўзим.

---

<sup>100</sup> Ҳоди - йўлбошчи, муршид.

<sup>101</sup> Сарсари - кучли шамол.

Сол назар, эй сойили меҳнатзада,  
Ул сабаб ортгай жаҳон ҳар лаҳзада.

Бўлмаса ул кимса гар аҳли қунут,  
Жумла ахмоққа жавобингдир сукут.

Боқки, кўкдин ҳам сукут эрмиш жавоб,  
Бўлмаса этган дуойинг мустажоб.

1485 Эй дарифоким, саранжом бўлди кун,  
Вақти хирмон эрди, оқшом бўлди кун.

Вақт тигиз, лекин туганмас бу калом,  
Бир умр битмас магар этсанг давом.

Тангу тор тоғларда лашкар этса жанг,  
Найзабозлар ҳоли бўлгайдир батанг.

Вақт тигиз, лек хотиру фаҳми авом,  
Ундан ҳам юз карра тордир, эй гулом.

Баски, нодоннинг жавобидур сукут,  
Мухтасар қил, гапни чўзгайсен нечун?

1490 Гар карам этса ўшал баҳри карам,  
Ёмғиру намлик тушар чўлларга ҳам.

**ЖАВОБ БЕРМАСЛИК ҲАМ ЖАВОБДИР ЁХУД  
АҲМОҚНИНГ ЖАВОБИ - СУКУТДИР.  
ҚУЙИДАГИ ҚИССАДА БУ БАЁН ЭТИЛГАЙ**

Бор эди шоҳ эшигида бўйла қул,  
Ақли паст, шаҳватли кимса эрди ул.

Ҳар ёмон ишни кўрарди ўзга эп,  
Не ёмон этса, биларди яхши деб.

Подшо деди: маошин кам қилинг,  
Этса саркашлик, қувинг, барҳам қилинг.

Ақли кам эрди унинг, ҳирси фузун,  
Ул сабабдин бўлди тунду оташин.

1495 Ақли бўлса, айбини кўргай эди,  
Айбини кўргач, узр сўргай эди.

Гар тушовга кўнмаса эшшак жўшиб,  
Бошини пойига бойларлар қўшиб.

Десаким, хўп, бир тушов басдир менга,  
Қўш тушовни ким раво кўргай анга?

**МУСТАФО САЛЛАЛОҲУ АЛАЙҲИВАССАЛАМ  
БУЮРДИКИМ, ТАНГРИ ТАОЛО МАЛАКЛАРНИ  
ЯРАТДИ, УЛАРГА АҚЛ БЕРДИ. ҲАЙВОНЛАРНИ  
ЯРАТДИ, УЛАРГА ШАҲВАТ БЕРДИ. . . КИМНИНГ  
АҚЛИ ШАҲВАТИДАН УСТУН БЎЛСА, У  
МАЛАКДАН УСТУН, КИМНИНГ ШАҲВАТИ  
АҚЛИДАН БАЛАНД БЎЛСА, У ҲАЙВОНДАН ҲАМ  
ТУБАНДИР. АНА ШУ ҲАДИС БАЁНИДА**

Ул ҳадисда дедиким, Яздону ҳу,  
Халқи оламни яратди уч гуруҳ.

Бир гуруҳда жумла ақлу илму жуд,  
Ул малаклардир, фақат айлар сужуд.

1500 Йўқ уларда заррача ҳисру ҳаво,  
Нури мутлақдир улар, ишқи Худо.

Бир гуруҳ борким, улар ҳайвонсифат,  
Еб-ичиб, ухлаб, семиргайлар фақат.

Билгани ёлғиз емишдир, ўт-алаф,  
Билмагайлар на шақоват, на шараф.

Бор учинчи бир гуруҳ - қавми башар,  
Ярми инсон, ярмиси эшшак магар.

Ярмиси фикру ақлнинг мойили,  
Ярмиси ҳирсу жаҳлнинг мойили.

1505 Йўқ ўшал икки гуруҳда ихтилоф,  
Лек башар қавми аро жангу азоб.

Одамийлар учта уммат бўлдилар,  
Имтиҳон бермоқ учун айрилдилар.

Бир гуруҳ кечди ўзидин беш-беш,  
Чун Исо бўлди малойикларга эш.

Тишда одам, ичда Жаброили хос,  
Қилу қол, хашму ҳаволардин халос.

Йўқ жиҳод, зуҳду риёзатдин гами,  
Турмамиш гўё уларни одамий.

1510 Бир гуруҳ эшшак ила қотилдилар,  
Нафсу шаҳват, ҳашми мутлақ бўлдилар.

Бас, уларда қолмади жабрил сифот,  
Хона тор эрди, уни тарк этди бот.

Жони йўқса, мурдаи бешак бўлур,  
Ул сифоти бўлмаса, эшшак бўлур.

Ул сифотсиз пасту тубан бил уни,  
Айтганим чин, сўфи айтмишдир буни.

Ул магар ҳайвондин ортиқ жон чекар,  
Бетиним ишлар, дамо-дам тер тўкар.

1515 Макру ҳийла айлагай ул мунча, бас,  
Бошқа ҳайвонларда андоқ учрамас.



Тўн тикар анвойи сийму зарридин,  
Дур олур тўлқинли уммон қаъридин.

Кашф этар дунёда илми ҳандаса,  
Ё нужум, ё тиббиёт, ё фалсафа.

Ўрганур борлиқ жаҳон, дунёни ул,  
Билмагай лек не эмиш осмонга йўл.

Ул бари емдир, тирикликка таянч,  
Теваю молу бузоқларга суянч.

1520 Тақдим этгайлар ҳавасларни ёқиб,  
Ҳар бирига сирли бир номлар тақиб.

Не эмишдир Ҳақ йўли, Ҳақ манзили,  
Билмагайлар кўпчилик дунё эли.

Ҳақ яратмиш бўйла ҳайвони латиф,  
Илму донишларга ақлин ёр этиб.

Номини “ҳайвонсимон” қўймиш атай,  
Уйқу бедорликка қандоқ ўхшагай?

Руҳи ҳайвоний улуглар уйқуни,  
Қавм аро кўргунг муҳолиф туйғуни.

1525 Келса бедорлик, кечар уйқудан ул,  
Инъикосини ўқир туйғудан ул.

Бўйладирким, уйқуга чўмгай киши,  
Уйғониб, кўргайки ёлғондир туши.

Ложарам, ул аҳли асфалсофилин,  
Таркин айла, ло уҳиббул - офилин.<sup>102</sup>

**“АММО ДИЛЛАРИДА МАРАЗ БЎЛГАН  
КИМСАЛАРНИ ЭСА ДИНСИЗЛИКЛАРИГА ЯНА  
ДИНСИЗЛИК ҚЎШУР ВА УЛАР КОФИР  
ҲОЛЛАРИДА ЎЛУРЛАР” БУ МАСАЛ САБАБ  
АЛЛОҲ КЎПЛАРНИ АДАШТИРАДИ ВА  
КЎПЛАРНИ ҲАҚ ЙЎЛГА ҲИДОЯТ ҚИЛАДИ”  
ОЯТЛАРИНИНГ ТАФСИРИ**

Қодир эрди берса нафси додини,  
Войким, йўқ этди истеъдодини.

Йўқ магар ҳайвонда бўйла иқтидор,  
Баски ҳайвондир, демакким узри бор.

1530 Йўқса истеъдоди гар, овқат дея  
Ҳар не ерса, бўлгай ул эшак мия.

Гар балозур<sup>103</sup> ер эса, афюн бўлур,  
Сактаву ахмоқлиги афзун бўлур.

Бор яна бир қисмиким, айлар жиҳод,  
Ярми ҳайвон, ярмиси аҳли рашод.

Кеча-кундуз жангу баҳсу тортишув,  
Ул бирига бул бири душман, адув.

---

<sup>102</sup> Хуллас, улар паст, тубан кишилардир, уларни тарк эт, мен сувда чўкканларни севмайман... Қуръони карим. Тавба сураси, 124-125-оятлар ҳамда Бақара сураси, 26-оятга ишорат.

<sup>103</sup> Балозур - мияга қувват бағишловчи дармон, балозур оғочи нинг мевасидан олинади.

**АҚЛНИНГ НАФС ИЛА ЖАНГИ МАЖНУННИНГ  
НОРТУЯ ИЛА ОЛИШУВИГА ЎХШАЙДИ. ЗЕРО  
МАЖНУННИНГ МАЙЛИ ЛАЙЛИДА,  
НОРТУЯНИНГ МАЙЛИ МОЯДА ЭРМИШ.  
МАЖНУН ДЕЙДИКИ:**

Чуқ, десам тевам бурилгай ортига,  
Иккимизда майлу савдо мухталиф.

Боқ, улар Мажнун ила нортевадек,  
Ул юрар олдинга, бул ортингга лек.

1535 Чунки Мажнунга ҳаво Лайли эди,  
Тевада ургочининг майли эди.

Ўзни Мажнун айласа бир дам унут,  
Теваси қайтар эди ортига зуд.

Ишқу савдо бирла тўлмишди тани,  
Не илож саргашта этмишди ани.

Ақли бор эрди, келиб Лайлою ишқ,  
Сочди елларга уни савдойи ишқ.

Тева эрди мунча ҳушёру дуруст,  
Бас, бурундуқким бўшашди, бўлди суст.

1540 Ул сезарди: хўжа беҳушдир ҳамон,  
Ортига қайтарди шартта шул замон.

Кўз очиб Мажнун кўрарди бир яна,  
Неча фарсанг ортга қайтмишдир яна.

Гарчи уч кунлик ароси эрди йўл,  
Неча йиллар бунда сарсон бўлди ул.

Деди Мажнун: иккимиз ошиқ магар,  
Йўлда йўлдошликка нолойиқ магар.

Ўзгадир чун сенда ул меҳру миҳор,<sup>104</sup>  
Сендин айрилмоқни этдим ихтиёр.

1545 Икки ҳамроҳ иргитар бир-бирига тош,  
Жону тан йўл узра этгайлар талош.

Аршга парвоз айламоқ истар кўнгил,  
Тан тикан еб, тева бўлмиш ерда ул.

Жон учай деб силкитар болу парин,  
Тан эса тупроққа урмиш чангагин.

Тева, мен боқсамчи кўнглинг майлига,  
Ҳеч қачон жоним етолмас Лайлига.

Бўйла сарсонменки, йўқдир анга чек,  
Чўлда саргардон Мусонинг қавмидек.

1550 Икки одим нарида ёрим, бироқ,  
Қолдим олтмиш йил нигоримдин йироқ.

Йўл яқин, лекин кечикдим унчалар,  
Бас, етар овора бўлдим шунчалар.

Тевасидин отди ўзни ерга, ҳай,  
Деди: гауларда куярмен тобакай?

Чун қорайди ҳам торайди унга чўл,  
Ташлади ўзни тақир тошлоққа ул.

Отди ўзни тевадин, чун иргиди,  
Жисмига етди жароҳат, лат еди.

---

<sup>104</sup> Миҳор - бурундук.

1555 Лат эмас, йўқ, бир қазо эрдик, бас,  
Ул сабабдин пойига етди шикаст.

Бойлади синган оёгин, эврилиб,  
Энди боргумдир, деди, копток бўлиб.

Ул сабаб дерким Ҳакими хушдаҳон;  
Сен танингдин ўзни отгайсен қачон?

Кам эмасдир ишқи ул Мавло магар,  
Ҳақ учун копток эсанг, авло магар.

Сен-да копток бўл, магар сарсон ишқ,  
Ҳайдасин, қувсин сени чавғони ишқ.

1560 Бул сафарнинг боиси жазби Худо,  
Ул сафарда тева эрди муқтадо.

Бўйла сайр этмоғинг ўзга бир ҳадис,  
Ижтиҳод айлаб, етолмас инсу жинс.

Бир ажиб жозиба эрмиш ул тамом,  
Нури Аҳмаддин яралмиш, вассалом.

### **ҚУЛНИНГ, МАОШИМ ОЗ, ДЕБ ПОДШОГА ШИКОЯТ ЁЗГАНИ**

Гапни чўзмасдан гапирсам, ул гулом,  
Йўллади подшога андоқ бир паём.

Кин, ғазаб бирлан базе қақшаб эди,  
Шоҳ вале ҳушёру нозиктаъб эди.

1565 Номадир-жисминг, магар лойиқмидир?  
Шоҳга йўлла, гар муносиб бўлса ул.

Сен ўқи мактубни такрор, ўйлаким,  
Шоҳ назар этмоғига арзирмикин?

Арзимас хат эрса, йиртгил, пора қил,  
Ўзга бир мактуб битишга чора қил.

Лек ўшал мактубни очмоқ ҳам гарон,  
Йўқса, дил асрори бўлгайдир аён.

Номани очмоқ магар эрлар иши,  
Нома андоқким, очолмас ҳар киши.

- 1570 Барчамиз фехрист<sup>105</sup> ўқийдирмиз давом,  
Ғарқ бўлиб ҳирсу ҳаволарга тамом.

Лекин ул фехрист тузоқдир халқ учун,  
Бўйла, деб бергай далолат матн учун.

Номани очгил, ўқи, этма итоб,  
Бўйла қил, валлоҳу аълам бис-савоб.

Мундарижа не, тилинг иқрори ул,  
Номани очсанг, кўнгил асрори ул.

Боқ, мувофиқму ул иқроринг сенинг,  
Ё мунофиқликмидур коринг сенинг.

- 1575 Қоп кўтармишсен магар зилдек гарон,  
Бир очиб боқсанг магар, этмас зиён.

Қонда не, ширинмикан, аччиқмикан?  
Орқалаб юрмоққа ул арзирмикан?

Арзиса, майли, кўтар қопинг тўла,  
Йўқса, ахлатни бўшатгил бир йўла.

Неки шоҳга лойиқ эрса, қопга йиг,  
Сўнгра элт ул сўйи султони рашид.

---

<sup>105</sup> Фехрист - мундарижа.

**БОШИГА САЛЛА ҰРАГАН ФАҚИХ ҚИССАСИ,  
БИРОВ УНИНГ САЛЛАСИНИ ИЛИБ ҚОЧГАНИ,  
ФАҚИХ УНИНГ ОРТИДАН, ҲОЙ, ДАСТОРНИ  
ОЧИБ ҚАРА, ДЕБ БАҚИРГАНИ**

Бир фақирким салласин бойлаб эди.  
Салла ичра бир бало жойлаб эди.

- 1580 Токи ул масжидга кирган палласи,  
Ажралиб турсин баҳайбат салласи.

Латта-лутта, ҳар нечук қийқим, қуроқ -  
Солмиш эрди, то кўрингай каттароқ.

Зоҳиран гар жаннатул анво эди,  
Лек мунофиқдек ичи расво эди.

Парча-пурча ҳар нечук эски матоҳ,  
Барчаси эрди буюк дасторга жо.

Мадраса сори йўл олди эрталаб,  
Эрди мундоқ шуҳрату обрўталаб.

- 1585 Йўлда лекин йўлтўсар ҳозир эди,  
Йўлтўсарлик бобида моҳир эди.

Юлди-қочди бошидин дасторини,  
Шул йўсин бўлди битирмоқ корини.

Лек фақиҳ қичқирди: аввал кўр очиб,  
Майли, сўнг бир ёққа кетгайсен қочиб.

Қўшқанот бойлаб учарсен не бало,  
Олганингни бир очиб кўр аввало.

Оч-да, сийпаб кўр қўлинг-ла бемалол,  
Сўнгра ол, майли, сенга этдим ҳалол.

1590 Ўғри ул дасторни очди бир маҳал,  
Ҳар тараф сочилди латта-лутталар.

Сочилиб ул жумла кўзи ўнгида,  
Тўрт қарич бир нарса қолди сўнгида.

Ўғри жаҳл ичра улоқтирди ани,  
Деди: эй маккор, адо қилдинг мани.

**ДУНЁНИНГ ДУНЁ АҲЛИГА ҲОЛ ТИЛИ ИЛА  
НАСИҲАТ ЭТГАНИ, УНДАН ВАФО  
КУТГАНЛАРГА ВАФОСИЗЛИК АЙЛАГАНИ**

Ул фақиҳ деди: магар макр айладим,  
Аслида сенга насиҳат сўйладим.

Бўйлаким, дунё магар яшнаб кулар,  
Бевафомен, деб вале айтиб турар.

1595 Макр эмиш сенга ажал ҳам, эсда тут,  
Қабр аро айнаб, бузилмоғинг - ўғит.

Ул бири дейдики, хушмен, кел бери,  
Бул бири дейди: фасоддин тур нари.

Эйки, гул фаслига мафтунсен чунон,  
Боқ, келур охирда айёми хазон.

Кундузи порлоқ қуёшинг сенга хуб,  
Не бўлур лекин ўшал вақти гуруб?

Ул тўлин ой ҳам фалакдин нур тўкар,  
Шом еган чоғида андуҳлар чекар.

1600 Ёш бола бўлгай магар мавлоий халқ,  
Бир куни боқсанг, ўшал расвойи халқ.



Эрди сиймин тан, париваш, тоза гул,  
Кексайиб, охирда бир қоп пахта ул.

Сенки ерсан хуш таомлардин босиб,  
Ортгани-ахлат чуқурларга насиб..

Сен бориб кўр, ҳолини сўргил ани,  
Чиннида тургандаги кўркинг қани?

Дом эдим, дер, унда ҳусним дон эди,  
Ўлжа бўлдинг сен, ният пинҳон эди.

1605 Чолғучи бармоғи элни ўртагай,  
Бир куни боқсанг, хазондек титрагай.

Наргиси чашми хуморким, эрди жон,  
Энди кўрмас бўлди, буткул ногирон.

Шер эди, шерларга голиб эрди ул,  
Оқибат сичқонга мағлуб бўлди ул.

Зўр ҳунарманд эрди, соҳиб эътибор,  
Энди бир эшшак каби эл ичра хор.

Зулфи анбар, дедилар алқаб уни,  
Охири бўлди магар эшшак думи.

1610 Бошда гул-гул очилиб, яшнашни кўр,  
Сўнгра бул расволигу айнашни кўр.

Боққи, қаршингда ажаб дом қурди ул,  
Домга тушганда соқолинг юлди ул.

Макри дунё солди андоқ замзама,  
Йўқса, мен домита тушмасдим, дема.

Тавқи зарринни, тақинчоқларни кўр,  
Ул сенинг бўйнингда чун занжиру гўл.

Жузви олам неча эрмиш, ол хабар,  
Аввалу охирга бир-бир сол назар.

- 1615 Кимки кўргай охирин, маъсуд<sup>106</sup> эмиш,  
Кимки билгай охурин, матруд<sup>107</sup> эмиш.

Кўр уларни, чун маҳи фохирни<sup>108</sup> кўр,  
Аввалин кўрдинг базе, охирни кўр.

Сен магар бир кўзли иблис бўлма, ҳай,  
Ярмини кўргай-да, ярмин кўрмагай.

Кўрди тупроқни, имонни кўрмади,  
Ерни кўрди, посбонни кўрмади.

Эр кишининг фазли эрмасдир, аё,  
Куч ила қувват, ўшал мулку зиё.

- 1620 Эр киши фазли ул эрмиш, эй ўғил,  
Ки, боқаркан, оқибатни кўргай ул.

Фил ила арслонда қувват қанчалар,  
Одамий олдида лекин бесамар.

Оқибатни кўрмаган эрдан бироқ  
Оқибатин эрса, хотин яхшироқ.

Бул жаҳондин икки янгроқ сас келур,  
Қай бириси сенга хуш, авло эрур?

Бир овоз келгай - нушури атқиё,<sup>109</sup>  
Бир овоз келгай - қабири ашқиё.<sup>110</sup>

---

<sup>106</sup> Маъсуд - бахтиёр

<sup>107</sup> Матруд - рад этилган, қувгинди.

<sup>108</sup> Маҳи фохир - тўлин ой.

<sup>109</sup> Нушури атқиё - тақводор кишиларнинг тирилиб, бир жойга тўпланиши.

<sup>110</sup> Қабири ашқиё - ёмон одамларга мансублик, яқинлик.

1625 Мен тиканмен, дейди, гул очдим чаман,  
Гул тўкилгайдир, вале қолгай тикан.

Гул садо бергай дамо-дам: кел бери,  
Лек тикан дейди: тикандин тур нари.

Ул бирин тутса, қолур бул бошқаси,  
Хушдурур ошиққа ёлғиз ёр саси.

Бир овоз дейди: қараб, ҳозирни кўр,  
Бир овоз дейди: боқиб, охирни кўр.

Улки, ҳозирмен демиш, макру камин,  
Охирингни бошда идрок айлагин.

1630 Икки қоп бор, бирига кирган замон  
Ул бирига сен муҳолифсен ҳамон.

Бахтлидир ул кимса, ўзни ўнглади,  
Аҳли мардонлар овозин тинглади.

Хонани бўш кўрди, маскан этди сас,  
Ўзга сас кўнгилга энди хуш эмас.

Чайсалар сийдикка янги кўзани,  
Сув билан сўнгра ювиб бўлмас уни.

Жазб этур дунёда бир-бирни кушод:  
Куфр кофирларни, муршидни рашод.

1635 Қаҳрабо бордир ва мақнотис<sup>111</sup>-да бор,  
Унга хас, бунга темирдир эътибор.

Хас-сомон эрсанг, чекодир қаҳрабо,  
Гар темир эрсанг, чекар оҳанрабо.

---

<sup>111</sup> Мақнотис - магнит, оҳанрабо.

Гар биров эрмас эса яхшига ёр,  
Йўқ ажаб, бўлмиш ёмонларга дучор.

Золим эрса гар Мусо қибтий учун,  
Бўри эрмишдир Ҳомон сибтий учун.

Шошилур қибтий Ҳомоннинг ёнига,  
Талпинур сибтий Мусонинг жонига.

1640 Гар эшак олдига солгайсен сомон,  
Одамийга эҳтиёж - сув бирла нон.

Билмасанг зулматда кимнинг кимлигин,  
Сен имоминга назар сол, англагин.

**ОРИФЛАР ҒИЗОСИ - ҲАҚ НУРИДИР. АМР  
ЭТИЛМИШКИМ: “МЕН РАББИМ ҲУЗУРИДА  
МЕҲМОН БЎЛУРМЕН, У МЕНИ ТЎЙДИРАР,  
СУВГА ҚОНДИРАР.” ЯНА БУЮРИЛМИШКИМ:  
“ОЧЛИК - АЛЛОҲНИНГ ЕМИШИДИР. АЛЛОҲ  
ЧИНДАН ҲАМ БАДАНЛАРНИ ОЧЛИК БИЛА  
ТИРИЛТИРАР”**

Эргашур эшшакка хўтик ҳар маҳал,  
Бу билан эшшаклигини кўрсатар.

Одамийга сут аноси кўксидин,  
Лекин эшшакларга белнинг пастидин.

Адл - қассомдирки<sup>112</sup>, бўлгайдир тўлиқ,  
Бул ажабким, жабри йўқдир, зулми йўқ.

1645 Жабри бўлсайди, пушаймонлик қани?  
Зулми бўлсайди, ниғаҳбонлик қани?

Қош қорайди, дарс адо бўлгайму ҳеч?  
Розимиз кундузга жо бўлгайму ҳеч?

<sup>112</sup> Қассом - қисмларга бўлувчи, тақсимловчи.

Эйки сен фосиқ сўзини чин дебон,  
Эътимод айларсен унга ончунон.

Чодиринг кўпикдин эрмиш, иприқи,  
Шарт узилгай ул, омонатдир ипи.

Макр - чақмоқдир, оёгингдин чалар,  
Йўл юролмас шуъласида йўлчилар.

1650 Бул жаҳону аҳли беҳосил эрур,  
Бевафоликда улар якдил эрур.

Аҳли ҳам дунёси янглиғ бевафо,  
Бул юзим, деб кетни кўрсатгай санго.

Лекин ул оламда инсофу қарор,  
Аҳду паймонларда аҳли устивор.

Зид эмишлар икки пайгамбар қачон?  
Мўъжиза кўрсат, демишму? Ҳечқачон.

Ул жаҳоннинг меваси ҳеч сўлмагай,  
Шодлиги қайғу, аламга дўнмагай.

1655 Нафски бузгай аҳдни, сен ўлдир ани,  
Ул данийдир, қиблагоҳи ҳам даний.<sup>113</sup>

Нафсга ул мосу муносиб анжуман,  
Мурдага лойиқ эмиш гўру кафан.

Нафс ҳамиша ҳозиру ҳар ердадир,  
Қибласи дунё эмишким, мурдадир.

То ваҳийдин сув урилгайдир ҳамон,  
Ул ўлик тупроқ тирилгайдир ҳамон.

---

<sup>113</sup> Даний - паст, олчоқ.

Унгача алданма, мағрур тутма бош,  
Сурма ул гулгунайи “толи бақош.”<sup>114</sup>

- 1660 Изла бир номки, адамга дўнмагай,  
Бир қуёш ахтарки, асло сўнмагай.

Ул ҳунарларким дақиқу қолу қил -  
Фиръавн қавмики, мавҳ этмишди Нил.

Равнақу тоқу турунб, жодулари  
Эл-улусни четга судрайди бари.

Сеҳри жоду бил уларни мутлақо,  
Лек ўлим эрмиш асову аждаҳо.

Тутди ул жодуни, бир-бир ямлади,  
Тим-қаро тунларни ютган тонг каби.

- 1665 Ошмади ё тушмади нур қилчалик,  
Қанча эрса бошда, эрди шунчалик.

Ортди осори, ва лекин зот эмас,  
Зотга ул афзунлигу офот эмас.

Ҳақ жаҳонни бор этиб, ўксилмади,  
Бўлмамишди бошда, эмди бўлмади.

Лекин осор ортди чун келганда халқ,  
Икки афзунлик аро улмунча фарқ.

Афзуни осор-унинг изҳоридир,  
Ошкор бўлгувчи васфи, коридир.

- 1670 Афзуни зот эрса, ҳужжатдир, далил,  
Унга боғлиқдир баса иллат, алил.<sup>115</sup>

---

<sup>114</sup> То ваҳий келмагунча алданма, мағрурланма, “умринг зиёда бўлсин” деган эликни юзинга сурма.

<sup>115</sup> Алил - хасталик.

**“МУСО КЎНГЛИДА БИР ҚЎРҚУВ ТУЙДИ. БИЗ  
УНГА, ҚЎРҚМА, ДЕДИК, СЕН УЛАРДАН  
УСТУНСЕН.”<sup>116</sup> ОЯТИНИНГ ТАФСИРИ**

Деди Мусо: сеҳр ҳам ҳайрон этар,  
Халқда гар ақлу тамиз йўқса, нетар?

Ҳақ деди: ақлу тамиз бергум анга,  
Бехато кўргувчи кўз бергум анга.

Гарчи дарёдек кўпиргайдир улар,  
Қўрқма, сен голиб, улар мағлуб бўлар.

Сеҳр эди аввал уларга ифтихор,  
Бўлдилар охирда бундоқ шармсор.

1675   Этса даъво ҳар киши ҳусну намак,  
Оқибат унга ўлим бўлгай маҳак.<sup>117</sup>

Кечдилар ул сеҳру мўъжиза ҳамон,  
Иккиси йўқлик сари бўлди равон.

Ул биринин қолди лаънатлик нидо,  
Бул биринин қолди раҳматлик садо.

Эл кўзидин чун маҳактош ёширин,  
Сафга кир, эй қалбаки, лоф ур кейин.

Фурсати лофдир, маҳак кўздин ниҳон,  
Сен азизу қўлма-қўлдирсен ҳамон.

1680   Сохта дерки, бўйла ўтгай ҳар дамим,  
Эй асл, айт, борму сендин бир камим?

<sup>116</sup> Қуръони карим. Таҳа сураси, 67-68-оятларга ишорат.

<sup>117</sup> Маҳак - олтинни мисдан, аслии ноаслдан ажратиб кўрсатувчи тош.

Лек асл дерким, чиранма, хўжа тош,  
Ул маҳак келгай, сени этгай адош.

Шодланур тан ўлса, ул асҳоби роз,  
Зар ушалса, қиймати бўлгайму оз?

Кўрса эрди сохта ул охирни то,  
Бошданоқ бўлгайди балким юз қаро.

Юз қаро бўлсайди бошдин ул нифоқ,  
Ўзни тутгайди ёмонликдин йироқ.

- 1685 Ўртанур эрди кўриб ўз ҳолини,  
Англаб эрди ўзгалар аҳволини.

Оқибатни кўрса, ғамгин бўлса ул,  
Дардига дармон топарди, эй ўғил.

Мисга иксир урди, маҳрум этмади,  
Лек зарандуд<sup>118</sup> бул карамга етмади.

Эй зарандуд, турмушинг даъво эрур,  
Ким сени истар, ўшал аъмо<sup>119</sup> эрур.

- 1690 Нури маҳшар дийдани равшан етар,  
Унда сенга баски расволик етар.

Унда ул охирда кўрганларни кўр,  
Ўртаниб, оташда юрганларни кўр.

Боқки, ёлғизликда нелар кўрдилар,  
Чунки бошдин бедаво, фосид улар.

---

<sup>118</sup> Зарандуд - олтин суви югуртирилган.

<sup>119</sup> Аъмо - кўр, сўқир.



Ҳам уларга жаҳлу шак тадбир эди,  
Субҳи содиқ, субҳи козиб бир эди.

Субҳи козиб неча минглаб қорвон -  
Аҳлини этди адо, эй меҳрибон.

- 1695 Борми бир нақдинаким, гаммоси йўқ,  
Вой, ул жонким, маҳак, миқрози йўқ.

### **ДАЪВОГАРГА ДАЪВОДАН ВОЗ КЕЧ, БУЙРУҚҚА БЎЙСУН, ДЕБ АМР ЭТИЛГАНИ**

Бу-Мусайлам<sup>120</sup> дедиким, Аҳмад ўзим,  
Дини Аҳмадга берай барҳам ўзим.

Бу-Мусайлам, берма кўп нафсинга зўр,  
Боқмагил аввалга сен, охирни кўр.

Тушма кўп олдинга, даъво айла кам,  
Қўй, ёритсин йўллариинг олдинда шам.

Йўллариинг ойдек ёритгай шам, аё,  
Кўрсатур дон қайда, қайда домгоҳ.

- 1700 Иста ёхуд истама, шамнинг ўзи,  
Ёритур, лочинми ул, зогнинг изи?

Чунки зоглар макру зиллатга тўлиб,  
Қичқирурлар гоҳида лочин бўлиб.

Ўрганур ҳудҳуд овозини фато,<sup>121</sup>  
Қайда лек ул сирру пайгоми Сабо?

Сохта сас бор, чин овоз бор, англа лек,  
Подшо тожи ва ҳудҳуд тожидек.

---

<sup>120</sup> Бу-Мусайлам - Муҳаммад алайҳиссалом замонида пайгамбар  
лик даъвоси билан чиққан кимса.

<sup>121</sup> Фато - йигит

Беҳаёлар ўзни йўқдин бор этар,  
Тўтидек дарвеш сўзин такрор этар.

- 1705 Неча умматларки расво бўлдилар,  
Учраган харсангни уд деб билдилар.

Гарчи бошларда фаросат бор эди,  
Ҳирсу савдо кўру кар айлаб, еди.

Кўр кишидин нури раҳмат дур<sup>122</sup> эмас.  
Ҳирс ила кўр эрса ул, маъзур эмас.

Подшо чормихга тортмоғи ёмон,  
Лек ҳасад қийноғи андин беомон.

Яхшироқ боқ, эй балиқ, қармоқни кўр,  
Иштаҳанг этмиш магар дийдангни кўр.

- 1710 Аввалу охирни идрок айлагин,  
Бўлмагин бир кўзли иблисдек лаин.

Худди ҳайвондек у ҳозирни кўрар,  
Аввалу охирни билмас беҳабар.

Молнинг икки кўзига этсанг зиён,  
Тенг ярим қийматда бергайсен товон.

Бундан ортиқроқ баҳога арзимас,  
Сен мададкорсен кўрарга ҳар нафас.

Бир кўзин кўр этсанг одамзодани,  
Қийматини сен тўло бергунг ани.

- 1715 Бўйладирким, одамизоднинг кўзи,  
Бемадад ҳам ишни эплайдир ўзи.

---

<sup>122</sup> Дур - узоқ.

Оқибат эшшак кўзидин гизлидир,  
Икки кўзи бор, вале бир кўзлидир.

Бул сухан билмас ниҳоя. Телба қул  
Шоҳга мактуб ёзди, ҳиммат кутди ул.

### ШОҲГА ШИКОЯТ ЁЗГАН ҚУЛ ҚИССАСИНИНГ ДАВОМИ

Авалло ошпазга борди, учради,  
Эй сахий шоҳга бахил ошпаз, деди.

Келмагай шоҳ ҳимматидин бўйла иш,  
Бўйла иш шоҳ ҳимматидин келмамиш.

1720 Деди ошпаз: бир сабаб бор, ўйла, бас,  
Ул бахиллик ёки тангликдин эмас.

Деди қул: бу шоҳдин эрмас аслида,  
Олтининг тупроқ эрур шоҳ олдида.

Ўн далил келтирди ошпаз оқибат,  
Қул қабул қилмай, уларни этди рад.

Туш маҳал кемтик насибин кўрди қул,  
Кўз юмиб, ёғдирди дашномларни ул.

Деди қул: сиздан - бу ишнинг йўриғи,  
Деди ошпаз: бу - шаҳаншоҳ буйруғи.

1725 Яхшилаб боқ, кўзни четга бурма сен,  
Қўлни кўр, ёлғиз камонни кўрма сен.

Мо рамията из рамият - ибтило,<sup>123</sup>  
Сен Набийдин кўрма, отгувчи Худо.

---

<sup>123</sup> “Отдинг, аммо сен отмадинг” ояти - имтиҳондир.

Лойқадир сув бошидин, эй тийра кўз,  
Оч кўзингни, боқ-да, сўнгра сўйла сўз.

Қул чекинди четга дарду заҳр ила,  
Шоҳга мактуб ёзди сўнгра қаҳр ила.

Айтди ул шоҳ шаънига ҳамду сано,  
Деди: шоҳсен, гавҳари лутфу сахо.

1730 Кўкданам, денгизданам устун қўлинг,  
Барча ҳожатга раво истар дилинг.

Кўк берар бўлса, берар гирён бўлиб,  
Сен берарсен ҳурраму хандон бўлиб.

Гарчи мақтов эрди мактуб, зоҳири,  
Ботини - кийну газаб эрди бари.

Бўйла гар нурсиз, хунукдир сувратинг,  
Билки, офтобдин йироқдир хилқатинг.

Хору хас тўзғиб, узилгай оқибат,  
Мевалар айнаб, бузилгай оқибат.

1735 Бўйлаким, дунё иши бўлгай касод,  
Чунки туққан олами - кавну фасод.

Яйрамас мадҳу санодин сийналар,  
Бўлса гар маддоҳ дилида кийналар.

Эй кўнгил, кийну балодин пок бўл,  
Сўнг ўқи Ал-Ҳамду<sup>124</sup> сен чолок бўл.

Тилда ҳамду дилда нафрат бўлса чун,  
Айтганинг талбис<sup>125</sup> бўлур ёки фусун.

---

<sup>124</sup> Ал-Ҳамд - Қуръони каримнинг илк сураси, Фотиҳа.

<sup>125</sup> Талбис - шайтонлик. Фусун - афсун.

Ул сабабдин Тангри, соҳибпарвариш,  
Мен фақат кўнгилга боққаймен, демиш.

**ЗЎРАКИ ҲАМДУ ШУКРОНАЛАР АЙТГАН,  
ИЧИДАН ҒАМ-АНДУҲ ТУТУНИ БУРҒИСИГАН,  
УВАДА ҲИРҚАСИДАН СЎЗИНИНГ ЁЛҒОНЛИГИ  
КЎРИНИБ ТУРГАН МАДДОҲ ҲИКОЯСИ**

1740 Биттаси қайтди кезиб мулки Ироқ,  
Сўрдилар: не кечди ул ҳажру фироқ?

Деди: ёр эрди фироқул-асрор,  
Лек сафар бўлди муборак, муждавор.

Чун халифа берди ўн хилъат манго,  
Сўйласам, арзир неча шукрон анго.

Мадҳини айтди, тоширди ул яна,  
Шукрини ҳаддин оширди ул яна.

Дедиларким, бўйла аҳволинг, залил,  
Сўзларинг ёлғонлигига бир далил.

1745 Бошялангсен, хилъатинг, жоманг қани?  
Сен олибдирсен магар шукронани.

Лутфига шукрона айтарсен чунон,  
Борму андин бош-оёгингда нишон?

Гар тилинг мадҳу санолар сўйлагай,  
Ҳолу аҳволинг шикоят айлагай.

Шунча мақтайсенки, лолдир ақлу ҳуш,  
Лоақал бермабди чолвору кавуш.

Деди: неким этди инъом шаҳриёр,  
Айладим йўқсул, етимларга нисор.

- 1750 Шоҳ бераркан ҳадяни, кам бермади,  
Келди кўп бечораларнинг омади.
- Мол нисор этдим тилаб умри дароз,  
Соф кўнгилдирмен бу янглиг, покбоз.
- Сўрдилар: хўп, молни бермишсен бутун,  
Не учун кўнглингда андуҳу тутун?
- Ғам-алам бордир дилингда бегумон,  
Ғам-алам шодликка бўлгайму нишон?
- Қайда ул рози-ризолик белгиси,  
Сўзларинг рост эрса, хушлик кулгуси?
- 1755 Мол берибсен, кўнгил оройи қани?  
Сел магар оқмиш, унинг жойи қани?
- Кўзларинг бор эрди тундек тим қаро,  
Нега қолмишлар бу рангсизлик аро?
- Покбозликка нишонинг қайдадир?  
Урма лоф, айтганларинг бефойдадир.
- Яхшиликдин юз аломат келгуси,  
Ҳадя-эҳсоннинг бўлур юз белгиси.
- Ҳадяву эҳсон улашсанг, эй фалон,  
Юз тириклик дилда гул очгай ҳамон.
- 1760 Ҳақ учун ерким зироатгоҳ эрур,  
Гар уруғ эксанг, униб-ўсмасми ул?
- Топмаса Ҳақ гулшанида парвариш,  
Не учун Оллоҳ ерини кенг демиш?

Баски, ҳосилдор эмиш дунё ери,  
Беунум бўлгайму ул Оллоҳ ери?

Ул замин чексиз унумлар бергуси,  
Битта донингдан неча юз ўнгуси.<sup>126</sup>

Ҳамд айтарсен, ҳамидингдин магар  
На ичингда, на юзингда бир самар.

1765 Ҳаққа ориф сўйласа ҳамду сано,  
Қўл-оёғи унга бўлгайдир гувоҳ.

Ул бадандин жонни қутқармоғи рост,  
Ул жаҳон зиндонидин айлар халос.

Атласи тақову нури мўталиф  
Ҳамдига бергай гувоҳлик, эй ҳабиб.

Тарк этиб дунёи баҳсу можаро,  
Чашма узра ўлтириб, гулшан аро.

Ҳар нафас орзу этилган равзада,  
Мажлису жою мақому рутбада.

1770 Жумла сиддиқларки тутмишлар макон,  
Шоду масрур барча, ёшу навқирон.

Ҳамд ўқурлар юз аломатлар билан,  
Гулбаҳорни мадҳ этгандек чаман.

Гулбаҳорга чашмаю баргу гиёҳ,  
Гулшану боғу гулистонлар гувоҳ.

Шоҳиду шоҳид эрурлар ҳар тараф,  
Бўйлаким, гавҳарга тўлмишдир садаф.

---

<sup>126</sup> Қуръони карим. Бақара сураси, 261-оятга ишорат.

Сенда, эй лофчи, ёмонлик бўйи бор,  
Нуқси бор чеҳрангда, ранги рўйи бор.

- 1775 Бор йироқлардин боқиб, билгувчи ҳам,  
Қўй ўшал ҳой-ҳуйни, бундоқ урма дам.

Мушку анбар демаким, аччиқ пиёз, -  
Бурқирайдир бўйла, сен айтганда роз.

Гулшакар, дейсан, егаймен, кош эди,  
Еганинг - сассиқ саримсоқнинг ҳиди.

Бул кўнгил асли азим бир хонадир,  
Унда не ҳамсоялар пинҳонадир.

Кўз солиб гоҳ тирқишу деворидин,  
Воқиф ўлгайлар анинг асроридан.

- 1780 Сир эмас сирри ниҳонинг қанчаси,  
Воқиф эрмас андин уйнинг хўжаси.

Сен ўқи Қуръонни, шайтони хатар,  
Ҳар нафас ҳолингдин олгайдир хабар.

Инс билмас йўлни билгай ул кушод,  
Бўйла бир йўлдирки, етмас ҳиссиёт.

Этма ноқидлар<sup>127</sup> аро макрингни чун,  
Боқ, маҳак бор, урма лоф, эй қалби дун.

Мис ила олтинни ажратгай маҳак,  
Жисм ила жонингга амр этгай маҳак.

- 1785 Чун шаётин ёприлиб, игво қилур,  
Фикру ўйингдин улар огоҳ этур.

---

<sup>127</sup> Ноқид - ҳақиқий пулни қалбаки пулдан ажрата олувчи ша



Ўғридек кўнгилга киргайлар пусиб,  
Хонумонингни совургайлар, бузиб.

Дам-бадам заҳму зиёнлар айлашар,  
Одамийни ҳар тешикдин пойлашар.

Холимас лек нурли жонлардин жаҳон,  
Бўйла шум андишалар қолмас ниҳон.

Юксалиб кўкларга, чодир қурдилар,  
Кам эмишму деу шайтондин улар?

1790 Тирмашур кўкларга иблис ҳар туни,  
Лек учар юлдуз уриб, ҳайдар уни.

Сарнигун ерга йиқилгай ул ҳамон,  
Найзадин кўкси тешилган ёвсимон.

Кўкка боқмишди ҳасадларга тўлиб,  
Ерга тушди бўйла чилпарчин бўлиб.

Сен магар шолсен, чўлоғу кўру кар,  
Шубҳадин кўнглингга келтирма асар.

Камтарин бўл, лоф уриб, жон чекма, ҳай,  
Чунки ортингда жосуслар бор талай.

**ИЛОҲИЙ ТАБИБЛАР МУРИДНИНГ ЁКИ БОШҚА  
БИРОВНИНГ ЮЗИДАН, СЎЗ ОҲАНГИДАН,  
КЎЗИНИНГ РАНГИДАН УНИНГ ДИН ВА  
КЎНГИЛ ХАСТАЛИГИНИ БИЛУРЛАР. ҲАТТОКИ,  
КЎРУРЛАР, КЎНГИЛЛАРГА ЙЎЛ ТОПИБ, УЛ  
ДАРҒОҲЛАРДА НЕЛАР КЕЧАЁТГАНИНИ  
АЙТУРЛАР - УЛАР КЎНГИЛЛАРНИНГ  
ЖОСУСИДИРЛАР, БАС, УЛАР ИЛА РОСТЛИК,  
ЧИНЛИК МАҚОМИДА ЎЛТИР**

1795 Ул табибларким, баданларга табиб,  
Ҳар не дардинг эрса, билгайлар боқиб.

Сийдигингни текшириб, ҳолинг нечук,  
Айтишар авзою аҳволинг нечук.

Тадқиқ этгайлар томирга қўл уриб,  
Дам-нафас ҳам ранги рўйингни кўриб.

Лек табиблар бор илоҳийким чунон,  
Бир боқиб, ҳолингни кўргайлар аён.

Гар томир, кўзларга урмаслар илик,  
Зоҳир этгайлар вале юз хасталик.

1800 Ул табиблар ёш ва ўргамчик магар,  
Ҳар касалга бир нишона ахтарар.

Бул табиблар эрса чин, комил табиб,  
Ич-ичинг тадқиқ этарлар, эй ҳабиб.

Сен ҳали дунёга келмасдан ҳамон,  
Ҳоло аҳволингни этмишлар баён.

**АБУ ЯЗИД ҚАДДАСАЛЛОҲУ РУҲАҲУМО  
АЗИЗНИНГ АБУЛҲАСАН ХОРАҶОНИЙ  
ТУРИЛИШИДАН НЕЧА ЙИЛЛАР АВВАЛ УНИНГ  
НЕ ҚИЁФА, НЕ СИФАТЛАР ИЛА ДУНЁГА  
КЕЛИШИНИ АЙТИБ БЕРГАНИ ВА  
ТАРИХЧИЛАР БУНИ ЁЗИБ ҚОЛДИРГАНИ**

Тинглагансен Боязиднинг фолини,  
Айтмиш эрди Бул - Ҳасаннинг ҳолини.

Боязидким, шоҳи тақво эрди ул,  
Дашту саҳролар аролаб юрди ул.

1805 Етди унга ногаҳонда дашт аро,  
Рай тарафдин, Хорақон ёқдин сабо.

Оҳ уриб, боди сабони қутлади,  
Не ажаб атри уфор, деб ҳидлади.

Ҳидлар эрди дам-бадам, тўймасди лек,  
Жонига сингарди гўё бодадек.

Кўза муздек сувга лиммо-лим тўлур,  
Сиртида сув томчилар пайдо бўлур.

Боис ўлгайдир ҳавонинг салқини,  
Кўза ичдан сиртга сиздирмас уни.

1810 Эрди хушбўй ул зилоли об анго,  
Сўнгра сув бўлди шароби ноб анго.

Етди сархушлик чу шайхнинг бошига,  
Бир мурид келди яқинлаб қошига.

Сўрдиким, эй пир, аҳволинг нечук?  
Олти, бешдан<sup>128</sup> ташқари ҳолинг нечук?

Юзларингим, гоҳ қизил тортиб туси,  
Гоҳ оқаргайдир, дегил, не боиси?

Атру хушбўйлар чекарсен, қайда гул?  
Йўқ ажаб, гайб гулшанидин эсди ул.

1815 Эйки, меҳринг дилга шайдолик солар,  
Дам-бадам сенга етишгай номалар.

Сен Яқубдирсен, йироқда Юсуфо,  
Ел била етгай сенга атру шифо.

Кўзадин бир қатра қуйгил бизга ҳам,  
Равзадин бергил дарак, эй муҳтарам.

Борму тоқат, эй маҳи ҳусну адаб,  
Сен ичарсен беадоқ, биз ташналаб.

---

<sup>128</sup> Олти, беш - олти томон, беш туйғу.

Эй фалаклар узра чарх ургувчи эр,  
Мунча ичдинг, бизга ҳам бир қатра бер.

1820 Бул замонда мири мажлиссен ўзинг,  
Подшоҳим, биз тарафга бур юзинг.

Май ичаркан кимса, қолгайму ниҳон,  
Май ҳамон, май бирла расволик ҳамон.

Ҳиднику ул бир амаллаб беркитар,  
Кўзлари махмурлигини не этар?

Бўйла бир бўйдирки олам ичра, бас,  
Неча юз минг парда ҳам моне эмас.

Дашту сахрони қуюндек тутди ул,  
Дашт не эрмишким, фалакдин ўтди ул.

1825 Хумга лой суртмоқни этма сен хаёл,  
Бўйла майдирки, бекитмогинг маҳол.

Эй хўжам, лутфу мурувват айлагил,  
Лочининг не ўлжа олди, сўйлагил.

Дедиким, менга уфурди гулбаҳор,  
Чун Муҳаммадга Яман ёқдин уфор.

Айтмиш эрдиким, Яман ёқдин сабо  
Менга келтирди ажаб атри Худо.

Вайсдин Роминга келмиш жон ҳиди,  
Ул Увайсдин менга Ҳақ-Яздон ҳиди.

1830 Келмиш эрди ҳид Қаран ёқдин ажаб,  
Бахш этиб Аҳмадга бир завқу тараб.

Ул Увайс эрди, чу фоний эрди ул,  
Ерда, лекин осмоний эрди ул.

Бир ҳалила<sup>129</sup> эрди, андоқким шакар,  
Қолмамиш эрди тахирликдин асар.

Исми бор эрди, ўзи йўқ эрди лек,  
Жисми бор эрди, ўзи йўқ эрди лек.

Бу сухан билмас ниҳоя, ортга қайт,  
Сўйлагилким, не демипди шери мард.

### ПАЙҒАМБАР АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ “ЯМАН ЁҚДАН ДУМОҒИМГА РАҲМОННИНГ ҲИДИ УФУРДИ” ДЕГАНИ

1835 Деди: шул ёқдин етишди атри ёр,  
Бўйлаким, қишлоққа келмиш шаҳриёр.

Неча йиллар сўнг тугилгай подшо,  
Тиклагай чодир у осмонлар аро.

Юзлари Ҳақ лутфидин гулгун бўлур,  
Ул мақомда менданам устун бўлур.

Сўрдилар, номин дедиким Бул-Ҳасан,  
Таъриф этди не эмиш қошу зақан.<sup>130</sup>

Кўзлари шаклу шамолин сўйлади,  
Сочлари, қадду камолин сўйлади.

1840 Сўйлади руҳига нелар ёрлигин,  
Не сифоти, не тарийқи борлигин.

Тан сифотиким омонатдир ҳама,  
Бевафодир, унга кўнгил бойлама.

Ҳар нечук руҳи табиий ҳам фано,  
Жон сифотин изла сен осмон аро.

<sup>129</sup> Ҳалила - меъда бузилганда ичиладиган аччиқ дори.

<sup>130</sup> Зақан - бу ерда, энгак, ияк маъносида.

Жисми гарчанд бир чироқдир, ердадир,  
Шуъласи еттинчи осмон узрадир.

Гар самовот ичрадир офтоб ўзи,  
Хона ичра ярқирайдир ёгдуси.

1845 Гул ўсар тупроқда, лекин кўр ани,  
Кўшку айвонга таратмиш атрини.

Тушда тортарсен Аданларда фиरोқ,  
Тер босиб, жисмингда ваҳму қалтироқ.

Келмади кўйлак, Мисрда ул ҳали,  
Атрига тўлди вале Каънон эли.

Бўйла деб дунёда тарих ёздилар,  
Бўйла деб сихга кабобни тиздилар.

Кечди йиллар, келди дунёга ўғил,  
Сўнгра подшоликка машғул бўлди ул.

1850 Боязид кетди жаҳондин, қайдасан,  
Деб унинг ўрнига келди Бул-Ҳасан.

Боязид айтиб сифотин, не деди,  
Барчаси сиймосида зоҳир эди.

Лавҳи маҳфуз эрди унга раҳнамо,  
Бас, йироқ эрди тамом саҳву хато.

На нужум эрди, на рамлу уйқу - хоб,  
Ваҳйи Ҳақ, валлоҳу аълам бис-савоб.

Лек буни элдин яширгай сўфилар,  
Ул сабаб, кўнгил ваҳйиси, дейдилар.

1855 Бул кўнгилким, Ҳақ манзаргоҳидир,  
Янглишарму, бас, унинг огоҳидир?

Нури Оллоҳ бирла солсанг сен назар,  
Бўлмагай янглиш, хатолардин асар.

### **СЎФИНИНГ ЖОНУ ДИЛИГА КЕЛУВЧИ АЛЛОҲ ТАОМИНИНГ КАМАЙГАНИ**

Сўфиким фақр ичра банди гам эрур,  
Ул фақирлик дояву малҳам эрур.

Боргасен жаннатга нохушлик билан,  
Марҳамат - ожизу мискинларга тан.

Бошини ёрса киши гар кибр ила,  
Ҳақ ачинмайди, ачинмас эл анга.

1860 Бул сухан билмас ниҳоя, чун фалон  
Ҳимматин паст этди, бўлди нотавон.

Бахтлидир сўфи чу ризқи кам бўлур,  
Кўнгли лекин денгизи аъзам бўлур.

Ризқи хосга етди, огоҳ бўлди ул,  
Сўнг саройи қурбга ошно бўлди ул.

Етса нуқсон ризқига, жон ўртагай,  
Жони нуқсон ваҳми бирла титрагай.

Билгай ул, бормиш хатоликка шу тоб,  
Ул сабабданким чаманзори хароб.

1865 Бўйлаким деҳқон гаҳи истаб нажот,  
Соҳиби хирмонга ёзгай арзи дод.

Мирга бергайлар у хатни ҳар тугул,  
Лек жавоб бермайди ушбу хатга ул.

Дерки, дарди мента маълум - нону лут,  
Унга энг аъло жавобимдир - сукут.

Изламас асло фироқу васлини,  
Парчага тутқун, унутмиш аслини.

Мунча нодон, мунча худбиндирки, бас,  
Парчани ўйлар, бутунни ўйламас.

1870 Шул ёруғ олам, шу осмон бирла ер,  
Ҳақ огочида етишган олмадир.

Сен шу олма ичра қуртдирсен магар,  
Ул дарахту боғбондин беҳабар.

Лекин ул қуртлар аро бор ўзга ҳам,  
Жонни байроқ айлаган, соҳиб алам.

Олмани ёргай у, ортиқ турмагай,  
Олма пўсти унга бардош бермагай.

Пардаларни йиртиб ул, этгай адо,  
Суврати қуртдир, ўзи лек аждаҳо.

1875 Аввало учқун темирдин сачрагай,  
Ташқари дунёга сўнгра учрагай.

Пахта бўлгай дояси, лек бари бир,  
Ёғдириб ёлқин, уни айлар асир.

Одамий гар уйқу, овқат бирла банд,  
Оқибатда лек малойикдин баланд.

Пахтаю гугурт мадад айларса то,  
Шуъласи етгай заминдин то Суҳо.

Одамий зулматни равшан айлагай,  
Дашту саҳроларни гулшан айлагай.

1880 Ўт-олов ҳам гарчи жисмоний эрур,  
На-да руҳдир у, на руҳоний эрур.



Танга юксакдин магар не баҳрадир?  
Баҳри жон олдида жисминг қатрадир.

Жон туфайли тан фараҳга тўлгуси,  
Жон агар чиқса, танинг не бўлгуси?

Тан магарким икки газдир, кўп эмас,  
Жон урар жавлон азим кўкларда, бас.

Руҳ тасаввур айласа, эй муҳтарам,  
Унга Бағдоду Самарқанд бир қадам.

1885 Икки кўзинг - икки дирҳамдир магар,  
Лек уларнинг нури шул осмон қадар.

Туш кўрармиш нур кўзингсиз беҳисоб,  
Лек ўшал нурсиз кўзинг эрмиш хароб.

Жон баданнинг риштасига боғлимас,  
Тан вале жонсиз эрур мурдору паст.

Билганинг шул руҳи ҳайвоний эрур,  
Илгари юр, руҳи инсоний эрур.

Одамийдин, қилу қолдин эт гузор,  
Сўнгра сен ул жони Жаброилга бор.

1890 Жони Аҳмад бир имо этсин сенга,  
Шунда Жаброил чекингай ортига.

Ул десинким, сен тарафга бир камон -  
Қурбича борсам, куярмен шул замон.

### **ПОДШО МАКТУБИГА ЖАВОБ БЕРМАГАЧ, ҚУЛНИНГ ЖАҲЛГА МИНГАНИ**

Ўйлаким, бошсиз-қироқсиз шева бул,  
Бир жавоб олмай, тутақди, ёнди қул.

Дедиким, шоҳ бир жавобим этмади,  
Бир хиёнат бўлди, мактуб етмади.

Мактубим балки яширди ҳийлагар,  
Ул мунофиқ, тенгги йўқ туллак магар.

1895 Бошқа бир мактуб ёзармен, йўқ дарак,  
Бошқа бир элтгувчи топмогим керак.

Мактуб элтган кимса этди деб зарар,  
Беҳуда ўйларди гофил, бежабар.

Ўзидин айб изламасди зарра ҳам,  
Йўли қинғир эрди, андоқким шаман.

### **СУЛАЙМОН АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ БИР АЙБИ ТУФАЙЛИ ШАМОЛНИНГ ТЕСКАРИ ЭСГАНИ**

Ел Сулаймон тахти узра эсди терс,  
Ул дедиким, эгри эсма, тўғри эс.

Ел дедиким, эй Сулаймон, тўғри юр,  
Терс юрар эрсанг, шамол ҳам терс эрур.

1900 Бўйла бир ўлчов, тарозу қўйди Ҳақ,  
Токи инсоф бирла олғаймиз сабақ.

Сен агар кам айласанг, кам айлагум,  
Равшан этсанг, мен-да равшан айлагум.

Тожи қолди боши узра қийшайиб,  
Кундузи оқшомга дўнди, шумшайиб.

Деди: тожим, ўзни бундоқ тутмагил,  
Офтоб, шарқимни сен тарк этмагил.

Қўл чўзиб, тожин тузатди бемалол,  
Тож яна қийшайди бошда, турди дол.

1905 Тож деди: юз бор тузатгил, мўътаман,  
Қийшиқ эрсанг, мен-да қийшиқ, эгриман.

Бас, Сулаймон чўзмади қўл янгидан,  
Ҳайдади, шаҳватни қувди кўнглидан.

Бошида ўнгланди тожи шул замон,  
Истагандек турди тўғри, бегумон.

Шоҳ атай қийшайтириб кўрди неча,  
Тож вале турди яна ўз ҳолича.

1910 Тожни саккиз бор атайлаб этди кож,  
Лекин ўзни ўнглади, тикланди тож.

Тож дедиким, имтиҳоним оз қил,  
Чанг-губоринг тарқади, парвоз қил.

Йўқ изн бундан нари қўйсам қадам,  
Ул неча гайб пардасин йиртмоққа ҳам.

Тут менинг оғзимга кафтингни атай,  
Токи мен ортиқча сўзлар сўзламай.

Дарду ғам келса, бировни айблама,  
Дарду ғамлар ул ўзингдандир ҳама.

1915 Этма шубҳа ўзгадин, эй дўсти хом,  
Ўзгалардин шубҳа этгандек гулом.

Гоҳи элчи, гоҳи ошпазга гараз,  
Айлагай гоҳи шаҳаншоҳга араз.

Фиръавн уйида эрди гар ўгил,  
Бошқаларнинг бошини кестирди ул.

Душмани уйида эрди, подшо,  
Ўзгаларга айлади жабру жафо.

Бошқаларга сен-да нохушсен, дагал,  
Лек юхо нафсинг-ла хушсен ҳар маҳал.

1920 Душманингни сен боқарсен қанд бериб,  
Ўзгалар бошига туҳмат ёғдириб.

Фиръавндек сен-да кўрсен, кўрдил,  
Ёвга яхши, бегуноҳларга разил.

Фиръавндек зулминг айларсен неча?  
Шум гуноҳкорларни сийларсен неча?

Унда ҳам бор эрди юксак бир ақл,  
Ҳукми Ҳақ бирлан вале кўр бўлди ул.

Кўз, қулогига урилса муҳру хат,  
Эрса Афлотун, бўлур ҳайвонсифат.

1925 Ҳукми Ҳақ лавҳ узра бўлгайдир паид,<sup>131</sup>  
Бўйлаким, ул ҳукми гайби Боязид.

### **АБДУЛҲАСАН РОЗИАЛЛОҲУ АНҲУНИНГ БОЯЗИД БАШОРАТИНИ ЭШИТГАНИ**

Не демишди, барчаси бўлди расан,<sup>132</sup>  
Ўзгалар айтди, эшитди Бул-Ҳасан.

Ки Ҳасан бўлгай муриду умматим,  
Ҳар сабоҳ этгай зиёрат турбатим.

Деди: кўрсатди тушимда ўзни шайх,  
Менга ҳам айтди бунингдек сўзни шайх.

Ҳар сабоҳ шайх бошига боргай эди,  
Тушгача фармонида тургай эди.

<sup>131</sup> Паидид - пайдо.

<sup>132</sup> Бўлди расан - етишди, юз берди.

- 1930 Шайхдин фармон келарди ҳар маҳал,  
 Ёки сўзсиз мушқули бўлғайди ҳал.
- Бир куни этди мозорга ул гузор,  
 Янги қор остида қолмишди мозор.
- Қор қалин ёғмишди, худди тиззадан,  
 Қайда шайхим, деб Ҳасанни босди ғам.
- Шунда шайх берди овоз: кел, бунда мен,  
 Йўлларингга кўз тикиб, фарҳунда мен.
- Кел шитоб айлаб бошимга, бўлма суст,  
 Майли, қор боссин жаҳонни, бурма юз.
- 1935 Худди шу кундан баландлаб кетди ул,  
 Бир ажиб ишларни зоҳир этди ул.

### **ИЛК МАКТУБГА ЖАВОБ ОЛОЛМАГАН ҚУЛНИНГ БОШҚА БИР МАКТУБ ЁЗГАНИ**

- Ёзди бир мактуб яна ул бадгумон,  
 Эрди ҳар сатрида фарёду фиғон.
- Илгари ёздим, деди, наф этмади,  
 Шоҳимизга етди балким, етмади.
- Ул жавобга кўз тутиб, чекди алам,  
 Лек жавбсиз қолди бул мактуби ҳам.
- Ноумид қолдирди қулни шаҳриёр,  
 Қул яна мактуб жўнатди етти бор.
- 1940 Деди ҳожиб шунда: қул ёзмиш сенга,  
 Не бўлур, шоҳим, жавоб берсанг анга.
- Кам бўлурми давлатинг, шоҳим, магар,  
 Бир ғариб бечорага солсанг назар?

Деди шоҳ: бу ишда бордир бир сабақ,  
Кимки аҳмоқдир, ўшал мардуди Ҳақ.

Майли, маъзурдир гуноҳу зиллати,  
Лек ёпишгай менга касри, иллати.

Бир касалдин элга келгай юз бало,  
Юз киши бўлгай балога мубтало.

1945 Кофири габр этса шумлик дам-бадам,  
Кўк аро қолмас булутда қатра нам.

Шумлиги боис булут ҳайронадир,  
Қилмиши боис шаҳар вайронадир.

Қилди шумлик неча бир аҳмоқ, адув,  
Қоплади оламни тўфон, босди сув.

Деди Пайгамбарки, аҳмоқ кимсалар -  
Бизга душман, йўлтўсар шайтон улар.

Кимки оқил эрса, улдир жонимиз,  
Руҳи - бизнинг руҳимиз, райҳонимиз.

1950 Майли, оқил этса дашном, розимен,  
Чунки оқил файзининг эъзозимен.

Бўлмагай дашномлари бефойида,  
Бормагай меҳмонга ул бемоида.<sup>133</sup>

Гарчи нодон менга гоҳ ҳалво тутар.  
Гар есам, ул хаставу бемор этар.

Эсда тутгил, ақлу ҳикмат ёр эса,  
Эшшак ортини ўпишдин не маза?

---

<sup>133</sup> Моида - озиқ-овқат, емиш.

- Мўйловинг мойли, вале бефойида,  
Яктагинг доғли, вале бемоида.
- 1955 Моида - ақлинг магарким, нон эмас,  
Нури ақлингдир ризо жонингга, бас.
- Одамийга нур эмиш асли емиш,  
Жон фақат нур бирла топгай парвариш.
- Андак-андак ўзни тийгил, ноз қил,  
Қўй эшак озуқасини, оз қил.
- Гар эсанг пок луқмага қобил ўзинг,  
Нур емакка бўлгасен қодир ўзинг.
- Акси ул нурдирки, нонинг нон эмиш,  
Файзи ул жондирки, жонинг жон эмиш.
- 1960 Гар тановул айласанг бир бора нур,  
Ҳеч бўлур наздингда ул нону танур.<sup>134</sup>
- Ақлу идрок иккидирким, аввалин,  
Ўрганиб, мактабда олмогинг тайин.
- Чун китоб-фикру зикр бергай ақл,  
Илму фан, хубу бикр бергай ақл.
- Ақлу идрокинг ўсиб, афзун бўлур,  
Залвари ортиб яна, устун бўлур.
- Лавҳи ҳофиз ҳам бўлурсен оқибат,  
Лавҳи маҳфуз бор вале, ул бошқа гап.
- 1965 Бир ақлким, бахшиши Яздон эрур,  
Чашмадирким, жон ичинда жон эрур.

<sup>134</sup> Танур - тандир.

Сийнадин келгай у ирфон мавжи, бас,  
Эскимас, айнаб кўкармас, ўксимас.

Йўлларин гоҳида тўсгайлар, не гам,  
Хона ичра тўлқин ургай дам-бадам.

Ақли таҳсилий магар ирмоқ эрур,  
Талпинур кўйлар аро уйларга ул.

Йўлтўсарлар бенаво айлар ани,  
Сен дилингдан изла бундоқ чашмани.

**БИР КИШИНИНГ БОШҚА БИР КИМСАГА  
МАСЛАХАТ СОЛГАНИ, У КИМСА, МЕН СЕНИНГ  
ДУШМАНИНГМАН, БОШҚА БИРОВ БИЛАН  
КЕНГАШ, ДЕГАНИ**

1970 Қолди огир мушкулот ичра иши,  
Маслаҳат солди бировга бир киши.

Ул дедиким, ошно, хушоқибат,  
Мендан эрмас, ўзгадин сўр маслаҳат.

Менки гаддор душманингмен эрта-кеч,  
Душманингдин маслаҳат чиққайму ҳеч?

Бор-да, бир дўст топ-да, арзинг айт анга,  
Маслаҳат берсин ўшал дўстинг сенга.

Душманингдирманки, душманлик ишим,  
Ташвишинг бирлан менинг не ташвишим?

1975 Бўридин посбон бўлурму ҳеч маҳал?  
Йўқ матоҳни изламоқдин не самар?

Душманингдирменки, сен огоҳ бўл,  
Йўлтўсарлар сенга кўрсатгайму йўл?



Бўлса ҳамдам неча дўст, равшан сенга,  
Гарчи гулхандир, ўшал гулшан сенга.

Ҳамнишин эрса агарда душманинг,  
Гулшан ичра гулхан эрмиш масканинг.

Дўстга озор берма, ман-ман этмагил,  
Берма қўлдин, дўстни душман этмагил.

1980 Халққа эҳсон айла Раҳмонинг учун,  
Азбаройи роҳати жонинг учун.

Дўстга доим дўст дебон солгил назар,  
Кийнадин келтирма кўнглигга зарар.

Улки душман, қоч нари, парҳез ила,  
Маслаҳат қил ёри меҳрангез ила.

Ул киши тинглаб, дедиким, Бул-Ҳасан<sup>135</sup>,  
Мен билурмен, душмани деринасан.<sup>135а</sup>

Лек ажаб оқил эрурсан, маънавий,  
Йўлдан озмоғингга қўймас бул сени.

1985 Ўт ёқармен дейди таъбинг кийнадин,  
Ақлу ҳуш нафсингга ургайдир кишан.

Йўлларида ул мудом пойлоқчидир,  
Айласанг яхши-ёмонлик, соқчидир.

Ақлу иймон миршаби оқил эрур,  
Ки кўнгил шаҳрига ул ҳоким эрур.

Гар мушукдек тарк этарса уйқуни,  
Ўғрига минг танга сичқоннинг ини.

---

<sup>135</sup> Бул-Ҳасан - бу ерда, яхши йигит, барно йигит, маъносиди.

<sup>135а</sup> Душмани дерина - эски душман

Ўғри-сичқон юрса эркин, бахтиёр,  
Ё мушук йўқ, ё мушукнинг шакли бор.

1990 Танга ҳоким ақлу иймондир ўшал,  
Йўқ, мушук эрмас, арслондир ўшал.

Ҳамласи даррандаларни даф қилур,  
Наъраси чаррандаларни<sup>136</sup> қўрқитур.

Ўғрилар бирлан тўло эрса шаҳар,  
Унда миршаб борлигини не самар.

**ПАЙҒАМБАР АЛАЙҲИССАЛОМ БИР ЖАНГГА  
ЛАШКАР ЖЎНАТАРКАН, ЖАНГ КЎРГАН  
ТАЖРИБАЛИ КИШИЛАРНИ ЭМАС, ЁШ ЙИГИТ  
ҲУЗАЙЛИЙНИ ЛАШКАРБОШИ ЭТИБ  
ТАЙИНЛАГАНИ**

Этди Пайғамбар йигиб, лашкарни шай,  
Токи кофирлар била жанг айлагай.

Бир йигит бор эрдиким, исми Ҳузайл,  
Мири лашкар айлади, солори хайл.

1995 Борму куч лашкарга лашкарбошидек,  
Бошдин айрилган бадан эрмиш ўлик.

Ҳар неким брдир ўлик, жондин нари,  
Айру тушмишлар магар бошдин бари.

Гоҳ келиб устун сенга кибру ҳаво,  
Айлагайсен сен-да сарварлик даъво.

Бўйлаким, эшшак қочур тоғларга, бас,  
Ул толиқмиш, юк ташишни истамас.

---

<sup>136</sup> Чарранда - ўтхўр ҳайвон, мол.

- Хўжаси чопгай, югургай: тўхта, ҳай,  
Бўри бор қаршингда, абгор айлагай.
- 2000 Сен кўзимдин ғойиб ўлдингни, тамом,  
Бўрилар устингга ёприлгай ҳамон.
- Устухонингни егайлар чун шакар,  
Қолмагай ҳаттоки сендин бир асар.
- Ўт-алафлардин бўлурсен мосуво,  
Гар ўтин йўқ эрса, оташдир адо.
- Тўхта, ҳай, берсин сенга сабру тўзим,  
Қочма мендин, жасм аро жонинг ўзим.
- Сен уловдирсен, яна нафсингга қул,  
Кимки ғолиб эрса, ҳукм этгувчи ул.
- 2005 От демиш отингни улким Зулжалол,  
Този отларни араб дейди: таол.
- Мири охир эрди Ҳаққа Мустафо,  
Нафс-уловлар этмагайлар деб жафо.
- Қул таолу<sup>137</sup>, деди Ҳақ айлаб карам,  
Тарбият этгум, риёзат айларам.
- Тарбият этгунча ул нафсларни то,  
Тепки ейдирман уловлардин басо.
- Тарбият этсанг уловлар хулқини,  
Тепки ейдирсен, муқаррар бил буни.
- 2010 Ул сабабданким ҳамиша анбиё,  
Бошига дўлдек ёғилмишдир бало.

<sup>137</sup> Қул таолу - бу ёққа келинг.

Йўлдан озгансиз, келинг, йўрго юринг,  
Йўл юраркан, маркаби султон бўлинг.

Қул таолу, қул таолу, деди Раб,  
Эйки, билмайсиз магар расми адаб.

Келмаса ул неча, гамгин бўлмагил,  
Эй набий, кўнглинг тўло кин бўлмагил.

Қар эмиш баъзи қулоқлар, кўп оғир,  
Ҳар уловнинг охури бир ўзгадир.

2015 Ҳуркишар ҳар гал етишса ул нидо,  
Ҳар уловга айру маскан мутлақо.

Баъзилар яйраб ололмаслар нафас,  
Чунки ҳар қушга муносиб бир қафас.

Ул малойиклар-да кўкда фарқ қилар,  
Шул сабаб саф-саф бўлиб тургай улар.

Болалар мактабга боргайлар қатор,  
Ул биридин бул бириси устувор.

Туйғу бор мағрибда ҳам, машриқда ҳам,  
Кўз ила кўргай киши, эй муҳтарам.

2020 Саф чекиб юз минг қулоқлар тургуси,  
Лек кўрар кўзларга муҳтож бўлгуси.

Саф чекар эрса қулоқлар, мансаби -  
Тингламоқ асрори, ахбори Наби.

Неча юз минг кўзга бўйла роҳ эмас,  
Кўз самоъ асроридин огоҳ эмас.

Туйғуларни сен санаб боқ, эста ол,  
Ҳар бирида айру хизмат, айру ҳол.

Бешта ички, бешта ташқи туйғу бор,  
Ўйлаким, ўн сафда тургайлар қатор.

2025 Дин сафидин ҳар кишиким бош бурур,  
Сўнгги бир сафга бўлур сафбаста ул

Сен “таолу” сўзини кам айлама,  
Кимиёдир бул сухан, кам ўйлама.

Боқмаса мис, майли, парво этмагил,  
Кимиёни ундан айру тутмагил.

Нафси ҳозирча йўлин бойлар магар,  
Айтганинг охирда бергайдир самар.

Қул таолу, қул таолу, эй гулом,  
Боқки, бул Аллоҳу адъу лассалом.<sup>138</sup>

2030 Хўжа, ман-манлик ёмон бир феълу хўй,  
Сарварингни изла, сарварликни қўй.

### **ПАЙГАМБАР АЛАЙҲИССАЛОМ ЁШ ҲУЗАЙЛИЙНИ АМИРЛАШКАР ТАЙИНЛАРКАН, БИРОВНИНГ БУНГА ЭЪТИРОЗ ЭТГАНИ**

Этди мирлашкар Ҳузайлийни Расул,  
Эътироз этди бу ишга билфузул.

Бул қарорким айладинг, кўнмам, деди,  
Бўйла мирлашкарга бўйсўнмам, деди.

Халқни кўрким, мунча зулмоний эрур,  
Шевайи фонийни деб фоний эрур.

Солгай ул кибру ҳаводин тафриқа,  
Мурда жони бирла йиртгайдир ёқа.

---

<sup>138</sup> Аллоҳ сени саломатликка чорлайди.

- 2035 Бул ажабким, жони чун зиндондадир,  
Лек ўшал зиндон калиди ундадир.
- Гарчи гувлар, айқириб пойида сув,  
Ўлтирур бошдин-оёқ гўнг ичра у.
- Ҳар не истайдир, турар паҳлусида,  
Ҳар не излайдир, эрур ўтрусида.
- Нури пинҳонийни гар истар кўнгил,  
Борнимас, йўқ нарсани излайдир ул.
- Бўлмасайди ўзга бир манзили хос,  
Жон нетиб истарди ваҳшатдин халос.
- 2040 Ваҳшат ул гар кўзларингни ёшлагай,  
Йўлга ҳам йўлбошчи янглиг бошлагай.
- Тўғри йўл пинҳон эмишдир, топгали,  
Излабон елсанг-югурсанг чопгали.
- Тафриқа излар ниҳон ичра нифоқ,  
Сен уни ахтар, руҳи матлубга боқ.
- Боғда илдиздин узилгайдир хазон,  
Ким анга бергай ҳаёти жовидон?
- Кўз тикур эшикка маҳбуслар мудом,  
Кўз тикарму эрди йўқса бир паём?
- 2045 Йўқса сув, тақчил эса дарёда у,  
Неча юз минг ташналар изларми сув?
- Сенга сув йўқ даҳри ташвишхонада,  
Кўрпаю болиш магарким хонада.
- Йўқ қароргоҳсиз бу оламда қарор,  
Гар ҳумор ёзгувчи йўқса, йўқ ҳумор.

Дедиким ул кимса: йўқ-йўқ, эй Расул,  
Ёш йигитни мирилашкар этмагил.

Гарчи шерзод, гарчи ботир ул буюк,  
Мири лашкар кекса бўлмоғи тузук.

2050 Сен демишсен бўйла сўзни, ул гувоҳ:  
Кекса бўлсин, кекса бўлсин пешво.

Ё Расулуллоҳ, ўзинг лашкарга боқ,  
Жангчилар кўп, ёши андин каттароқ.

Демагил, япроғи саргаймиш магар,  
Сен етишган олмаларга сол назар.

Барглари саргайгани бежиз эмас,  
Бу - етукликдин нишондир, бошқамас.

Улки оппоқ сочидир, соқолидир,  
Тобига етган ақл тимсолидир.

2055 Ул оғочким, барглари эрмиш яшил,  
Пишмаган, хом мевага эрмиш далил.

Кимки ориф, унга бебарглик етар,  
Тилла саррофнинг юзини ол этар.

Юзлари гул-гул очилган ўспирин,  
Ўрганур мактабда дунёнинг сирин.

Хат битар ул эгри-бугри, нодуруст,  
Жисми чаққондир ва лекин ақли суст.

Кекса йўлларда юролмас бўйла бот,  
Ақли тақмишдир ва лекин қўш қанот.

2060 Жаъфари тайёрни эслатгум сенга,  
Болу пар бахш айламишди Ҳақ анга.

Кеч бу зардин, сўз ҳижобга кирди, ҳай,  
Худди сиймобдек шу кўнглим титрагай.

Кўнглим ичра юзта сокин, хушнафас,  
Лабларимга қўл босиб, дейдики, бас.

Жим туриш - денгиз, сўзинг - ирмоқ ҳама,  
Денгизинг турганда ирмоқ излама.

Бурма дунёдин юзингни, қўй итоб,  
Бўлди, бас, валлоҳу аълам бис-савоб.

2065 Панд-ўгитлар бирла гапни майдалаб,  
Бўйла сўйларди Расулга беадаб.

Бехабарди бўйла, билмасди пича,  
Чун эшитмоқ ўзга, кўрмоқ ўзгача.

Ул хабарлардир назарнинг ноиби,  
То эшитгайдир уларни ғойиби.

Лек назарга тушса ким, восил эса,  
Ул хабарлардир кераксиз, даҳмаза.

Бас, етишдинг ёрга, бўлдинг ҳамнишин,  
Совчию даллола бирлан не ишинг?

2070 Ким етишди эр бўлиб, соҳиб виқор,  
Совчию мактуб унинг наздида хор.

Хат ўқирса, элга таълим айлагай,  
Сўзласа, фикрига таслим айлагай.

Сўйлама соҳиб назарларга хабар,  
Сўйласанг, саҳву хатойинг ул магар.



Сен улар олдида жим тур, фойда у,  
Ул сабаб келмиш нидоким - ансату.<sup>139</sup>

Сўйла, деб амр айлар эрса, сўзлагил,  
Хушча сўзла, гапни аммо чўзмагил.

2075 Сўзла, деб амр этса, сўзга сўз ула,  
Сўзлагин одоб ила, тамкин ила.

Чин Зиёвулҳақ Ҳусомиддинга ман,  
Сўйлагаймен бўйла юмшоқлик билан.

Мухтасар этсам сўзимни, ўйлатар,  
Ўйлатиб, минг бир ҳунарла сўйлатар.

Эй Ҳусомиддин, зиёи Зулжалол,  
Баски кўрдинг, сенга не эрмиш мақол?

Бул магар асру хумор эрмиш, аё,  
Исқино хамран ва қулли иннаҳо.<sup>140</sup>

2080 Лабларингда гар шароби ноб эрур,  
Лек қулоқлар дейдиким, ҳиссамни бер.

Эй қулоқ, ҳеч кимса сендек ёнмагай,  
Лек қулоқ дейдики, ҳирсим қонмагай.

### **ЭЪТИРОЗ ЭТГУВЧИГА МУСТАФО АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ЖАВОБ БЕРГАНИ**

Ул Муҳаммадким, буюк ҳусну адаб,  
Олдида чун ҳаддидин ошди араб.

---

<sup>139</sup> Ансату - жим туринг.

<sup>140</sup> Мента май - сун ва сунганим майдир, деб айт. Бу - буюк араб шоири Абу Нувос қаламига мансуб мисра.

Ул шаҳи ван-нажму султони абас,<sup>141</sup>  
Лабларин тишлаб дедиким, бўлди, бас.

Илкини ҳам сунди сўнгра ул томон,  
Ки сенинг олдингда доноийи ниҳон.

2085 Сен қўйиб олдинга тезак зотини,  
Мушку анбар деб атарсен отини.

Тева гўнгини тутиб бурнинга ҳам,  
Воҳки, хушбўйдир, дегайсен дам-бадам.

Оҳ чекарсен, оҳ, кўнгил тебратгали,  
Бўйлаким ўтмас матойинг сотгали.

Сен фириб бермоқчидирсен покни,  
Улки, кезгай гулшани афлокни.

Улки ўзни содда, нодон кўрсатур,  
Лек ўзингни сен-да билмоғинг зарур.

2090 Тунда қопқоқсиз, очиқ қолса қозон,  
Ўзни тийсин, бу - мушукка имтиҳон.

Улки ётмиш эрса, ухлоқ билмагил,  
Чўзма дасторига илкинг, илмагил.

Деву шайтон сўзини сен бўйлача,  
Мустафо олдида сўйларсен неча?

Бир ажаб соҳиб тавозу бул гуруҳ,  
Ҳилми тоғдирким, етар кўкларга у.

Ҳилми уйғоқларни чун расво қилур,  
Кўргучи кўзларни-да гумроҳ қилур.

---

<sup>141</sup> У “Юлдузга қасам...” сураси ила “Юзини буриштирди...” сура-  
сининг султони.

2095 Ҳилми майдирким, кўнгилни хуш этар,  
Маст этиб, сўнгра тамом сархуш этар.

Мастни кўргилким, ажаб ошгуфтаҳол,  
Эгри-бугри йўл босар фарзин мисол.

Бўз йигит сипқорса андин бир тўйиб,  
Кексадек йўл узра ётгай, бош қўйиб.

Бўйла майдирким : майи хуми бало,  
Таъсири бир тунда бўлмасдир адо.

Ул шаробдин тотиниб Асҳоби Каҳф,  
Неча юз йил сурдилар уйқуда кайф.

2100 Ичдилар андин Миср маҳбублари,  
Сўнгра тиг остида қолди қўллари.

Жодугарлар-да Мусодин маст бўлиб,  
Бордилар дор остига пайваст бўлиб.

Жаъфари Тайёр-да чун ичмишди мўл,  
Қўл-оёғини гаровга тикди ул.

**АБУ ЯЗИД ҚОДДАСАЛЛОҲУ СИРРАҲУЛ  
АЗИЗНИНГ “СУБҲОНИ МО АЪЗАМ ШАЪНИ”  
ДЕГАНИ, МУРИДЛАРНИНГ БУНГА ЭЪТИРОЗ  
ЭТИШГАНИ, УНИНГ МУРИДЛАРГА ТИЛ  
БИЛАНМАС, ҚОЛ ВОСИТАСИ ИЛА ЖАВОБ  
БЕРГАНИ**

Боязид эрди фақиру муҳташам,  
Бир куни дедики, қулмас, тангриман.

---

\* Субҳони мо аъзам шаъни - тамом покландим, нақадар буюкман...

Бўйла сархуш сўз деди ул зуфунун:  
Ло илоҳ илло анаҳҳо фаъбудун.<sup>142</sup>

- 2105 Кечди ул аҳволи чун келди сабоҳ,  
Дедилар ул сўзки эрмасди салоҳ.

Боязид дедики, боз айтсам чунон,  
Сиз пичоқ санчинг танимга беомон.

Тангрига тан ҳожат эрмас, не керак,  
Бўйла сўз айтгани ўлдирмоқ керак.

Боязидким бул васият айлади,  
Ҳар мурид ўткир пичоқни шайлади.

Лек яна маст бўлди чун сипқорди жом,  
Не демиш эрди, унутди ул тамом.

- 2110 Тотди лаззат, бўлди чун овора ул,  
Тонг отаркан, шам эмиш бечора ул.

Ақл-миршаб, келса гар султон етиб,  
Миршаби бурчагда тургай бош эгиб.

Ақл эрур Ҳақ сояси, Ҳақ - офтоб,  
Офтобга соя ҳеч бергайму тоб?

Гар пари инсонга чун голиб келур,  
Мардум ул мардумлигини айрилур.

Ҳар не этса, ул пари-жин айлагай,  
Сўйлар эрса, ул эмас, жин сўйлагай.

- 2115 Бас, парилар расмиким бундоқ эмиш,  
Ул парилар соҳиби қандоқ эмиш?

---

<sup>142</sup> Мендан бошқа Тангри йўқ, қуллик қилинг.

Кетгай инсон, ул парига эврилур,  
Турки беилҳом чу тозигўй<sup>143</sup> бўлур.

Ул ўзига келса, билмас бир лугат,  
Ки париди бўйладир зоту сифат.

Ул Худованди париву одами,  
Айт, қачон бўлмиш паридин бир ками?

Шергирга<sup>144</sup> бода эрмиш шер хуни,  
Сен дегайсен : бода этмишдир уни.

2120 Сўзласа тиллога тенг сўзларни, бас,  
Сен дегайсен : бодадир, ул сўйламас.

Бодада эрса бунингдек шарру шўр,  
Ҳақ нурида шавкату қудратни кўр.

Ўзлигингдин бўйла айру айлагай,  
Сен тинарсен, ул суханлар сўйлагай.

Гарчи Қуръон топди Аҳмадда зуҳур,  
Ҳақ сўзи деб айтмаган кофир эрур.

Жон қушиким учди, парвоз айлади,  
Боязид ул сўзни оғоз айлади.

2125 Босди ақлу ҳушни ҳайрат сели, боқ,  
Сўйлади аввалгисидин кучлироқ.

Дедиким, Парвардигор жуббам аро,  
Ҳақни излаб кезмангиз еру само .

Боқ, муридлар ул ҳамоно турдилар,  
Жисми покига пичоқни урдилар.

<sup>143</sup> Тозигўй - араб тилида сўзловчи.

<sup>144</sup> Шергир - арслон овловчи.

Воҳки, бединлар каби айлаб ситам,  
Урдилар тигларни сирмаб, дам-бадам.

Ҳар муридким ханжарин санчгай эди,  
Ўз вужудида яро очгай эди.

2130 Бир асорат кўрмади ул зуфунун,  
Лек муридлар бўлдилар гарқоби хун.

Кимки кесмоқ истади пир бўғзини,  
Кесди ул ханжар ила ўз бўйинини.

Етса пир кўксига ханжар зарбаси,  
Қон бўлур эрди унинг ўз сийнаси.

Бундан огоҳ эрди ул соҳибқирон,  
Етмагай, дерди, бирор заҳми гарон.

Ёрти донишдирки қўлни боғлади,  
Жонни қутқазди, кўнгилни доғлади.

2135 Кун ёришди, бас, тўкилди қонлар,  
Неча уйлардин учиб афғонлар.

Тўпланиб чун неча минг эркак-аёл,  
Дедилар : эй икки оламга мақол,

Гар танинг бўлсайди ул мардум тани,  
Йўқ этар эрди пичоқ, ханжар сени.

Улки хушёр сочди чун беҳудга кул,  
Боқ, тиканни кўзларига санчди ул.

Эйки беҳушларга урдинг зулфиқор,  
Ўз танингга тиг чекарсен бор-бор.

2140 Улки беҳуш фонию эмин эрур,  
То абад ул гўшада сокин эрур.

Нақши фонийдирки, андоқ ойина,  
Акс этар ул ўзгаларни биргина.

Туфласанг унга, тупукка ботганинг,  
Тош отар бўлсанг, ўзингга отганинг.

Бедавога дуч келарсен ул ўзинг,  
Ё Исо, Марям кўрарсен, ул ўзинг.

Ул ҳам эрмас, бул ҳам эрмас, ул ҳамон,  
Сувратинг қаршингда чизгайдир аён.

2145 Шунга сўз етганда лаб қимтилди, бас,  
Шунга етганда қалам топди шикаст.

Очма лаб, гарчи фасоҳат келди бот,  
Урма дам, валлоҳу аълам бир-рашод.

Сенки том бошида мастсен бардавом,  
Тўғри ўлтир ёки тушгил, вассалом.

Ҳар қачон билсанг ўзингни комрон,  
Уйла, том бошида тургайсен ҳамон.

Келса хушлик, қўрқ, бировга сўйлама,  
Сен яшир шодликни, ошкор айлама.

2150 Келмагай бошингга ногоҳ бир бало,  
Бўлма ногоҳ бир балога мубтало.

Етмагай то шодлигингга бир завол,  
Қолмагайсен айрилиб, афтодаҳол.

Кўзларинг балки у томни кўрмагай,  
Жон кўриб, ваҳм ичра лекин титрагай.

Титрагай ҳар дам севинчлар қошида,  
Бир фалокат босмагай том бошида.

Том лабига етмагунча йўқ сукут,<sup>145</sup>  
Боқ, не бўлди қавми Нуҳу қавми Лут.

## **ПАЙҒАМБАР АЛАЙҲИССАЛОМ ҲУЗУРИДА УЛ НОДОННИНГ ФАСОҲАТИ ВА СЕРГАПЛИГИ САБАБИ**

2155 Ҳақ шароби бирла маст эрди Набий,  
Масту хуш бўлди анинг бирлан габи.<sup>146</sup>

Ҳушлиги ортиб, зиёда этди гап,  
Мастлиги боис йўқотди ул адаб.

Беҳуду беҳуш берар мастликка тоб,  
Беадабни беадаб айлар шароб.

Оқил ичса, ул даҳо оқил бўлур,  
Жоҳил ичса, ул даҳо жоҳил бўлур.

Аксарий халқ нописанд эрмиш, авом,  
Ул сабабдин ичкилик бўлди ҳаром.

## **ПАЙҒАМБАР АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ИШ КЎРГАН КЕКСА ЖАНГЧИЛАР ТУРГАНДА ЁШ ҲУЗАЙЛИЙНИ АМИРЛАШКАР ТАЙИНЛАГАНИ БОИСИНИ БАЁН ЭТГАНИ**

2160 Бош чевирмас кимса голиб ҳукмидин,  
Тигни олтайлар қароқчи илкидин.

Деди Пайғамбарки, эй зоҳир нигар,<sup>147</sup>  
Сен уни ёш билма, думбул, беҳунар.

Не йигитлар борки, чолдир, кексадир,  
Кексалар борким, йигитлардек жасур.

---

<sup>145</sup> Сукут - йиқилиш.

<sup>146</sup> Габи - ҳийлагар.

<sup>147</sup> Зоҳир нигар - зоҳирни кўрувчи.



Мен синовларда кузатдим неча бор,  
Неча бир ишда қозонди эътибор.

Ақлу идрок ёшда эрмас, бошдадир,  
Соч-соқол оқига боқма, эй ўғил.

2165 Борму иблисдан-да кекса бир улуг,  
Ёши кекса, лек зигирча ақли йўқ.

Ёш бола учрар гаҳи Исо нафас,  
Кўнглига ётдир гурур бирлан ҳавас.

Соч-соқол оқи ақлданмас нишон,  
Бўйла, деб баъзида ўйлайдир авом.

Ул муқаллид доимо излар далил,  
Бир аломат ахтариб, бўлгай сабил.

Истасанг бир ишни сен, тадбир топ,  
Раҳнамо ахтар ўзинга, пир топ.

2170 Улки тақлиддан қутилмиш, тут ани,  
Нури Ҳақ бирла кўрар ул жумлани.

Нури поки бедалилу бебаён,  
Ҳар не эрса, баски этгайдир аён.

Улки зоҳирбин пучакни чин демиш,  
Қайдин ул билгай, саватда не эмиш.

Неча олтин бор, тутунлардин қаро,  
Ки биров қўл чўзмасин деб эл аро.

Неча мис ҳам борки, ул заррин ниқоб,  
Ақли қосирлар кўриб, айлар тавоб.

2175 Бизки ботинни кўрармиз ҳар нафас,  
Дилни кўргаймиз, вале зоҳирнимас.

Қозилар ҳар дам боқар зоҳиргаким,  
Шаклу зоҳирга боқиб, бергай ҳукм.

Ким мағар сўзи шаҳодатни демиш,  
Боқ, аларнинг наздида мўмин эмиш.

Ул мунофиқ пеш этиб иймонини,  
Тўқди сўнг мингларча мўмин қонини.

Жаҳд қил, то пийри ақлу дин бўл,  
Ақли Куллдек сен-да ботинбин<sup>148</sup> бўл.

2180 Ақли зебо очди юз, хуллас калом,  
Тангри тўн кийдирди, берди мингта ном.<sup>149</sup>

Камтарин номи не эрмиш, хуш нафас,  
Бўйлаким, ҳеч кимсага муҳтож эмас.

Ақл юз очса жаҳон кўзгусида,  
Тийра эрмиш кун унинг ўтрусида.

Лекин аҳмоқлик агар зоҳир эрур,  
Олдида тун зулмати равшан турур.

Ул қаро тундин қоронғудир, қаро,  
Шабпарак учгай ўшал зулмат аро.

2185 Андак-андак нурга этгил иштиёқ,  
Йўқса, хуффошдек қолурсен бечироқ.

Улки севгай тунни, хуффош бил ани,  
Ҳар қачон шаъму чироқлар душмани.

---

<sup>148</sup> Ботинбин - кўнгилни кўрувчи.

<sup>149</sup> Ақлнинг номлари: Ақли ҳаюлоний, Ақли назарий, Ақли муқ-тасаб, Ақли мустафад, Ақли фаол, Ақли мунфайл, Ақли Кулл ва ҳоказолар.

Зулмату мушкуллик излайдир дили,  
Чунки афзунроқ кўрингай ҳосили.

Ул сени машғули мушкил айлагай,  
Қилмишидин баски гофил айлагай.

**ТОМ ОҚИЛ ИЛА ЯРИМ ОҚИЛ, ТОМ МАРД ИЛА  
ЯРИМ МАРД АЛОМАТЛАРИ ҲАМДА ЎЗ-ЎЗИГА  
МАҒРУР НОҚАСНИНГ НИШОНАСИ**

Оқил ул бўлгайки, машғал бирла ул,  
Неча карвон аҳлига йўл кўрсатур.

2190 Пайрави нури Худодир, пешров,  
Элни бошлаб, ўзни этмишдир гаров.

Сизга келтирмиш у иймони ҳаёт,  
Нури жонига этингиз эътиқод.

Ул ярим оқил кишидир бўйлаким,  
Кўз билиб оқилни, маҳкам тутса ким.

Кўр киши бир бора тутгандек далил,  
Тутмиш ул, шундан магар чусту жалил.

Кўр анув эшшакниким, ул не эмиш,  
Ақли йўқ, оқил йўлига юрмамиш.

2195 Йўли йўқдир бир тараф юрмоққа, ҳай,  
Раҳнамози бошласа, эргашмагай.

Ўйлаким, саҳрода юргай эврилиб,  
Гоҳи оқсоқ, гоҳида елдек елиб.

Шамъи йўқдирким, ёритсин ўнгини,  
Йўқ ярим шаъми-да, то элтсин уни.

Ақли йўқдир, токи зинда айлагай,  
Йўқ ярим ақли-да, мурда айлагай.

Не бўлур ўзни ўликка солса ул,  
Бир нишабдин ўзни томга олса ул.

2200 Йўқ эса ақлинг, ўзингни мурда қил,  
Бир тирик оқилга дил омада қил.

Зинда эрмасдир, Исо ҳамдам, десанг,  
Мурда эрмасдир, Исо малҳам, десанг.

Ҳар тарафга жони талпингай, холос,  
Талпинур беҳуда, топмайдир халос.

### **КЎЛДА БАЛИҚ ОВЛАГАНЛАР ВА БИРИ ТОМ ОҚИЛ, БИРИ ЯРИМ ОҚИЛ ВА БИРИ ЎЗИГА МАГРУР АҲМОҚ БАЛИҚЛАР ҚИССАСИ**

Бир кичик кўл қиссаси бул, эй унуд,  
Уч балиқ унда яшармиш, эсда тут.

Чун Калила айламиш эрди баён,  
Ул агарда жисм эса, бул магзи жон.

2205 Неча сайёд йўл яқолаб юрдилар,  
Унда сузган уч балиқни кўрдилар.

Қай бириси, сувга тўр солгум, деди,  
Лек балиқлар гўл эмас, огоҳ эди.

Улки оқил эрди, ўйлаб турмади,  
Йўлга тушди, маслаҳат ҳам сўрмади.

Деди: кенгашсам, ишим расво бўлур,  
Куч, қарорим сарфланиб, яғмо бўлур.

Йўқ, кетолмаслар улар емдин нари,  
Менга ургай наҳсу тамбалликлари.

2210 Зиңда бирлан маслаҳат қил, фойдадир,  
То тирилтирсин сени, ул қайдадир?

Сен мусофирдин сабақ ол, эй киши,  
Лек адаштиргай аёллар кенгаши.

Дема кўп ҳуббул ватан, бухрондадир,  
Ки ватан бул ёндамас, ул ёндадир.

Истасанг юртингни, ул соҳилга кеч,  
Бул ҳадис ростдирки, ёлгон билма ҳеч.

### **ТАҲОРАТ ОЛГУВЧИ КИШИНИНГ ТАҲОРАТ ДУОЛАРИНИ ЎҚИШ СИРЛАРИ**

Сен таҳорат айласанг фурсат аро,  
Айла ҳар узвингга айру бир дуо.

2215 Сувниким бурнингга олгайсен, жўра,  
Сен Худодин бўйи жаннатни сўра.

Атри гул бошлар сени сўйи жинон,  
Атри гул эрмиш далили бўстон.

Сен таҳорат айлаганда сўйлагил,  
Сўйлагил, ё Раб, мени пок айлагил.

Эт-бетимни покладим, Парвардигор,  
Жонни поклашга танимда йўқ мадор.

Неча нокасларга сен этдинг карам,  
Чўз қўлингни энди шул жонларга ҳам.

2220 Мунча қилдим, менку ноқисмен, лаим,  
Қолганин этгил адо, эй мустақим.

Покладим чангу губордин пўстни,  
Поклагил чангу губордин дўстни .

**БИРОВ ТАҲОРАТДАН СЎНГ АРТИНИШДА  
ЎҚИЛАДИГАН “АЛЛОҲИМ, МЕНИ ТАВБА  
ҚИЛГУВЧИ ПОКИЗА БАНДАЛАРИНГДАН ҚИЛ”  
ДУОСИ ЎРНИГА “АЛЛОҲИМ, ДУМОҒИМГА  
ЖАННАТ АТРИНИ УФУР” ДУОСИНИ ЎҚИГАНИ,  
БИР АЗИЗ БУНИ ЭШИТИБ, ЭЪТИРОЗ ЭТГАНИ**

Артиниб дерди биров: Парвардигор,  
Сен қулингга атри жаннатни юбор.

Бир азиз тинглаб дедиким, эй гулом,  
Сен тешиқларни адаштирдинг тамом.

Чун бурун поклашда айтурлар уни,  
Сен кетинг артганда айтурсан буни.

2225 Бас, бурун бирлан чекарлар бўйи гул,  
Гар чекар бўлсанг кетингдин, йўқ бўлур.

Эй такаббурлик этиб шоҳ олдида,  
Бош эгарсен мунча гумроҳ олдида?

Хору хасга эт такаббурликни, ҳай,  
Аксини этсанг, ишинг ўнганмагай.

Ўйлаким, бурнинг учундир атри гул,  
Гул учундир ҳам думоғинг, бурнинг ул.

Атри гулни тортасен бурнинг била,  
Атри гул чунки чекилмас кет ила.

2230 Ул тарафдин атри хулд келгаймикин?  
Баски, истарсен, қидир ўз жойидин.

Бўйлаким, ҳуббул ватан эрмиш раво,  
Сен вале билгил ватанни аввало.

Деди ул зийрак балиққим, йўл юрай,  
Раъйу кенгашдин кўнгилни қутқарай.

Машварат мавруди эрмас ушбу пайт,  
Сен Алидек чоҗга дил оҳингни айт.

Маҳрами оздир у оҳнинг, кўп эмас,  
Тунда тур, пинҳона юргил чун асас.<sup>150</sup>

2235 Сенга ушбу кўл саёздир, тангу тор,  
Қўй бу сувни, сен буюк денгизга бор.

Кўксини айлаб оёқ, талпинди ул,  
Хавф-хатар кечди, етишди баҳри нур.

Мисли кўпак қувламиш оҳу эди,  
Жон чекиб, елди-югурди, иргиди.

Ортидин ит тушса, ухларму қуён?  
Ваҳму қўрқувлар аро уйқу қаён?

Йўл юриб, мўл юрди дарё қайда деб,  
Жонга жон қотгувчи даргоҳ қайда деб.

2240 Ранжу заҳмат чекди қанча, оқибат,  
Етди ул даргоҳи амну офият.

Ўзни ул денгизга отди ҳар тугул,  
Бўйлаким сўнгсиз, қироқсиз эрди ул.

Овчилар тўр солди сувга ушбу дам,  
Ул ярим оқил балиқни босди гам.

Деди: эвоҳки, нечун фаҳм этмадим,  
Раҳнамойим ул кетаркан, кетмадим.

Кетди ногоҳ, йўлга тушди даъфатан,  
Лозим эрдиким югурсам ортидан.

---

<sup>150</sup> Асас - тунги миршаб

2245      Ұттан ұтди, баски ғам чекмоқ хато,  
Қайтаролмас энди минг бир оқ-воқ.

**ТҮРГА ТУШҒАН ҚУШНИНГ, ҰТТАН ИШГА  
АЧИНМА, ФУРСАТНИ ҒАНИМАТ БИЛ, УМРНИ  
ПУШАЙМОНЛИКДА КЕЧИРМА, ДЕБ НАСИХАТ  
ЭТГАНИ**

Тўрга тушди қушча, бўлди банди дом,  
Деди ул овчига: эй Хўжа Хумом,<sup>151</sup>

Қўй, ҳўкизларни егансен қанчалар,  
Тевалар ҳам бўлди қурбон нечалар.

Шунчалар единг уларни, тўймадинг,  
Мен каби бир қушчага тўйгаймидинг?

Қўй мени, уч маслаҳат бергум сенга,  
Зийрагу нодонлигимни айт менга.

2250      Аввалин дерман қўлингда ўлтириб,  
Сўнгриси дерман анув томдан туриб.

Сўнгтисин дерман макон айлаб дарахт,  
Уч ўгит бирлан бўлурсен некбахт.

Айтди сўнг илк маслаҳатни қуш ҳамон;  
Бўлмас ишга бовар этма ҳеч қачон.

Овчи озод қўйди қушни, ошига,  
Қуш учиб, қўнди баланд том бошига.

Деди: асло ўтган ишга ғам ема,  
Чекма ҳасрат, ўтмаганни кам дема.

---

<sup>151</sup> Хўжа Хумом - улуг хўжа.



- 2255 Сўнг деди: эй хўжа, қорнимда маним,  
Ўн дирам тош бор, магар дурри ятим.  
  
Сенга ҳам, фарзандларингга етгулик,  
Гавҳар эрди, элга кўз-кўз этгулик.  
  
Толейнг ёр бўлмади, кўргил буни,  
Бир йўла қўлдан бериб қўйдинг уни.  
  
Хўжа оҳ чекди, юракни тиглади,  
Худди дард тутган хотиндек йиғлади.  
  
Қуш деди: ҳой, хўжа, йиғларсен нега?  
Ўтган ишга куйма, деб айтдим сенга.
- 2260 Ўтган ишга шунчалар йиғлармисен,  
Ё магар фаҳм этмадингми, кармисен?  
  
Кўрган эрдим сенга боз пандимни эп,  
Бўлмас ишга учма, бовар этма деб.  
  
Уч дирам келмас шу вазним ё келур,  
Ўн дирам тош унга қандоқ жо бўлур?  
  
Хўжа ҳушёр тортди, артди ёшини,  
Сўрди қушдин сўнгги бир кенгошини.  
  
Қуш деди: балли, амал этдинг тайин,  
Энди сўнгги маслаҳатни айтайин.
- 2265 Сўйламоқ жоҳилга ҳикмат, йўл-йўруғ,  
Худди шўрхок ерга эккандек уруғ.  
  
Жоҳил узган иш уланмас, бойлама,  
Сўйлама ҳикматни, зое айлама.

## ЯРИМ ОҚИЛ БАЛИҚНИНГ ЧОРА ИЗЛАБ, ЎЗИНИ ЎЛИККА СОЛГАНИ

Ул балиқ дедик, бул вақти бало,  
Бўлдим андоқ соябонимдин жудо.

Ул буюк денгизга етди, умтилиб,  
Мен эсам қолдим баса ҳайрон бўлиб.

Айламай зое бу ҳасратли сўзим,  
Яхшиси, ўлганга солгаймен ўзим.

2270 Тўнкариб ўзни, чиқай сув бетига,  
Сўнг оқай сув бирла кўлнинг четига.

Мен сурулгум сувда хору хас каби,  
Чайқалиб тўлқин аро, сузмас каби.

Сувга ўзни топшириб, топгум ҳаёт,  
Ки ўлимдин олдин ўлмоқлик - нажот.

Сен ўлимдин олдин ўлгил, эй фато,  
Бўйла амр этмишди бизга Мустафо.

Деди: муфту куллукум мин қабли ан,  
Яътаял мавту тамутун билфитан.<sup>152</sup>

2275 Қорнини сувдан чиқазди ул ётиб,  
Сув сурар эрди балиқни чайқатиб.

Бир балиқчи кўрди, боқди ҳангу манг,  
Дедиким, шундоқ балиқ ўлмиш, қаранг.

Чун балиққа етди сўз, шодланди ул,  
Дедиким, тигдин қутулдим ҳар тугул.

---

<sup>152</sup> Деди: ўлим синовлари етиб келмасдан олдинроқ ўлингиз.

Сўнг балиқчи олдига сурди уни,  
Туф, деди, қумга улоқтирди уни.

Аста-аста сувга етди ул балиқ,  
Лек машаққатларга қолди бул балиқ.

2280 Эрди нодон, ҳар тараф талпинди ул,  
Шул йўсин тўрдин қутилмоқ бўлди ул.

Одилар тўрни, битиб ҳайронлиги,  
Бошига етди унинг нодонлиги.

Товага тушди, ажиб гўшт бўлди ул,  
Чин ҳамоқатлик била эш бўлди ул.

Қоврилиб оташда, бўлганда жизир,  
Ақли сўрдиким, алам яътак назир?<sup>153</sup>

Ул бало домида, ул исканжада,  
Деди: андоқ кимса келмиш эрди, ҳа.

2285 Боз дегайким, аҳд қилдим, шул сафар,  
Бул азоблардин қутулсам мен агар.

Мен фақат денгизни этгаймен ватан,  
Кўл ила кўлмакни маскан айламам.

Катта сувлар ичра роҳатлик била,  
То абад сузгим саломатлик била.

---

<sup>153</sup> Сенга бирор огоҳлантирувчи келмадимиз? Қуръони карим. Нуҳ сураси, 6-11-оятлар.

**АҲМОҶ БАЛОГА УЧРАБ, АФСУС-НАДОМАТЛАР  
ЧЕКИБ, АҲД ЭТАРКАН, АҲДИГА ВАФО  
АЙЛАМАС. УНДАЙЛАР ДУНЁГА  
ҚАЙТАРИЛСАЛАР, ЯНА КУФР ИШЛАР ИЛА  
МАШҒУЛ БЎЛУРЛАР, УЛАР ЧИНДАНАМ  
ЁЛҒОНЧИДИРЛАР. СУБҲИ КОЗИБНИНГ  
ВАФОСИ БЎЛМАС<sup>154</sup>**

Ақл дерким, ул ҳамоқат сен-ла, бас,  
Бил муқаррар, аҳдга этгайдир шикаст.

Ақлу идрок аҳдга этгайдир вафо,  
Сенки аҳмоқсен, йўқол, эшшак баҳо.

2290 Аҳдини чун эсга олгайдир ақл,  
Гар унутса, ёдга солгайдир ақл.

Чунки ақлинг йўқса, пастдир хотира,  
Ишларинг расво нуқул, таъбинг хира.

Кўр боқиб, парвонадек аҳмоғини,  
Эсга олмас ўртаниб, ёнмоғини.

Гар қаноти куйса, тавба айлагай,  
Лек унутгай, ўзни ўтга шайлагай.

Ҳофиза, хотирда сақлаш, ёд олиш -  
Барчаси топгай ақлдин парвариш.

2295 Йўқ эса гавҳар, жилоси қайда бор?  
Бўлмаса рубоб, садоси қайда бор?

Бул таманно ҳам ақлсизлик магар,  
Ки ҳамоқатни кўролмайдир ўшал.

Ул надомат ҳосили ранж эрди, бас,  
Ул ақлдин, ганжи равшандин эмас.

---

<sup>154</sup> Қуръони карим. Анъом сураси, 27-28-оятларга ишорат.

Кетса ранж, бўлгай надоматлар адам,  
Бир ҳовуч тупроқча эрмас товба ҳам.

Зулмати гамдин надомат ошкор,  
Бас, каломул-ял ямҳуҳин - наҳор.<sup>155</sup>

2300 Зулмати гам кетса, кўнгил хуш бўлур,  
Ранж-надомат ҳам кўринмас қуш бўлур.

Тавба айлаб, бонг урар пири хирад,  
Тавбаси, алданма, ёлғондир, галат.

**ВАҲМ АҚЛНИНГ РАҚИБИДИР, ҲАМИША АҚЛУ  
ИДРОҚ ИЛА ЖАНГ АЙЛАР, ВАҲМ АҚЛГА  
ЎХШАР, АММО АҚЛ БЎЛОЛМАС. АҚЛ СОҲИБИ  
МУСО АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ВАҲМ СОҲИБИ  
ФИРЪАВН БИЛАН ТАЛАШГАНИ**

Ақлу ҳуш шаҳватга душмандир ҳама,  
Улки шаҳват ичрадир, оқил дема.

Ваҳму шаҳват ақлини бил беақл,  
Ваҳм агар мис эрса, олтиндир ақл.

Ваҳму ақл эрмас маҳаксиз ошкор,  
Иккисин ол-да, маҳак олдиға бор.

2305 Ул маҳак - Қуръони ҳоли анбиё,  
Ҳар нафас кўнгилга дейди: кел, аё.

Кўрсатай мен ўзлинг, ақлингни ҳам,  
Не чиқиш, не бир тушишнинг аҳлисен.

Иккига бўлсанг ақлни арралаб,  
Тургай ул олтин мисоли ярқираб.

---

<sup>155</sup> Кечанинг сўзини кундуз йўқ қилур . Қуръони карим. Ал-Исро сураси, 12-оятга ишорат.

Фиръавн ваҳм эрди - оламсўз ул,  
Лек Мусо ақл эрди - жонафрўз ул.

Тарийқи Мусо магар йўқлик эди,  
Фиръавн: айтгил, ўзинг кимсан, деди,

2310 Мен ақлмен, деди, нури Зулжалол,  
Хужжати Ҳақмен, рақибимдир залол.

Фиръавн: бас, деди, этма ҳою ҳу,  
Айт қадим номингни сен, не эрмиш у?

Деди: аслим хоки Ҳақ эҳсонидир,  
Номим ул Ҳақ бандасининг номидир.

Мен - буюк Ҳақ бандасининг ўглиман,  
Мен - халойиқнинг сахову меҳриман.

Нисбати аслим шу тупроқ, обу гил,  
Обу гилга берди Яздон жону дил.

2315 Қайтамен тупроққа бир кун бегумон,  
Сен-да тупроққа борурсен, эй фалон.

Мўмину саркаш, тайиндир юз далил,  
Оқибат тупроқ бўлурмиз, англагил.

Шул танинг тупроқдин олгайдир мадад,  
Овқатинг тупроқ физосидир фақат.

Жон чиқар бўлса, танинг тупроқ бўлур,  
Тор, коронгу бир қабрга жойланур.

Сен-да, аҳбобинг-да тупроқ бўлгуси,  
Давлатинг, жоҳинг-да тупроқ бўлгуси.

2320 Фиръавн дедики, шул номдин бўлак,  
Бошқа бир номинг-да бордир, эй ҳалак.

Фиръавнга бандасен, қулларга қул,  
Жон топибдир бунда жисму жонинг ул.

Бизга душмансен, этиб жабру зулум,  
Юртидин қочган қабиҳсен, феъли шум.

Қотили гаддорсен, ҳақношунос,  
Бул сифатлардин ўзингни эт қиёс.

Бир гадодирсен, ғарибликда ҳақир,  
Кўрнамақдирсен, аянч бир ношукур.

2325 Деди Мусо: бўйладирким ул малик,  
Ки худовандликда йўқдир бир шерик.

Мулкида ёлғиз ўзидир кадхудо,  
Бандаларга ундин ўзга йўқ паноҳ.

Халқни чун халқ айламиш молик ўшал,  
Кимки шерикмен деса, ҳолик<sup>156</sup> ўшал.

Чизди нақшимни магар, наққошим ул,  
Этса даъво ўзгаси гар, золим ул.

Битта қошимни яратмоғинг гумон,  
Бас, нетиб бергунг менинг жисмимга жон?

2330 Билки, ул гаддору ул саркаш ўзинг,  
Ҳаққа шерикликни даъво айладинг.

Янглишиб, қўйдим бировни ўлдириб,  
Мен уни ўлдирмадим, қасдин уриб.

Мушт тушурдим, шунга лойиқ эрди ул,  
Жони йўқ эрди, қулаб, жон берди ул.

---

<sup>156</sup> Ҳолик - ҳалок бўлувчи.

Улки ит эрди, вале сен беомон,  
Айладинг юзминг гўдакларни қирон.

Беғуноҳ қонлар сенинг бўйинингдадир,  
Қонлар ичдинг, бас, ҳалокинг шундадир.

2335 Насли Яъқуб жонига солдинг човут,  
Мени ўлдирмоққа этмишдинг умид.

Ҳақ сени кўр этди, ишни шайлади,  
Бир йўла макрингни барбод айлади.

Фиръавн деди: етар, бешубҳа-шак  
Сенда ҳаққим бор, единг нону намак.

Ҳақмидир ошимни оғу қилганинг?  
Кундузимни чун қоронғу қилганинг?

Деди Мусо: рўзи маҳшарда, инон,  
Бўлгай аҳволинг забун, ҳолинг ёмон.

2340 Бурганинг заҳмига йўқдир сенда тоб,  
Ул илоннинг заҳри этмасму хароб?

Зоҳиран мулкингни вайрон айлагум,  
Лек тиканзоринг гулистон айлагум.

**УЛ ҲАҚДАКИМ, ОБОДЛИК БУЗҒУНЛИКДА,  
ЙИГИН ТАРҚОҚЛИКДА, БУТУНЛИК  
СИНИҚЛИКДА, БОРЛИК ЙЎҚЛИКДА ВА БОШҚА  
ЗИДЛИКЛАР ҲАМ ШУ ЙЎСИНДАДИР**

Бир киши ағдарди ерни, ёрди бот,  
Кўрди бу аҳволни нодон, солди дод.

Сўрди: ҳой, бу ишни қилгонинг нечун?  
Яъни, ер кўксини тилгонинг нечун?



Деди: ҳай, нодон, чу ишдан қўймагил,  
Не тузукдир, не бузук, фарқ айлагил.

2345 Чопмаса ерни, кўнгил тўлгаймиди?  
Ер экинларга макон бўлгаймиди? .

Ерни ост-уст этмасанг, эй тумтароқ,  
Қайда эрмиш сенга ул бўстону боғ?

Урмасанг наштарни чипқонга, яра  
Фориғ ўлгайму, тузалгайму сира?

Этмасанг дардинга бир дору даво,  
Офият бўлгайму, келгайму шифо?

Тўн бичар тўнчи матоҳни парчалаб,  
Этма, деб бир кимса этгайму газаб?

2350 Дерму ҳеч: атласни зое айладинг,  
Бурдалаб, не бир балога шайладинг?

Ҳар кишиким янги қўрғон айлагай,  
Эскини бузгай у, вайрон айлагай.

Усталар ҳар ерда янги иш тузар,  
Аввало янги иморатни бузар.

Ё ҳалила, ё балила<sup>157</sup> туйдилар,  
Хастаҳол жисминга дармондир улар.

Гар тегирмон этмаса бугдойни ун,  
Нону неъмат суфрага келгайму чун?

2355 Бас, талаб этди ўшал нону намак,  
Мен сени тўрдан бўшатдим, эй самак.<sup>158</sup>

---

<sup>157</sup> Ҳалила-балила - ошқозон, ичак касалликларини даволайдиган дори-дармон.

<sup>158</sup> Самак - балиқ.

Тингладинг баским Мусонинг пандини,  
Эт қабул, тўрдан бўшатгайдир сени.

Чун ўзингни айладинг банди ҳаво,  
Бўлди ул қуртинг балойи аждаҳо.

Аждаҳога аждаҳони шайладим,  
Бир нафасда ямламоқни ўйладим.

Бир нафасда кўзларингни намлагай,  
Аждарим ул аждарингни ямлагай.

2360 Рози бўлсанг, балки қолгайсен омон,  
Йўқса, шул жонинг сабил, ҳолинг ёмон.

Фиръавн дедики, кўрсатдинг амал,  
Устамон бир жодугардирсен магар.

Битта элни иккига бўлдинг бугун,  
Сеҳру жоду тошни этгайдир куқун.

Деди: жоним фарқи пайгоми Худо,  
Жодуга бўлгайму эш номи Худо?

Жодугарга куфру гафлатдир асо,  
Машъали диндир вале жони Мусо.

2365 Жодудан ул менга не нисбат, қабиҳ,  
Ки дамимдин рашк этар Исо Масиҳ.

Жодугар дерсан мени сен куфр этиб,  
Нур олурлар нури жонимдин кутуб.<sup>159</sup>

Сен ҳаво айлаб, учарсен ҳар томон,  
Ки мени ҳам бўйла этгайсен гумон.

---

<sup>159</sup> Кутуб - китоблар.

Гар кишида феъли дому дад<sup>160</sup> эрур,  
Ўзгаларни ҳам ўзидек ўйлар ул.

Сен шу жузви оламу оламни ҳам,  
Ўз сифотингда кўрарсен, муттаҳам.

2370 Айланиб сен, бошинг айланса агар,  
Хона ҳам тегрангда гир-гир айланар.

Кемада соҳил сари бўлсанг равон,  
Талпиниб, соҳил-да сузгай сен томон.

Жангда толе айласа кўнглингни хун,  
Жумла дунё сенга маъюдир бутун.

Дўстларинг-ла айласанг айшу тараб,  
Шул жаҳон наздингда бўстондир ажаб.

Кимсалар борким, бориб Шому Ироқ,  
Кўргани гурбат нуқул, куфру нифоқ.

2375 Кимсалар борким, бориб Ҳинду Ҳирот,  
Кўргани савдо, тижоратдир фақат.

Кимсалар боргай чу Туркистону Чин,  
Кўргани алдов тамом, макру камин.

Етти иқлимни кезаркан галма-гал,  
Билгани шул, рангу бўйлардир магар.

Бир ҳўкиз Бағдодга борди ногаҳон,  
Айланиб, сайрона кезди ҳар томон.

Неча неъматларга парво этмамиш,  
Кўргани ёлғиз қовун пўчоғимиш.

---

<sup>160</sup> Дому дад - ҳайвонлар

2380 Хушдурур эшшак, ҳўкизга ҳар замон,  
Йўлда янтоқ бирла сочилган сомон.

Жон табиат қозигида қоқидир,  
Бундан ортиқни магарким кўрмас ул.

Ул фазойи, жойи асбоби илал -  
Арзуиллоҳ, ердир, эй садри ажал.

Ҳар нафасда турланур чун нақши жон,  
Ҳар нафас янги жаҳон этгай аён.

Бир сифат ичра қатор бўлсанг, эшит,  
Чўл кўрингай сенга фирдавси биҳишт.

**ИНСОННИНГ ҲАР ТУЙҒУСИ АЙРУ БИР  
НАРСАНИ ТУЯР, ЎЗГА ТУЙҒУЛАР ИШИДАН  
ХАБАРИ БЎЛМАС. БИР УСТА САНЪАТКОР  
БОШҚА САНЪАТКОРЛАР САНЪАТИДАН  
БЕХАБАР БЎЛГАНИ КАБИ БУ БЕХАБАРЛИК У  
ТУЙҒУЛАРНИНГ БЎЛМАГАНИГА ДАЛИЛ  
БЎЛОЛМАС. БИР ТУЙҒУ БОШҚА ТУЙҒУЛАРНИ  
ИНКОР ЭТГАНДЕК КЎРИНСА ҲАМ, АСЛИДА  
УЛАРДАН БЕХАБАРДИР, ДЕМОҚЧИМИЗ, ХОЛОС**

2385 Тор кўрур оламни идрокинг сенинг,  
Покни кўрмас ҳисси нопокинг сенинг.

Бир замон оби аён-ла<sup>161</sup> юв ани,  
Сўфи ювгандек чу тўни ҳирқани.

Покласанг, кетгай ародин пардаси,  
Сенга ургай жони поклар шуъласи.

Жумла олам-олами нуру сувар,  
Кўзларинг олгай ул оламдин хабар.

---

<sup>161</sup> Оби аён - кўриш суви.

Бир санамни яхшироқ кўрмоқ учун,  
Гар қулоғингни анга тутсанг яқин.

2390 Ул қулоғинг дерки, кўрмасмен ани,  
Сен овозин тингламоққа қўй мени.

Бўйла донишманки, илмим - илми хос,  
Мен эшитгаймен садову сўзу соз.

Гар десанг: маҳбубни кўргил, эй бурун,  
Ул дегай: маҳбубни кўрмоғим қийин.

Атри бўйини симир, деб айт менга,  
Атри бўйидин хабар бергум сенга.

Ул кумуш танни кўрар деб ўйлама,  
Бўйла бир хизматни таклиф айлама.

2395 Олдида гар тургуси, ўлтургуси,  
Ҳиски қинғир эрса, қинғир кўргуси.

Кўз гилай эрса-насиби шул эрур,  
Балки бир ўрнида икки кўргай ул.

Фиръавн, золиму маккор дер сени,  
Сен ўзингдин фарқ этолмассен мени.

Менга ул ноқис нигоҳинг бурмагил,  
Боқма қинғир, бирни икки кўрмагил.

Ўз ўзим-ла боқ менга, улёни кўр,  
Бир нафас дунёда сен дунёни кўр.

2400 Тарк этур жонингни танглик нангу ном.  
Ишқ аро чун ишқни кўргайсен тамом.

Шул танинг ташвишидин кечсанг магар,  
Кўз бўлар бурнинг, қулоғинг кўз бўлар.

Ул шаҳи ширин забонким чин демиш:  
Аҳли орифнинг туки ҳам кўз эмиш.

Кўзда кўз йўқ эрди, бошда, юзда бет,  
Она қорнида эди бир парча эт.

Демаким, кўрмоқ фақат кўзнинг иши,  
Уйқуда, тушда нечук кўргай киши?

2405 Ул парию дев-да кўргайлар, бироқ  
Гарчи йўқ эрмиш уларда кўз-қароғ.

Нур ила кўз ёғининг не нисбати?  
Нисбатин бахш этди Таигри раҳмати.

Одамий тупроққа асло ўхшамас,  
Жин оловдандир, оловмонанд эмас.

Ўйлаким, оташга менгзарму пари?  
Менгзамас, гарчи оловдир маҳзари.

Қуш магар ўхшарму елга, ол сабақ,  
Номуносибларга нисбат берди Ҳақ.

2410 Нисбати бордир бўлакнинг аслига,  
Бесабаб бўлмиш муяссар васлига.

Одамий ул гарчи тупроқзодадир,  
Ўртада лекин равобат қайдадир?

Ақлу ҳушдин ёшириндир ул фақат,  
Билмагайдир, қайданам билсин хирад?

Елда кўз йўқдир, вале билгай сени,  
Йўқса қайдин билди ул Од қавмини?

Қайданам билгай чу мўминми, габр,  
Ажратур ул: майми ё май кўзадир.

- 2415 Оташи Намрудда кўз йўқ эрса гар,  
Бас, Халилуллоҳни ул қандоқ аяр?  
  
Наҳри Нилда йўқса кўз, бўйлармиди?  
Қибтию сибтийни фарқ айлармиди?  
  
Бўлмасайди тошда гар кўзу қароғ,  
Дўст бўлурму эрди Довуд бирла тоғ?  
  
Ерда гар кўз бўлмаса, нетгай эди,  
Бас, нетиб Қорунни ул ютгай эди.  
  
Кўр эмас, кўргувчи бил Ҳаннонани,  
Йўқлабон, ёд этди ул фарзонани.
- 2420 Кўр эса ул кафтдаги тошу шагал,  
Бас, нетиб ишга гувоҳлик бердилар?  
  
Эй хирад, ёз бўйла парру болни,  
Сен ўқи ул “Залзалат залзол”ни.<sup>162</sup>  
  
Ул қиёмат чоғи, гар ер кўрмагай,  
Бас, нетиб яхши-ёмонни сўйлагай?  
  
Сўйлагай ул ҳар нечук ахборлар,  
Ошкор айлар баса асрорлар.  
  
Чун мени танлаб юборди сенга ул,  
Ҳолимиздин ул хабардор, ул билур.
- 2425 Ул билурким, сену менга не раво,  
Бўйла дардга бўйла дорудир даво.  
  
Неча рўёларга дуч этди сени,  
Англадинг Оллоҳ Расул этди мени.

<sup>162</sup> Қачон ер ўзининг энг даҳшатли зилзиласи ила ларзага тушаркан. Қуръони карим. Залзала сураси.

Мен асову нур олиб илкимга, бас,  
Зулмату шохинга бергаймен шикаст.

Ранг-баранг тушлар ила ул Рабби дин,  
Солди қўрқувларга, токи англагин.

Мақсади-қолингни тинглатмоқ эди,  
Кимлигингни сенга англатмоқ эди.

2430 Токи билгайсен, ҳақим улдир фақат,  
Ҳозиқу огоҳу соҳиб марҳамат.

Кўрганингни сен ёмон уйқу, дединг,  
Кўру кар бўлдинг, кечар туйғу, дединг.

Ул табибу ул мунажжимлар ҳама,  
Айтмади таъбирини, айлаб тамаҳ.

Дедиларким, бедахлдир шоҳлигинг,  
Русса чекмишдир магар огоҳлигинг.

Мухталиф шарбат ё айру бир таом,  
Бўйла тушлар боисидир, вассалом.

2435 Кўрдилар чун илму ҳикмат сенга ҳайф,  
Тунду хунхорсен, насиҳат сенга ҳайф.

Қон тўкур оламда подшолар бари,  
Қаҳридин устун вале шафқатлари.

Подшоларга ярашгай хўйи Раб,  
Раҳми устун келсину остин газаб.

Минмасин қаҳру газабга мисли дев,  
Безарурат тўкмасин қон - баҳри рев.<sup>163</sup>

---

<sup>163</sup> Баҳри рев - қаҳру газабни кўрсатмоқ учун.



Бўлмасин юмшоқ, муханнасвор ул,  
Хогини, чўриси ахлоқсиз бўлур.

2440 Маскан этмишсен лаинга сийнани,  
Қибла этмишсен ўзинга кийнани.

Заҳми шохингдин жигарлар бўлди қон,  
Мен асойим бирла синдиргум ҳамон.

**БУ ДУНЁЛИКЛАР У ДУНЁЛИКЛАРГА ХУЖУМ  
АЙЛАБ, ҒАЙБ ДУНЁСИНИНГ САРҲАДИГА  
ҚАДАР ЕТИШГАНИ, У ДУНЁЛИКЛАР  
ПИСТИРМАДА ЎЛТИРИБ, БУНИ ПАЙҚАМАЙ  
ҚОЛИШГАНИ, ЗЕРО ҒОЗИЙ ЮРИШ ЭТМАСА,  
КОФИР УНИНГ УСТИГА БОСТИРИБ КЕЛУР**

Солдилар от аҳли жисмоний бари,  
Қалъаву қўрғони руҳоний сари.

Келдилар ғайб қопқасин босмоққа, ҳай,  
Токи ул ёқдин бировлар келмагай.

Ғозилар от сурмаса, айлаб юриш,  
Аҳли кофирлар босиб, этгай уруш.

2445 Баски, юмшоқлик юзидин аҳли ғайб,  
Сенга ҳамла этмамиш, эй беадаб.

Сен ҳужум қилдинг у сарҳадлар сари,  
Келмагай, деб ғайб эли ботирлари.

Беомонлик бирла шамшир сирмадинг,  
Кўчаву шаҳроҳни олмоқ истадинг.

Сен нечук олгайсен, олмоғинг маҳол,  
Кўчани дўстларга очмиш Зулжалол.

Йўлни тўсдинг, боқ ва лекин, кўзи кўр,  
Сурди от майдонга, зўрдин чиқди зўр.

2450 Мен ўшалмен, нафсни синдиргувчи мен,  
Шухрату шонингни сўндиргувчи мен.

Тўс ўшал даргоҳни жонинг борича,  
Кул, забун ҳолингга кулгайсен неча?

Кўзларинг кўр этгали келгай қадар,  
Мўйлавингни битталаб юлгай қадар.

Мўйлавингми кучлироқ ё қавми Од?  
Не шаҳарлар дастидин солмишди дод.

Сенму саркашроқ ва ё қавму Самуд?  
Келмамиш дунёга андоқ бир вужуд.

2455 Юзтасин айтдим, вале карсен ҳануз,  
Ё ўзинг карликка солгайсен ҳануз.

Тавба қилдим, сўйламоқ тарк айладим,  
Сўз демасдан, дору дармон шайладим.

То пиширсин ул ярангни, чунки хом,  
Ёки куйдирсин ярангни ул тамом.

Бор жаҳон ичра хабардор, эй адув,  
Кимсага лойиқ насиба бергай у.

Айт, қачон ким бир залолат этмади,  
Ортидин унга маломат етмади?

2460 Айт, қачон бир эзгуликка осмон,  
Бермади лойиқ насибу армуғон?

Оч кўзингни, боқ, нечук эрмиш ишинг,  
Ки жавобсиз қолмагай бир қилмишинг.

Ипга<sup>164</sup> чирмашсанг, етишгай давлати,  
Қолмагай сенга қиёмат ҳожати.

Ким магар рамзу ишорат англагай,  
Ошкоро сўзга ҳожат қолмагай.

Бул бало балки тубанликдин келар:  
Етмагай ақлингга рамзу нуқталар.

2465 Гоҳида кўнгил қорайса, анлагин,  
Қолмагай бунда таажжубга ўрин.

Лек қаро кўнгил оқарса, не ажаб,  
Жон аро ҳайрат анга бўлгай сабаб.

Гар кўнгил қолса ҳамиша тийра юз,  
Ўйлаким, маъзур эмасдурсен ҳануз.

Баски, кўнгилни кузатгил сен фақат,  
Ҳар нечук аъмолга етгай оқибат.

Ҳимматинг ортиб, зиёда бўлса ул,  
Бул мароқибдин ишинг юксакланур.

**УЛ ҲАҚДАКИМ, ОДАМНИНГ ТУПРОҚДАН  
ЯРАЛМИШ ТАНИ - ЖАВҲАРИ АСЛ БИР  
ТЕМИРГА ЎХШАР, УЛ ТЕМИРДАН ОЙИНА  
ЯСАШ МУМКИН ВА УЛ ОЙИНАДА ДУНЁ,  
ЖАННАТ, ДЎЗАХ, ҚИЁМАТ ВА ҲОКАЗОЛАР АКС  
ЭТУР, ЁЛГИЗ ХАЁЛ ТАСАВВУРДА ЭМАС**

2470 Борлигинг тийра темир эмиш тамом,  
Унга сайқал бер-да, сайқал бер мудом.

То кўнгил ойна бўлсин, жилвагар,  
Ҳар нафас акс этсин унда бир гўзал.

---

<sup>164</sup> Ип дейилганда бу ерда Қуръони карим назарда тутилмоқда.  
Қаранг: Қуръони карим. Оли Имрон сураси, 103-оят.

Ул темирким тийраву бенур эди,  
Топди сайқал, ёнди ял-ял, чақнади.

Энди нур ўйнаб, юзида рақс этар,  
Энди сувратлар дамо-дам акс этар.

Гар тани хокинг ғализдир, тийрадир,  
Унга сайқал берки, сайқал истар ул.

2475 Олами гайб суврати, ҳуру малак,  
Жилва этсин унда чун ойнадак.

Нурга тўлсин дил, ёришсин деб варақ,  
Уйлаким, ақлингга сайқал берди Ҳақ.

Сайқалингни булгадинг, эй бенамоз,  
Қолдинг ул ҳирсу ҳаволар ичра боз.

Ул ҳаволардин чу қочгайсен яна,  
Сайқалингни элга очгайсен яна.

Чун темир ойнадир гайб мазҳари,  
Акс этарлар унда сувратлар бари.

2480 Тийра этсанг дилни, занглар босса бот,  
Бул эмиш ясъавна фил арзил-фасод.<sup>165</sup>

Бўйла қилдинг, бас, етар, боз айлама,  
Тийра қилдинг сувни, ифлос айлама.

Булгама сувни, ҳамиша сақла соф,  
Унда ой, юлдузни этгайсен тавоф.

Билки, мардум ҳам ариқда сув каби,  
Булғасанг сувни, кўринмайдир туби.

---

<sup>165</sup> Улар ерда бузгунчилик қилиб юрурлар. Қуръони карим. Мои да сураси, 64-оятга ишорат.

Тубида гавҳар ниҳондир, инжу - дур,  
Булграма, қолсин ўшал авсофи ҳур.

- 2485 Жони мардум, ўйла, монанди ҳаво,  
Турса тўзонлар, тўсилгайдир само.

Чулгаса тўзон, кўринмас офтоб,  
Кетса тўзон, қўи ёришгайдир шу тоб.

Кўрсатур Ҳақ сенга тушлар - воқеъот,  
Тийраликдин токи топгайсен нажот.

**МУСО АЛАЙҲИССАЛОМ ТАНҒРИНИНГ ҲАММА  
НАРСАДАН ХАБАРДОРЛИГИНИ ФИРЪАВН  
БИЛСИН, ҲЕЧ БЎЛМАСА ШУ ҲАҚДА БИР  
ЎЙЛАБ КЎРСИН, ДЕЯ УНИНГ КЎРГАН  
ТУШЛАРИНИ СЎЙЛАГАНИ**

Ҳақ аён айларди туш бирла фақат,  
Улки, юз бергайди охир-оқибат.

Дедиким, қўй зулму бедодингга чек,  
Орттирар эрдинг баса зулмингни лек.

- 2490 Туш кўрардинг кўп ваҳим, фолинг эди,  
Туш эмас, ул турфа аъмолинг эди.

Занжи бир кун кўзгу сори кўз тикиб,  
Афтини кўргач, тупурди жаҳл этиб.

Деди: эй кўзгу, муносиб сенга шул,  
Ул демишким, сен эдинг кўзгуда ул.

Ўз юзингга сен тупурдинг, бедаво,  
Мен эсам равшан ва покмен доимо.

Туш кўрардинг гоҳ: либосингда олов,  
Кўзларинг кўрмас, тилинг гунгу соқов.

- 2495 Гоҳи бир йиртқич қувар эрди сени,  
Бурдалар эрди, магар ерди сени.
- Гоҳ тушиб ўпқонга, зир титранг эдинг,  
Қонли сел, тўфонлар ичра гарқ эдинг.
- Гоҳ нидо солгайди ул чархи нақий,  
Ки шақийдирсен, шақийдирсен, шақий.
- Гоҳ садо келгайди тоғлардин: йўқол,  
Сен касофатсен, чу асҳоби шимол.<sup>166</sup>
- Сас келарди тошу тупроқдин фақат,  
Фиръавн ёнгай жаҳаннамда абад.
- 2500 Бунданам баттарлари бор, сўйламам,  
Ул бузуқ таъбингни тирриқ айламам.
- Сўйладим бир ҳиссасин, эй нопазир,  
Токи билгайсен - Мусо билгувчидир.
- Ўзни кўр, карликка солдинг сен атай,  
Бас, дединг, ул тушларимни ўйламай.
- Қайга қочгайсен, чу Ҳақ аршингдадир,  
Кўрлинг, макринг бугун қаршингдадир.

## ТАВБА ЭШИГИ ҲАМИША ОЧИҚЛИГИ БАЁНИДА

- Эътироз этма, етар деб, эй фалон,  
Тавба эшиги очиқдир ҳар қачон.
- 2505 Жаннат ичра жониби мағрибда ул,  
Ланг очиқ тургай қиёматга довур.
- Токи мағрибдин кўринмас офтоб,  
Ланг очиқ тургай ҳамиша, қил шитоб.

<sup>166</sup> Асҳоби шимол - номаи аъмоли чап тарафдан бериладиганлар.

Бир эмас, саккизта жаннат қопқаси,  
Тавба эшиги аталмиш биттаси.<sup>167</sup>

Ул эшиклар гоҳ очиқдир, гоҳи берк,  
Тавба эшиги бекилмайдир ва лек.

Ул сари бормоққа ўзни шайлагил,  
Сен ҳасад этгувчини кўр айлагил.

### **МУСО АЛАЙҲИССАЛОМ ФИРЪАВНГА, МЕНДАН БИР НАСИХАТ ТИНГЛА, ЭВАЗИГА ТЎРТ ФАЗИЛАТ ОЛ, ДЕГАНИ**

2510 Деди Мусо: сен қабул эт бирни, бас,  
Сўнгида тўрт нарса олгайсен эваз.

Деди Фиръавн: не эрмиш ул биринг,  
Сўйла равшанроқ, аён этгил сиринг.

Деди Мусо: бир, дебон айт ошкор,  
Ки Худодин ўзга йўқ Парвардигор.

Ул яратмиш ерни, осмонларни ҳам,  
Жумла инсонларни, шайтонларни ҳам.

Барчасин - дарёву дашту тоғу қир,  
Ҳақ яратмиш, ул Худойи беназир.

2515 Деди Фиръавн: магар тўртингни айт,  
Бирма-бир бергил изоҳинг, айла қайд.

Токи менга ваъдадин етгай асар,  
Чормихи куфрим бўшалгай бир қадар.

Токи анво ваъдаларким, мугтанам,  
Очса куфрим узра ул қулфимни ҳам.

---

<sup>167</sup> Жаннатнинг етти эшиги ёпиқ, саккизинчиси, тавба эшиги эса ҳамиша очиқдир /Ҳадис/.

Таъсир айлаб зора наҳри ангубин,  
Болга айланса танимда заҳри кийн.

Тоза ирмоқларда оққан сут сабаб,  
Ақлу идроким тўлишса, не ажаб.

2520 Балки жоми таъсир этгайдир менга,  
Олами гайб завқи етгайдир менга.

Шарқираб оққан ўшал сувларки, май,  
Балки шўр босган танимни поклагай.

Шўразоримда чаман пайдо бўлур,  
Яшнабон ул, жаннатул маъво бўлур.

Жон туйиб жаннатда тўрт анҳорни,  
Излагай Хақ лутфи бирлан ёрни.

Менки дўзах аксидин оташдамен,  
Бўйлаким, Ҳақ қаҳрига огуштамен.

2525 Гоҳ жаҳаннам аждаҳосидин нисор -  
Жаннатийларга сочармен заҳри мор.

Гоҳи дўзах сувлари чулғар мени,  
Мен чи, мардум бошидин қуйгим уни.

Замҳарир акси билан гоҳ замҳарир,  
Гоҳи дўзах оташи жонимдадир.

Дўзахиймен, хору мазлуммен, юпун,  
Вой, улким, бўйла бўлмишдир забун.

**МУСО АЛАЙҲИССАЛОМ ФИРЪАВН ИЙМОН  
КЕЛТИРСА, БУНИНГ ЭВАЗИГА ТҮРТ  
ФАЗИЛАТГА ЭГА БЎЛАЖАГИНИ БАЁН ЭТГАНИ**

Деди Мусо: сўйласам аввал нисор,  
Сихҳатинг бўлгай танингда пойдор.



2530 Ҳар не иллатларки, солгайлар каманд,  
Бўлгуси сендин йироқ, эй аржуманд.

Сўнгра кўргайсен баче умри дароз,  
Ки ажал умрингга этмас эътироз.

Ҳам насиб ўлгай сенга андоқ ҳаёт,  
Кетмагайсен бу жаҳондин бемурод.

Чун гўдак сут истагандек ҳар замон,  
Сен ўлимга талпинурсен, эй фалон.

Маргжў<sup>168</sup> эрсанг, эмасдир ранж сабаб,  
Балки хона ичра пинҳон ганж сабаб.

2535 Қўлга олгайсен бузишга тешани,  
Уйни бузгайсен, отиб андишани.

Хона эрмиш ганжи пинҳонга тўсиқ,  
Дона эрмиш галла хирмонга тўсиқ.

Ўтга отгайсен ўшал дам хонани,  
Кўр, дегайсен, мен каби мардонани...

Эйки қуртдирсен, чаманга гайрисен,  
Еганинг япроқ, узумдин айрисен.

Лутфи Ҳақ ул қуртни бедор айлагай,  
Ул жаҳолат аждаҳосин ямлагай.

2540 Боғ аро қурт мева бўлгайдир, дарахт,  
Бўйла бир табдилни топгай некбахт.

---

<sup>168</sup> Маргжў - ўлим изловчи.

**“ЯШИРИН БИР ХАЗИНА ЭДИМ, ОЧИЛИБ  
ОШКОР БЎЛИШНИ ХУШ КЎРДИМ” СЎЗИНИНГ  
ТАФСИРИ**

Уйни бузгил, чун Ямандин ул ақиқ,  
Неча юз минг хона қургай, уйни йиқ .

Чора йўқ бузмоқдин ўзга, буз уни,  
Чунки уй остида ётгай олтини.

Тиклагайдир сенга ул нақдина ганж,  
Неча юз минг хона беташвишу ранж.

Оқибат бул эски уй вайрон бўлур,  
Очилиб ганжина ул, урэн бўлур.

2545 Ганжина тегмайди сенга, лек руҳ  
Бахш этилгай, хизматинг ҳаққиға у.

Этмаса бир ишни инсон, музди-ло,  
Лайса лал-инсон илла мо сабо.<sup>169</sup>

Сўнг қўлинг тишлаб дегайсен: вой-вой,  
Ки булут остида эрмиш бўйла ой.

Олмади сўзни қулоққа, энди, оҳ,  
Кетди хонам бирла ганж, мен Мосуво.

Олганинг хона - муваққатдир, кира,<sup>170</sup>  
Доимий мулкинг эмасдир ул сира.

2550 Ул муваққат уйда келгунча ажал,  
Сен яшайдирсен ва этгайсен амал.

<sup>169</sup> Инсон бир ишни бажармагунча бирор натижага эришолмай  
ди... Ҳар ким экканини ўради. Қуръони карим. Ван-нажм сура-  
си, 39-оятга ишорат.

<sup>170</sup> Кира - ижара.

Сен - ямоқчи устасен, жойинг - дўкон,  
Ул дўкон остида эрмиш икки кон.

Чун дўконнинг ул муваққат жой эрур,  
Қаз дўкон остини, тезроқ теша ур.

Ногаҳон чиқса хазина қаршидин,  
Сен қутилгайсен дўкон ташвишидин.

Не эмиш ташвиш, магар нону таом,  
Эски тўнни сен ямайдирсен мудом.

2555 Тан чопонинг йиртилур ҳар лаҳза, боқ,  
Сен емак, ичмак-ла солгайсен ямоқ.

Эйки насли подшоҳи комёр,  
Сен ямоқ солмоқдин энди айла ор.

Изла ганжина дўконнинг остидан,  
Токи чиққайсен хазина устидан.

Муҳлати битмасдан олдин қаз ани,  
Муҳлати битганда қўймайдир сени.

Ташқари ҳайдар сени соҳиб дўкон,  
Сўнгра бузгайдир уни, ганж излабон.

2560 Сен эсанг бошингга ургайсен нуқул,  
Соч-соқолингни-да юлгайсен нуқул.

Эй, дариғо, посбон бўлдим фақат,  
Кўрмадим лекин дўкондин манфаат.

Бўлдим охир хонумонимдин жудо  
Қолди менга то абад: во ҳасрато!

**ИНСОННИНГ ЎЗ АҚЛУ ЗАКОВАТИГА МАҒРУР  
БЎЛИБ, ГАЙБ АСРОРИ - ПАЙҒАМБАРЛИК  
ИЛМИНИ ТАЛАБ ЭТГАНИ**

Хона ичра кўрдиму нақшу нигор,  
Бўлдим уйнинг ишқи бирлан беқарор,

Эрдим ул ганжи ниҳондин беҳабар,  
Йўқса, олгай эрдим илкимга табар.<sup>171</sup>

2565 Гар қўлимга болтани олгай эдим,  
Гам-аламдин ўзни қутқаргай эдим.

Кўзни чуи нақшу нигорга ташладим,  
Ўспириндек ишқ ўйинни бошладим.

Хуш демиш қандоқ Ҳакими комкор:  
Сен гўдаксен, уй тўла нақшу нигор.

Ул “Илоҳинома” ичра сўз демиш,  
Йиқ ўзингни, борлигингни буз, демиш.<sup>172</sup>

Фиръавн дедики, Мусо, бўлди қил,  
Айт учинчи ваъдани, не эрди ул?

2570 Деди Мусо: давлатинг бўлгай зиёд,  
Душманинг қолгай ҳамиша бемурод.

Мулку давлат деб ишинг жангу жадал,  
Унда жангсиз ҳам бўлур осмон қадар.

Улки берди сента жанг бирлан талай,  
Сулҳ, омонлик ичра нелар бермагай?

<sup>171</sup> Табар - ойболта.

<sup>172</sup> Ҳаким санойининг “Илоҳийнома” деб шуҳрат қозонган “Ҳади-қатул-ҳақийқа” асари кўзда тутилмоқда.

Сен жафо этганда нелар этди, бас,  
Сен вафо этганда нелар айламас?

Деди: эй Мусо, гапир тўртинчини,  
Битди сабрим дилда, истармен уни.

2575 Деди: қолгайсен ҳамиша навқирон,  
Сочларинг сунбул, юзинг чун арғувон.

Рангу рўй бизнинг назарда нописанд,  
Сўзларим паст кетди, чун тубандасан.

Рангу рўй бирлан фахрланмас киши,  
Рангу рўй лофи - гўдакларнинг иши.

**“ИНСОНЛАР БИЛАН УЛАРНИНГ АҚЛЛАРИ  
ДАРАЖАСИДА СЎЗЛАШИНГ. ШУНДОҚ  
СЎЗЛАШИНГКИ, АЛЛОҲНИ ВА УНИНГ  
РАСУЛИНИ ЁЛҒОНЧИГА ЧИҚАРМАСИНЛАР”  
СЎЗИНИНГ ТАФСИРИ**

Чун гўдакларга агар тушса ишинг,  
Лозим ўлгайдир гўдакдек сўйлашинг.

Айтасен, мактабга боргил, деб анга,  
Тўтию ёнгоқ, майиз бергум сенга.

2580 Билганинг - тан ёшлиги, бешубҳа шак,  
Ол шу ёшликни ўзингга, эй эшак.

Юзларингга бир ажин ҳам тушмагай,  
Салқимас чехранг ва рангинг ўчмагай.

Манглайингга из чекилмайдир сира,  
Саврдек қаддинг букилмайдир сира.

Ўйлаким арслон йигитсен, ҳоримас,  
Тишларинг тушмас, тўкилмас, оғримас.

Қургамас жисминг, камаймас шаҳватинг,  
Ҳеч малол келмас аёлга суҳбатинг.

- 2585 Сенга ёшлик завқи андоқ етгулик,  
Муждайи Уккоша<sup>173</sup> очгандек эшик.

**ПАЙГАМБАР АЛАЙҲИССАЛОМ, КИМДА-КИМ  
САФАР ОЙИ БИТГАНИ ХАБАРИНИ КЕЛТИРСА,  
УНГА ЖАННАТ МУЖДАСИНИ БЕРГУМ, ДЕГАНИ**

Аҳмади охир замонким кетди соф,  
Рабиъ аввал ойида, йўқ ихтилоф.

Кўнглига етди бу мужда, бул нисор,  
Ақли ул фурсатга бўлди интизор.

Бу хабардин ул севинди шунчалар,  
Ки сафардин сўнгра этгаймен сафар.

Ул жаноби муқтадойи муқтадо,  
Ҳар кеча айларди Ҳаққа илтижо.

- 2590 Ул деди: ким бизга мужда кўрса эп,  
Ки сафар ойи жаҳондин кечди, деб.

Этди ташриф, деб, ўшал моҳи рабиъ,  
Мужда бергаймен ва бўлгаймен шафиъ.

Келди Уккоша, сафар кечди, дебон,  
Деди: жаннат сенга бўлгай, эй фалон.

Бошқаси келди шу сўзни айтгани,  
Дедилар: Уккоша олди муждани.

Тарки оламдин эранлар шодмон,  
Лек гўдаклар, кетмасам, дер ҳар қачон.

---

<sup>173</sup> Уккоша - саҳобалардан, Бадр жанги иштирокчиси. Пайгамбар алайҳиссалом унга, сен жаннатга кирувчилардансен, демиш.

2595      Бир чучук сув ичмамиш қуш, кўзи кўр,  
Мавжи кавсар эрмиш унга obu шўр.<sup>174</sup>

Бўйлаким Мусо каромат айлади,  
Бахти, иқболи не эрмиш, сўйлади.

Фиръавн тинглаб, ташаккурлар ила,  
Машварат этгум, деди, ёрим била.

**МУСО АЛАЙҲИССАЛОМГА ИЙМОН  
КЕЛТИРМОҒИ ХУСУСИДА ФИРЪАВННИНГ  
ОСИЯ ИЛА КЕНГАШГАНИ**

Фиръавн очди бу сирни, Осия,  
Қистади, бу сўзга кўнгил бер, дея.

Не июятлар эрур бу сўзда жо,  
Сен қабул этгил уни, эй подшо.

2600      Келди чин экин-тикиннинг фурсати,  
Деб санам оҳ чекди андоқ, йиглади.

Жойидин сакраб деди: эй бахтли кал,  
Бир қуёш тож бўлди сенга бу маҳал.

Ўйла, кал айбини ёпгайдир кулоҳ,  
Не бўлур эрса кулоҳ хуршиду моҳ?

Воҳки, ул мажлисда сўз бормиш чунин,  
Не сабабдин демадинг юз офарин?

Гар қуёшга етса эрди бу калом,  
Сарнигун бўлгайди ерга бегумон.

2605      Бир ажойиб ваъдалар деб бил ани,  
Ҳақ азиз этмоқда Иблис Қавмини.

---

<sup>174</sup> Оби шўр - шўр сув

Не сабабдин меҳру шафқатга тўлиб,  
Оқмади кўнглинг ҳамоно сув бўлиб?

Сув бўлиб оқсайди кўнглинг ул маҳал,  
Икки дунёдин олардинг баҳралар.

Ҳақ учун сув бўлса кўнглинг, аржуманд,  
Икки олам сенга бўлгайдир чаман.

Ғафлатинг ҳам балки ҳикматдир, бали,  
Неча фурсат ул давом этгай вале?

2610 Ғафлатинг-ҳикмат, ҳамоно кечмагай,  
Боқки, сармойянг қўлингдин учмагай.

Бўл ҳазир, умри узоққа кетмасин,  
Жон ила ақлингни ранжур этмасин.

Кимки топгай бўйла бир бозорни,  
Гул бериб, олгай ўшал гулзорни.

Новда берган кимса ўрмон олгуси,  
Дона берган кимса хирмон олгуси.

Кимки, Оллоҳим, демишдир ҳар куни,  
Оқибат, бандам, дегай Оллоҳ уни.

2615 Чунки шу борлиқ, заифу беқарор,  
Қудрати Ҳақ бирла эрмиш пойдор.

Улки фоний эрди, боқий бўлмади,  
Ўзни чун топширди Ҳаққа, ўлмади.

Қатра сув, улким мусаффо эрди, пок,  
Ел ва тупроқ дастидин бўлгай ҳалок.

Гар оқиб, дарёга келгайдир ўшал,  
Бир йўла хавфдин қутилгайдир ўшал.



Зоҳиран йўқ бўлмай ул дарёда, лек,  
Зоти қолмай марварид, дурдонадек.

2620 Кел бери, эй қатра, жонни таслим эт,  
Жон нисор айлаб, ўшал дарёга ет.

Кел бери, эй қатра, қучил бу шараф,  
Етмай дарёда сенга зарра хавф.

Қатрани дарё қучар бўлса, не бахт,  
Сен шитоб эт, беҳуда ўтказма вақт.

Оллоҳ-Оллоҳ, бахтлисен, фарҳунда ҳол,  
Қатра бер, гавҳар тўла денгизни ол.

Оллоҳ-Оллоҳ, ҳеч тараддуд этма сен,  
Келди чун баҳри карамдин бул сухан.

2625 Лутф уза лутфу карам бу, йўқ бўлур,  
Асфалинг<sup>175</sup> еттинчи кўкка юксалур.

Бир ўйиндир бу насибинг, эй ажаб,  
Топмай ҳар кимса айларкан талаб.

Дедиким, Ҳомонга сўйлай мен бугун,  
Раъйи вазир ҳам муҳимдир шоҳ учун.

Дедиким, Ҳомонга очма розни,  
Кўзи кўр кампир не билсин бозни.<sup>176</sup>

## **ПОДШОНИНГ ЛОЧИНИ ВА КЎР КАМПИР ҚИССАСИ**

Тушса гар кампир қўлига қарчиғай,  
Ишни ул тирноқ олишдан бошламай.

---

<sup>175</sup> Асфал - губанлик.

<sup>176</sup> Боз - лочин, қарчиғай.

- 2630 Қушга тирноғи яроғ эрмиш мудом,  
Қўймагай, кампир уни кесгай тамом.
- Дерки, онанг қайда эрмиш, эй киё,  
Мунча тирноғингни ўстирмиш, аё.
- Сўнгра минқору қанотин қайчилар,  
Кўрсатиб меҳру мурувват мунчалар.
- Сўнгра ул тутмоч тутаркан, қуш емас,  
Қаҳри келгай, меҳри бўлгайдир абас.
- Дерки, мен тутмоч пиширдим сен учун,  
Сен, такаббур, унга боқмайсен нечун?
- 2635 Бас, йўлиқ ранжу балога эрта-кеч,  
Неъмату иқбол сенга келгайму ҳеч?
- Майлига, тутмоч емассен, кеч, дегай,  
Сен вале тутмоч сувидин ич, дегай.
- Боқмагай тутмоч сувига лочин ул,  
Жиғибийрон айлагай кампирни бул.
- Ағдарар угрони қушнинг бошига,  
Айламас парво унинг кўз ёшига.
- Кал бўлиб қуш, ичга ютгай сўзни,  
Эсга олгай шоҳи дилафрўзни.
- 2640 Ёш тўкар подшо юзини эслабон,  
Нозанин икки кўзини эслабон.
- Ул қаро кўзларда эрмиш заҳми зог,  
Ҳам ёмон кўзлар туфайли дарду доғ.
- Кўзлари ул дарчадир, соҳилчадир,  
Наздида ул икки олам қилчадир.

Мингта осмон чашми маъсум олдида,  
Чашмадир андоқки қулзум олдида.

Кўзни узмиш, ўзга ёққа солмиш ул,  
Олами ғайбдин ўпичлар олмиш ул.

2645 Тинглаувчи кимса йўқдир, ўйласам,  
Ул гўзал кўзнинг сифотин сўйласам.

Сув оқизгай улки маҳмуду жамил,  
Қатра-қатра баҳра олгай Жабраил.

Гар изн берсайди дилафқорига,  
Қуш сурарди пар ила минқорига.

Дерди: гар жондин неча тўйдирмади,  
Сабру бардошим вале куйдирмади.

Жон қушим киргай неча сувратга, бас,  
Тевага етгай яра, Солиҳгамас.

2650 Этса Солиҳ зарра майлу иштиёқ,  
Неча юз бир тевани тизгайди тоғ.

Дил дегайким, бўлди, ҳаддин ортадир,  
Йўқса, рашкинг ул либосинг йиртадир.

Рашкида эрди ҳазор ҳилми ниҳон,  
Йўқса, бир дамда ёқарди юз жаҳон.

Кўнглини шоҳлик ғурури чирмади,  
Ул сабаб юзни ўгитга бурмади.

Деди: Ҳомон бирла этгум маслаҳат,  
Ул эрур аркони мулку мамлакат.

2655 Мустафонинг улфати Сиддиқи Раб,  
Бу - Жаҳлга маслаҳатчи Бу - Лаҳаб.

Жинсият Ҳомон-ла андоқ сирмади,  
Ул насиҳатлар қулоққа кирмади.

Жинс учар ҳамжинси сори ҳар нафас,  
Банду боғларни узар ул, тўхтамас.

**БОЛАСИ ТАРНОВ БОШИГА БОРИБ ҚОЛГАН  
ХОТИННИНГ ҲАЗРАТИ АЛИ ҚАРРАМАЛЛОҲУ  
ВАЖҲАҲУДАН МАДАД СЎРАГАНИ**

Келди она Муртазонинг қошига,  
Деди: ёрдам бер, болам том бошида.

Неча бор йиғлаб чақирдим: ҳой, ўғил,  
Боқмади, ногоҳ йиқилгай пастга ул.

2660 Оқил эрмаским, сўзимни тингласа,  
Қобил эрмаским, хатарни англаса.

Қўлларим силкиб, ишорат айладим,  
Кел, дедим, қошимга, қанча имладим.

Кўрсатиб кўксим, келар деб ҳар тугул,  
Эм, десам, мендин ўғирди юзни ул.

Азбаройи Ҳақ мадад бер, меҳрибон,  
Сен суянчим ул жаҳону бул жаҳон.

Дардга дармон айла, ечгил мушкуллим,  
Хавф-хавотир ичра титрайдир дилим.

2665 Муртазо бурди аёлга бошини,  
Томга опчиққил, деди, тенгдошини.

Шунда ўғлинг новадонни<sup>177</sup> тарк этар,  
Жинс деган жинсин ҳамиша жазб этар.

---

<sup>177</sup> Новадон - тарнов.

Бўйла қилди она, тенгдошин кўриб,  
Боласи ўгрилди, боқди термулиб.

Сўнгра тарнов бошини тарк этди ул,  
Жинс борким, жинсига жозиб эрур.

Умтилиб келди гўдакнинг ёнига,  
Шул йўсин етди омонлик жонига.

2670 Бас, набийлар ҳам бари жинси башар,  
Одамийни новадондин чекдилар.

Дедиларким, жинсингизданмен, келинг,  
Эргашиб, ўзни балодин қутқаринг.

Жинсиятким мунчалар жозиб эрур,  
Жинс ҳар дам жинсига толиб эрур.

Идрису Исо самога учдилар,  
Чун малоикларга ҳамжинс эрдилар.

Ҳоруту Морут эмишди жинси тан,  
Индилар тупроққа осмон остидан.

2675 Боқки, кофирлар-да шайтон жинсидир,  
Жонлари шайтонга шогирд, унсидир.

Не ёмонликларга ружу қилдилар,  
Ақлу кўнгилни қоронғу қилдилар.

Ул ёмонликдин бири эрмиш ҳасад,  
Улки Иблисни йиқитди оқибат.

Чун улар ўргандилар кийну ҳасад,  
Етмагай, деб элга чин мулки абад.

Кимсанинг кўрку камолин кўрсалар,  
Боқ, уларда не адоват қўзғалар.

- 2680 Кимки бадбахтдир, куйикдир хирмани,  
 Ёнмасин, дер, ўзга инсонлар шами.
- Сен камолот йўлига қўйгил қадам,  
 Ўзганинг кўрсанг камолин, чекма гам.
- Сўр Худойингдин, бадар этсин ҳасад,  
 Ет Худога, айлагил тарки жасад.
- Ўйлагил жонингни, танни ўйлама,  
 Суврати зоҳирни пардоз айлама.
- Ҳақ майидин кимса бир ҳўплам ичар,  
 Бир эмас, ул икки оламдин кечар.
- 2685 Бўйла маст айлар чу бир чимдим ҳашиш,  
 Бошинг айлангай, таралгай ақлу ҳуш.
- Тангри бермиш уйқуга андоқ самар,  
 Икки оламдин бўлурсен беҳабар.
- Ишқ ила Мажнун қаёнга етмади,  
 Дўст била душманни айру этмади.
- Чораву тадбирлар айлаб банд-банд,  
 Ақлу идрокингга солгайдир каманд.
- Маст этур жоми шақоват нафсни,  
 Сўнгра не кўйларга солгай наҳсни.
- 2690 Ақлу ҳуш жому саодат нўш этур,  
 Токи етгай нурли манзилларга ул.
- Бўйла сармастлик-ла кўкнинг чодирин,  
 Итқитиб, йўлларга тушгайдир кейин.
- Ҳар нечук мастликка ҳам алданма то,  
 Маст эрур емдин эшак, Ҳақдин Исо.

Сен асл хумлардан изла майни, бас,  
Мастлиги ул калтадумлардек эмас.

Хум эмиш ҳар битта маъшуқким, шароб,  
Қай бирида лойқадир, қай бирда соф.

2695 Майшунос бўлсанг магар, бўл эҳтиёт,  
Тоза бир май изла, айру ихтилот.

Ул мусаффо май сурури ўзгача,  
Мастлиги элтгай сени маҳшаргача.

Макру васвослар эмас фикринга чек,  
Рақс этурсен бир жиловсиз тевадек.

Жинси руҳдир анбиё, қавми малак,  
Чорласа, йўллар малоикни фалак.

Ел оловнинг жинсидирким, ёри ул,  
Иккиси ҳам кўкка бирдек юксалур.

2700 Кўза оғзини бекитсанг, бойласанг,  
Сўнг ҳовузга ё ариққа тайласанг.

Чўкмагай, сув узра тургай доимо,  
Чунки, бўм-бўш, кўнглида - кибру ҳаво.

Боқки, ел майли ҳаволарга кетар,  
Ул идишни ҳам баландга жазб этар.

Анбиё жинсидан эрмиш жонлар,  
Эргашурлар соядек ҳар онлар.

Ақли голибдир уларнинг, этма шак,  
Чунки хилқатда улар ҳам бир малак.

2705 Нафсига мағлуб эрур лекин адув,  
Жинси тубандир, кетар тубанга у.

Қибтий эрди жинси подшоҳи замим,  
Сибтий эрди жинси Мусойи калим.

Шоҳга ҳамжинс эрди Ҳомон, ул сабаб,  
Фиръавн қўймишди андоқ эркалаб.

Тортди тубанларга Фиръавни ит,  
Иккиси ҳам эрди чун пасту палид.

Иккиси дўзахга ўхшаб зидди нур,  
Диллари нурдин йироқ, аҳли куфр.

2710 Дўзах айтур: мўмино, ўтгил шитоб,  
Чунки нурундин менинг ҳолим хароб.

Нури иймонинг кўзимни тиндирар,  
Ўтларим, оташларимни сўндирар.

Дўзахий нурдин қочармиш, эй санам,  
Дўзах эрмиш дўзахийнинг таъби ҳам.

Боқки, дўзах аҳли мўминдин қочар.  
Аҳли мўмин ҳам магар андин қочар.

Жинси оташдин эмасдир, айридир,  
Кимки нур истар, муҳаббат хайлидир.

2715 Бор ҳадиским, мўмин айлармиш дуо:  
Дўзахингни тут йироқ мендин, Худо.

Дўзах ҳам дермишки, Оллоҳи ғани,  
Аҳли мўминдин йироқ тутгил мани.

Жинсият жозибаси не, англагин,  
Икки йўл қаршингда тургай: куфру дин.

Қўлласанг Ҳомонни, ҳомоний ўзинг,  
Қўлласанг Мусони, субҳоний ўзинг.



Эрса гар руҳингда мавжуд ақлу нафс,  
Ақл ила нафсинг курашгай басма-бас.

2720 Оч кўзингни, ўзни андоқ шайлагил,  
Маънини сувратга голиб айлагил.

Бу жаҳонда шоду маскурсен магар,  
Ҳар замон душманга берсанг зарбалар.

Фиръавн қошига чорлаб оқибат,  
Ул ёвуз Ҳомонга солди маслаҳат.

Ўзига маҳрам тутиб гумроҳни,  
Сўйлади бир-бир калимуллоҳни.

### **ФИРЪАВННИНГ МУСО АЛАЙҲИССАЛОМГА ИЙМОН КЕЛТИРИШ ХУСУСИДА ВАЗИРИ ҲОМОН БИЛАН КЕНГАШГАНИ**

Фиръавн сўз очди Мусодин, ҳамон,  
Сакрабон турди, яқо йиртди Ҳомон.

2725 Йиглади, фарёд чекди тинмаин,  
Сўнг кулоҳин ерга ирғитди лаин.

Дедиким, қандоқ бу ишни айлади?  
Бул қабих сўзларни шоҳга сўйлади.

Жумла олам чун мусаххардир сенга,  
Чўз қўлингни, ҳар тараф зардир сенга.

Мағрибу Машриқда эллар ноилож,  
Бош эгиб қаршингда, бергайлар хирож.

Неча подшоларки бор, мамнуну шод,  
Остонингни ўпарлар, Кайкубод.

2730 Душман оти отимизни кўрса гар,  
Ҳув, йироқлардин йироққа йўл бурар.

То ҳануз маъбуду масжуди жаҳон,  
Сен эмишдинг, энди андоқ нотавон.

Не эмиш қулларга қуллуқ қилмоғинг?  
Яхши эрмасму оловда ёнмоғинг?

Сен мени ўлдир ҳамоно, шоҳи Чин,  
Токи бул ўксиклигингни кўрмайин.

Сен менинг бошимни кесгил, Хусраво,  
Келмасин бошимга бундоқ нораво.

2735 Даҳр аро бир кимса кўрмишму чунин,  
Ер-самовот бўлса, осмонлар-замин?

Қўл-оёқ ўрнида бош бўлгайму ҳеч?  
Бизга қуллар Хўжатош бўлгайму ҳеч?

Душманининг олдида дўст бўлса кўр,  
Менга бундан яхшироқдир қаъри гўр.

### **АЛАЙҲИЛЛАЪНА ҲОМОН СЎЗИНИНГ ҚАВОҲАТИНИ АНГЛАТИШ**

Дўст ила душманни фарқ этмас эди,  
Ўз-ўзи бирлан ҳамиша маст эди.

Ўз-ўзинга душман эрмишсен, лаин,  
Беғуноҳ жонларни душман билмагин.

2740 Сен учун шу юрганинг давлат эмиш,  
Аввали чоп-чопу охир лат эмиш.

Қочмасанг гар давлатингдин сен ҳамон,  
Ёприлиб, босгай баҳорингни хазон.

Кўрдилар Мағрибу Машриқ аҳли то,  
Неча эрлар бўлдилар жондин жудо.

Йўқ эса Мағрибу Машриқда қарор,  
Бир киши бўлгайму эрди пойдор?

Неча кун мардум ваҳмга тўлдилар,  
Шул сабабдин сенга сажда қилдилар.

2745 Кимга мардум сажда айларкан, уни,  
Мавҳ этар, жонига сочгай оғуни.

Ҳосили бир кун анинг лаънат эмиш,  
Кони оғу эрмиш ул, мўъбад эмиш.

Эй, гўзал улдирки, зиллат нафсаҳу.<sup>178</sup>  
Вой, агар худбин, такаббур бўлса у.

Сен кибрни захри қотил англа, бас,  
Оғули майдир, этар нодонни маст.

Ичса ул майдин агарда мудбар<sup>179</sup> ул,  
Кайф этиб, бир лаҳза бошин чайқатур.

2750 Лаҳза ўтгач, жонга тушгайдир заҳар,  
Жон аро солгай баса хавфу хатар.

Этмасанг бовар сўзимга, айла ёд,  
Не мусибатларга қолди қавми Од.

Шоҳ агарда бўлса шоҳнинг тутқуни,  
Ўлдирар ё чоҳга ташлайдир уни.

Учраса лек хаставу афтодаҳол,  
Шоҳ анга лутфу карам этгай нисор.

Оғу эрмасму ўшал кибру ҳаво,  
Шоҳни ўлдиргувчи бундоқ бегуноҳ?

---

<sup>178</sup> Нафсини тийган, ерга урган

<sup>179</sup> Мудбар - бадбахт

- 2755 Ул фақирга лек анису меҳрибон,  
Бу мисоллардин заҳар бўлмай аён.
- Йўлтўсар йўқсил йўлини тўсмагай,  
Бўри мажруҳ бўрини ўкситмагай.
- Ул Хизрким кемани тешди, бали,  
Нобакорлардин магар қутқаргали.
- Сен синиқ бўлким, синиқликда нажот,  
Сен фақир бўлким, фақирликда ҳаёт.
- Тогким маскан эрди маъданларга чин,  
Пора-пора бўлди кетмон зарбидин.
- 2760 Тиг магар кесгай бўйинни, бу аниқ,  
Ерда ётган сояни кесгайму тиг?
- Гердаиш - ўтдир, оловдир сен учун,  
Сен ўзингни ўтга отгайсен нечун?
- Ўқни кўр, ерда хатарсиз ухлагай,  
Бош кўтарса, бир балога учрагай.
- Бош кўтарса, унга учрайдир тўсиқ,  
Ўқ бўлур ул, чорасиз қолганда ўқ.
- Боқки, манманлик-да бир нарвон эмиш,  
Эл чиқиб нарвонга, кўп сарсон эмиш.
- 2765 Улки нодон интилуру юксакка, бас,  
Билмагай, юксакда юксакдир шикаст.
- Заррадирким, юксалиб сарсон бўлур,  
Ул магарким ширкати Яздон бўлур.
- То ўлиб, Ҳақдин тирилмассен яна,  
Ўзни Ҳақ мулкига шерикман, дема.

Феълу аъмолингден изла шарҳини,  
Гуфтуғулар шарҳ этолмаслар ани.

Дилда борин сўйласам, ечсам тугун,  
Не жигарлар бори бўлгай эрди хун.

2770 Айтганим донога етгай бегумон,  
Икки бор, ҳай, деб чақирдим, ҳай, фалон.

Хулас, ул Ҳомон ёмон сўзлар ила,  
Подшони йўлдин урди бир йўла.

Луқмайи давлатга тўлган оғзини,  
Тўсди-да, кесди баногоҳ бўғзини.

Сўнгра елларга совурди ҳаммасин,  
Бўйла вазирни Худо кўрсатмасин.

### **ҲОМОН СЎЗИГА КИРГАН ФИРЪАВНДАН МУСО АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ УМИД УЗГАНИ**

Деди Мусо: марҳамат этдим улуш,  
Лек Худойимдин насибинг йўқ эмиш.

2775 Улки ёлғон эрса, ростга тенг эмас,  
Қўл эмас, қўл узра ҳатто енг эмас.

Ўғрилиқ бирлан қурилган салтанат -  
Кўзи кўрдир, кўнгли пуч, жонсиз жасад.

Салтанатким, улки мардум бергуси,  
Қайтариб бир кун қўлингдин олгуси.

Ҳаққа бер пуч салтанатни, бер анга,  
Салтанат бергай умрбоқий сенга.

**АРАБ АМИРЛАРИ МУСТАФО АЛАЙҲИССАЛОМ  
ҲУЗУРИГА КЕЛИБ, МАМЛАКАТНИ БИЗ БИЛАН  
БЎЛИШ, ДЕБ ТАЛАБ ҚИЛИШГАНИ, МУСТАФО  
АЛАЙҲИССАЛОМ УЛАРГА, МЕН АМИРЛИККА  
МАЪМУРМЕН, ДЕБ ЖАВОБ БЕРГАНИ, ЎРТАДА  
БАҲС-МУНОЗАРА БЎЛГАНИ**

Тўпланиб неча амирлар келдилар,  
Ҳам Расулиллоҳга даъво қилдилар.

2780 Дедилар: сен ҳам амир, биз ҳам амир,  
Ол улушни, бизга доғи ҳисса бер.

Рози бўлсин барча, сен ҳам рози бўл,  
Ўзгалар мулкига лекин чўзма қўл.

Мустафо деди: мени Ҳақ сайламиш,  
Мулк бериб, ул амри мутлақ сайламиш.

Бул - Муҳаммад Мустафонинг давридир,  
Бўйсунинг амрига, Оллоҳ амридир.

Дедиларким, бизга ҳам - лутфи қазо,  
Бизга ҳам бермиш амирликни Худо.

2785 Деди: менга мангу давлат берди ул,  
Бергани сизга муваққат эрди ул.

Менга мулк берганда берди бешикаст,  
Сизга берган мулкка етгайдир шикаст.

Дедиларким, устун эрмассен, амир,  
Устун эрсанг, бир далилинг бормидир?

Шул замон Ҳақ амри бирлан эсди ел,  
Бир булут чиқди самога, қуйди сел.

Қуйди сел, оқди шаҳарга юз тутиб,  
Қочдилар мардум ҳама фарёд этиб.

- 2790      Мустафо дедики, вақти имтиҳон,  
Келди, диллардин таралгайдир гумон.  
  
Ул амирлар найзаларни отдилар,  
Селни тўхтатмоққа чун азм этдилар.  
  
Найзасин отди Муҳаммад Мустафо,  
Найза эрди мўъжизу фармонраво.  
  
Найзалар ул жумла сувга ботдилар,  
Бир сомон чўпдек кўринмай кетдилар.  
  
Қолди сув узра Муҳаммад найзаси,  
Ларзага солмишди сувни ларзаси.
- 2795      Ул туфайли тинди, таққа турди сел,  
Сўнг шаҳардин бошқа ёққа юрди сел.  
  
Ул амирларким бу ишни кўрдилар,  
Қўрқув ичра бош эгиб, жим турдилар.  
  
Мустафога уч киши тан бермади,  
Ул сеҳргар, ҳам жуҳуд, қоҳин, эди.  
  
Ҳақдин айру давлат эрмишдир заиф,  
Тангри берган давлатинг бўлгай шариф.  
  
Найзаларни кўрмагайсен, йўқ ажиб,  
Боқ ўшал номларга энди, эй нажиб.
- 2800      Гар улардин бир нишоне қолмади,  
Қолди Аҳмад номи бирлан давлати.  
  
Ҳар куни беш карра ёдлангай давом,  
Тонгла маҳшар, токи ул рўзи қиём.  
  
Оқил эрсанг, марҳаматлар айлағум,  
Эшшак эрсанг, мен асони шайлағум.

Чун асо бирлан расо ургум сени,  
Охурингдин буйла бездиргум сени.

Охуринг ичра жафойингдин омон -  
Топмагай эшшак ва инсонлар ҳамон.

2805 Шул асодин баски бергумдир адаб,  
Ҳар эшшак зотига, улким беадаб.

Аждаҳо бўлгай асо, қаҳр этса у,  
Чун танингда аждаҳодир феълу хў.

Тогда ўсган аждаҳосен, беомон,  
Лек йўлингда аждаҳойи осмон.

Бул асо - дўзахдин эрмишдир нисор,  
Сенга дерким, тунни қўйгил, нурга бор.

Йўқса, бир ваҳшат аро кўргунг мени,  
Дўстларинг ҳам қутқаролмайди сени.

2810 Бу асо заҳми кўрилса сенга эп,  
Сўрмагайсен ҳеч, жаҳаннам қайда, деб.

### **ТАНГРИНИНГ ҚУДРАТИНИ БИЛГАН КИМСА, ЖАННАТУ ЖАҲАННАМ ҚАЙДА, ДЕБ СЎРАМАС**

Истаса ҳар жойни Ҳақ дўзах қилур,  
Авжи кўкни қушга дому фах<sup>180</sup> қилур.

Мунча дард бергай тишинга беадо,  
То дегайсен, бул жаҳаннам, аждаҳо.

Ё этар таъми даҳонингни асал,  
То дегайсен: кавсари жаннат магар.

---

<sup>180</sup> Дому фах - тузоқ



Тишларингни шаҳди шаккар айлабон,  
Қудратин Ҳақ сенга этгайдир аён.

- 2815 Бас, гуноҳсизларни тутма, тишлама,  
Нотавон жонларни қаттиқ ушлама.

Нилни қибтийларга Ҳақ хун айлагай,  
Шафқатин сибтийга афзун айлагай.

Ҳаққа ошкору аёндир ўйлаким,  
Йўлда мастлар ким эмиш, ҳушёр ким.

Нил-да ўрганди буни, касб айлади,  
Ул бирин қўйди, бирини ямлади.

Оқил айлар лутфи бирлан Нилни Ҳақ,  
Рофил айлар қаҳр этиб Қобилни Ҳақ.

- 2820 Тошга ҳам ақлу фаросат солгай ул,  
Қаҳр этиб, бошдин ақлни олгай ул.

Истаса, тошларни сўйлатгай Худо,  
Илму донишдин бўлур оқил жудо.

Унда селдек бойлигин сочгай ақл,  
Бунда бир дам турмагай, қочгай ақл.

Ой, булут, офтобу юлдуз ҳаммаси,  
Айни тартибда кезиб, айланмаси.

Ҳар бири вақтида келгай, толмагай,  
Эртароқ келмас-да, кеч ҳам қолмагай.

- 2825 Сен буни фаҳм айладингми, анбиё -  
Илкида фаҳм айламиш тошу асо.

Ул жисмларким ўликдир, белибос,  
Ҳолатин тошу асодин эт қиёс.

Тоату тошу асо зоҳир бўлур,  
Ўзга жонсизлар дағи зокир бўлур.

Ҳақдин огоҳмиз, дегайлар, барчамиз,  
Зое эрмасмиз, керакли парчамиз.

Мавжи Нилни кўр, ўшал айёми гарқ,  
Икки умматни айирди, этди фарқ.

2830 Боқки, қандоқ ўзни доно тутди ер,  
Билди Қорунни, ҳамоно ютди ер.

Амри Ҳақ етди қамарга ҳойнаҳой,  
Қоқ бўлинди, иккига ажралди ой.

Йўлда тошлар ҳам, дарахтлар ҳам давом,  
Мустафога зоҳир айларди салом.

### **ИЛОҲИЁТНИ ИНКОР ЭТГАН, ОЛАМ ҚАДИМ (АЗАЛИЙ) ДАН МАВЖУД ДЕГАН ДАҲРИЙГА ЖАВОБ**

Бир киши дерди: жаҳон ҳодис<sup>181</sup> эрур,  
Чарх фоний, Ҳақ анга ворис эрур.

Фалсафий дердики, ёмғир қатра ул,  
Бўз булут ҳодислигин қайдин билур?

2835 Зарра эрмассен ўзинг, сенга қаён  
Офтоб ҳодислиги бўлгай аён?

Қуртки ул ахлатлар ичра ёширин,  
Не билур дунёнинг аввал, охирын?

Сен бобонгдин тинглагандирсен буни,  
То ҳануз ақлинг ҳамоқат тутқуни.

---

<sup>181</sup> Ҳодис - яқинда яратилган.

Бўлса ҳодисга далилинг, сўйлагил,  
Йўқса, даъвойингни сен тарк айлагил.

Ул ҳикоят айлагувчи деди боз,  
Ўртада баҳс кетди чун дуру дароз.<sup>182</sup>

- 2840 Бердилар бир-бирга кўп дарсу сабақ,  
Ки уларнинг бошида тўпланди халқ.

Мен-да мардумга қўшилдим, тингладим,  
Не эмишди ҳолу аҳвол, англадим.

Ул бири дерди: жаҳон фоний эрур,  
Ҳақ уни бор айламиш, боний<sup>183</sup> эрур.

Бул бири дерди: жаҳон бордир ўзи,  
Ҳам бинодир, ҳам бинокордир ўзи.

Ул бири дер: кўрмадинг Ҳолиқни,  
Сенга ризқ бергувчи ул Раззоқни.

- 2845 Бул бири дерки, далилсиз урма дам,  
Беҳуда сафсатта сотма, тингламам.

Сен менга кўрсат далилинг, бўлса ул,  
Бедалил даъвойинг этмасмен қабул.

Ул бири дерки, далил жонимдадир,  
Ҳужжатим жон ичра бухронимдадир.

Мен ҳилолни кўкда қўргаймен тайин,  
Сен заиф кўз бирла кўрмогинг қийин.

Ул бири ундоқ, бири бундоқ деди,  
Халқ уларнинг ҳолига ҳайрон эди.

---

<sup>182</sup> Дуру дароз - узундан-узоқ.

<sup>183</sup> Боний - қурувчи, бинокор.

- 2850 Ул бири дерди, муайян ҳужжатим -  
Кўнглим ичра, ул далилу оятим.
- Бир ишончим бор манинг, эй муҳтарам,  
Кир, десанг, киргум магар оташга ҳам.
- Ул далилим тилга келмайдир ва лек,  
Ўйлаким, бечора ошиқ ҳолидек.
- Мен демасменким, сўзимдин анлагил,  
Сирри ишқимни юзимдин анлагил.
- Қон ёшимким, кўзларимдин сочилур,  
Дилрабойим ҳуснига ҳужжат эрур.
- 2855 Бул деди: ўтмас менга ул ҳужжатинг,  
Хуш келур нодонга бундоқ оятинг.
- Деди ул: баҳс этса рости қалбаки,  
Қалбаки дер, мен эмас, сен қалбаки.
- Маълум ўлмас то оловга кирмайин,  
Иккиси оташга киргайлар кейин.
- Ому хос билгай уларнинг ҳолини,  
Шубҳадин холи асл аҳволини.
- Обу оташдир уларга имтиҳон,  
Ошкор бўлгай ҳама сирри ниҳон.
- 2860 Иккимиз оташга киргаймиз бугун,  
Ҳужжати боқий бўлайлик халқ учун.
- Сўнг отайлик ўзни денгизларга ҳам,  
Элга чин оят бўлайлик, муҳтарам.
- Иккиси, хуллас оловга кирдилар,  
Ёнган ўтга ўзни андоқ урдилар.

Ёнмада оташда мўмин, қолди ул,  
Ёнди даҳрий, ул ҳамоно бўлди кул.

Сен муаззиндин эшит эълумни,<sup>184</sup>  
Ул сўқир кўз, пишмаган, ул хомни.

2865 Ҳам ўшал ўтларда ёнмас ном суюк,  
Соҳиби эрди анинг садри буюк.

Баҳс этиб баҳсларда доим ютди ул,  
Телба мункирнинг ниқобин йиртди ул.

Мўъжиза кўрсатди ул, берди жавоб,  
Келди голиб, сарбаланд бўлди савоб.

Англадим, ул ҳодиси чархдин сабақ,  
Айлаган ҳар онда голиб эрди Ҳақ.

Кўр ўшал инкор этувчи кимсани,  
Ҳақлигига бир тайин ҳужжат қани?

2870 Бир минора борму оламда нишон,  
Ки биров мункирни айтгай ҳақ дебон.

Борму бир минбарки, бир воиз атай,  
Исмин айтиб, хотирни ёд айлагай?

Боқ, кумуш, зар узра кимнинг номлари,  
То қиёмат ҳақ эрур аҳкомлари.

Подшолар номи балким ўзгарур,  
Мустафонинг номи ўзгармас, турур.

Бир кумуш, олтинни кўрсатгил менга,  
Ки битилмиш номи бир мункир анга.

---

<sup>184</sup> Эълум - хабар.

2875 Мўъжиза эрмас фалакда офтоб,  
Мўъжиза - оламда ул уммул-китоб.

Битта сўз олмоққа кимда иқтидор?  
Ёки сўз қўшмоққа кимнинг ҳадди бор?

Ёри голиб бўлки, голиб бўлгасен,  
Ёри мағлуб бўлма, мағлуб бўлгасен.

Ҳужжати мункирни сўрсанг, дерки, ман,  
Шу ватандин ўзга билмасмен ватан.

Ўйламаским, ҳар не зоҳирдир, аён,  
Остида ётгай неча сирри ниҳон.

2880 Қудрати зоҳир-да ботин кучдадир,  
Дору дармон фойдаси ҳам ичдадир.

**“БИЗ ОСМОНЛАР ВА ЕРНИ, УЛАРНИНГ  
ЎРТАСИДАГИ НАРСАЛАРНИ ЧИНАКАМ  
ҚОНУН-ҚОИДА ИЛА ЯРАТДИК”, ЯЪНИ  
КЎРИНИБ ТУРУВЧИ НАРСАЛАР УЧУНМАС,  
БАЛКИ СИЗГА КЎРИНМАС МАЪНО ВА  
ҲИКМАТЛАР УЧУН ЯРАТДИК, ОЯТИНИНГ  
ТАФСИРИ<sup>185</sup>**

Борму бир наққош, умр бахш айлагай,  
Бир ниятни кўзламай, нақш айлагай?

Жумла меҳмонларни нақшим гуллари,  
Хуш этар, деб чайқалур орзулари.

Ул чизаркан, дўсту ёрин ёд этар,  
Кексаю ёшу ялангни шод этар.

Кўзагар кўза ясаркан доимо,  
Сув солишни айламасму муддао?

---

<sup>185</sup> Қуръони карим. Ҳижр сураси, 85-оятга ишорат.

- 2885 Косагар коса ясаркан ҳар куни,  
Шунчаки эрмакка айларми уни?  
  
Хат битиб хаттот, бекор эрмас фаним,  
Ки ўқилгай, дейди, бир кун ёзганим.  
  
Нақши зоҳир нақши ғойибдин хабар,  
Сўнгра ғойиб ортидин ғойиб келар.  
  
Ортидин келгай учинчи, ғолибо,  
Сўнгра тўртинчи, ўнинчи, ҳоказо.  
  
Бўйлаким, шатранж ўйинни эслатур,  
Ҳар ўйиндин айрича бир фойдадир.
- 2890 Ул ўйиндин мақсад эрди бул ўйин,  
Бул ўйиндин ўзга истигно тайин.  
  
Не жиҳатлар ичра бордир не жиҳот,  
Ўйнагайлар то ўйин бўлгунча мот.  
  
Аввали иккинчига очқич эди,  
Бул бирига ул бири босқич эди.  
  
Бир ўтиб, иккинчи битса, уч келар,  
Поя-ноя томга етгайсен магар.  
  
Еб-ичишдин муддао эрмиш мани,<sup>186</sup>  
Манидин мақсад-насл, кўз равшани.
- 2895 Ерда ўсган ўтга ўхшайдир авом,  
Ўзи ўсган ерни кўргайдир тамом.  
  
Қанча қичқирма, сукут этгай нуқул,  
Лойга ботмишдир, турар дармонда ул.

---

<sup>186</sup> Мани - эркаклик суви.

Чайқалиб ерларда яккаш эрта-кеч,  
Бошини силкитса, сен алданма ҳеч.

Боши дер эрса: самъано, эй сабо,  
Дер оёғиким, осайно холано.<sup>187</sup>

Хушламас сайри сафони зарра ҳам,  
Кўзи кўрлардек магар босгай қадам.

2900 Жангда не ёлғиз таваккалдин самар?  
Нард ўйинда бўйла этгайлар магар.

Бор вале ўткир назарларким, улуғ,  
Олди-ортини кўролгай, парда йўқ.

Даҳр аро ўн йил ўтаркан, не бўлур?  
Бир нигоҳ ташлаб, ҳамоно кўргай ул.

Бўйла кимса қай томон солгай назар,  
Ғайби мустақбални кўргай сарбасар.

Олди-ортида тўсиқдин йўқ нишон,  
Кўзлари кўргувчи, лавҳи ғайбхон.<sup>188</sup>

2905 Ортига боқса, азалдин то ҳануз,  
Неки юз бермишдир, очгай унга юз.

Отамизни Ҳақ халифа этгани,  
Не малаклар бунга ғавго этгани.

Олдига боқса магар, ул кўргуси,  
То қиёматга қадар не бўлгуси.

<sup>187</sup> Боши: эшитдик, эй сабо, деса, оёғи: қўй бизни, биз осийлар-  
миз, дер. Қуръони карим. Бақара сураси, 93-оятга ишорат.

<sup>188</sup> Лавҳи ғайбхон - ғайб лавҳини ўқувчи.



Ортида кўргай у асли аслини,  
Олдида кўргай у рўзи фаслини.<sup>189</sup>

Ҳар кишиким қанча равшандил эмиш,  
Ғайбни кўрмоққа магар қобил эмиш.

2910 Қайси дил ичра зиёву атласе,  
Турфа сувратларни кўргай ул басе.

Гар десангим, бул сафойи беназир,  
Сайқали кўнгил - Худонинг лутфидир.

Ҳимматингга тенг эрур жаҳду дуо,  
Лайса лил инсона илло мо саъо.<sup>190</sup>

Ул Худодир ҳимматинг бергувчи, бас,  
Билмагай шоҳ ҳимматини хору хас.

Хоси Ҳақ йўлларга бошлар бўлса гар,  
Бул муроду ихтиёрингдир магар.

2915 Тангри ранжитса магар бадбахтни,  
Ул қочар, кофирга сургай рахтни.<sup>191</sup>

Лек бирор некбахтни Тангри ранжитур,  
Рахтини сургай яқинроқ Ҳаққа ул.

Кўнгли бўшлар жангда қўрқув ичра зор,  
Ҳар замон қочмоқни айлар ихтиёр.

Кўнгли тўқлар жангда қўрқув ичра ҳам  
Ҳамла этгайлар ганимга дам-бадам.

Ваҳму гам Рустамни этгай чок-чок,  
Қўрқув айлар ичқароларни ҳалок.

<sup>189</sup> Рўзи фасл - айрилиш куни, қиёмат.

<sup>190</sup> Инсон ва дунёда эканини ўради.

<sup>191</sup> Рахт - бор-бисот.

- 2920 Чун маҳак эрмиш балову бийми жон,  
Марду номард унда бўлгайдир аён.

**ТАНҒРИ МУСО АЛАЙҲИССАЛОМГА, ЭЙ МУСО,  
МЕНКИМ ХОЛИҚУЛ ТАОЛО, СЕНИ СЕВАМАН,  
ДЕБ ВАҲИЙ ЮБОРГАНИ**

Деди Мусога ваҳий айлаб Худо:  
Дўст тутармен, менга хушдирсен, Мусо.

Сўрдиким, не хислатим, эй зулкарам,  
Хуш эмишдир, айтгил, афзун айларам.

Ҳақ дедиким, бир гўдакдирсен, у-чи,  
Онаси қаҳр этса ҳам суйкангучи.

Ўзгаларга бир назар ҳам айламас,  
Унга мафтундир тамом, махмуру маст.

- 2925 Онаси урса, бўлиб гирёналар,  
Унга бўлгайдир яна парвоналар.

Ўзгалар эрмас, фақат ул муҳтарам,  
Шарри улдирким, магарки хайри ҳам.

Хайру шар келганда кўрсатдинг сабот,  
Ўзгаларга этмадинг бир илтифот.

Сен учун хоҳ кекса бўлсин, хоҳи ёш,  
Мендин ўзга барчаси тупроғу тош.

“Иййака наъбуду” айтмоғинг тайин,  
Гар бало келса, яна “ла настаъин”<sup>192</sup>

- 2930 “Иййака наъбуду” дерсанг, сўз аро  
Битта маъно бор, мукаммал, бериё.

<sup>192</sup> Ёлғиз сенга ибодат қиламиз, ёлғиз сендан мадад сўраймиз...  
Қуръони карим. Фотиҳа сураси, 5-оятга ишорат.

“Ийяка настаъин” айтиб юрмоғинг,  
Чорани ёлгиз Худодин сўрмоғинг.

Ки, ибодат ҳам ўзинга, Биру Бор,  
Қўллагувчи ҳам ўзинг, Парвардигор.

**ПОДШОНИНГ БИР НАДИМГА ЖАҲЛ ҚИЛГАНИ,  
БИРОВ ШАФОАТ АЙЛАБ, УНИНГ ГУНОҲИНИ  
СЎРАГАНИ, ПОДШО КЕЧИРГАНИ, НАДИМ  
ШАФОАТЧИДАН РАНЖИГАНИ**

Бир надимга подшо жаҳл айлади,  
Қонини тўкмоққа ҳам аҳд айлади.

Олди олмосдек қилични қўлга шоҳ,  
Токи номатлубга бергай ул жазо.

2935 Йўқ эди куч кимсада дам ургали,  
Йўқ мажолким, бир шафоат сўргали.

Бор эди анда Имодулмулки хос,  
Мустафо янглиғ карамда беқиёс.

Турди-да бош қўйди султон пойига,  
Подшо қўйди қилични жойига.

Дедиким, кечдим гуноҳин, муҳтарам,  
Инс эмас, иблису шайтон бўлса ҳам.

Чунки сен тушдинг арога, меҳрибон,  
Мен кечармен этса ҳам минг бир зиён.

2940 Қаҳру заҳримни босармен қанчалар,  
Қадру фазлинг менга юксак шунчалар.

Илтижойинг рад этолмасмен сенинг,  
Илтижойинг илтижойимдир менинг.

Йўқса, ҳаттоки йиқилса осмон,  
Боқмас эрдим мен, олардим интиқом.

Узви-узви этса ҳамки илтижо,  
Бошини айлар эдим тандин жудо.

Бул сенга миннат эмасдир, эй карим,  
Иззатинг изҳоридир бул, эй надим.

2945 Сен эмас, мен айладим бул ишни то,  
Эй сифотинг ул сифотим ичра жо.

Менга бахш этдинг ўзингни, муҳтарам,  
Сенга бахш этдим ўзимни бешу кам.

“Мо рамайта из рамайта”дир сўзинг,  
Тўлқин узра ўйнаган кўлик ўзинг.

Ло бўлиб, Ҳақ олдида маскун-да сен,  
Хўжадирсен, йўқ ажаб, тутқун-да сен.

Сендин эрмас, келди ул шоҳдин мурод,  
Ул билур, Аллоҳу аълам бир-рашод.

2950 Ул надим бундоқ қутилди, тинчиди,  
Лек шафоат айлагандин ранжиди.

Кесди ул сидқи равобатни тамом,  
Юз ўгирди бўйла, тарк этди салом.

Бўлди унга ўйлаким бегона ул,  
Эл аро бўлди ажаб афсона бул.

Дердилар: девона бўлмиш ул магар,  
Уз халоскорини бундоқ хор этар.

Бошини қутқарди тигдин ул киши,  
Кўрнамаклик - эмди бундоқ қилмиши.

2955 Ул эса инсофга келмасди ҳамон,  
Балки душман эрди унга беомон.

Сўрди дўсти: не балони ўйладинг,  
Бир валийнеъматга бундоқ айладинг?

Жон тикиб жонингга ул дилдори хос,  
Айлади бошингни шамширдин халос.

Гар ёмонлик этса, жоиздир араз,  
Яхшилик этганда этгайму гараз?

Деди: жоним шул фидодир шоҳ учун,  
Жоним асраб ул, жафо этгай нечун?

2960 Ли маъ Аллоҳ фурсати эрди манго,  
Ло ясаъ фиҳи набийи мужтабо.<sup>193</sup>

Заҳми шоҳдин бошқасин мен истамам,  
Ул паноҳдин бошқасин мен истамам.

Шоҳдин ўзга барчасин ло айладим,  
Шоҳни дўст тутдим, тавалло айладим.

Қаҳр этиб, гар унда ўлдиргай эди,  
Бир эмас, юз битта жон бергай эди.

Жон фидо айлайди шоҳга мард киши,  
Жонни бахш этмоқ - шаҳаншоҳнинг иши.

2965 Бошини шоҳ кесса, бул - фахрул ҳаёт,  
Ўлсин улким, ўзгадин топгай нажот.

Тун агар шоҳ қаҳри бирлан бўлса хун,  
Унга тенг келгайму минг байрамли кун?

---

<sup>193</sup> У фурсатда Аллоҳга етишмоқ ҳолатида эдим, орага бирорта пайгамбар ҳам киролмас эди... Шу мазмундаги ҳадисга ишорат.

Шоҳни кўрмоқлик сурури, аржуманд,  
Қаҳру лутфу куфру диндан ҳам балаид,

Йўқ жаҳонда сўзким, этсам баён,  
Ул ниҳондир, ул ниҳондир, ул ниҳон.

Чунки ул асмову алфози ҳамид,  
Одамий аъмолидин келмиш паидид.

2970 Алламул-асмоъки Одамга имом.  
Йўқ эди анда либоси айну лом.

Бошига қўндирди тупроқдин кулоҳ,  
Бўлди чун асмойи жони юз қаро.

Анда маъни зоҳир ўлсин деб шу тоб,  
Чекди юзга ҳарфу сўзлардин ниқоб.

Бир жиҳатдан сўз очур маънони, лек,  
Ўн жиҳатдин беркитур ул пардадек.

**ЖАБРОИЛ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ, БИР  
ҲОЖАТИНГ БОРМИ, ДЕБ СЎРАГАНИ, ИБРОҲИМ  
АЛАЙҲИССАЛОМ УНГА, ҲОЖАТИМ БОР, АММО  
СЕНДАН ЭМАС, ДЕБ ЖАВОБ БЕРГАНИ**

Мен Халилдирмен, магар ул Жабраил,  
Истамам ҳолимга бўлса ул далил.

2975 Келди Жаброил, Халилдин сўрди бот:  
Сўйлагил, кўнглингда Ҳақдин не мурод?

Айт, муродинг не, муродингга етай,  
Йўқса, бул ерни ҳомоно тарк этай.

Деди Иброҳим: ародин чиқ, фалон,  
Восита заҳмат бўлур баъдал аён.<sup>194</sup>

<sup>194</sup> Баъдал аён - ҳақиқат аён бўлгач.

- Улки пайгамбар - жаҳонга робита,  
Аҳли мўминга магарким восита.
- Ҳар кўнгилга бир ваҳий етсайди то,  
Даҳр аро бўлмасди бир ҳарфу садо.
- 2980 Гарчи ул ҳам Ҳақ йўлида тоқ эрур,  
Лек ишим ундан-да нозикроқ эрур.
- Қилмиши - шоҳ қилмишидир, англадим,  
Гар заифдирмен, назарга илмадим.
- Улки ул лутфу карам дейди авом,  
Қаҳру кин билгай уни хоси киром.
- Халқу мардум фарқни билмоғи учун,  
Чекса жоиздир балову ранжу хун.
- Бул хуруфи восита, эй ёри гор,  
Восил ўлганда тикандир, хор-хор.
- 2985 Руҳи соф чексин жафолар боз-боз,  
Бўлгай ул гарду губорлардин халос.
- Бул садодин баъзилар кар бўлдилар,  
Баъзилар софликда сарвар бўлдилар.
- Бу бало Нил мавжига ўхшайди, чун,  
Қутлига сувдир ўшал, қутсизга хун.
- Ким узоқларни кўрар, маъсуд ўшал,  
Ишни эплар, кони файзу қут ўшал.
- Ул билур дунё - экинзордир чунон,  
Ҳосили маҳшарда бўлгайдир аён.
- 2990 Бир тугун йўқким, эса беҳуда ул,  
Ҳар тугун суду самар деб бойланур.

Борму бир мункир шу дунё ичра чун,  
Этса мункирликни мункирлик учун.

Йўлга бошлайдир уни қаҳру ҳасад,  
Ёки устунликни ул этмиш ният.

Бор ният остида айру бир тамаҳ,  
Маънисиз сувратни суврат ўйлама.

Гар, нечун, дерсан, жавобим бул турур:  
Чунки суврат мой эса, маъноси нур.

2995 Йўқса, бул андишани айтмоқ нечун,  
Баски, суврат эрса бир суврат учун?

Бул нечун, деб сўрганиндин фойдадир,  
Бундан ўзга сўрмаким, бефойдадир.

Фойда изларсен намунча, эй амин,  
Шул саволинг фойдадирким, анлагин.

Асли осмону замин сувратлари,  
Ул фақат сувратму, ҳикматдин нари?

Соҳиби йўқ эрса, бул тартиб надир?  
Бор эса, бемуддао бўлгаймидир?

3000 Этмаса мақсад - савобу носавоб,  
Ким чизар ҳаммомга бир нақшу суроб.

### **МУСО АЛАЙҲИССАЛОМ ТАНГРИДАН, НЕГА ХАЛҚНИ ЯРАТДИНГ ВА НЕГА УНИ ОХИРДА ҲАЛОҚ ЭТАРСЕН, ДЕБ САВОЛ СЎРАГАНИ**

Деди Мусо: эй Худованди ҳисоб,  
Бор этиб, охирда айларсен хароб.

Эр-аёлларким яратдинг жонфизо,  
Не сабадан сўнгра этгайсен адо.



Ҳақ дедиким, бул саволинг бору бас,  
Кибру инкор ёки гафлатдин эмас.

Йўқса, таъзиру итоб этгай эдим,  
Қаҳр этиб, кўнглингни ранжитгай эдим.\*

3005    Лек тиларсен англамоқ офоқ аро,  
          Не эмишдир ҳикмати сирри бақо.

Сўнгра элга сўйламоқдир хоҳишинг,  
Хомни пухта айламоқдир хоҳишинг.

Сенга ул ҳикмат аён эрмиш, бали,  
Сен уни сўрдинг атайлаб, очгали.

Чун илмнинг ярми эрмишдир савол,  
Ҳар киши сўрмоққа топмайдир мажол.

Ҳам савол келгай илмдан, ҳам жавоб,  
Гул унар жойда тикан ҳам мустажоб.

3010    Тўгри йўл келди илмдан, эгри ҳам,  
          Аччигу ширинга боис бўлди нам.

Ошноликдин келур бугзу вало,<sup>195</sup>  
Еб-ичишдан хасталик бирлан сафо.

Аъжамий кўрсатди ўзни ул Калим,  
Токи аъжам аҳлини этгай алим.

Айлагаймиз биз-да ўзни аъжамий,  
То жавоб берганда бўлсак ҳамдами.

Бир-бирига ёв неча эшшакфуруш,  
Бир-бири бирлан этар жанжал, уруш.

---

<sup>195</sup> Бўгзу вало - душманлик ва дўстлик.

**ХАЙВОНИЙ ЖОН, ЖУЗВИЙ АҚЛ, ВАҲМ ВА  
ХАЁЛ АЙРОНГА ЎХШАР, БОҶИЙ РУҲ ЭСА ЎША  
АЙРОН ИЧРА ЯШИРИН САРЁҒ ЭМИШ**

- 3030 Жавҳари сидқинг шу ёлгон ичра чин,  
Худди айрон ичра ёгдек ёширин.
- Улки айрондир - тани фоний эрур,  
Улки ёгдир - жони раббоний эрур.
- Тан деган айронни кўргайсен ҳамон,  
Жон деган сарёғни кўрмогинг гумон.
- Бандаларга Ҳақ юборгайдир Расул,  
Токи чайқатгай ўшал айронни ул.
- 3035 Чайқатур ул, хум тўла айрон эмиш,  
Токи билгай, унда не пинҳон эмиш.
- Дўсти Ҳақ Ҳақ сирридин огоҳ этар,  
Сўз ваҳийжўнинг<sup>196</sup> қулоғига этар.
- Чунки мўминнинг қулоғи оч эрур,  
Дўсти Ҳақнинг сўзига муҳтож эрур.
- Ёш бола тинглаб аносин дам-бадам,  
Тил чиқаргай, соҳиб ўлгай сўзга ҳам.
- Сўзни тингларму яроқсиз бўлса ул,  
Гунг бўлур охир, қулоқсиз бўлса ул.
- 3040 Тугма кар эрса, муқаррар гунг эмиш,  
Нотиқ улдирким, аносин тингламиш.
- Кар-соқов эрса, сўз айтур ким анга?  
Етмаса сўз, етмагай таълим анга.

---

<sup>196</sup> Ваҳийжў - ваҳий изловчи, ваҳийни хуш кўрувчи.

Улки бетаълим сўз айтармиш - Худо,  
Чун сифоти нуқсу иллатдин жудо.

Улки Одам, Ота бўлмасдин бурун,  
Амри Ҳақ бирлан фақат чекмишди ун.

Ул Масихқим, лутфи Ҳақ-ла ҳақталаб,  
Кўз очаркан, сўзга очмиш эрди лаб.

3045 Кўз очаркан, кўргани буҳтон эди,  
Мен зино фарзанди эрмасмен, деди.

Куч керак, жаҳду жадалларким давом,  
Токи ёғ айрондин айрилсин тамом.

Ёғ агар айронда эрмишдир адам,  
Олами борлиқда айрондир - алам.<sup>197</sup>

Гарчи шу хокий танинг басдир сенга,  
Лек асл борлиқ кўринмасдир сенга.

Ур ўшал айронни, унча қўймагил,  
Ёғдин айру тушмагунча, қўймагил.

3050 Басма-бас ургил уни, кор айласин,  
Не яширмиш эрди, ошкор айласин.

Ҳар не фонийдир, у боқийдан далил,  
Маст агар ёлборса, соқийдан далил.

### **ШУ МАЪНОДА ЯНА БИР МИСОЛ**

Шерки байроқ узра ҳар ён талпинур,  
Сирли еллардин хабардор этгай ул.

Эсмаса ел, талпиниб ўйнармиди?  
Сенга еллардин хабар айлармиди?

---

<sup>197</sup> Алам - бу ерда байроқ маъноси.

Англагайсен, шер этаркан жилвалар,  
Ел ўшал Мағрибми, Машриқдин келар.

Бул танинг ҳам ўйлаким шери алам,  
Фикру андишангдин ўйнар дам-бадам.

3055 Фикр агар Машриқдин эсгайдир - сабо,  
Фикр ўшал Мағрибдин эрса, ул вабо.

Бул тушунчанг Машриқи бир ўзгача,  
Ул тушунчанг Мағриби бормиш неча?

Ой жамод эрмишки, шарқи ҳам жамод,  
Жони жонинг жонидир шарқи фуод.<sup>198</sup>

Ул қуёшким, ботининг ичра ниҳон,  
Кундузинг офтоби андин бир нишон.

Мурдадек гар тан оловидин айридур,  
Олдида на тун қолур, на кун қолур.

Тан кетиб, жон қолса, иш бўлмас тамом,  
Субҳу шомсиз ҳам кечар бир интизом.

Бўйлаким, кўз уйқу ичра, гарқи хоб,  
Ойсиз ой кўргай, қуёшсиз офтоб.

Ога-инидир ўлимга уйқу чин,  
Бул Ҳусандин ул Ҳасанни англагин.<sup>199</sup>

Эй муқаллид, гарчи сўйлайдир ҳама,  
Кўрмагунча, бунга бовар айлама.

3065 Жон кўрар уйқуда андоқ турфа ҳол,  
Ки йигирма йилда кўмогинг маҳол.

<sup>198</sup> Шери алам - байроққа солинган шер суврати.

Жамод - жонсиз жисм, Шарқи фуод - кўнгил кунчиқари.

<sup>199</sup> Уйқу ўлимнинг биродаридир. Жаннат аҳли ухламас. (Ҳадис).

Бир умр сўнгра юрарсен довдираб,  
Подшолардин анга таъбир сўраб.

Сен сўрарсен таъбирин, не эрмиш ул?  
Майда-чуйда деб аташ итлик бўлур.

Бўйладир халқ уйқуси, лек аҳли хос -  
Уйқуси чин ижтибову ихтисос.<sup>200</sup>

Ҳар сафар фил уйқуга кетган маҳал,  
Тушда Ҳиндистонни кўргайдир ўшал.

3070 Бўйла бир туш бўлмагай эшшака, бас,  
Чунки, эшшак юрти Ҳиндистон эмас.

Фил каби жон ҳам соғинчдин гуркираб,  
Тушда Ҳиндистонга борса, не ажаб.

Кун бўйи не бўлса фил орзусида,  
Тунда кўргайдир уни уйқусида.

Зикри Аллоҳ - кори ҳар авбош<sup>201</sup> эмас,  
Иржаъи ҳам - майли ҳар қаллош<sup>201a</sup> эмас.

Сен умидсиз бўлма асло, фил бўл,  
Бўлмасанг, бир соҳиби табдил бўл.

3075 Кўкка боқ, кимёчиларни кўр дағи,  
Ҳар нафас етгай қулоққа тақ-тақи.

Нақш чекиб ҳар дам фалаклар ичра чун,  
Бетиним жон куйдурурлар биз учун.

Кўрмасанг лутфу карамлар аҳлини,  
Не балога мубталосен, кўр уни.

<sup>200</sup> Ижтибову ихтисос - бу ерда, Аллоҳга яқинлик, маъносида.

<sup>201</sup> Авбош - бузгунчи, безори. <sup>201a</sup> Қаллош - ялқов, дайди.

Кони офат эрмиш идрокинг сенинг,  
Ўт-алафлар ўстирур хокинг сенинг.

Боқки, Иброҳими Адҳам кўрди хоб,  
Кўрди Ҳиндистони дилни беҳижоб.

3080 Узди занжиру кишанларни ҳамон,  
Бўлди мулку мамлакат кўздин ниҳон.

Тушда Ҳиндистонни кўргайдир киши,  
Уйғониб, девоналик бўлгай иши.

Итқитар юз чора-тадбирларни ул,  
Парчалар арқону занжирларни ул.

Бўйлаким, Нур узра айтмишдир Набий,  
Не эмиш нурнинг нишони, ул каби.

Кирса нур кўнгилга, ул дорул ғурур -  
Тарк этиб, тутгай макон дорулсурур.<sup>202</sup>

3085 Англамоққа бул ҳадиси Мустафо,  
Тингла, сўйлай дoston, ёри сафо.

---

<sup>202</sup> Кўнгилга иймон нури кираркан, кўнгил ёлгонлар юртини тарк этиб, севинчлар юртини макон тутар. (Ҳадис)

**ҲАҚИҚИЙ ПОДШОЛИКНИ КЎРИШ НАСИБ  
 ЭТГАН ШАҲЗОДА ҲИКОЯСИ. “У КУН ИНСОН  
 ОҒА-ИНИСИДАН ҲАМ, ОТА-ОНАСИДАН ҲАМ  
 ҚОЧАР” ОЯТИ СИРИГА ОШНО БЎЛМИШДИ У.  
 ЕР ЮЗИНИНГ ПОДШОЛИГИ БОЛАЛАРНИНГ  
 ТУПРОҚ ЎЙИНИГА ЎХШАР. БИР БОЛА ТУПРОҚ  
 УЮМИ УСТИГА ЧИҚИБ, БУ ҚАЛЪА - МЕНИКИ,  
 ДЕР, БОШҚАЛАР УНГА ҲАСАД ИЛА БОҚАР.  
 ЗОТАН, ТУПРОҚ - БОЛАЛАРНИНГ ЭРМАК,  
 ОВУНЧОҒИДИР. КЎНГИЛНИ ТУПРОҚ  
 РАНГАРИ ЖИЛВАСИДАН УЗА ОЛГАН  
 ШАҲЗОДА ДЕРКИМ, БУ - ТУБАН ТУПРОҚДИР,  
 УНИ ОЛТИН, АТЛАС, КИМХОБ, ДЕМАСМЕН.  
 МЕН УЛАРДАН ҚУТУЛДИМ ВА ЎЗГА БИР  
 ОЛАМГА ЮЗ ТУТДИМ. ДЕЙИЛМИШКИМ: “У  
 БОЛА ЭКАН, БИЗ УНГА ҲУКМ ВА ҲИКМАТ БЕРДИК,  
 УНИ ПАЙҒАМБАР ЭТДИК”.<sup>203</sup> ТАНГРИ ИРШОДИ  
 УЧУН ЙИЛЛАР КАРВОНИГА ҲОЖАТ ЙЎҚ.  
 КУНФАЯ - КУН ҚУДРАТИ ОЛДИДА  
 ҚОБИЛИЯТДАН СЎЗ ОЧИЛМАС**

Подшонинг ёлгиз ўгли бор эди,  
 Зоҳиру ботинда бетакрор эди.

Подшо туш кўрди: ўлмишдир ўғил,  
 Қолди андуҳу надомат ичра ул.

Во дариг, ул кўзу қоши қолмади,  
 Йиглади, кўзида ёши қолмади.

Мунча ҳасратлар чекиб, ўртанди шоҳ,  
 Қолмади дармони бир чекмоққа оҳ.

3090 Ўйлаким, ўлмоққа тайёр бўлди ул,  
 Ўлмади, уйғонди, бедор бўлди ул.

<sup>203</sup> Қуръони карим. Марям сураси, 12-оятга ишорат.

Уйгонаркан, ул севинди қанчалар,  
Умрида шодланмаганди шунчалар.

Ул севинчдин ўлди, фоний бўлди, бас,  
Жону тан келди мувофиқ бир нафас.

Ғам уфурса, боқки, сўнгайдир чироқ,  
Ғар севинч ҳам урса, сўнгайдир чироқ.

Икки оташ ичра инсон зиндадир,  
Ўлмаин юрмоғи - кулгу, хандадир.

3095 Шоҳ дедиким, бўйла шодликка сабаб,  
Ғам, алам эрди, ўшал эҳсони Раб.

Эй ажаб, барги хазон эрди ўшал,  
Бошқа ёқдин ям-яшил япроқ магар.

Бир жиҳатдин ул ўлим эрмиш, мамот,  
Бошқа ёқдин ул тирикликдир, ҳаёт.

Тан севинчи, улки дунёвий камол,  
Охират наздида бир нуқсу завол.

Бўйлаким, уйқуда кулсанг, эй фалон,  
Ўнгда, дерлар, йиглагайсен бегумон.

3100 Кимса гар уйқуда йиглар зор-зор,  
Уйгонаркан, шодланиб, кулмоғи бор.

Шоҳ деди: ғам келди-кетди шарпадек,  
Бадгумон бўлди бу ишдин жон валеқ.

Ғар тикан ботса оёққа, бахшидир,  
Кетса гул, ёдгори қолса, яхшидир.



Чун фано келгувчи йўллар беҳисоб,  
Қай бирини боғлагаймиз, эй жаноб?

Юз эшик, юз бир дарича бетиним,  
Чун гичирлайдирки, келгайдир ўлим.

3105 Ҳа, гичирлайдир эшиклар ҳар куни,  
Таъмагир жонлар эшитмайди уни.

Хасталиклар - ул эшикнинг бонгидир,  
Ёв жафо айлар - эшикнинг бонгидир.

Илми тиб феҳристини<sup>204</sup> ол қўлга сен,  
Хасталиклар ҳамласин кўр унда сен.

Боқ, алардин сенга йўллар бор равон,  
Аксарий дилларга ин қўймиш чаён.

Ел хуруж айлайди, шамим ўчгидай,  
Ўчмасин то, янги шамни ёндирай.

Ногаҳон ўчса шамолдин ул бири,  
Кўзларим этгай мунаввар бул бири.

3110 Улки ориф, тан чироғин сўндирар,  
Ўрнига кўнгил чароғин ёндирар.

Тан чароғи гар сўнаркан ногаҳон,  
Кўзлари ўнгида ёнгай шамъи жон.

Шоҳ буни фаҳм этмади, ёқди, мана,  
Шамъи фоний ўрнига фоний яна.

---

<sup>204</sup> Феҳрист - мундарижа

**ПОДШО НАСЛ-НАСАБИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ  
УЧУН ЎҒЛИНИ УЙЛАНТИРИШГА ҚАРОР  
ҚИЛГАНИ**

Истади насли давом этсин абад,  
Ўғлини уйлантиришга қилди аҳд.

Кетса гар сўйи фано ул лочини,  
Ўрнини босгай магар бул лочини.

3115 Суврати гар кетса банди-бандида,  
Сийрати қолгай унинг фарзандида.

Ул сабабдин деди ул шоҳи набийҳ,  
Мустафоки, ал-валад сирру абийҳ.<sup>205</sup>

Ул сабабданким, халойиқ сарбасар,  
Ўргатур фарзандига сирри ҳунар.

Ки улар бир кун муқаррар ўлгуси,  
Даҳр аро сирру синоат қолгуси.

Ёш бола улгайсин, олсин деб сабақ,  
Ҳирсу ҳикматларни бергай унга Ҳақ.

3120 Подшо наслу насабни кўзлади,  
Ўғлига бир маҳрами жон излади.

Деди: бўлсин поку улёнинг қизи,  
Бўлмасин бир телба подшонинг қизи.

Ким эрур шоҳ, ким эрур озод ул?  
Улки озоддир, эмас нафсига қул.

Халқ атар нафсига тутқунларни шоҳ,  
Оқ дегай, аслида эрмиш ул қаро.

---

<sup>205</sup> Фарзанд - отасининг асроридир (Ҳадис).

Дўст дегай, аслида ул жонларга ёв,  
Некбахт бўлгай магар песу махов.

3125 Ул асири шаҳвату хашму ажал,  
Бек бўлур эл наздида, садри амал.

Бир малай эрди ажалга ул тамом,  
Эл анга миру амир деб қўйди ном.

Садр дерлар аҳли пойгакни, увол,  
Пастариндир, жони - ёлғиз жоҳу мол.

Шоҳга манзур бўлди бир зоҳид қизи,  
Ботмади аҳли ҳарамга бул сўзи.

**ПОДШО КЕЛИНЛИККА БИР ДАРВЕШ ҚИЗИНИ  
ТАНЛАГАНИ, ҲАРАМ АҲЛИ ЭЪТИРОЗ ЭТИБ,  
БУНДАЙ ҚАРИНДОШЧИЛИКДАН НОМУС  
ҚИЛИНГАНИ**

Шоҳга деди хотини - ноқис ақл:  
Тўйда тенг бўлсин магар ақлу нақл.

3130 Сен бахиллик айлабон, эй подшо,  
Бизни этгайсен гадога ақрабо.

Шоҳ деди: солиҳдир ул, эрмас гадо,  
Чун гани-ул қалб эрур, доди Худо.

Даҳр аро сабру қаноат унга бас,  
Нафс учун тентиб, гадолик айламас.

Соҳиби фақру фанолик ўзгадир,  
Эл аро йўқсул, гадолик ўзгадир.

Ул этар бир бурда нонга дилни банд,  
Бунга ганжу давлатинг эрмас писанд.

3135 Шоҳ эса ҳирсу ҳаромлар тутқуни,  
Шоҳ эмас, йўқсул, гадо деб бил уни.

Сўрди хотин: маҳри-бори қайдадир?  
Сочғали гавҳар, динори қайдадир?

Шоҳ деди: ҳар кимда эрса дин ғами,  
Бўлмас унда гавҳару олтин ғами.

Шоҳ келин олди, келинмас гавҳар ул,  
Эрди чун солиҳ нажот, хуш жавҳар ул.

Чун малоҳат ичра бир маҳтоб эди,  
Сийнаси гул, чеҳраси офтоб эди.

3140 Эрди қиз ҳусни, чиройи ончунон,  
Феълу атвориға етмасди баён.

Овчи бўл, дунёда ов бўлсин дининг,  
Бахту давлат ортидин келгай унинг.

Охират - карвон эмиш, дунё - жуни,  
Олсанг ул карвонни, олгайсен уни.

Жунни олма, тевани ол, муҳтарам,  
Тевани олсанг, оларсен жунни ҳам.

Шоҳ этиб расми никоҳ, тузди баёт,  
Олди келин хуш табиат, хуш нажот.

3145 Лек ўшанда бир сеҳргар бор эди,  
Кампир ул шаҳзодага хуштор эди.

Жоду қилди ул ажузи кобилий,  
Олдида ҳеч эрди сеҳри бобулий.

Унда шаҳзода ўшал тарк этди гул,  
Бўлди ошиқ бедаво кампирга ул.

Кобулий кампир, қаро деви лаин,  
Йўлини тўсди гўзал шаҳзоданинг.

Тегди кампирдин неча сеҳри-улуш,  
Бўйлаким, буткул йўқотди ақлу хуш.

3150 Бўлди бир йил унга шаҳзода асир,  
Хоки пойин ўпди бир йил муттасил.

Кечди кампир бирла даврони анинг,  
Жисмида қолди ярим жони анинг.

Бошқалар ҳолига йиглаб, дардисар,  
Қолидин ул эрса гофил, беҳабар.

Шул жаҳон подшога бир зиндон эди,  
Йигласа, ўгли боқиб, хандон эди.

Подшо бечора қолди, бўлди мот,  
Ҳар куни бергайди ул хайру закот.

3155 Отаси этган ўшал дафъи бало,  
Ўглини айларди баттар мубтало.

Англади шоҳ, бунда мутлақ сир эрур,  
Илтижо этмоқ магар тадбир эрур.

Сажда қилди, деди: фармонинг раво,  
Мулки Ҳақда амри Ҳақдир мутлақо.

Мен ёнармен, мисли оташ ичра уд,  
Шафқат айла, эй Раҳиму эй Вудуд.

Бўйла, ё Раб, деб фиғонлар чекди шоҳ,  
Келди шоҳ олдига соҳир, муқтадо.

## ПОДШОНИНГ ДУОСИ ҚАБУЛ БЎЛГАНИ

- 3160 Ул йироқлардин магар келмиш эди,  
Ҳоли не шаҳзоданинг, билмиш эди.
- Билмиш эрди, не эмиш кампирда ҳол,  
Жодугарликда эмишди бемисол.
- Қўл фақат қўл узра тургай, эй фато,  
Бўйладир ҳар ишда то зоти Худо.
- Илки Ҳақдир барча қўллар устида,  
Сел магар дарёву қўллар устида.
- Бўз булутлар барча елгай шул тараф,  
Оқибат селлар-да келгай шул тараф.
- 3165 Йиглади шоҳ: кетди илкимдин ўгил,  
Соҳир айтди: йўқ, халос этса бўлур.
- Сеҳру жоду ичра йўқ кампирга ҳад,  
Лек анга голиб келурмен мен фақат.
- Гар Мусодек қўлласа Парвардигор,  
Сеҳру жодусин этармен тору мор.
- Ул тарафдин келди илму омадим,  
Мен сеҳргарларга шогирд бўлмадим.
- Сеҳрини очмоққа келдим мен атай,  
Саргайиб шаҳзода унда қолмагай.
- 3170 Тонг-саҳарлаб тур-да, қабристонга бор,  
Унда девор остида бир оқ мазор.
- Қибла ёқни кавла, тупроқ қат-қатин,  
Шунда кўргайсен Худонинг қудратин.

Бу ҳикоям кўп чўзилди, найлайин,  
Мухтасар этдим, хулоса айлайин.

Не тугунлар ечди соҳирнинг фани,  
Этди занжирдин халос шаҳзодани.

Кўз очиб шаҳзода юзланди ҳамон  
Подшо даргоҳига, айлаб фиғон.

3175 Ер ўпиб, шоҳга юкинди дам-бадам,  
Шай эди илкида шамширу кафан.

Шоҳ севинди, ҳамшаҳарлар бўлди шод,  
Ҳам ўшал дилбарки, эрди бемурод.

Яшнади олам, чу андоқ кун эди,  
Эй ажаб, оламда қандоқ кун эди.

Подшо тўй берди элга муҳташам,  
Тутди шарбат базм аро итларга ҳам.

Жодугар гам чекди ютди гуссалар,  
Жонини Жабборга топширди тугал.

3180 Эрди шаҳзода баса ҳайрат аро,  
Ул нечук ақлимни этмиш деб қаро?

Кўрди шаҳзода, келинмас, ой ҳусн,  
Ҳар гўзал кўрганда дерди: вой, ҳусн!

Кўрди қизни, қолди ҳушдин айрилиб,  
Этди уч кун бенаво, ҳушсиз бўлиб.

Уч кеча, уч кундуз этди бул давом,  
Халқ кўриб, жумбушга келмишди тамом.

Чорасозлар чора-тадбир айлади,  
Андак-андак йигди ҳушни, ўнглади.

3185   Бир йил ўтгач, шоҳ дедиким, эй ўғил,  
Эски дилдорингни бир дам эслагил.

Ким ила ётмишдинг унда, беҳабар?  
Бевафолик қилма сен ҳам мунчалар.

Деди: топдим бўйла бир дорус-сурур,  
Орзу этмасмен яна дорул-гурур.

Улки мўмин, шарбати Ҳақдин ичар,  
Нурга юз бурганда зулматдин кечар.

**ШАҲЗОДА - ОДАМ ЎҒЛИ, ТАНҒРИ  
ХАЛИФАСИДИР, ОТАСИ - ОДАМИ  
САФИУЛЛОҲ, МАЛАКЛАР САЖДА ЭТГАН ЗОТ.  
КОБУЛИЙ КАМПИР - ДУНЁДИР, СЕҲРУ ЖОДУ  
БИЛАН ОДАМ БОЛАСИНИ ОТАСИДАН АЙИРАР.  
АНБИЁ ВА АВЛИЁ ЭСА - СЕҲРУ ЖОДУНИ  
СИНДИРГАН ҲАКИМДИР**

Эй биродар, улки шаҳзода - ўзинг,  
Қўхна шу дунёга очмишсен кўзинг.

3190   Кобулий кампир ўшал - дунё магар,  
Жилвалар айлаб, сени тутқун этар.

Отдилар бир лойқа дарёга сени,  
Сўр паноҳ Ҳақдин, ўқи “Қул аузу”ни.<sup>206</sup>

Эт халос, деб бўйла сеҳру жодудин,  
Сўр паноҳинг субҳидамлар Раббидин.

Жодугар деб айтди дунёни Расул  
Сеҳр этиб, элни гирифтор этди ул.

---

<sup>206</sup> Қуръони каримнинг Аллоҳдан паноҳ сўраб ўқилгувчи Фалақ ва Ан-нос суралари назарда тутилмоқда.



Сеҳрига тушган ҳама шармандадир,  
Подшоҳлар ҳам анга бир бандадир.

- 3195 Кўкси ичра нафсу офатлар бутун,  
Сеҳру жоду бирла солгайлар тугун.

Даҳру дун бир кампири доно эрур,  
Бандини ечмоқ қийин савдо эрур.

Сеҳрини ақлу хирад очсайди то,  
Анбиёларни юбормасди Худо.

Излагил бир хуш дами, мушкулкушо,  
Роздони яфъалуллоҳ мо яшо.<sup>207</sup>

Дема, шаҳзода эди аврогида,  
Сен-да олтмиш йил унинг қармоғида.

- 3200 Шунча йиллар ичра битмас меҳнатинг,  
Йўқ севинчинг, йўқ тарийқи суннатинг.

Фосиқи бадбахт эрурсен, бениқоб,  
Билмагайсен: не уволу не савоб.

Ҳақ уфурди, не тугунлар тугди, бас,  
Илтижо айла, яна этсин нафас.

Руҳидин сенга уфурсин ул ҳаво,  
Қутқазиб, десин: баланд уч, марҳабо.

Урса дам соҳир, қаҳрдан келгуси,  
Ҳақ уфурса, ул меҳрдан келгуси.

- 3205 Раҳмати устун ҳамиша қаҳридин,  
Раҳмат истарсен, шафоат изла сен.

---

<sup>207</sup> Мушкулнингни осон қилувчи бир хуш дамни кўзла, “Аллоҳ не истаса, шунни қилур” ояти сиррининг билимдонини изла.

Ул сенга бергай нафас бирлан ҳаёт,  
Шул эрур сенга жаҳон ичра нажот.

Сеҳр этаркан баски шул дунёи зол,  
Сеҳридан бир дам қутулмоғинг маҳол.

Эслагил сен нури уммат не деюр:  
Бул жаҳонинг ул жаҳонга панд берур.<sup>208</sup>

Бул висол эрса, анув ҳижрон эмиш  
Тан сиҳат эрса, азоби жон эмиш.

3210 Бундан айрилмоқку оғир шунчалар,  
Ундан айрилмоқ қийиндир қачалар.

Ғам эмиш сувратдин айрилмоқ санго,  
Не бўлур сувратчидан бўлсанг жудо?

Бўйладир дунёга сабру рағбатинг,  
Ҳақдин айрилмоққа борму тоқатинг?

Шул қаро сув деб чопарсен бечидам,  
Чашмайи Ҳақ ҳажрига борму чидам?

Ичмагунча тинчимассен ҳеч қачон,  
Яхшилар ичкусин ичгайсен қачон?

3215 Бир нафас кўрсанг ўшал ҳусну вудуд,  
Ўтга отгайсен тамом жону вужуд.

Қурби Ҳақнинг карру фаррин бир замон,  
Кўрсанг, ул сувдин кечар эрдинг ҳамон.

Ёрга ет шаҳзода янглиг шўху шан,  
То оёгингдин чиқаргайсен тикан.

---

<sup>208</sup> Дунё ва охира - бир-бирига зид икки нарса, бирини рози қилсанг, бошқаси норози бўлур. (Ҳадис.)

Жаҳд қил, ўздин кечиб, ўзликни топ,  
Саъй эт, валлоҳу аълам бис-савоб.

Ўз-ўзинг қиммат баҳолаб юрмагил,  
Ҳар замон балчиққа ўзни урмагил.

3220 Ўйлаким, кўз иллатидин бу губор,  
Кўрмагай пасту баландни кўрвор.

Ҳидла Юсуф кўйлагин бир лаҳза, ҳай,  
Кўзларинг атри мунаввар айлагай.

Сирли суврат, нурли манглай эрди ул -  
Анбиёлар кўзига тўлдирди нур.

Ўтдин асрайдир ўшал рухсор нури,  
Тенг бўлолмас унга не миқдор нури.

Бўйла нурким, кўзни ҳолбин<sup>209</sup> этгуси,  
Жисму ақлу руҳни гургин<sup>209а</sup> этгуси.

Суврати нурдир, замири ўт ҳама,  
Нур тиларсен, унга кўнгил бойлама.

Кўзлари кўргувчи жонинг, майлига,  
Борсин истар жойга, қўйгил майлига.

Кимсалар борким, узоқларни кўрар,  
Тушда олисларни кўргандек магар.

Ухлагайсен сув бўйида ташналаб,  
Тушда қувгайсен саробни телбалаб.

Ул қочар, ўзни уриб саҳрога сен,  
Ошиқ эрмишсен ўшал рўёга сен.

<sup>209</sup> Ҳолбин - бир боқишда ҳолингни англовчи, кўрувчи.

<sup>209а</sup> Гургин - бу ерда тетик, бардам, маъносида.

- 3230 Лол этарсен неча дўсту ёрни,  
Ки манам кўрдим, дебон, асрорни.
- Бир тарафга сўнгра бошларсен шитоб,  
Кўрганинг лекин сув эрмасдир, сароб.
- Сен сароб қасдига қўйгайсен қадам,  
Дам-бадам сувдин йироқсен, дам-бадам.
- Шунчалар жавлон уриб ҳам, мазмуни,  
Сув сенинг ёнингда, кўрмассен уни.
- Кимсаким, бир ёққа боргаймен, демиш,  
Истаги лек шул азиз маскан эмиш.
- 3235 Кимсаким, уйқуда эрмиш, тийра ҳол,  
Лофи ҳам, рўёси ҳам эрмиш хаёл.
- Ухласанг, огоҳ йўлида ухлагил,  
Ҳақни деб, Оллоҳ йўлида ухлагил.
- Эҳтимолки бир йўловчи дуч келур,  
Ул сени уйқу, хаёлдин қутқарур.
- Ухлаганнинг фикри балки инжадир,  
Раҳнамосиз мушкулоти мунчадир.
- Учса ҳамки неча юксакларга то,  
Ул хато қилгай, хато қилгай, хато.
- 3240 Унга тўлқинлар урилгай лак-лак,  
Ул эса дашту биёбонда ҳалак.
- Ухлаганни ўртагай оташ шадид,  
Сув-ақраб минҳу ман ҳаблул варид.<sup>210</sup>

---

<sup>210</sup> Сув эса унга бош томирдан ҳам яқинроқдир.

**ҚАҶАТЧИЛИК ЮЗ БЕРИБ, ОЧЛИКДАН КЎПЛАБ  
ОДАМЛАР ҚИРИЛГАНДА, БИР ЗОҲИДНИНГ  
ШОДУ ХАНДОН ЮРГАНИ, ОДАМЛАР МОТАМ,  
АЗА АЙЁМИДА ХУРСАНДЧИЛИК ЯРАШМАЙДИ,  
ДЕЙИШГАНДА, МЕНГА БУНИНГ ДАХЛИ ЙЎҚ,  
ДЕБ ЖАВОБ БЕРГАНИ**

Улки очликдан ҳам гирён эди,  
Битта зоҳид ҳурраму хандон эди.

Дедиларким, не эрур бу қилмиши,  
Шул қаро айёмда кулгайму киши?

Бизга чун жабр этди қисмат, бағри тош,  
Ёндириб, ёқди экинларни қуёш.

3245 Боғу бўстон қовжираб, бўлди адам,  
Қатра нам йўқ ерда ҳам, осмонда ҳам.

Сувдан айрилган балиқдек сарбасар,  
Халқ ўлурлар ҳар куни излаб магар.

Ўзгаларга шафқатинг йўқми тақир?  
Аҳлу мўмин бир тану жондир ахир.

Етса ранж аъзога, бўлгай тан яро,  
Бўйладир сулҳу салоҳу жанг аро.

Деди дарвеш: сизга бул қаҳру қаҳат,  
Менга эрса жаннатул ризвон фақат.

3250 Менга шул дашту биёбон ҳамма ёқ -  
Бўйладирким, белга ургайдир бошоқ.

Мавж уриб елларда ҳарён жилвасоз,  
Раста-раста кўк, саримсоғу пиёз.

Сайр этармен, гоҳи, сийпармен атай,  
Термулиб, ҳуснига тўймасмен, нетай?

Фиръавн - тан дўстисиз, эй қавми дин,  
Ул сабабдин Нил кўрингай сизга хун.

Бўлсангиз Мусо-хирадга ошно,  
Қон эмас, сувлар кўпиргай Нил аро.

3255    Этса отангдин сенга заҳму кадар,  
Ул сенинг наздингда кўппакдир магар.

Кўппак эрмас, балки отанг, эй ўгил,  
Жавр этиб, кўппак кўрингай сенга ул.

Огалар кўнглига ин қўймишди кек,  
Ул сабаб Юсуф кўринди бўридек.

Этса тарк кўнглингни гар ранжу араз,  
Ота бўлгай отанг ул, кўппак эмас.

**БУТУН ОЛАМ АҚЛИ КУЛЛНИНГ СУВРАТИДИР,  
ҚИНФИР ЙЎЛ ТУТИБ, АҚЛИ КУЛЛГА ЖАВР  
ҚИЛСАНГ, ОЛАМ СЕНИ ҒАМЛАРГА СОЛГАЙ.  
БОШДА КЎЗИНГГА НУР, ЖОНИНГГА ХУЗУР  
БЎЛСА ҲАМ ЭНДИ УНГА БОҚМАЙСАН. ХУДДИ  
СЕНГА РАНЖУ ОЗОР ЕТКАЗГАН ОТАНГА  
ҚАЙРИЛИБ БОҚМАГАНИНГДЕК**

Қулли олам-Ақли Куллнинг суврати,  
Ақли оламнинг Отоси, қудрати.

3260    Ақли Куллга этса ким куффри зиён,  
Наздида олам кўрингай итсимон.

Қўй араз, отанга аччиқ қилма, ҳой,  
Зар кўрингай сенга шул тупроғу лой.

Тарк этур кўнглингни машҳар ул замон,  
Хуш кўрингай сенга еру осмон.

Мен отамга беараздирменки, бас,  
Шул жаҳон жаннат кўрингай ҳар нафас.

Ҳар замон бир янги суврат, бир жамол,  
Йўқ магар руҳимда чарчоғу малол.

3265 Шул жаҳон неъматли дастурхон менга,  
Қайга бормай, чашмалар жўшон менга.

Қайга бормай, шилдираб, сози етар,  
Нағмаси чулгаб мени, сармаст этар.

Новдалар рақс айлашур тоиб бўлиб,  
Сабза япроқлар анга мутриб бўлиб.

Тун аро чақнаб чақинлар тинмайин,  
Кўк менга ойина очса, найлайин.

Сўйлагаймен кўрганим мингдан бирин,  
Ҳар қулоқ дингдирки, овлайдир сиринг.

3270 Ваҳм дерким, ҳар сўзинг - бир муждадир,  
Ақл дерким, мужда не, нақдинадир.

**УЗАЙР АЛАЙҲИССАЛОМ ФАРЗАНДЛАРИ  
ҚИССАСИ. УЛАР ЎЗ ОТАЛАРИДАН, ОТАМНИ  
КЎРМАДИНГМИ, ДЕБ СЎРАШГАНИ. УЗАЙР,  
КЎРДИМ, ОРТИМДАН КЕЛЯПТИ, ДЕБ ЖАВОБ  
БЕРГАНИ. БИТТАСИ ХУШХАБАРДАН ХУРСАНД  
БЎЛИБ, ҚИЧҚИРГАНИ. БОШҚАСИ УНИ ТАНИБ,  
ХУШДАН АЖРАЛИБ, ХУШХАБАРИНГ НИМАСИ,  
ЎЗИ ХУШХАБАР АЙТИБ ТУРИБДИ-КУ, ДЕГАНИ**

Ул ўғилларким, Узайрни кўрдилар,  
Кўрмадингму Отамиз? Деб сўрдилар.

Чун ўғиллар кексаю ул навқирон,  
Йўлда дуч келди уларга ногаҳон.

Сўрдиларким, эй йўловчи, эй ҳасан,  
Отамиздин бир хабар бергаймисан?

Биз умидни ундан узмишдик бутун,  
Лек биров дедики, келгайдир бугун.

3275 Деди: ортимдан магар келмоқда ул.  
Шодланиб, қичқирди шунда бир ўғил.

Мужда келтирдинг, саломат бўл, деди,  
Бошқаси билди атосин, гангиди.

Деди: ҳой очгил кўзингни, сол назар,  
Мужда не эрмиш, насиб этди шакар.

Ваҳм учун - мужда, ақлга - нақд эрур,  
Ваҳм кўрмас, кўзи узра пардадир.

Муждадир мўминга, кофирга малол,  
Кўргувчи кўзларга лекин айни ҳол.

3280 Ошиқ ул сармаст ҳамиша ҳол билан,  
Ложарам ул куфру иймондин баланд.

Куфру иймон жондадир, янглишма дўст,  
Мағз эмиш ул, куфру иймон унга пўст.

Куфр агар сиртида эрмишдир қобиқ,  
Ичдадир иймонки, ул ҳам бир қобиқ.

Сиртида қобиқ магар оташ эрур,  
Мағзи жон қобиғи лекин хуш эрур.

Лекин андин мағзи жонинг яхшидир,  
Яхшидир, лаззат деганнинг нақшидир.

3285 Бу сухан поёнсиз эрмиш, ортга қайт,  
То Мусо денгизни ёрсин, келди пайт.



Мен авом ақлиги мослаб сўйладим,  
Неча бир сўз қолди, пинҳон айладим.

Тангайи ақлинг сочилмиш, эй сучук,  
Мен анга муҳрим, босгаймен нечук?

Бойланиб ақлинг кўнгил орзусига,  
Харжланибдир молу мулк қайғусига.

3290 Йигса ақлингни магар бир жойга ишқ,  
Яшнагайсан чун Самарқанду Димишқ.

Қолмасин ақлингда шубҳа, иштибоҳ,  
Муҳрини босгай ўшанда подшоҳ.

Етса гар мисқолга вазнинг, эй киром,  
Подшо сендин ясайдир тилла жом.

Шоҳнинг номи битилгайдир анга,  
Суврати, шакли чекилгайдир анга,

Маҳбубинг бўлгай магарким нону ноб,  
Ҳам чароғу ҳам гувоҳу ҳам шароб.

3295 Йиг ўзингни, чун жамоат яхшидир,  
Сўйлагум, ҳар неки борлиқ нақшидир.

Мақсадим - чин эътиқодли айламоқ,  
Ширк дема, ул Ҳаққу иймондин йироқ.

Жонни савдоларга солмишдир фалак,  
Чирпаниб ул, турфа савдодин ҳалак.

Сўзни қўйгил, энди хомушликка ўт,  
Яхшидир аҳмоққа этмоғинг сукут.

Бу жиҳатлар гарчи равшандир, аён,  
Маст бўлиб, гоҳида очгаймен даҳон.

- 3300 Бўйладир беихтиёр сўз келмаги,  
Эснамоқ ё акса ургандек гаҳи.

**“ҲАР КУНИ ЕТМИШ КАРРА АЛЛОҲДАН  
АЙБИМНИ ЁПИШНИ СЎРАЙМАН” ДЕГАН  
ҲАДИС ТАФСИРИ**

Худди Пайғамбарга ўхшаб, ҳар куни,  
Мен-да етмиш карра айтгум тавбани.

Синдирур тавбамни лекин мастлигим,  
Ўзни, айтар сўзни ҳам билмаслигим.

Кўҳна ҳикматларга тўлган тарих ул,  
Сирни билган кимсани сармаст қилур.

Ёздию асрорни, сўнг синди қалам,<sup>211</sup>  
Бўлди сирлар сочилиб, таблу алам.<sup>212</sup>

- 3305 Шарқираб ҳар ёнда раҳматлар оқар,  
Уйқу ичра сиз ва лекин беҳабар.

Тўни гар сувни симиргайдир шу тоб,  
Ўзи уйқу ичра қувгайдир сароб.

Унда сув бор, деб югургай телбадек,  
Ўз йўлига ўзи гов бўлгай ва лек.

Бир боқинг шул уйқули аҳволига,  
Эй ёронлар, вой, паришон ҳолига.

- 3310 Ташналик уйқуга ундарму, галат,  
Чанқаса, ухлар ва лекин беҳирад.

Ул хираддир, гар паноҳим Ҳақ, деса,  
Ул хирадмас, гар Аторуддин эса.

<sup>211</sup> Шу мазмундаги ҳадисга ишорат.

<sup>212</sup> Таблу алам - ноғора ва байроқ.

**ЖУЗВИЙ АҚЛ ФАҚАТ ҚАБРГАЧА, КЎРАР,  
УНДАН НАРЁФИГА АВЛИЁ ВА АНБИЁЛАРГА  
ЭРГАШАР**

Бу ақл кўргай магарким гўргача,  
Соҳиби кўнгил нигоҳи - сургача.

Бу ақл ундан нарига ўтмагай,  
Бу қадам асрор ерига етмагай.

Бу ақл бирлан қадамдин юз ўгир,  
Олами гайбни кўрувчи кўз қидир.

Улки устозу китоб шогирди ул,  
Енгидин Мусо каби сочгайму нур?

3315 Бу ақл бошингни айлантиргуси,  
Қўй уни, бир нури жонинг келгуси.

Қўй сухангўйликни, ул бефойдадир,  
Сен кутарсенким, эшитмоқ фойдадир.

Ўйла шаҳват деб магар таълимни ҳам,  
Йўлда ҳар шаҳват хаёли бир санам.

Фазли Ҳақ не, билса эрди ҳар фузул,  
Ҳақ магар шунча юбормасди Расул.

Ақли жузвий - кўкда чақновчи чақин,  
Чақнабон ул, Вахшга етгаймикин?

3320 Кўрсатарму йўл яшин нури магар,  
Йиғла, деб чақмоқ булутга амр этар.

Йиғламоқ - чундир ақлнинг шуъласи,  
Йўқлик ул, борлиққа эрмиш гиряси.

Чун гўдак ақлини жазб айлар тани,  
Ўрганолмайди ўзи бир нарсани.

Ақли беморни табибга бошлагай,  
Мен заифмен, деб кўзини ёшлагай.

Аҳли шайтон ҳам фалакка тирмашур,  
Сирра асрор деб қулоқни динг қилур.

3325 Баъзи сирларни билурлар, лек ҳамон,  
Ҳайдашиб, кўкдин қуварлар беомон.

Тез боргинким, ерга етмишдир Расул,  
Неки истарсиз, этар омода ул.

Муддао гар эрса дурри бебаҳо,  
Удхул ул-абёт мин абвобиҳо<sup>213</sup>

Ҳалқани ур-да, эшик олдида тур,  
Том оша юрмоққа йўқдир сизга йўл.

Сизга бу йўлларда - сарсонлик, холос,  
Аҳли хокийларгадир асрору роз.

3330 Гар хиёнатчи эмассиз, аҳли дод,  
Тез боринг олдигаким, етгай мурод.

Хокингизни гулга буркар бу далил,  
Гул ўсар йўлларда, ўтса Жабраил.

Жабраил пойида тупроқ бўл фақат,  
Яшнагин бир тоза япроқ бўл фақат.

Сабзайи жонбахшни узди сомири,  
Қўшди олтинларга, бўлди гавҳари.

---

<sup>213</sup> Уйларга эшиклардан киринг.

- Жонланиб, турди оёққа ул бузоқ,  
Маъради, душманга солди қалтироқ.
- 3335 Аҳли роз қошига келсанг, эй фалон,  
Ол бошингдин сен кулоҳингни ҳамон.
- Беркитур кўзу қулогингни кулоҳ,  
Гар кулоҳин кийса, лочин ҳам адо.
- Парда этгайлар кулоҳин кўзига,  
Кўнгли ногоҳ кетмагай деб жинсига.
- Жинсидин айрилса, бўлса шаҳга ёр,  
Бошидин ечгай кулоҳни шаҳриёр.
- Деву шайтонларни қувди, урди Ҳақ,  
Ақли жузвийни йироққа сурди Ҳақ.
- 3340 Деди: бош бўлмоққа даъво этмагил,  
Истеъдодинг бирла сен шогирди дил.
- Бор кўнгил мулкига, тургил анда сен,  
Шоҳи одил олдида бўл банда сен.
- Бандалик этсанг, у султонлик эрур,  
Инна хайру<sup>214</sup>, дема шайтонлик эрур.
- Сидқи одам бор, яна<sup>1</sup> кибри Билис,  
Айру эт, танла бирини, эй хабис.<sup>215</sup>
- Деди ул подшоҳки, тожу тахтлидир:  
Нафсини ким ерга урса, бахтлидир.
- 3345 Сарви тубо соясин топ, ухлагил,  
Тушмасин бошингга офтоб, ухлагил.

<sup>214</sup> Инна хайру - мен ундан хайрлиман.

<sup>215</sup> Хабис - паст, разил.

Нафс кўмилган ер ажиб маъво эмиш,  
Сояси жонларга оромгоҳ эмиш.

Кетма бундан, борма манманлик томон,  
Йўл йўқотгайсен, адашгайсен ҳамон.

**“ЭЙ МЎМИНЛАР, СИЗ АЛЛОҲ ВА УНИНГ  
ПАЙҒАМБАРИ ОЛДИДА ҚАДАМ БОСМАНГИЗ”  
ОЯТИНИНГ БАЁНИ<sup>216</sup>**

Чун Набий эмассен, уммат бўл,  
Гар султон эмассен, раият бўл.

Хомуш бўл, инқиёд измида бўл,  
Амри шайху устод измида бўл.<sup>217</sup>

Йўқ десанг гар, бўйла қобиллик била,  
Ҳеч бўлурсен лофи комиллик била.

3350 Бўлгай ул қобиллигинг ҳам бесамар,  
Айласанг устозга саркашлик агар.

Махсидўзликка қаноат айла сен,  
Йўқса, бир шумшук ямоқчи бўлгасен.

Кўҳнадўзлар борки, сабру ҳилм ила,  
Янгидўз бўлгай тафаккур, илм ила.

Бир умр ишлаб, кейин чексанг малол,  
Сўнг десанг охирда: кол-ақлу иқол.<sup>218</sup>

Файласуф ул кимсадек битганда кун,  
Ақлу идрокинг заифдир бус-бутун,

<sup>216</sup> Қуръони карим. Ҳужурот сураси, 1-оятдан иқтибос.

<sup>217</sup> Бу тўрт мисра Ҳақим Санойи қаламига мансуб деган тахмин бор, инқиёд -садоқат, вафодорлик.

<sup>218</sup> “Бугун ҳеч кимса қутилмади” сўзининг маъносини англа...  
Қуръони карим. Ҳуд сураси, 25-48 оятларга ишорат.

- 3355 Деб ўзи этмишди андоқ эътироф:  
Беҳуда сурдим неча йўлларга от.
- Не эранлар қўйини тарк айладим,  
Ўзни мен баҳри хаёлга бойладим.
- Баҳри руҳ ичра нажотинг ҳаммаси -  
Биргина шу кемадир, Нуҳ кемаси.
- Ул Расули Ҳақ буюрмиш эрди: мен,  
Олами уммонда ёлғиз кемамен.
- Ёки улдирким, халифам бўлгуси,  
Шул кўрар кўзим сифотин олгуси.
- 3360 Мен ўшал Нуҳ кемасимен баҳр аро,  
Кемадин юзни ўгирма, эй фато.
- Борма Каънондек ўшал тоғ бошига,  
“Ла-асимул явма”<sup>219</sup>нинг кел қошига.
- Кўзларинг тўсган ҳижобу пардадан,  
Кема сенга паст эмиш, фикринг баланд.
- Демаким, кеманг баландмас, паст эрур,  
Кўр аниким, фазли Ҳақ пайваст эрур.
- Этма фикринг тоғига ҳар дам назар,  
Урса тўлқин, бўлгуси зеру забар.
- 3365 Сенки Каънонсен, ишонмассен менга,  
Айласам юз бир насиҳатлар сенга.
- Етмагай Каънон қулоғига калом,  
Муҳри Ҳақ унга урилмишдир тамом.

<sup>219</sup> Ақл-оёққа боғланган арқон.

Не эмиш сўз, гар урилмиш муҳри Ҳақ?  
Не иложким, эрса ул ҳукми сабақ?

Эҳтимол Каънон эмасдирсен, дебон,  
Неча хуш сўзларни этгаймен баён.

Айла иқрор, оқибат бу сирни кўр,  
Сен боқиб аввала, ул охирни кўр.

3370 Сен-да охирни кўрарсен, кетмагил,  
Равшан, охирбин<sup>220</sup> кўзинг кўр этмагил.

Кимки охирбин эмиш, маъсудвор,  
Йўл юрар бўлса, қоқинмас бор-бор.

Йўлда туртинмай, десангчи, кўзи нур -  
Бир эраннинг хоки пойин кўзга сур.

Кўзга сургил хоки пойин ҳар замон,  
Беадабнингг бошига ур беомон.

Бўйла шогирдликда сенга баҳра бор,  
Игна эрсанг гар, бўлурсен зулфиқор.

3375 Бир эраннинг хоки пойин сурма қил,  
Кўзларинг ёқсин, мунаввар этсин ул.

Тевага янтоқ, тиканлардир емиш,  
Ул сабабдин кўзлари яшноқ эмиш.

---

<sup>220</sup> Охирбин - оқибатни кўргувчи.



**ҲАЧИР, ЙЎЛ ЮРАРКАН, МЕН НУКУЛ  
ҚОҶИНАМАН, СЕН ЭСА ҚОҶИНМАЙСАН,  
БУНИНГ САБАБИ НИМА, ДЕБ ТЕВАДАН  
СЎРАГАНИ, ТЕВАНИНГ УНГА ЖАВОБ БЕРГАНИ**

Тевага боқди хачир, бундоқ деди,  
Иккинси оғилди ҳамохур эди:

Дашту тузда кўчаву бозорда ҳам,  
Қоқиниб, мункиб кетармен дам-бадам.

Ҳар сафар довон ошиб, беихтиёр,  
Пастга тушгунча йиқилгум неча бор.

3380 Сен қоқинмайсен, ажаб, боис надир?  
Жони покинг бўйламу давлатлидир?

Юзтубан тушгаймену тупроқда чун,  
Айлагаймен тиззаму оғзимни хун.

Юк била бошимга келгайдир тўқим,  
Юкчидан сўнг неча калтаклар егум.

Ўйла, ул нодонки, ул ақли табоҳ,  
Тавбасин бузгай, магар этгай гуноҳ.

Сўнгра ул Иблиста бўлгай масхара,  
Тавба айлаб, аҳдида турмас сира.

3385 Йўл магар тошлоғу юк оғир, гарон,  
Бир чўлоқ отдек йиқилгай ҳар замон.

Тавбасин бузганда қолмас беулуш,  
Олами ғайбдин етар бошига мушт.

Тавба айлар ул яна бир карра, бас,  
Дев анга туф деб, яна бергай шикаст.

Гар заифдир, кибру даъвоси баланд,  
Наздида Ҳақ аҳли хору беписанд.

Теважон, мўминга ўхшайсен магар,  
Юз тубанлаб тушмогинг кам-кам бўлар.

3390 Не ажиб бир хислатинг бор, айт менга,  
Не сабабдин етмагай офат сенга.

Дедиким, толени бергайдир Худо,  
Ўртамизда бор тафовут мутлақо.

Сарбаланддирменки, кўргаймен баланд,  
Соғ-омонсан гар, эсанг юксакка банд.

Мен кўриб тоғ устидан тоғ остини,  
Илгагаймен ҳар баланду пастини.

Бўйла билгайдир магар садри амал,  
Не келур бошига то рўзи ажал.

3395 Бўлгуси нелар йигирма йил кейин,  
Ҳар нечук яхши-ёмон, айтар тайин.

Ўзимас ёлғиз, билур ул муттақий,  
Ҳоли магрибию ҳоли машриқий.

Кўзу кўнгли нур ила эрмиш чаман,  
Боиси - юрт севгиси, ҳуббул ватан.

Бўйлаким, Юсуф-да кўрмиш эрди хоб,  
Саждалар этмишди ою офтоб.

Кечди ўн йил, балки кўпроқ бир замон,  
Тушда ул кўрганлари бўлди аён.

3400 Лоф эмас, Янзар ба нуриллоҳ<sup>221</sup>, демиш,  
Нури раббонийга гардун не эмиш.

Кўзларингда нури Ҳақ йўқ эрса, ҳов,  
Ҳисси ҳайвонийга тутқунсен, гаров.

Сен кўрарсен ўз оёқ учингни то,  
Ки заифдирсен, заифдир пешво.

Йўлларинг кўргувчи пешводир магар,  
Не ёмондир, яхшидир, билгай ўшал.

Кўзларимнинг нури равшанроқ эрур,  
Ўзгалардин хилқатим порлоқ эрур.

3405 Бўйла фарзандманки, авлоди ҳалол,  
Йўқки ул насли зино, аҳли залол.

Сен зино маҳсулидирсен бегумон,  
Эгри учгай ўқ, ёмон эрса камон.

**ХАЧИР ТЕВАНИНГ СЎЗЛАРИНИ МАЪҚУЛЛАБ,  
УНИНГ УСТУНЛИГИНИ ЭЪТИРОФ АЙЛАГАНИ,  
СЎНГ ЁРДАМ СЎРАБ, УНГА ИҚТИДО ЭТГАНИ,  
ТЕВА ХАЧИРГА ЙЎЛ КЎРСАТИБ, ОТАЛАРЧА ВА  
ШОҲОНА МАДАДКОРЛИК ҚИЛГАНИ**

Дедиким, айтганларинг рост, теважон,  
Кўзлари ёшларга тўлди бир замон.

Бир нафас кўз ёши тўкди, сўнгра бот,  
Деди: эй арзандайи Раббул ибод!

Не бўлурди, менку бир бечора қул,  
Қуллимимни сен магар этсанг қабул?

---

<sup>221</sup> Янзар ба нуриллоҳ - Аллоҳ нури билан кўрар.

3410 Деди тева: бўлдинг иқрор рўйи рост,  
Барча офатдин магар топдинг халос.

Келдингу инсофга, даф бўлди бало,  
Душман эрдинг, энди чин дўсти вало.

Йўқ эмиш аслингда тубанлик, ҳасад,  
Асли тубанлар жуҳуд бўлгай фақат.

Гар ёмонлик эрса, ул вақтинчадир,  
Одамийларнинг таянчи тавбадир.

Ул гуноҳ Одамку айру айлади,  
Ўтмади фурсат, тазарру айлади.

3415 Аслида эрди гуноҳкор ул Билис,  
Тавбага йўл йўқди унга, чорасиз.

Ўзни тарк этдинг, ёмон феълингни-да,  
Ўт, азоблардин қутулдинг бир йўла.

Бир буюк давлатга қўл урдинг кушод,  
Бир аломат тахт сари юрдинг кушод.

Удхули ту фи ибоди<sup>222</sup> - топганинг,  
Удхули фи жаннати<sup>222а</sup> - бўлди сенинг.

Баски солиҳ бандаларким чўзди қўл,  
Топдинг ул жаннат сари пинҳона йўл.

3420 Ихдино, дединг сироти Мустақим,  
Тутди, жаннатга равон этди Раҳим.

Оташ эрдинг, нур бўлдинг, эй азиз,  
Ёўра эрдинг, сўнг узум бўлдинг, майиз.

---

<sup>222</sup> Бандаларим орасига кир. <sup>222а</sup> Жаннатга кир.

Юлдуз эрдинг кўкда, бўлдинг офтоб,  
Соғ бўл, валлоҳу аълам бис-савоб.

Эй Зиёвулҳақ Ҳусомиддин, қалам,  
Бир ҳовуз сутдир, асал қўшгил бу дам.

Тотли бўлсин, бўлмасин асло ками,  
Баҳри лаззатдин ширин бўлсин таъми.

Этса дарёга насиб баҳри Аласт,  
Мавж уриб ўйнайди дарё, айнимас.

Бағрига олса ўшал баҳри асал,  
Ошуби савдо анга этмас амал.

Кел, арслондек ўқир, эй шер Ҳақ,  
Етсин ул еттинчи осмонларга нақ.

Нонга тўйган жон буни не англасин?  
Не билур сичқон арслон наърасин?

Ёз бу ҳолинг, бер анга зар бирла зеб,  
Ёз асл гавҳарга, дарёдилга деб.

3430 Нил сувидир бу, азизу жонфизо,  
Сен уни қибтийга қон қил. Эй Худо!

**БИР ҚИБТИЙНИНГ БИР СИБТИЙГА, ЎЗИМГА  
ДЕБ НИЛДАН БИР КЎЗА СУВ ОЛ, ДЎСТЛИҚ,  
ҚАРДОШЛИҚ ҲАҚИ ЛАБЛАРИМГА ТУТ, ИЧАЙ.  
ЧУНКИ СИЗ НИЛДАН СУВ ОЛСАНГИЗ,  
КЎЗАНГИЗ ТЎЛА ЗИЛОЛ СУВ БЎЛУР, БИЗ  
ОЛАР БЎЛСАК, КЎЗАМИЗ ТЎЛА ҚОН БЎЛУР,  
ДЕБ ЁЛБОРГАНИ**

Бор ривоят: бўлди қибтий сув талаб,  
Келди ул сибтий уйига ташналаб.

Дедиким, дўсту биродармен сенга,  
Боқ, бўлибмен зору ҳожатманд сенга.

Айлади Мусо магар сеҳру фусун,  
Мавжи Нилни этди қибтийларга хун.

Ичса сибтийлар, суви дармон бўлур,  
Ичса қибтийлар, сув эрмас, қон бўлур.

3435 Ташналикдин баски қибтийлар ўлар,  
Балки бадбахт, балки олчоқдир улар.

Жом узат менга, ўзимга деб қуйиб,  
То ичай мен ҳам сувингдин бир тўйиб.

Жомни тўлдир-да, авайлаб қўлга ол,  
Қон эмас, сув бўлсин ул, софу зилол.

Мен қулингмен, сувга тўйдиргил, хўжам,  
Хўжаси бор эрса, қўлга сув не гам.

Деди: эй жону жаҳонимсен маним,  
Эй азизим, икки кўзи равшаним.

3440 Хизматинг айлаб, дилингни шод этай,  
Қул бўлай сенга, сени озод этай.

Жомни тўлдирди, кулиб, яшнаб кўзи,  
Босди лабни, ярмини ичди ўзи.

Сўнг узатди ташналаб қибтийга у,  
Ич, деди, сен ҳам, вале қон бўлди сув.

Чекди жомни, аслига қайтди зилол,  
Эрди қибтийда газаб, ранжу малол.

Кечди фурсат, қаҳрини этди тамом,  
Тилга кирди у, дедиким, эй киром.

3445 Эй биродар, чорасин ҳам айт даги,  
Дедиким, ичгай бу сувни муттақий.

Улки Фиръавни севмас, айрилур,  
Эргашур Мусога, мусовий бўлур.

Қавми Мусо бўл, симиргил сув шу тоб,  
Ой била сулҳ айла, кўргил моҳтоб.

Кўзларингда қаҳр ила зулмат эрур,  
Бандаларга унда минг офат эрур.

3450 Қўй қаҳрни, кўзни очгил, шод бўл,  
Дўстларингдин ибрат ол, устод бўл.

Мен - қулинг, деб чун этарсен эътироф,  
Ҳолбуки бўйнингда куфринг - Кўҳи Қоф.

Кўҳи Қоф ҳеч игнадин ўтгаймикин?  
Ул магар ип бўлса, ўтгай игнадин.

Тавба бирлан тоғни хас қил шайлагил,  
Жоми мағфурдин кейин нўш айлагил.

Ўйла, олгайсен нечук илкинга жом,  
Хақ уни кофирга этмишдир ҳаром.

3455 Холиқи тазвирга тазвир<sup>223</sup> айлама,  
Тазвирим бўлгай қабул, деб ўйлама.

Ол-и Мусо бўлки, ҳийланг бесамар,  
Бўйла ўткинчи шамолдин не самар?

Ҳадди борму, бўлмагунча амри Ҳу,  
Сув бўлурму ҳеч замон кофирга сув?

<sup>223</sup> Тазвир - макру-ҳийла.

Дермусен, ул еганинг нондир сенга?  
Заҳру мору қоҳиши жондир сенга.

Нон нетиб ул хизмати жон айлагай,  
Жон агар ул тарки жонон айлагай?

3460 Дермусен ёхуд, ўқиркан Маснавий,  
Англомур маъноси равшан кун каби.

Ё калому ҳикмати сирри ниҳон,  
Тўлдирарму зеҳну фикрингни ҳамон?

Барчаси сенга ажиб афсонадек,  
Пўст кўрингай, йўқки мағзи донадек.

Бир гўзалдирким, ниқоб остида ул,  
Ки чиройи кўзларингдин айрудир.

Шоҳнома ё Калила сен учун,  
Кам эмас, тафсири Қуръондир бугун.

3465 Очса кўзингни агарда Ҳаққу рост,  
Ошкор бўлгай сенга ҳаққу мажоз.

Ҳидни билмасларга ҳид ҳам сир эмиш,  
Гўнг ила атру уфоринг бир эмиш.

Бас, ўқиркан ул каломи Зулжалол,  
Муддао - кўнглингни тарк этсин малол.

Ҳар нечук васвосу гусса ўтини,  
Сўндириб, гамдин холос этгай сени.

Ўт ўчирмоққа арода ҳаммадан,  
Сув била сийдик баробар, дейди фан.

3470 Оташи васвосга сийдик, сув керак,  
Иккиси ҳам ўт ўчиргай уйқудак.



Лек агарда воқиф ўлсанг, сув надир,  
Ҳақ каломи, ул тиниқ инжу надир,

Йўқ бўлур ул ҳар нечук васвоси жон,  
Юз очур кўнгилда боғу бўстон.

Воқифи Ҳақ улки, иймон ичрадир,  
Ҳар нафас бир боғу бўстон ичрадир.

Ёки ўйлайсенки, рўйи авлиё,  
Бўйладирким, биз кўрармиз доимо?

3475 Қолди Пайгамбар таажжуб ичраким,  
Аҳли мўмин кўрмагайлар, деб, юзим.<sup>224</sup>

Кўрмагайлар нури ҳусни Румни халқ,  
Гар сабақ олмишди ул хуршиди шарқ.

Кўрсалар ул юзни, бу ҳайрат нечун?  
Келди фармон, бўлди элдин ёширин.

Ой юзинг ойга булут эрмиш, абр,  
Кўрмагай деб то уни кофир, габр.<sup>225</sup>

Сенга дон эрмиш ва лекин элга дом,  
Ичмагай то бу шаробдин хосу ом.

3480 Деди Яздон сенгаким, ҳум янзурун,  
Нақши ҳаммомдир улар, ло юбсирун.<sup>226</sup>

Лек сенинг наздингда, эй сувратпараст,  
Ул сўник кўзлар-ла кўргай шул нафас.

---

<sup>224</sup> Қурони карим. Аъроф сураси, 198-оятга ишорат.

<sup>225</sup> Габр - оташпараст.

<sup>226</sup> Тангри дедиким, улар сенга боқарлар, лекин ҳаммом деворига солинган сувратдек, сени кўрмаслар.. Қуръони карим. Аъроф сураси, 198-оятга ишорат.

Сен унинг олдида сақларсен адаб,  
Ўйлабон, бир эътибор этмас, ажаб.

Эътиборсиздир нечун бул нақши нек,  
Гар салом берсам анга, олмас алиқ.

Неча юз бор сажда қилдим, ўтмади,  
Боши ёки мўйлови қилт этмади.

3485 Ҳақ агарчи бош қимирлатмас сенга,  
Эътиборин айлагай пайваст сенга.

Завқу шавқ кўнглинда қўзгатгай чунон,  
Оқибат жунбушга тушгай ақлу жон.

Сен ақлга хизмат айла, ижтиҳод,  
Ул сенга йўл кўрсатур - роҳи рашод.

Ҳақ агар зоҳирда кўрсатмас ани,  
Лек улусга айлагай сарвар сени.

Ҳақ сенга бергай ажаб сирри ниҳон,  
Ер ўпар олдинда шул аҳли жаҳон

3490 Тошга Ҳақ лутф этди, дилбар бўлди ул,  
Элга ноёбу азиз зар бўлди ул.

Қатра сув ҳам топди ногоҳ лутфи Ҳақ,  
Бўлди гавҳар, берди тиллога сабақ.

Тан магар Ҳақ лутфи бирлан тўлгуси,  
Ул-да ой янглиғ жоҳонгир бўлгуси.

Боқ, бу тилсимдир, ўлик суврат магар,  
Неча нодонларни йўлдан оздирар.

Кўринур гўёки боққандек сенга,  
Ғўру аҳмоқлар ишонгайдир анга.

**ҚИБТИЙ СИБТИЙДАН ДУОЙИ ХАЙР ВА  
ХИДОЯТ СЎРАГАНИ, СИБТИЙ УНИ ДУОЙИ  
ХАЙР ЭТГАНИ, ДУОСИНИ ТАНГРИ ТАОЛО  
ИЖОБАТ АЙЛАГАНИ**

3495 Деди қибтий: сен дуо қил, эй азиз,  
Мен қаро дилмен, очолмасмен оғиз.

Эҳтимолки, қулфи кўнглим очилур,  
Яхшилар базмида менга жой бўлур.

Бир ёмон жон маҳбуби бўлса, не тонг?  
Бир Азозил қаррубий<sup>227</sup> бўлса, не тонг?

Ё қуруқ бир новда Марям меҳридан,  
Не ажабким, берса мева янгидан.

Тиз чўкиб сибтий ҳамон, этди сужуд:  
Эй Худойи олами жаҳру нуҳуфт!<sup>228</sup>

3500 Сенга қўл чўзгувчи ноқис бандадир,  
Ҳам дуолар, ҳам ижобат сендадир.

Ҳам ўзинг бергувчисен майли дуо,  
Қўллагувчи ҳам ўзингсен, Раббано.

Аввалу охир ўзингсен, биз - аён,  
Ўртада ҳечмиз, нечук айлай баён.

Бўйла сўйларкан, баногоҳ учди қуш,  
Қолди жим, тарк этди бир дам ақлу ҳуш.

Ҳушга келгач, ул яна этди дуо:  
Лайса лил-инсон илла мо саъо.<sup>229</sup>

<sup>227</sup> Қаррубийлар -Ҳаққа яқин бўлган малаклар.

<sup>228</sup> Олами жаҳру нуҳуфт - ошкор ва яширин оламлар.

<sup>229</sup> Инсон экканини ўради.

- 3505 Қилди ул хайри дуоларким, ёниқ,  
Учди қибтий кўксидин бир ҳайқирриқ.  
  
Ўйлаким, жонимга ўтлар қўйдилар,  
Битта шум иблисни мундоқ сўйдилар.  
  
Этмасин, дўстим, мени сендин жудо,  
Оқибатким, тутди илкимдин Худо.  
  
Кимиё бўлди сенинг суҳбатларинг,  
То абад кўнглимдадир даъватларинг.
- 3510 Сен беҳишт сарвида шохсан, тоза гул,  
Тутдим ул шохни, биҳишга элтди ул.  
  
Босди селларким, жаҳон бўлди унут,  
Сурди сел жонимни то дарёи жуд.  
  
Сел била кетдим йироқлаб ул қадар,  
Унда бир денгиз кўриб, йиғдим гуҳар.  
  
Тўлдириб сув тутди сибтий, деди, ич,  
Деди: кесдим бир йўла сувдин илинж.  
  
Менга шарбат тутди Аллоҳ уштуро,<sup>230</sup>  
То қиёмат сув демасмен мутлақо.
- 3515 Улки, наҳру чашмаларга сув тарар,  
Ташналаб кўнглимда очди чашмалар.  
  
Бул жигарким эрди сувсоқ, беқарор,  
Сув унинг олдида энди бўлди хор.  
  
Коф, кофий келди чун баҳри ибод,  
Ваъдаким ул - коф, ҳа йо, айн, сод.<sup>231</sup>

<sup>230</sup> Аллоҳ уштуро - Аллоҳ сотиб олди.

<sup>231</sup> Коф, ҳа, йо, айн, сод ваъдаси. «Бандаларга етар» иборасидаги коф, кофий ҳарфи ила майдонга чиқди.

Мен етармендер, берурмен жумла хайр,  
Бесабаб, бевосита, олгил бахайр.

Нон эмас, тўқликни бергумдир сенга,  
Бесипоҳ бекликни бергумдир сенга.

3530 Мен баҳорсиз ҳам сенга насрин берай,  
Мен китобсиз ҳам сенга талқин берай.

Мен етармен, дорусиз дармон этиб,  
Гўрму ул ё чоҳмидир, майдон этиб.

Мен Мусога бахш этай азму асо,  
Жумла оламга қилич урсин Мусо.

Мен берай Мусога андоқ нуру тоб,  
Ки хижолатдин қизарсин офтоб.

Қон оқизмасмен магарким Нилга мен,  
Амр этиб, тўлқинларин қон айларам.

3525 Шодлигинг гамларга қорғум, мисли Нил,  
Йўл тополмай, унда қолгайсен сабил.

Ўзни чин иймонга ургайсен яна,  
Фиръавндин юз ўгиргайсен яна.

Сен кўриб Мусойи раҳмат келганин,  
Нил яна оби зилолга тўлганин.

Кўз соларсен, сир ҳама кўнглингдадир,  
Нил каби дарёи завқинг ундадир.

3530 Йўқ гумоним, мен ишонгаймен, дедим,  
Қонли сувлардин ичишга шай эдим.

Не билурдим, Ҳақ табдил айлагай,  
Бўйлаким, кўнглим аро Нил айлагай.

Кўзларим ўнгида бир Нили равон,  
Ўзгаларга лек ўшалдирмен ҳамон.

Ҳақгўй кўрмишди дунёни Набий,  
Бизга олам унсизу тилсиз каби.

Унга шу олам - жаҳонни ишқу дод,  
Бошқаларга лек ўлик эрди, жамод.

3535 Кўзлари ўнгида дунё чирпирак,  
Нуқталар сўйларди ҳар тошу кесак.

Лек авом боққанда кўргай мурдани,  
Кўрмадим бундан ажиброқ пардани.

Бизга бир хилдек мозорлар доимо,  
Гулшану хандақ кўрурлар авлиё.

Сўрди халқ: Пайгамбари Ҳақ ҳар нафас  
Нега маъюс ўлтирар, шодон эмас?

Хос дедиким, маъюс эрмас заррача,  
Кўзингизга ул кўринмиш бўйлача.

3540 Сиз боқинг бизнинг назарлар бирла то,  
Кулгу кўргайсиз, ажиб бир дилрабо.

Терс кўрингай, боқма амруд<sup>232</sup> устидан,  
Ҳар не кўрмоқ истасанг, боқ остидин.

Нок эмиш борлиқ огочи, тутма кам,  
Устидан эски кўрингай янги ҳам.

Сенга юксакдан кўрингайдир чунон:  
Ҳар қадам гиж-гиж илон бирлан чаён.

---

<sup>232</sup> Амруд - нок, олмурут.

Пастга тушсанг, ҳамма ёқ жаннатнамо,  
Бир жаҳон гулруҳу хешу ақрабо.

**БИР ЁМОН ХОТИННИНГ ЭРИГА, АМРУД ОГОЧИ  
УСТИДАН БОҚИБ, КЎРГАНЛАРИНГ ХАЁЛДИР,  
АМРУД ОГОЧИ УСТИДАН ҲАМИША ШУНДОҚ  
КЎРИНАДИ, ПАСТГА ТУШСАНГ, ТЕСКАРИСИНИ  
КЎРАСАН, ДЕГАНИ. МАГАР БИРОВ, КИШИ ЎЗ  
КЎЗИ БИЛАН КЎРГАНИ НЕЧУК ХАЁЛ БЎЛСИН,  
ДЕСА УНГА ЖАВОБИМИЗ ШУ: БУ - БИР  
МИСОЛДИР. МИСОЛНИНГ ҲАМ ШУНЧАЛИК  
БЎЛГАНИ КИФОЯ. АМРУД ОГОЧИГА  
ЧИҚМАСАЙДИ, НА ХАЁЛНИ КЎРАРДИ У, НА  
ҲАҚИҚАТНИ**

3545   Бир хотин қасд этди: ётса бир йўла,  
Эри кўз ўнгида ўйнаши била.

Бўйлаким бир тенги йўқ маккор эди,  
Мен дарахтдин мева тергумдир, деди.

Сўнг огочга чиқди, кўзни ёшлади,  
Эр томонга боқди, йиглай бошлади.

Солди, фарёд: ҳой уятсиз, муттаҳам,  
Кимдир ул, устинга чиқмишдир бу дам?

Худди хотиндек ётарсен шу маҳал,  
Эрлиги битган, муханнассен<sup>233</sup> магар?

3550   Бошинг айланмиш, деди эр, урма дўқ,  
Бир ўзимдирмен, бўлак бир кимса йўқ.

Вой, деди хотин яна, дод солди ким,  
Сен билан ётган анув қалпоқли ким?

<sup>233</sup> Муханнас - хунаса.

Эр дедиким, пастга туш, хотин, ҳамон,  
Бошинг айланмиш, кўзинг тинмиш тамом.

Пастга тушди ул, дарахтга чиқди эр,  
Шунда хотин айлади номусни ер.

Тепадин қичқирди эр: эй фоҳиша,  
Ўйнаган устингда андоқ ким ўша?

3555 Деди хотин: бир хаёлдир кўрганинг,  
Бошинг айланмиш, кўзинг тинмиш сенинг.

Эр яна ул сўзни такрор айлади,  
Хотин эрса, бу-хаёл, деб сўйлади.

Кўзларингга кўрсатур амруд уни,  
Мен-да амруд устидин кўрдим шуни.

Пастга тушганда кўрарсен, йўқ ажаб,  
Бу - тахаюлдир, анга амруд сабаб.

Ҳар ҳазил остида зил бор, кулмагил,  
Сен уни ёлғиз ҳазил деб билмагил.

3560 Ким ҳазилкашдир, ҳазил эрмиш иши,  
Лек ҳазилни чин билур оқил киши.

Аҳли танбал излагай амруд неча,  
Неча йўл бор лек анув амрудгача.

Сен оғочдин туш-да, энди йўлга юр,  
Кўзларинг ҳоргин, юзинг ҳам тийрадур.

Кўрганинг шул-борлиғи аввал эмиш,  
Унга боққан кўзларинг аҳвал<sup>234</sup> эмиш.

---

<sup>234</sup> Аҳвал - гилай.



Шул оғочдин пастга чун тушдингми, ҳай,  
Кўз ва сўзингда ғилайлик бўлмагай.

3565 Сен кўрарсен, бахт оғочи бўлмиш ул,  
Шохлари етти самога тирмашур.

Пастга тушсанг, раҳматин айлар ато,  
Ул дарахтни бўйла юксалтмиш Худо.

Пастга тушган банда нелар кўргуси?  
Тангри унга ростбинлик<sup>235</sup> бергуси.

Ростбинлик бўлса эрди эл аро,  
Тангридин сўрмасди мунча Мустафо.<sup>236</sup>

Дедиким, пасту баландда бешу кам,  
Ҳар не бўлса, менга кўрсатгил, Эгам.

3570 Сўнгра боргил-да, ўшал амрудга чиқ,  
Амри “Кун” бирлан яшилланмиш тўлиқ.

Йўқ ажаб, Мусо дарахти бўлмиш ул,  
Топсанг ул Мусо ҳузурида қабул,

Сен кўрарсен, бағридин ўт гуркирар,  
Шохи, инни ана-аллоҳ<sup>237</sup>, деб турар.

Остида бор жумла ҳожатлар раво,  
Бўйла бўлгай келса Ҳақдин кимие.

Менлигу борлиқ сенга бўлгай ҳалол,  
Унда кўргайсен сифоти Зулжалол.

---

<sup>235</sup> Ростбинлик - тўғри кўришлик.

<sup>236</sup> “Оллоҳим, дунёни солиҳ бандаларинга қандоқ кўрсатсанг,  
менга ҳам шундоқ кўрсат (Ҳадис).

<sup>237</sup> Инни ана - Аллоҳ - Мен чиндан Оллоҳдирмен.

- 3575 Қийшиқ эрди ул дарахт, бўлди расо,  
Аслуҳу собит ва фаръу фис-само.<sup>238</sup>

### МУСО ҚИССАСИНИНГ ДАВОМИ

Келди Ҳақдин бир ваҳийким, тўғри йўл:  
Энди қинғирликни қўйгил, тўғри бўл.<sup>239</sup>

Одамийнинг чун асо эрмиш тани,  
Бўлди фармон: одамий, отгил ани.

Хайри бирлан шарри бўлгайдир тайин,  
Амри Ҳақ-ла қўлга олгайсен кейин.

Аввал ул оддий ёғоч эрди магар,  
Энди кўргайсен, латиф эрмиш, гўзал.

- 3580 Аввал ул япроқ тўкарди ер уза,  
Энди мардумларга бўлгай мўъжиза.

Фиръавн аҳлини сарсон этди ул,  
Ҳолини танг, сувларин қон этди ул.

Келди, чарх урди фалокат ел каби,  
Ёприлиб, босди чигиртка сел каби.

Баски ишнинг охири кўрди Мусо,  
Саждага бош қўйди, деди: эй Худо!

Ул жамоат ўнгламас ҳеч ўзни чун,  
Унда бул чекмоқ азиятлар нечун?

- 3585 Ҳақ дедиким, Нуҳга пайваст айлагил,  
Оқибат кўрмоқни ҳам бас айлагил.

<sup>238</sup> Илдиэлари ерда мустаҳкам, бутоқлари осмондадир... Қуръони карим. Иброҳим сураси, 24-оятга ишорат.

<sup>239</sup> Қуръони карим. Ҳуд сураси, 12-оятга ишорат.

Айла даъват чун тагофул ичра, бас,  
Амри балгдир бу, магар беҳудамас.<sup>240</sup>

Камтарин ҳикмат-шу ақлингдин нишон;  
Ўзгалар саркашлиги бўлгай аён.

Лутфи Ҳақ бўлгай аён, ҳам қаҳри Ҳақ,  
Фош бўлгайлар ҳама ул аҳли фарқ.

Чун вужуддан муддао изҳор эрур,  
Панд ила игвони ҳам кўрмоқ зарур.

3590 Эгри йўлларга магар дев йўллагай,  
Шайх сабот этгай, ҳидоят айлагай.

Бўйлаким тушди тугун узра тугун,  
Наҳри Нилда сув эмас, хун оқди, хун.

Келди Фиръавн Мусонинг қошига,  
Қадини букди, эгилди бошига.

Деди: эй султон, ёмонлик ўйлама,  
Бизку қилдик, сен ва лекин айлама.

Пора-пора айла, фармонингдамен,  
Иззатимни қил фақат, ёнингдамен.

3595 Лабларинг раҳматга очгил, эй амин,  
То бекилсин ул даҳони оташин.

Деди: ё Раб, менга ул этгай фириб,  
Менку бандангмен, менга нетгай фириб?

Тингласамму ёки этсам ҳийла-фан?  
Токи фарқ этсин аслни бачкидин.

---

<sup>240</sup>Мазмуни: сен ҳеч нарсадан беҳабардек даъватингда давом эт,  
“Буйруқни етказинг” амри бекорга берилмаган. Қуръони карим.  
Моида сураси, 67-оятга ишорат.

Макру ҳийла бизга аслин кўрсатур,  
Ерда ҳар не эрса, асли кўкдадур.

Ҳақ деди: ит ул, магар итдин ёмон,  
Сен ўша кўппакка ташла устухон.

3600 Сен асоингни қимирлат, то замин,  
Неки олмиш, қайтариб берсин тагин.

Бор чигиртка қоврилиб, бўлсин адо,  
Халқ кўриб, билсин - бу табдили Худо.

Бизда ҳожат йўқ сабабга, хулласи,  
Не сабаб эрмиш - ҳижобдир ҳаммаси.

Ул бири доруга ургайдир ўзин,  
Бул бири юлдузга тикмишдир кўзин.

Ул мунофиқ чопқиллаб ҳар бомдод,  
Ошиқар бозорга, бўлмай деб касод.

3605 Юзни ювмай, Ҳаққа бермай бир салом,  
Дўзахий бир луқма излайдир мудом.

Ўтлаган қўйларга ўхшар эл бари,  
Окилу маъкул<sup>241</sup> эмишдир жонлари.

Пода ўтларкан, кўриб, қассоб шод:  
Бизни деп ейди улар барги мурод.

Еб-ичишнинг охири - дўзах эмиш,  
Ўзни этгайсен жаҳаннамга эмиш.

Нон эмас, ҳикмат ейишни қил ният,  
Тангамас, кўнгилга бергил тарбият.

---

<sup>241</sup> Окилу маъкул - егувчи ва емиш бўлгучи.

3610 Ул таоминг бул таомингни тўсар,  
Жон - бозурган<sup>242</sup>, тан - қароқчи, йўлтўсар

Гар қароқчи ўтда ёнса, ул дами,  
Нур таратгайдир бозургоннинг шами.

Сен - ақл эрсанг, улар бори - тўсиқ,  
Ўзни сарбаст тутгилу ақлингни йиғ.

Ҳа не шаҳватдир - шароб ул, балки банг,  
Бир татиб, оқил-да бўлгайдир гаранг.

Дема, ёлғиз бода сармаст айлағай,  
Ҳар не шаҳвоний кўзингни бойлағай.

3615 Иблис эрди гар шароблардин йироқ,  
Маст эди кибру ҳаволардин бироқ.

Сархушу маст улки, кўрғай йўқни ул,  
Зар кўрингай унга тош бирлан темир.

Бул сухан поёнсиз эрмиш, эй Мусо,  
Оч лабинг, то гуркираб ўссин гиёҳ.

Лабларин очди Мусо, тупроқ ҳамон,  
Тўлди гулларга, бошоқларга тамом.

Барча очликка гирифтор эрдилар,  
Нозу неъмат устига ёприлдилар.

3620 Неча кун еб-ичдилар беинтиҳо,  
Бул атодин ҳам башар, ҳам чорво.

Еб-ичиб андоқ, қорин тўйғиздилар,  
Кетди очлик, боз йўлдин оздилар.

---

<sup>242</sup> Бозургон - савдогар.

Нафс - Фиръавннинг керакдир хўрлиги,  
Йўқса, тушгай ёдига кофирлиги.

Нафсни оташларда тобла, зарб уриб,  
Чун темирни ҳам урарлар, қиздириб.

Тан қимир этмайди гар тўқ бўлса ул,  
Ки совуқ эрканда тобланмас темир.

3625 Йиғласин, гар нола чексин зор-зор,  
Йўқ, мусулмон бўлмагай ул нобакор,

Фиръавнга ўхшар ул келса бало,  
Ёлвориб, Мусога этгай илтижо.

Лек қутилса, боз ушал лойга ботар,  
Юкдин айрилган эшак життак отар.

Эсламас ҳеч, кўнглини хуш айлагай,  
Ноласин буткул фаромуш айлагай.

Бир шаҳарда неча йил тургай киши,  
Уйқу ичра бир ажаб келгай туши.

3630 Тушда кўргаи ўзга алвон шаҳрини,  
Чун унутгай ўз қадрдон шаҳрини.

Қайда қолди, деб магарким гам емас,  
Бул шаҳарга мен нечук келдим, демас.

Ёт эмас, ўз она шаҳрим деб билар,  
Бўйлаким, шунда тугилгандек магар.

Не ажабким, жон-да гулшан шаҳрини,  
Маскани, яъни, тугилган шаҳрини.

Эсламас, чун уйқу дунёси тамом,  
Домига олмиш булутдек чулғабон.

3635 Хуллас, ул сайри шаҳарлар айламиш,  
Устидин чангу губорин силмамиш.

Этмамиш жаҳду жадал ҳам унча, то  
Покланиб, кўрсин не эрмиш можаро,

Сен кўнгилни покла, кўнглинг роз очиб,  
Аввалу охирни кўрсин кўз очиб.

### ОДАМНИНГ ИБТИДОДАН БОШЛАБ ЯРАТИЛИШ ҲОЛЛАРИ ВА МАНЗИЛЛАРИ

Маскан эрди аввал иқлими жамод,<sup>243</sup>  
Сўнгра маскан бўлди манзили набот.<sup>244</sup>

Ул наботот ичра топди қўру қурт,  
Бўйла ким, умри жамод бўлди унут.

3640 Тушди андин сўнгра ҳайвонотга йўл,  
Бас, набототни фаромуш этди ул.

Лек яшилликлар тасаввурдин ўтар,  
Майсалар, гуллар кўнгилни жазб этар.

Онасин қумсар гўдаклар ҳам, ажаб,  
Билмагай лекин не эрмишдир сабаб.

Муқтадони бўйла севгайдир мурид,  
Муқтадоким, ул жавонбахту мажид.

Ақли жузвий боши ақли Кулл эрур.  
Соя ўйнаркан, сабабчи гул эрур.

3645 Сояси ғойиб бўлиб, охирда у-  
Англагайдир не эмиш бу жустужў.<sup>245</sup>

<sup>243</sup> Жамод - ўлиқ жисмлар.

<sup>244</sup> Набот - ўсимлик.

<sup>245</sup> Жустужў - излаш, ахтариш.

Соя ўйнарму сира, эй некбахт,  
Елда гар тебранмаса дову дарахт?

Боз инсонликка тортар бор-бор,  
Одамийни Холиқи парвардигор.

Кечди илимларни, барно бўлди ул,  
Бир ажаб оқилу доно бўлди ул.

Эсламас аввалги эски ақлини,  
Ақли бор, лекин унитмишдир уни.

3650 Тарк этиб шул ақлини минг марталаб,  
Топса янги ақлу маъно, не ажаб.

Ухламишдир чун паришон эрта-кеч,  
Бул паришонликда ул қолгайми ҳеч?

Уйготурлар, ҳушга келгайдир яна,  
Ўз карахт ҳолига кулгайдир яна.

Ки нечун уйқуда чекдим шунча хун?  
Ул савоб ҳолим унутдим мен нечун?

Билмадим, андуҳу дарду эътилол<sup>246</sup> -  
Уйқу эрмишдир, фириб эрмиш, хаёл.

3655 Бул жаҳон аслида оғир уйқудир,  
Чин кўрингай ухлаган наздида ул.

Ногаҳон келгай вале субҳи ажал,  
Жонни зулматдин, балодин қутқарар.

Бир йўла андуҳу дарду қайғуси,  
Битганин кўрганда - қистар кулғуси.

---

<sup>246</sup> Эътилол - касаллик, хасталик.



Ҷар неким уйқуда кўрдинг, бирма-бир,  
Рўзи маҳшарда сенга пайдо бўлур.

Ҷар неким уйқуда қилдинг, эй фалон,  
Келса бедорлик, сенга бўлгай аён.

3660 Уйқуда қилдим, очилмасдир, дема,  
Унга бир таъбир топилмасдир, дема.

Эй ситамгар, сенки кулгайсен, уни  
Оҳу фарёд бил ўшал Таъбир куни.

Уйқу ичра оҳу фарёд урганинг -  
Уйғониб, охирда хандон кулганинг.

Эйки, тиш урдинг Юсуфга ташланиб,  
Бўри кўргайсен ўзингни, уйғониб.

Феълу хўйинг ҳар бири бўри бўлар,  
Парчалаб ташлар сени, қўймас улар.

3665 Ухламас қон, тинчимас қаҳру қасос,  
Демаким, ўлдимку, топгаймен халос.

Бул қасоским нақд эрмишдир, тайин,  
Ул қасос олдида эрмакдир, ўйин.

Бир ўйин деб айтди дунёни Худо,  
Қайда эрмиш ул жазову бул жазо.

Бул жазо - таскину жангу фитнадир,  
Ул ҳалокат олдида бу - хатнадир.

**ДУЗАХИЙЛАР ОЧИҚИБ, Ё РАББИЙ,  
РИЗҚИМИЗНИ ЗИЁДА ҚИЛ ВА ТЕЗРОҚ ЕТКАЗ,  
САВРУ БАРДОШИМИЗ ТУГАДИ, ДЕБ ЯЛИНИБ -  
ЁЛБОРИШГАНИ**

Бу сухан поёнсиз эрмиш, эй Мусо,  
Қўй, эшаклар ўтласинлар дашт аро.

3670 Ўт-алафлардин семирсинлар улар,  
Измимизда кўп очиққан бўрилар.

Бўрилар уввос солурлар бардавом,  
Ем қилурмиз шу эшакларни тамом.

Сен уларни кимёйи хуш даминг,  
Бирла чин одам қилишни истадинг.

Неча даъват айладинг, эҳсони нек,  
Боқмади қисмат эшакларга ва лек.

Кўрпайи неъматни ёпгил устига,  
Қўй, улар ботсин ҳамоно уйқуга.

3675 Бир куни уйқудин уйғонса улар,  
Шамъ сўнган, косагул кетган бўлар.

Солди ҳайратга сени тугёнлари,  
Шарбати ҳасратга қонгай жонлари.

Адлимиз майдонга ҳар гал чиқса то,  
Ҳар ёмон олгай муқаррар бир жазо.

Гарчи кўзларга кўринмас шоҳ ул,  
Ҳозир ул, ҳар нарсалин огоҳ ул.

Бўйладир ақлу хирад ҳам, эй гани,  
Сендадир ул, гарчи кўрмассен ани.

3680 Кўрмагайсен, гарчи сарвардир сенга,  
Ҳар юмуш, ҳар ишда раҳбардир сенга.

Бас ақл бирлан кечаркан ҳар даминг,  
Ҳолиқи ақлинг эмасму ҳамдаминг?

Юрмасанг ақлинг йўлига, найлагай,  
Ўртаниб, таъна, маломат айлагай.

Сен ақлдин беҳабарсен, эй фалон,  
Бул маломат андин эрмасму нишон?

Бўлмаса ақлинг магар, тутгаймиди,  
Бул маломатларни ул этгаймиди?

3685 Ғофил эрмиш нафсинг ақлингдин бугун,  
Ул сабабдин сенда савдойи жунун.

Кўрсатар ақлинг чу устурлоб сенга,  
Не яқин эрмиш ўшал офтоб сенга.

Сендадир ақлинг мудом, сен бирла, бас,  
Ўнгу сўлу олду ортингда эмас.

Бўйлаким бир ҳамдаминг бил шоҳни,  
Ақлу идрок билмагай ул роҳни.

Бармогинг ўйнар магар бармоғидин,  
Эрмас ул ўнг ёғи ё сўл ёғидин.

3690 Гар ўлим ё уйқу асноси кетар,  
Уйғониб, кўз очганинда ул етар.

Қайси йўллардин келур лутфи абад,  
Йўқса, не бармоқларингдин манфаат?

Сингадир олти тарафдин кўзга нур,  
Ўйлагил, ул қайси йўллардин келур?

Олами халқда эрур сўйу жиҳот,<sup>247</sup>  
Билмагай сўй олами амри сифот.

Олами амр этса сўйсиз, эй санам,  
Амр этувчи ортиқ эрмиш унданам.

3695 Бўйла эрмиш ақли алломул-баён,  
Ақлу жонлар дейди унга: ақлу жон.

Барча махлуқларда унга эҳтиёж,  
Бетааллуқдир ўзи, беэҳтиёж.

Васлу ҳижрон билмагай руҳи равон,  
Васлу ҳижронларни билгайдир гумон.

Раҳмано ахтар ўзингга, ўлмасин,  
Не эмишдир васлу ҳижрон, билмасин.

Излагил, гарчи йироқ эрмиш асл,  
Ғайратинг элтгай сени сўйи васл.

3700 Ул тарафга этмагай ақлу хирад,  
Васлу ҳижронларга боғлиқдир хирад.

Чун васият этди бизга Мустафо:  
Баҳс қилманг билгали зоти Худо.

Тангри зоти устида ҳар неки баҳс –  
Баҳсдирким, Тангрини кўрмоқ эмас.

---

<sup>247</sup>Сўйу жиҳот - тараф, томон.

Неча йўл бор Тангрига етгунча то,  
Неча юз минг парда тутмишдир Илоҳ.

Ҳар киши бир пардага етмишки, ул,  
Ҳақ деб ўйлар, Ҳақ эмасдир, ваҳмидир.

3705 Бул ваҳмдин этди Пайғамбар халос,  
Янглишиб, то этмагай беҳуда сўз.

Чунки бордир ваҳмида тарки адаб,  
Беадабни тенг қилур тупроққа Раб.

Сарнигун бўлгони шулким, юз тубан -  
Ётгани ҳолда дегайким, мен баланд.

Маст киши айру этолмас ҳеч қачон,  
Қайдадир ер, қайда эрмиш осмон.

Сиз боқиб Ҳақ қудратига, ўйлангиз,  
Ҳайрат ичра ўзни ҳам гум айлангиз.

3710 Санъати айлантираркан бошини,  
Кимса сўргайму унинг наққошини?

Жонидин ло аҳси деб айтур ҳамон,  
Чунки ҳеч мақтовга сирмас ул баён.

**ЗУЛҚАРНАЙННИНГ КЎҲИ ҚОҒА БОРГАНИ,  
ЭЙ КЎҲИ ҚОҒ, ТАНГРИ СИФАТИ БУЮКЛИГИ-  
НИ БИЗГА АНГЛАТ, ДЕГАНИ, КЎҲИ ҚОҒ,  
УНИНГ БУЮКЛИГИ ТАВСИҒА СИҒМАС,  
ТАВСИФИ ОЛДИДА ТУШУНЧАЛАР ЙЎҚ БЎЛУР-  
КЕТУР, ДЕГАНИ. ЗУЛҚАРНАЙН ХОТИРИНГДА  
БОР, АЙТИЛИШИ ОСОН БЎЛГАН БИРОР  
СИФАТИНИ СЎЙЛА, ДЕБ ЁЛБОРГАНИ**

Кўргали Зулқарнайн ул Кўҳи Қоф,  
Борди бир кун, тоғ эди шаффофу соф.

Теграсин чун давра тутмишди жаҳон,  
Во ажаб, деб қолди подшоҳи замон.

Тоғмидир, деди анув тоғлар магар,  
Баски, олдингда ўйинчоқдир улар?

3715 Деди: менга ўзга тоғлардир - томир,  
Мен каби тоғ борму андоқ беназир?

Ҳар шаҳарда илдизим бордир ниҳон,  
Менга боғлиқдир тугал мулки жаҳон.

Қайси юртга Тангри истар зилзила,  
Менга айтар, иш битиргай мен била.

Ўйнатурмен илдизимни шу замон,  
Зилзила бўлгай шаҳарда беомон.

Тинчигаимен лек, буюрса Ҳақ магар,  
Зоҳиран сокинману феълим ўшал.

3720 Худди малҳамдек ювош зоҳирда, бас,  
Ақлу ҳуш ҳам тинч, вале сўз тинчимас.

Ақли ноқиснинг бўлакча шарҳи бор,  
Зилзила боиси буг, дейди, бухор.

**БИР ЧУМОЛИ ҚОҒОЗ УСТИДА КЕТАРКАН,  
ҚАЛАМНИ КЎРДИ, УНИ МАҚТАМОҚҚА  
БОШЛАДИ. БОШҚАСИ, КЎЗИ ЎТКИРРОҒИ  
ҚАЛАМНИ ЭМАС, БАРМОҚЛАРНИ МАҚТА,  
ДЕДИ, ЧУНКИ ХУНАР БАРМОҚЛАРДАН КЕЛУР...  
КЎЗЛАРИ УНДАН ҲАМ ЎТКИРРОҚ ЧУМОЛИ  
ЭСА, МЕН ҚЎЛЛАРНИ МАҚТАЙМАН, ЧУНКИ  
БАРМОҚЛАР - ҚЎЛЛАРНИНГ ДАВОМИДИР,  
ДЕДИ ... ВА БУ ШУНДОҚ ДАВОМ ЭТДИ**

Бир чумоли кўрди қоғозу қалам,  
Ўзгаларга юзланиб деди шу дам:

Не қалам ул, ёзди, такрор айлади,  
Оқ қоғоз саҳнини гулзор айлади.

Бошқаси дедими, бармоқларга боқ,  
Бас, улардандир ҳунар ҳам иштиёқ.

3725 Ўртада лекин учинчи бор эди,  
Бу ҳунарлар барчаси - қўлда, деди.

Бўйла сўз кетди баланд, тиккосига,  
Етди гал бир олиму доносига.

Дедиким, сувратдин эрмас бул ҳунар,  
Ухлаганлар гофил эрмиш, беҳабар.

Суврат эрмиш ул либосу ул асо,  
Ақлу жонсиз не эмишлар, ҳеч вақо.

Беҳабар эрди, магар билмасди ул,  
Амри Ҳақсиз тош эрур ақлу кўнгил.

3730 Кесса Ҳақ лутфу иноятни агар,  
Оқилу доно-да нодонлик этар.

Кўҳи Қофким бўйла сўйлаб, сочди дур,  
Кўрдиким Зулқарнайн, тоғ сўйла юр.

Сўрди андин: эй буюк, эй роздон,  
Ҳақ сифотидин мента этгил баён.

Деди: қўйгил сўз кифоя этмагай,  
Неча бор эрса баёнинг, етмагай.

Бормикан андоқ қаламким, бахш этар,  
Ул хабарларни қоғозга нақш этар?

- 3735 Деди: эй доно, мурувват айлагил,  
Бир нақл Ҳақ Ҳайратидин сўйлагил.
- Деди: уч юз йил аролиқ дашт аро,  
Тоғ-тоғ қорларни ёғдирди Илоҳ.
- Ҳар тараф қор эрди андоқ беадад,  
Ҳар замон етгайди осмондин мадад.
- Бас чўкар эрди яна тоғ узра тоғ,  
Сингишиб қаъри заминга бесаноқ.
- Тоғ уза тоғлар тушар эрди нуқул,  
Кўк эмас, омбори Ҳақдин эрди ул.
- 3740 Гар мурувват этмасайди бўйла шоҳ,  
Бизни дўзах ўти айларди адо.
- Аҳли гофил - тоғ-тоғ қордир баса,  
Ёлмагай то аҳли оқил пардаси.
- Жаҳл қор ёғдирмасайди беҳисоб,  
Шавқ ўти бирлан ёнарди Кўҳи Қоф.
- Оташ ул қаҳри Худодин заррадир,  
Нобакорни қўрқитувга даррадир.
- Қаҳри Ҳақники кўрарсен, чун эрур,  
Лутфи лекин қаҳридин устун эрур.
- 3745 Боқ бу устунлик нечук, эй муҳтарам,  
Баски кўрдинг остину устунни ҳам.
- Кўрмасанг, ақлинг магарким паст эмиш,  
Ақли халқ - хирмони Ҳақдин хас эмиш.



Айб ўзингда, йўқки ул оёти дин,  
Ер қуши дин кўкига етгаймикин?

Қушга жавлонгоҳ эрур авжи ҳаво,  
Гар учирган шаҳват эрмишдир, ҳаво.

Қол баче ҳайрон, баҳона айла кам,  
Токи етсин лутфу раҳмат сенга ҳам.

3750 Фаҳми қосирлик қилиб дерсан: бали,  
Сенга жоизму такаллуф этгали?

Ўз сўзинг ўз гарданингга ургуси,  
Қаҳр келса, панжара ёпилгуси.

Бас, ҳамон ҳайрону вола бўл фақат,  
Олди-ортингдин етишсин лутфи Ҳақ.

Баски ҳайрат ичрасан, гарқи фано,  
Қол тили бирла дегайсен: Ихдино.<sup>248</sup>

Сўнгра бир титроққа тушгайсен, тамом,  
Мушкулинг осон бўлиб, олгай маром.

3755 Гарчи мункирларга бул мушкул эрур,  
Лекин ожизга Худонинг лутфи ул.

**ЖАБРОИЛ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ МУСТАФО  
АЛАҲИССАЛОМГА БОР ҚИЁФАСИ ИЛА  
КЎРИНГАНИ, ЕТТИ ЮЗ ҚАНОТИДАН БИРИ  
УФУҚНИ ТУТИБ, ҚУЁШНИ ТЎСГАНИ**

Мустафо дерди, келаркан Жабраил,  
Сувратингни менга кўрсат, эй халил.

---

<sup>248</sup> Ихдино - сен бизга тўғри йўлни кўрсат. Қурони карим. Фотиҳа сураси, 6-оятга ишорат.

Менга кўрсатгил ўзингни ошкор,  
То қиёфангни кўрай наззоравор.

Деди: тоқат этмагайсен, бу тайин,  
Ҳис заифдир, сенга бўлгайдир қийин.

Деди: кўрсат, то кўриб қўйсин жасад,  
Ҳис деган ул мунча нозик, бемадад.

3760 Одамийнинг ҳисси нозик, гулбичим,  
Ботини ичра вале ҳулқи азим.

Шул бадан тошу темирга ўхшаюр,  
Аслини олганда чақмоқтош эрур.

Тош, темирдан ўт чиқар, кўргил ани,  
Сўнг уларга ёғдирар ўз қаҳрини.

Ўт эрур таннинг сифоти, боқ нетар,  
Ул чиқар тандин ва танга қаҳр этар.

Бор яна тан ичра Иброҳим ўти,  
Олдида мағлуб шу дунёнинг ўти.

3765 Ул сабаб деди Расули зуфунун:  
Рамзи наҳну л-охирун ас-собиқун.<sup>249</sup>

Зоҳиран сандонда эрмишлар забун,  
Лек сифот ичра темирлардин фузун.

Одамий гар шу жаҳоннинг наслидир,  
Лек сифот ичра жаҳоннинг аслидир.

Зоҳири гар паншша заҳми бирла кўк,  
Ботинига жо бўлур ул етти кўк.

---

<sup>249</sup> Биз илгари ўтганларни сўнгисимиз.

Мустафоба сўнг кўринди Жаброил,  
Ҳайбати этгайди чун тоғларни кул.

3770 Бир қаноти тутди шарқу ғарбни то,  
Боқди чун ҳушсиз йиқилди Мустафо.

Кўрдиким, ғарқ бўлди кўрқув баҳрига.  
Олди Жаброил Набийни бағрига.

Ул ваҳим - бегоналарнинг қисмати,  
Бул муҳаббат эрса - дўстлар неъмат.

Шоҳлар тахт узра ўлтурса магар,  
Олдида ҳайбатли навкарлар турар.

Қўлларида найзаву шамширлари,  
Қўрқитиб, даҳшатга солгай шерлари.

3775 Ҳайқирурлар гоҳ уриб чавгонлар,  
Титрабон, киргай кавакка жонлар.

Бўйлаким, ҳар хосу ому роҳгузар,  
Фикрига етгай шаҳаншоҳдин хабар.

Халқ учундир бул намойиш, бул шукуҳ,  
Токи исён этмасинлар ул гуруҳ.

Барча камтарликка ўзни бойласин,  
Нафси худбин фитнани кам айласин.

Мулк осойишта, чунки шаҳриёр -  
Қаҳри бирлан унда соҳиб ихтиёр.

3780 Токи ўлгайлар бари нафсу ҳавас,  
Шоҳки қаҳр этса, яқин келгайму наҳс?

Подшо лекин тузаркан базми хос,  
Бўлмагай унда маҳобат ё қасос.

Шафқату меҳру мурувват базм аро,  
Турфа созлардин таралгайдир наво.

Жангда учгайдир қиличлардин жаранг,  
Базм аро янграр садо, овози чанг.

Гар ҳисоб девони халқу ом ила,  
Ул парирўлар базмда жом ила.

3785 Гар совутлар жанг аро майдонга мос,  
Гулҳарирлар базм аро султонга хос.

Бул сухан билмас ниҳоя, эй жавод,  
Бас, етар, валлоҳу аълам бир-рашод.

Ул ғариб ҳисдирки, Аҳмад кўксида,  
Ётмиш эрди ҳоки Ясриб остида.

Ул азимулхулқки, ул доим эди,  
Сидқ мақомида вале қоим эди.

Ўзгаришлар мулки-тан эрмиш магар,  
Руҳи боқий офтобдир, жилвагар.

3790 Билмагай тағйирни, чун шарқий эмас,  
Билмагай табдилни, чун ғарбий эмас.<sup>250</sup>

Офтоб бир заррадин мадҳушми ҳеч?  
Шам магар парвонадин беҳушми ҳеч?

Жисми Аҳмадга таалуқ эрди ул,  
Танга хос эрмиш тағайюр, эй ўғил.

Танга хос бўлгай бу янглиғ уйқу, дард,  
Жон эса бундоқ сифатдин поку фард.

---

<sup>250</sup> Ҷурони карим. Нуҳ сураси, 35-оятга ишорат.

Мен нечук сўйлай сифоти, васфи жон,  
Зилзила тушгай жаҳонга шул замон.

3795 Тулкисиким сакрабон, бундоқ эмиш,  
Шери жони бир нафас ухлоқ эмиш.

Жони бир зум уйқуга кетмишди, бас,  
Шери нар эрди, вале қўрқинч эмас.

Ўзни гоҳ уйқуга солгай шер чунон,  
Токи кўппаклар ишонсинлар, дебон.

Йўқса, шул оламда кимда ҳад эди,  
Бир заифдан кимса хас олгаймиди?

Тушди Аҳмад кафтига наззори хуш,  
Сўнгра ул кафт меҳридин дангизга жўш.

3800 Ой магар бир кафт эрмиш, нурпош,  
Кафт эмас эрса магар, бўлсин одош.

Аҳмад очсайди ўшал парри жамил,<sup>251</sup>  
То абад беҳуш бўларди Жабраил.

Кечди Аҳмад шунда Сидра<sup>252</sup> саҳнидин,  
Жабраилнинг ул мақоми ҳаддидин.

Дедиким, учгил-да эргашигил менга,  
Дедиким, ҳамроҳ бўлолмасмен сенга.

Деди такрор: кел бери, эй пардасўз,<sup>253</sup>  
Етмадим мен авжи манзилга ҳануз.

3805 Деди: боз учмоққа йўқ ҳаддим маним,  
Бир қанот урсам, куяр болу парим.

<sup>251</sup> Пирри жамил - гўзал қанот.

<sup>252</sup> Сидра - етгинчи фалакда ўсувчи дарахт.

<sup>253</sup> Пардасўз - пардаларни ёқувчи.

Ҳайрат узра ҳайрат ул аҳволига,  
Хослар ҳайрон эмиш хос ҳолига.

Жумла ҳайратлар ўйиндир бўйлача,  
Жон тикиб ўйнашга ул жонинг неча?

Жабраил, гар сен азизу муҳтарам,  
Шам эмасдирсен, вале парвона ҳам.

Ёнсаю, кел, деб чақирса шамъи жон,  
Куйгали парвона бормасму ҳамон?

3810 Бас, етар, ҳаддан зиёда бўлмасин,  
Қўй, арслонни қулонлар овласин.

Мешни маҳкам бойла, сўзни сочмагил,  
Беҳуда гапларга оғзинг очмагил.

Ерга кўнгил бойлаганлар наздида,  
Сўзларинг сафсатадирлар, беҳуда.

Ло тухолифҳум ҳабиби дориҳим,  
Ё гарибан нозиланфи дориҳим.

Аъти мошоъу ва роту варзиҳим,  
Ёзаъинтон сокинан фи арзиҳим.<sup>254</sup>

3815 Аҳли Рай, аҳли Мароға, ўйлангиз,  
Шоҳга етгунча мадуро айлангиз.<sup>255</sup>

Эй Мусо, ҳар дам Фиръавн олдида,  
Сўзларингни сўйла юмшоқлик била.<sup>256</sup>

<sup>254</sup> Эй дўст, баски, уйларга мусофир бўлиб қўндинг, уларнинг кўнгилларига қара, тескари гапирма. Истаганларини бер, рози қил, эй уларнинг манзилига қўниб, у жойни макон тутган дўст.

<sup>255</sup> Рай - Эрон шаҳри, Мароға - Озарбайжон шаҳри. Бу ерда, зидлашганлар бу дунёда мураса-мадора қилинг, дейилмоқчи.

<sup>256</sup> Қуръони карим. Ол-и Имрон сураси, 159-оятта ишорат.

Қайнаган ёғ узра сув қуйсанг ҳамон,  
Ҳам ўчоқ бўлгай харобу ҳам қозон.

Сўйла юмшоқ, сўйлама ғайри савоб,  
Васваса солма магар айлаб итоб.

Чун аср бўлди, суҳан кўтоҳ қил,  
Андин ўз асрингни ҳам огоҳ қил.

3820 Ул кесакхўрга, шакар ширин, дегил,  
Лек ширин сўз бирла кесак бермагил.

Нутқи жонга равзайи жонсан ўзинг,  
Тикмагил ҳарфу садоларга кўзинг.

Ул шакарзор ичра эшак бошиким,  
Неча бир жонларга солгайдир ваҳим.<sup>257</sup>

Кимса гар кўрса йироқдин, бўлди, бас  
Тисланиб, ортига кетгай, тўхтамас.

Суврату ҳарфларга парво қилмагил,  
Маъни боғи ичра эшшак боши ул.

3825 Эй Зиёулҳақ Ҳусомиддин, буюк,  
Ул эшакбошини сен полизга тик.

Аввал элтмишлар эди кушхонага,  
Энди хизмат айласин гулхонага.

Жон бағишлаш сендану суврат менинг,  
Йўқ, галат, ул ҳам сенинг, бул ҳам сенинг.

Кўк аро мақтовли офтобсен, ўгил,  
То абад ер узра ҳам маҳмуд бўл.

<sup>257</sup> Мазмуни: Шакар қамишлар ўсадиган ерда таёққа илиб, қўриқ чи қилиб қўйилган эшакнинг бош чаноғи жонларга қўрқув солади. Бу ерда ҳарфу сўз ана шу қўриқчига ўхшатишмоқда.

Зора ер аҳли арога келсалар,  
Кўк била ҳамқибла, дилдош бўлсалар.

- 3830 Тафриқа кетсин, ўшал ширку дави,  
Воҳид эрмиш ул вужуди маънавий.

Учрашиб жонинг-ла жоним кўк аро,  
Эслагайлар, ҳар не эрди можаро.

Ердаги Мусову Ҳорундек магар,  
Не ажаб, сутга асални қўшсалар.

Кимсаким, андак билиб, мункир эрур,  
Мункири чун пардаи сотир эрур.

Улки билгач, юз ўгирмиш, кўр ани,  
Сочди Ой ул ношукурга қаҳрини.

- 3835 Ул буюк жонни магарким хушламай,  
Сийқа жонлар этди саркашлик атай.

Ўқидинг, такрор ўқигил лам-якун,<sup>258</sup>  
Ўтпараст куфрини билмоғинг учун.

Нақши Аҳмад зоҳир ўлмай, неъматини -  
Ўтпарастлар бўйнида таъвиз<sup>259</sup> эди.

Бўйла бир кимса келур деб ҳар нафас  
Эрди кўнгиллар хаёли бирла маст.

Сажда айларди ҳама Раббул башар,  
Бизга ул сиймони кўрсат деб магар.

- 3840 Қайда Аҳмад номи айтилса чунун,  
Унда душманлар бўларди сарнигун.

---

<sup>258</sup> Қурони карим. Ихлос сураси, 3-оятга ишорат.

<sup>259</sup> Таъвиз - тумор.



Қайда қўрқинч жанг-жадал эрса, фақат,  
Аҳмади каррор<sup>260</sup> эди элга мадад.

Хасталик юз берса қайда беомон,  
Дору-Аҳмад ёди эрди бегумон.

Йўлларида суврати, расми эди,  
Дилларда таърифиди, васфи эди.

Сувратин қайдин билурди ҳар шағол,  
Билгани бир зарра эрди, чун хаёл.

3845 Суврати деворга тушса, аксидин,  
Тирқираб қонлар оқарди кўксидин.

Бўйлаким бахтларга тўлгай эрди ул,  
Икки юзликдан қутулгай эрди ул.

Чун сафо аҳлига айлаб аътибор,  
Ул мунофиқликдин этгай эрди ор.

Боқди кофирлар, шамолга учди бот -  
Ул ҳама таъзиму таърифиди видод.<sup>261</sup>

Қалбаки оташда бўлди юз қаро,  
Қалбаки қалбларга ҳеч топгайму роҳ?

3850 Қалбаки ургай нуқул лофи маҳак,  
Токи тушгай тоза кўнгилларга шак.

Домига тушгай магарким нокасе,  
Шубҳага боргай магар хору хасе.

Дерки, ул соф бўлмаса, қистармиди,  
Ўзига бир имтиҳон истармиди?

<sup>260</sup> Каррор - такрор-такрор ҳужум қилувчи.

<sup>261</sup> Видод - меҳру муҳаббат.

Ул маҳак истайди, аммо ончунон,  
Бўлмагай то элга аҳволи аён.

Ул маҳак тошким, аён этмас сифат,  
На маҳак эрмиш, на нури маърифат.

3855 Ойна асраб-аяб, ҳар қалтабон<sup>262</sup>.  
Айбини тутса агар элдин ниҳон,

Ойна эрмас, мунофиқ эрмиш ул,  
Ул тарафга боқма, андин юз ўгир.

*“Маснавийи маънавий” нинг  
тўртинчи китоби тугади.*

---

<sup>262</sup> Қалтабон - разил, нобакор.

## МУНДАРИЖА

Масъул муҳририр изоҳи .....	3
Насимиллоҳир Раҳмонир Раҳийм .....	4
Дабиси .....	6
Қоронулдан қўрқиб, боққа қочган ва у ерда севгилисини учратиб қувончини ичига сиздиролмай, қоровулни дуо қилган ошиқ ҳикоясининг охири. Шундоқ нарсалар борки, уларнинг кўз беришини истамайсиз, ҳолбуки сиз учун улар хайрлидир	9
Ҳар гул илтиз ойтаркан, бошданоқ золимларни, бағритошларни, шайқодчиларни дуо этувчи воиз ҳикояси .....	13
Пиронининг Исо алайҳиссаломдан, дунёда энг буюк қудрат нима, деб сўрагани.....	15
Ошиқ қалтис ҳаракат этаркан, маъшуқа уни силтаб бергани.....	16
Хотинини бегона эркак билан тутган сўфи ҳикояси .....	19
Хотинининг макр этиб, ўйнаши бошига чодра ёпгани, турли бижоналар тўқигани, зеро, дейилмишким, эй хотинлар, макрингил буюқдир .....	21
Хотин уларга мўл-жиҳоз эмас, ифбатли, номусли қиз керакмиш, дегани ва сўфининг бунга мужмал жавоб бергани.....	23
Олаҳ ҳамма шарғани кўриб, элтиб тургувчидир, дейишди мурод.....	24
Дунё гулжипиа ўхшар, тақво эса ҳаммомга .....	26
Теричининг атторлар растасидан ўтаётиб, мушку анбар ҳидидан беҳуш бўлиб йиқилгани .....	28
Биродари бемор теричини ахлат ҳиди билан яширинча муолажа этгани .....	30
Ошиқ ўз гуноҳи учун ёридан узр сўрагани .....	32
Маланиқа ошиқнинг узрини рад этиб, унинг ҳийласини юзига солгани .....	33
Бир жухуднинг Али каррамуллоҳу ваҳҳаҳуға, агар Аллоҳнинг мададиға ишонсанг, шу кўшкнинг тоmidан ўзингни ерга ташла, дегани. Амиралмуъминнинг унга жавоб бергани.....	36

Масжиди Ақсо ва харруб қиссаси. Довуд алайҳиссаломнинг Сулаймон алайҳиссаломдан олдин бу масжидни қурмоққа киришгани .....	39
“Мўминлар-биродар, олимлар - бир кишидирлар” ҳукмининг изоҳи. Довуд, Сулаймон ва ўзга пайгамбар алайҳиссаломлар бир кимсадирлар. Улардан бирини инкор этиш - барчасини инкор этишга баробар. Бир уйни бузсанг, мингта уй вайрон бўлиб, битта ҳам девор қолмагай. Чунки “Улардан ҳеч бирини ажратиб қўймагаймиз” деган ҳукм бор. Донога ишорат, дейдилар, бу эса ишоратдан ҳам ошиб тушди .....	41
Масжиди Ақсо қурилиши қиссасининг давоми .....	46
Усмон розиаллоҳу анҳунинг халифаликка ўтиргани ва «Амал ила насиҳат этмоқ сўз ила ўтиг бермоқдин афзалдир» баёнида хутба ўқигани қиссаси .....	48
Баъзи ҳукамо оламни кичик олам, яъни, олами сугро, дерлар, илоҳий ҳукамо эса одамни буюк олам, яъни олами кубро, дерлар. Ул ҳукамо илми одамнинг сувратига ишорат айлар, бул ҳукамо илми эса унинг сйратига, яъни ҳақиқатига.	51
“Умматим Нуҳ кemasига ўхшар, ул кемага кирганлар нажот топар, кирмаганлар гарқ бўлур” ҳадисининг тафсири .....	52
Билқиснинг Сабо шахридан Сулаймон алайҳиссаломга совға юборгани .....	54
Абдуллоҳ Мағрибий қуддуссалоҳу сирраҳунинг кароматлари ва нури .....	57
Сулаймон алайҳиссалом Билқиснинг элчилари ва ҳадяларини ортига қайтаргани. Билқисни иймонга чорлаб, қуёшга топинмасликка даъват этгани .....	59
Бир аттор тарозусининг тоши кесакдан эди. Кесакхўр бир харидор қанд олмоқчи бўлиб, у кесакни ўғирлаб еб қўйгани ҳикояси .....	60
Сулаймон алайҳиссалом элчиларнинг кўнглини кўтаргани, ҳадяларни қабул этмагани учун узр сўрагани ва бунинг сабабини баён этгани .....	62
Бир дарвеш тушида машойихларни кўриб, улардан ҳалол ва бемашаққат ризқ сўрагани, машойихлар уни тоққа бошлаб боришгани, уларнинг ҳиммати ила тоғдаги аччиқ ва нордон	

меинлар дарवेशга тоғли туёлгани .....	64
Дарвеш, мен шайхлар каромати боис ризқимни топдим, энди иқчимни ўтинчига берай, деб ният қилгани, ўтинчи дарवेश- нинг ниятини пайқаб, ундан ранжигани .....	65
Сулаймон алайҳиссалом Билқисни иймонга ундаб, элчилар- ни қистагани.....	68
Иброҳим Адҳам қаддасаллоҳу сирраҳунинг ҳижрати ва Ху- роқчи мулкини тарк этгани сабаби .....	68
Чанқайган бир кимсанинг дарахтга чиқиб, ёнғоқ қоққани ва ёнғоқларнинг жарликдаги сувга “чўли-чўли” тушганини эши- тиб, микли қилгани .....	70
Сулаймон алайҳиссалом Билқисга, ширкка берилма, пайсал- га солма, деб хабар йўллаб, таҳдид этгани .....	73
Сулаймон алайҳиссалом Билқисга, на ўзинг, на ҳуснинг, на мулкинг бобида бирор ниятим йўқ, тилагим - Ҳаққа иймон келтирсанг, бас, жон кўзинг очилиб, Аллоҳ нури ила кўриб, бунига ўзинг амин бўласан, дегани.....	76
Иброҳим Адҳам қаддасаллоҳу сирраҳу қиссасининг давоми.....	77
Сабо иҳди қиссасининг давоми. Сулаймон алайҳиссаломнинг Билқисга насиҳату ирпод этгани. Ҳар кимса ўз ҳоли, ҳадди- га кўра мушкулани осон айлар. Ҳар бир қуш ўз овози, ўз оқини билан оқланур .....	79
Билқиснинг подполикдан озод бўлгани, иймон шавқидан маст бўлиб, тахтдан ўзга ҳамма нарсадан бир йўла воз кечгани.....	80
Сулаймон алайҳиссаломнинг Билқис тахтини Сабодан келти- риш чорасини кўргани .....	84
Ҳалима Мустафо алайҳиссаломни сутдан айиргач, уни йўқо- тиб қўйгани, бутлардан мадад сўрагани, бутларнинг Муста- фо салласаллоҳу алайҳи вассалам иши азаматига шаҳодат бе- ришгани .....	85
Бир кекса арабнинг мадад истаб, Ҳалимани бутлар ҳузурига бошлагани.....	87
Ҳалима Муҳаммад алайҳиссаломни йўқотиб қўйганидан бо- ланинг бобоси Абдулмуталлиб хабар топгани, уни шаҳар ат-	

рофидан излагани, Каъбага бориб, Муҳаммад алайҳиссаломни тилаб, Ҳаққа ёлборгани .....	91
Абдулмуталлибнинг, Муҳаммад алайҳиссаломни қайдан топай, деб сўрагани, Каъбадан садо келиб, Абдулмуталлиб ундан дарак топгани .....	95
Билқиснинг раҳматга даъват этилгани қиссасининг давоми.....	96
Инсоннинг дунё ҳирсига тупшмаги, ўз жинсидан бўлмиш руҳонийлар давъатидан беҳабарлиги ва “Қани энди қавмим билса эди ...” хитобини эшитмаслигига мисол .....	96
Сулаймон алайҳиссалом Тангридан етган таълим, ваҳий ва ҳикматлар ила Масжиди Ақсо қургани, малоика, деу пари ва инсонларнинг бу ишда унга кўмаклашгани .....	102
Бир шоир қиссаси, шоирга подшонинг инъом-эҳсон бергани, Абул Хасан деган вазир у ҳадяни оширгани .....	106
Орадан неча йиллар кечиб, шоирнинг яна шоҳ эшигига келгани, шоҳ унга одатдагидек яна минг динор ҳадя этгани, Ҳасан отлиг янги вазир шоҳга, ҳаражатларимиз кўп, мен шу ҳадянинг ўндан бири ила уни хурсанд қила оламан, дегани .....	107
Подшони ёмон йўлларга бошлаган бу олчоқ вазирнинг Фиръавни инсонликдан чиқарган Ҳомонга ўхшашлиги .....	113
Девнинг Сулаймон алайҳиссалом мақомига ўлтиргани, Сулаймон қилган ишларга уннагани, ҳар иккиси орасидаги тафовутлар, дев ўзини Сулаймон ибн Довуд деб атагани .....	115
Масжиди Ақсо қурилиши битгач, Сулаймон алайҳиссалом ҳар куни бу ерга келиб, ибодат қилгани, бандаларга тўғри йўл кўрсатгани, масжид саҳнида ўт-ўланлар кўкаргани.....	117
Дунёда ҳали гўрковлик касби йўқ экан, Қобил қаргадан гўрковлик ҳунарини ўргангани .....	118
Боққа кириб, бошини тиззасига қўйиб хаёл, муруқабага берилган сўфи қиссаси. Дўстларининг, бошингни кўтар, гулшанга боқ, қушларни, чечакларни, Тангри таоло мўъжизаларини томоша қил, деганлари.....	123
Масжиди Ақсонинг бир бурчагида харруб ўсгани, Сулаймон	

алайҳиссалом у билан сўзлашиб, исми ва хосиятини билиб, қайтуга ботгани .....	124
Наслу насаби паст, тубан кишиларнинг илму ирфон, молу давлат эгаси бўлиши - хатарлидир, бу қароқчининг қўлига қилич тутқазिश ила баробар .....	130
“Ё айюҳал - муззамиил” оятининг тафсири .....	131
Жавоб бермаслик ҳам жавобдир ёки аҳмоқнинг жавоби - сукутдир. Қуйидаги қиссада бу баён этилмай .....	134
Мустафо саллаллоҳу алайҳивассалам буюрдирким, Тангри тило малакларни яратди, уларга ақл берди. Ҳайвонларни иртди, уларга шавҳат берди... Кимнинг ақли шаҳватидан устун бўлса, у малакдан устун, кимнинг шаҳвати ақлидан баланд бўлса, у ҳайвондан ҳам тубандир Ана шу ҳадис баёниди .....	135
“Аmmo дилларида мараз бўлган кимсаларни эса динсизликларига яна динсизлик қўшур ва улар кофир ҳолларида ўлурлар” ҳамда “Бу масал сабаб Аллоҳ кўпларни адаштиради ва кўпларни Ҳақ йўлга ҳидоят қилади” оятларининг тафсири.....	138
Ақлнинг нафси ила жанги Мажнуннинг нортуя ила олишувига ўқиниши, зеро Мажнуннинг майли Лайлида, нортуянинг майли мовиди эрмиши. Мажнун дейдики.....	139
Қулнинг, миссини эса, деб подпога шикоят ёзгани .....	141
Ёшига етма Урган фақиҳ қиссаси, биров унинг салласини олиб қочгани, фақиҳ унинг ортидан, ҳой, дасторни очиб қара, деб бақиргани .....	143
Дунёнинг дунё аҳлига ҳол тили ила насиҳат этгани, ундан вафо кутганларга вафосизлик айлагани .....	144
Орифдар ғизоси - Ҳақ нуридир... Амр этилмишким: “Мен Раббим ҳузурда меҳмон бўлурмен, у мени тўйдирар, сувга қондирар...” Яна буюрмишким: “Очлик Аллоҳнинг емишидир... Аллоҳ чиндан ҳам баданларни очилик билан тирилтирар...”.....	148
“Мусо кўнглида бир қўрқув туйди... Биз унга, қўрқма, дедик, сен улардан устунсен” оятнинг тафсири .....	151
Даъвогарга даъводан воз кеч, буйруққа бўйсун, деб амр этил-	

гани .....	153
Шоҳга шикоят ёзган қул қиссасининг давоми .....	155
Зўраки ҳамду шукроналар айтган, ичидан гам-андуҳ тутуни бурқисиган, увада ҳирқасидан сўзининг ёлғонлиги кўриниб турган маддоҳ ҳикояси .....	157
Илоҳий табиблар муриднинг ёки бошқа бировнинг юзидан, сўз оҳангидан, кўзининг рангидан унинг дин ва кўнгил ҳас-талигини билурлар. Ҳаттоки, кўрурлар, кўнгилларга йўл то-пиб, ул даргоҳларда нелар кечаётганини айтурлар - улар кўнгилларнинг жосусидирлар, бас, улар ила ростлик, чин-лик мақомида ўлтир .....	161
Абу Язид қаддасаллоҳуруҳаҳумо азизнинг Абулҳасан Ҳора-қоний тугилишидан неча йиллар аввал унинг не қиёфа, не сифатлар ила дунёга келишини айтиб бергани ва тарихчилар буни ёзиб қолдиргани .....	162
Пайғамбар алайҳиссаломнинг “Яман ёқдан думоғимга Раҳмон-нинг ҳиди уфурди” дегани .....	165
Сўфининг жону дилига келувчи Аллоҳ таомининг камайгани	167
Подшо мактубига жавоб бермагач, қулнинг жаҳлга мингани	169
Сулаймон алайҳиссаломнинг бир айби туфайли шамолнинг тескари эсгани .....	170
Абулҳасан розиаллоҳу анҳунинг Боязид башоратини эшитга-ни .....	172
Илк мактубга жавоб ололмаган қулнинг бошқа бир мактуб ёзгани .....	173
Бир кишининг бошқа бир кимсага маслаҳат солгани, у ким-са, мен сенинг душманингман, бошқа биров билан кенгаш, дегани .....	176
Пайғамбар алайҳиссалом бир жангга лашкар жўнатаркан, жанг кўрган тажрибали кишиларни эмас, ёш йигит Ҳузай-лийни лашкарбоши этиб тайинлагани .....	178
Пайғамбар алайҳиссалом ёш Ҳузайлийни амирлашкар тай-инларкан, бировнинг бунга эътироз этгани .....	181
Эътироз этувчига Мустафо алайҳиссаломнинг жавоб бергани	185



Абу Язид қодасаллоҳу сирраҳўл азизнинг “Субҳони мо аъзам шаъни” дегани, муридларнинг бунга эътироз этишгани, унинг муридларга тил билинмас, ҳол воситаси ила жавоб бергани.....	187
Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурида ул нодоннинг фасоҳати ва сергаплиги сабаби .....	192
Пайғамбар алайҳиссаломнинг иш кўрган кекса жангчилар турганда ёш Ҳузайлийни амирлашкар тайинлагани боисини баён этгани .....	192
Том оқил ила ярим оқил, том мард ила ярим мард аломатлари ҳамда ўз-ўзига мағрур нокаснинг нишонаси .....	195
Кўлда балиқ овлаганлар ва бири том оқил, бири ярим оқил ва бири ўзига мағрур аҳмоқ балиқлар қиссаси .....	196
Таҳорат олувчи кишининг таҳорат дуоларини ўқиш сирлари.....	197
Биров таҳоратдан сўнг артинишда ўқиладиган “Аллоҳим, мени тавба қилгувчи, покиза бандаларингдан қил” дуоси ўрнига “Аллоҳим, думогимга жаннат атрини уфур” дуосини ўқигани, бир азиз буни эшитиб, эътироз этгани .....	198
Гўрга тушган қўшнинг, ўтган ишга ачинма, фурсатни ганимат бил, умрини пушаймонликда кечирма, деб насиҳат этгани	200
Ярим оқил балиқнинг чора излаб, ўзини ўликка солгани.....	202
Аҳмоқ биллаги учраб, афсус-надоматлар чекиб, аҳд этаркан, ақлига ишқю йилмас. Ундайлар дунёга қайтарилсалар, яна куфр ишлар ила мапгул бўлурлар, улар чинданам ёлгончидирлар... Субҳи козибнинг вафоси бўлмас.....	204
Ваҳм ақлнинг рақибидир, ҳамиша ақлу идрок ила жанг айлар. Ваҳм ақлга ўхшар, аммо ақл бўлолмас. Ақл соҳиби Мусо алайҳиссаломнинг ваҳм соҳиби Фиръавн билан талашгани.....	205
Ул ҳақдаким, ободлик бузғунликда, йигин тарқоқликда, бутунлик синиқликда, борлик йўқликда ва бошқа зидликлар ҳам шу йўсиндадир.....	208
Инсоннинг ҳар туйғуси айру бир нарсани туяр, ўзга туйғулар ишидан хабари бўлмас. Бир уста санъаткор бошқа санъаткорлар санъатидан беҳабар бўлгани каби бу беҳабарлик у	

туйгуларнинг бўлмаганига далил бўлолмас. Бир туйгу бошқа туйгуларни инкор этгандек кўринса ҳам, аслида улардан бе-хабардир, демоқчимиз, холос.....	212
Бу дунёликлар у дунёликларга ҳужум айлаб, ғайб дунёси-нинг сарҳадига қадар етишгани, у дунёликлар пистирмада ўлтириб, буни пайқамай қолишгани, зеро розий юриш этма-са, кофир унинг устига бостириб келур.....	217
Ул ҳақдаким, одамнинг тупроқдан яралмиш тани-жавҳари асл бир темирга ўхшар, ул темирдан ойна ясаш мумкин ва ул ойнада дунё, жаннат, дўзах, қиёмат ва ҳоқозолар акс этур, ёлғиз хаёл тасаввурда эмас .....	219
Мусо алайҳиссалом Тангрининг ҳамма нарсадан хабардорли-гини Фиръавн билсин, ҳеч бўлмаса шу ҳақда бир уйлаб кўрсин, дея унинг кўрган тушларини сўйлагани.....	221
Тавба эшиги ҳамиша очиқлиги баёнида.....	222
Мусо алайҳиссалом Фиръавнга, мендан бир насиҳат тингла, эвазига тўрт фазилат ол, дегани .....	223
Мусо алайҳиссалом Фиръавн иймон келтирса, бунинг эвази-га тўрт фазилатга эга бўлажagini баён этгани .....	224
“Яширин бир хазина эдим, очилиб, ошкор бўлишни хуш кўрдим” сўзининг тафсири .....	226
Инсоннинг ўз ақлу заковатига мағрур бўлиб, ғайб асрори - пайгамбарлик илмини талаб этгани .....	228
«Инсонлар билан уларнинг ақллари даражасида сўзлашинг... Шундоқ сўзлашингки, Аллоҳни ва унинг Расулини ёлғончи-га чиқармасинлар” сўзининг тафсири .....	229
Пайгамбар алайҳиссалом, кимда-ким сафар оyi битгани ха-барини келтирса, унга жаннат муждасини бергум, дегани.....	230
Мусо алайҳиссаломга иймон келтирмоғи хусусида Фиръавн-нинг Осия ила кенгашигани.....	231
Подшонинг лочини ва кўр кампир қиссаси .....	233
Боласи тарнов бошига бориб қолган хотиннинг Али карамму-	

лоху важухудан мадад сўрагани .....	236
Фиръавнинг Мусо алайҳиссаломга иймон келтириш хусуси- да вазири Ҳомон билан кенгашигани .....	241
Алайҳиллаъна Ҳомон сўзининг қабоҳатини англашиш .....	242
Ҳомон сўзига кирган Фиръавндан Мусо алайҳиссаломнинг умид узгани.....	245
Араб амирлари Мустафо алайҳиссалом ҳузурига келиб, мам- лакатни биз билан бўлиш, деб талаб қилишгани, Мустафо алайҳиссалом уларга, мен амирликка маъмурмен, деб жавоб бергани, ўртада баҳс-мунозара бўлгани .....	246
Тангрининг қудратини билган кимса, жаннату жаҳаннам қайда, деб сўрамас .....	248
Илоҳиётни инкор этгани, олам қадим (азалий)дан мавжуд деган даҳрийга жавоб .....	250
“Биз осмонлар ва ерни, уларнинг ўртасидаги нарсаларни чи- накам қонун-қоида ила яратдик.” Яъни кўриниб тургучи нар- салар учунмас, балки сизга кўринмас маъно ва ҳикматлар учун яратдик, оятининг тафсири .....	254
Тангри Мусо алайҳиссаломга, эй Мусо, менким Холиқул та- оло, сени сенаман, деб ваҳий юборгани .....	258
Подшонинг бир надимга жаҳл қилгани, биров шафоат айлаб, унинг гуноҳини сўрагани, подшо кечиргани. Надим шафоат- чидан ринжигани .....	259
Жаброил алайҳиссаломнинг, бир ҳожатинг борми, деб сўра- гани, Иброҳим алайҳиссалом унга, ҳожатим бор, аммо сен- дан эмас, деб жавоб бергани .....	262
Мусо алайҳиссалом Тангридан, нега халқни яратдинг ва нега уни охирда қалок этарсен, деб савол сўрагани .....	264
Ҳайвоний жон, жузвий ақл, ваҳм ва хаёл айронга ўхшар, боқий руҳ эса ўша айрон ичра яширин сарғе эмиш.....	266
Шу маънода яна бир мисол .....	267
Ҳақиқий подшоликни кўриш насиб этган шаҳзода ҳикояси.	

“У кун инсон оға-инисидан ҳам, ота-онасидан ҳам қочар” ояти сирига ошно бўлмишди у. Ер юзининг подшолиги болаларнинг тупроқ ўйинига ўхшар. Бир бола тупроқ уюми устига чиқиб, бу қалъа - меники, дер, бошқалар унга ҳасад ила боқар... Зотан, тупроқ - болаларнинг эрмак, овуноғидир... Кунглини тупроқ ранглари жилвасидан уза олган шаҳзода дерким, бу - тубан тупроқдир, уни олтин, атлас, кимхоб, демасмен. Мен улардан қутулдим ва ўзга бир оламга юз тутдим... Дейилмишким: “У бола экан, биз унга ҳукм ва ҳикмат бердик, уни пайғамбар этдик”. Тангри иршоди учун йиллар карвонига ҳожат йўқ. Кунфая-кун қудрати олдида қобилиятдан сўз очилмас .....	271
Подшо насл-насабини сақлаб қолиш учун ўғлини уйлантиришга қарор қилгани .....	274
Подшо келинликка бир дарвеш қизини танлагани, ҳарам аҳли эътироз этиб, бундай қариндошчиликдан номус қилишгани.....	275
Подшонинг дуоси қабул бўлгани .....	278
Шаҳзода - Одам ўгли, Тангри халифасидир, отаси - Одами Сафиуллоҳ, малаклар сажда этган зот. Кобулий кампир - дунёдир, сеҳру жоду билан Одам боласини отасидан айирар. Анбиё ва авлиё эса - сеҳру жодуни синдирган ҳақимдир.....	280
Қаҳатчилик юз бериб, очликдан кўплаб одамлар қирилганда, бир зоҳиднинг шоду хандон юргани, одамлар мотам, аза айёмида хурсандчилик ярашмайди, дейишганда, менга бунинг дахли йўқ, деб жавоб бергани.....	285
Бутун олам Ақли Кулнинг сувратидир, қинғир йўл тутиб, Ақли Кулга жавр қилсанг, олам сени ғамларга солгай... Бошда кўзинга нур, жонинга ҳузур бўлса ҳам, энди унга боқмайсан. Худди сенга ранжу озор етказган отанга қайрилиб боқмаганингдек .....	286
Узайр алайҳиссалом фарзандлари қиссаси. Улар ўз оталаридан, отамни кўрмадингми, деб сўрашгани. Узайр, кўрдим, ортимдан келяпти, деб жавоб бергани. Битгаси хушхабардан хурсанд бўлиб қичқиргани. Бошқаси уни таниб, ҳушдан ажралиб, хушхабаринг нимаси, ўзи хушхабар айтиб турибдику, дегани.....	287
“Ҳар куни етмиш қарра Аллоҳдан айбимни ёпишни сўрайман” деган ҳадис тафсири .....	290

Жузвий ақл фақат қабргача кўрар, ундан нарёғига авлиё ва либиёларга эргашар .....	291
“Эй мўминлар, сиз Аллоҳ ва унинг пайгамбари олдида қадам бхсмангиз” оятининг баёни .....	294
Хачир, йўл юраркан, мен нуқул қоқинаман, сен эса қоқин-майсан, бунинг сабаби нима, деб тевадан сўрагани, теваинг унга жавоб бергани .....	297
Хлчир теваинг сўзларини маъқуллаб, унинг устунлигини элтироф айлагани, сўнг ёрдам сўраб, унга иқтидо этгани, тчча хачирга йўл кўрсатиб, оталарча ва шоҳона мададкорлик қилгани .....	299
Бир қибтийнинг бир сибтийга, ўзимга деб Нилдан бир кўза сув ол, дўстлик, қардошлик ҳақи лабларимга тут, ичай... Чунки сиз Нилдан сув олсангиз, кўзангиз тўла зилол сув бўлур, биз олар бўлсак, кўзамиз тўла қон бўлур, деб ёлборгани .....	301
Қибтий сибтийдан дуойи ҳайр ва ҳидоят сўрагани, сибтий уни дуойи ҳайр этгани, дуосини Тангри таоло ижобат айлагани .....	307
Бир ёмон хотиннинг эрига, амруд огочи устидан боқиб, кўрганларинг хаёлдир, амруд огочи устидан ҳамиша шундоқ кўрилади, нистга тушсанг, тескарисини кўрасан, дегани... Магар биров, киши ўз кўзи билан кўргани нечук хаёл бўлсин, деса, жавобимиз шу бу - бир мисолдир... Мисолнинг ҳам шунчалик бўлгани кифоя. Амруд огочига чиқмасайди, на хаёлни кўрарди у, на ҳақиқатни .....	311
Мусо қиссасининг давоми .....	314
Одамнинг ибтидодан бошлаб яратилиш ҳоллари ва манзиллари .....	319
Дўзахийлар очиқиб, ё раббий, ризқимизни зиёда қил ва тезроқ етказ, сабру бардошимиз тугади, деб ялиниб ёлборишгани .....	322
Зулқарнайннинг Кўҳи Қофга боргани, эй Кўҳи Қоф, Тангри сифати буюклигини бизга англаб, дегани. Кўҳи Қоф, унинг буюклиги тавсифга сигмас, тавсифи олдида тушунчалар йўқ бўлур-кетур, дегани. Зулқарнайн, хотирингда бор, айтили-	

ши осон бўлган бирор сифатини сўйла, деб ёлборгани .....	325
Бир чумоли қоғоз устида кетаркан, қаламни кўрди, уни мақтамоққа бошлади. Бошқаси, кўзи ўткирроғи қаламни эмас, бармоқларни мақта, деди, чунки ҳунар бармоқлардан келур... Кўзлари ундан ҳам ўткирроқ чумоли эса, мен қўлларни мақтамайман, чунки бармоқлар - қўлларнинг давомидир, деди... ва бу шундоқ давом этди .....	326
Жаброил алайҳиссаломнинг Мустафо алайҳиссаломга бор қиёфаси ила кўрингани, етти юз қанотидан бири уфқни тугтиб, қуёшни тўсгани .....	329

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**МАХПИРАТ НОМИДАГИ ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ**  
**ТАРИХИ ИНСТИТУТИ**  
**ЭРОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЎЗБЕКИСТОНДАГИ**  
**ЭЛЧИХОНАСИ МАДАНИЯТ ВАКОЛАТХОНАСИ**

**МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ**  
**МАСНАВИЙИ МАЪНАВИЙ**

**Тўртинчи китоб**

**Форсийдан Жамол Камол таржимаси**  
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар**  
**академияси «Фан» нашриёти.**

**Эрон Ислоом Республикаси**  
**«АЛ-ҲУДО» халқаро нашриёти**  
**Тошкент-2003-Техрон**

**Чоп этиш учун масъул: Ҳайдарбек Бобобеков**  
**Муҳаррир: Маъмура Содиқова**  
**Мусаҳҳиҳ: Нигора Холбоева**  
**Компьютер оператори: Зайнаб Комилбекова**

**Теринга берилди 2003. 5.09. Босишга рухсат этилди 2003.17.10.**  
**Қоғоз бичими 60 x 84 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Офсет қоғози. Шартли босма табоғи 12,5.**  
**Нашр босма табоғи 22,0. Адади 1000. Баҳоси келишилган нарҳда.**

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти.**  
**Тошкент. Я.Ғуломов кўчаси, 70.**

**Махпират номидаги Ўрта Осиё халқлари тарихи институти.**  
**Тошкент. 700114. Юнусобод 18-14-17.**  
**Тел.: 23-87-59.**

**Кибернетика институти босмахонасида чоп этилди.**  
**Буюртма № 109**

**Китоб Махпират номидаги Ўрта Осиё халқлари тарихи инсти-**  
**тутининг компьютер марказида тайёрланган оригинал макет**  
**асосида босилди.**